

Г.Н.Наврўзова

# НАҚШБАНДИЯ – КАМОЛОТ ЙЎЛИ

“Фан”

Баркамол инсоннинг тарбияси масаласига ёрдам берувчи таълимотлардан бири нақшбандиядир. Асарда нақшбандия таълимоти генезеси, Баҳоуддин Нақшбанднинг ирфоний таълимоти, тариқатнинг тадрижий ривожланиши, манбалар ва охириги тадқиқотлар таҳлили асосида ёритилган. Асарнинг охирида нақшбандия таълимотининг муҳим манбаи ҳисобланган “Рисолаи Ҳазрат Азизон” ва “Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жомий” илова этилган. Асар тадқиқотчилар ва кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор, М.Н.Болтаев

Тақризчилар: фалсафа фанлари номзоди, доцент, О.Т.Шарипова

тарих фанлари номзоди, доцент,  
Л.П.Муҳамеджонова

**ISBN 978-9943-09-273-0**

© **Ўзбекистон  
Республикаси  
ФА “Фан” наш-  
риёти, 2007 йил**

## КИРИШ

Тасаввуф – худони тан олсада, лекин унинг табиат тараққиётига даҳли йўқ деб билувчи диний-фалсафий таълимот ҳам эмас, илоҳий қувватни инкор этувчи даҳрийлик, динсизлик ҳам эмас. Бу таълимотда инсон вожиб-ал вужудда ҳаёт кечиради, ҳаракат қилади ва вожиб-ал вужуд унинг асли мабдаъи ва маодидир деб қаралади. Ҳолбуки, тасаввуфни дин уламолари жуда ҳур фикрлилиги учун танқид этган бўлсалар, файласуфлар уни диний таълимот деб кам ўрганганлар. Тасаввуфнинг ижобий ғоялари бой таълимотлардан бири - нақшбандиядир.

Нақшбандия Шарқда: Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Покистон, араб мамлакатлари, Туркия, Малайзия, Индонезияда, ҳозирги пайтда эса, қатор Европа мамлакатлари: Франция, Германия, Англия, Италия ва Америка қитъасида ёйилиб бораётган таълимотдир.

Нақшбандия таълимоти мавжуд бўлган жамоа маълум макон ва замонда ўз таъсирини қолдирган. Нақшбандлар жамоаси иктисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётга, маданият ва санъатга, архитектура ва ҳунармандчилик тараққиётига таъсир ўтказгани табиий. Лекин биз ўз тадқиқотимизда бу таълимотнинг инсон ва унинг камолотига оид фикрларига эътиборимизни қаратамиз.

Тасаввуф ва унинг тариқатлари, хусусан нақшбандия Фарб ва Шарқ тадқиқотчиларининг диққатини ўзига жалб этган. Тасаввуфни қуйидаги олимлар ўрганганлар: Аннемарие Шиммел, Е.Ф.Бертельс, Н.Зарринкуб, Иноятхан, Джавад Нурбахш, Идрис Шох, А.Д.Кныш, Н.Комилов, А.Муҳаммадхўжаев, Р.Н.Носиров, М.Орипов, Сажжодии Саъид Жаъфар, М.Т.Степаньянц, Дж.С.Тримингэм, Усмон Турар, Маҳмуд Зоҳид Кутку, М.Ҳазратқулов, Иброҳим Ҳақул, Салжук Эройдин, Карл Эрнест, Аҳмад ал Нақшбандий ал Холидий ва бошқалардир. Булар тасаввуфнинг асл моҳияти ҳақида фикр юритиб, нақшбандия таълимотига ҳам эътибор берганлар.

Нақшбандия таълимотини махсус ўрганган олимлар: Швецариялик шарқшунослар: Фритц Майер, Анке фон Кюгельген, Германиядан Юрген Паул, АҚШдан Девин Диуис, Жуан Гросс, Хишам Каббони, Туркиядан Тахсин Ёзувчи, Маҳмуд

Асъад Жўшон, Албаниядан Н.Алгар, Ҳиндистондан С.К.Гупта, Фанциядан М.Моле, Тъери Заргон, араб мамлакатларидан Абдурахмон Нақшбанди Покистони, Россиядан О.Ф.Акимускин, В.А.Гордлевский, А.А.Семёнов, Ситняковский, Тожикистондан А.Муҳаммадхўжаев, М.Ражабов, Ўзбекистондан Б.Бообожонов, М.Н.Болтаев, О.Бўриев, Б.Валихўжаев, А.Зоҳидий, Иззат Султон, Ильёс Бозор, Н.Йўлдошев, Султонмурод Олим, Садриддин Салим Бухорий, Р.А.Тиллабоев, И.Тожиев, Ориф Усмон, Хуррам Барака, Р.Шодиев, А.Қаюмов, А.Хайитметов, Хожи Исматулло Абдуллоҳ ва бошқалар бу соҳада изланишлар олиб борганлар.

Кўриниб турибдики, Шарқ ва Ғарб олимлари нақшбандияни ўрганиш учун анча ишлар қилганлар. Лекин бу тадқиқотчиларнинг кўпи шарқшунос, тарихчи, филолог бўлиб, булардан М.Степаньянц, М.Ражабов, Р.Шодиев, А.Муҳаммадхўжаев, М.О.Орипов ва М.Ҳазратқуловларнинг тадқиқотлари фалсафий йўналишдадир. Шунинг учун ҳам нақшбандия тасаввуфий таълимотининг фалсафа тарихидаги ўрнини аниқлаш ва унинг мазмунини тадқиқ этиш заруратдир. Файласуф олимлардан проф. О. Файзуллаев суҳравардия тариқати ҳақида маълумот берганлар. Файласуф олимлар И.Мўминов, М.Б. Баратов, Х.Алиқулов, М.Хайруллаев, И.Каримов, М.Қодиров, Б.Тўраевнинг ишларида бу масаланинг у ёки бу қирраси очилгандир. Ёш олимлар Н.Сафарова, О.Шарипова хожагон тариқатини тадқиқ этганлар. Суҳравардия, хожагон, яссавия ва кубравия тариқатларини тадқиқ этган олимлар ҳам нақшбандия таълимотини у ёки бу қирраси билан алоқадор масалаларни ечганлар.

Нақшбандияга оид тадқиқотлар Абу Мухсин Муҳаммад Боқирнинг «Мақомоти ҳазрати Хожа Нақшбанд», Жомийнинг «Нафаҳот ал-унс ва ҳазорот ал-қудс», ас-Сафийнинг «Рашаҳот айн ал ҳаёт», Аҳмад Сирхиндийнинг «Мактуботи Имом Раббоний», Алишер Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат мин шамойимул футувват» каби манбаларга асосланган. Биз бу манбалар билан бирга янги қуйидаги манбалар борлигини аниқладик: Хўжа Аҳрорнинг «Анфоси Нафиса», Салоҳиддин ибн Муборак Бухорийнинг «Анисут-толибин ва уддат ус-соликин», «Рисолаи ҳазрат Мавлави Жоми», Абдурахмон Нақшбанди Лахури Покистонининг «Шажараи таййиба», Муҳаммад

Порсонинг «Рисолаи қудсия», Жалол Хиравийнинг «Рисолаи дигар мансуб ба Соҳиб-зода», Аҳмад Сирҳиндийнинг «Панж латоифаи Нодираи муаззама», Аҳмад Ғурийнинг «Канзал-ибод фи шарх ал-аврод», Ирбилий шайх Муҳаммаднинг «Ал ижобатул раббония ли шарх ва манофеъ Вирди Нақшбанди Шайхул Акбарил Саййид Муҳаммад Баҳоуддин ал-Ҳусайни, ал-Ҳасани ал-Увайси ал-Бухорий Нақшбанд» ва Аҳмад ал-Нақшбанди Холидийнинг «Жамиъ ал-усул фи ал-авлия».

Биз бу қўлёзма ва тошбосма манбалар ҳамда тадқиқотчиларнинг асарларидаги ғояларни тарихийлик ва мантиқийлик асосида ўрганиб, қиёсий таҳлил услублари асосида тадқиқ этдик ва нақшбандия таълимотида инсон, унинг камолотига оид янги ғоялар илгари сурганлигини аниқладик.

Тасаввуф тариқатларидан бири саналган Баҳоуддин Нақшбанд номи билан машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318-1389) томонидан асосланган нақшбандия таълимотида инсон камолоти масаласи ўзига хос ва мос услуб ва йўллар билан ҳал этилган. Тасаввуфга хос бўлган инсон камолотга етишиш учун ўз-ўзини англаши ва ўзини, ўз нафсини билган Ҳақа ета олиши масаласи нақшбандия учун ҳам хосдир. Лекин инсон ўз-ўзини англаши, ўз моҳиятини билиши ва ҳаёт мазмунини фаҳмлаши учун бутун ўзидаги қувватларни сафарбар этиш ва бир нуқтага жамлаши лозим. Бу масалани ҳал этишда тасаввуфда қуйидаги икки усул қайд этилган:

1. Зунун Мисрий (796-861) маърифат йўлининг ҳол ва мақомларини ишлаб чиққан.

2. Ҳорис Муҳосибий (791-857) ўз нафсини кузатиш ва назорат қилиш (мувоқаб ва мусохаба) қоидаларини, "илм ал - қулуб ва -л хатарот" (қалб ва унинг маърифати йўлидаги хавф-хатарлардан сақланиш илми)ни асослаб берган.

Нақшбандия таълимотида инсон камолоти учун зарур ҳол ва мақомларга эмас, балки ўз нафсини кузатиш ва назорат қилишга эътибор берилади ва инсон бутун жисмоний, ақлий, нафсоний, руҳий қувватларини бир нуқтага тўплаш учун шу услубни маъқул ҳисоблаб, шунга доир усулларни тавсия этади.



Инсон камолоти учун тасаввуфда ихтиро этилган иккинчи ўз-ўзини идора этиш йўли асосан қалб тарбияси ва унинг ҳолати масаласига эътибор беради. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд ихтиро этган инсон руҳий камолотининг олий даражаси вуқуфи қалбий, яъни қалбнинг огоҳ бўлиши ва инсоннинг ҳам қалб ҳолатидан воқифлигини англатади. Бу даражага етиш учун нақшбандия таълимоти қуйидаги талабларга риоя этишни зарур деб ҳисоблайди:

1. Нафас олиш қувватини назорат этиш, ҳар бир нафасни идора этиб, уни эзгулик йўлига, ҳақ ризолиги учун сафарбар этиш. Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар:

"Огоҳ зи баҳр бош байнул нафасайн"<sup>1</sup>

Мазмуни:

Денгиздан (яъни олам моҳиятидан) нафасларинг орасидаги дамда ҳам огоҳ ва ҳушёр бўлгин. Яъни, сен нафасни огоҳлик билан олиб, огоҳлик ила чиқариш амалиётидан қониқмасдан, булар орасидаги дамни ҳам унумли ўтказгин. Инсон тўғри нафас олиш учун, биринчидан жисмоний қувватларни бошқаришни ўрганади. Нафас йўллари, ўпка қуввати тўғри ишласа, мия фаолияти яхшиланади, ақлий қувват ортиб, инсон уни ҳам бошқаради. Нафасни беҳудага кетказмаслик нафсоний қувватларни жиловларди ва инсон нафаси пок, қудсий бўлиб, Исо нафаси каби ҳаётбахш бўла боради. Бундай инсонни "дами,

<sup>1</sup> Сафий. Рашаҳот айн-ал ҳаёт. Т., 2005. - 20-бет.

нафаси ўткир", деб айта бошлайдилар. Баҳоуддин Нақшбанд шунинг учун таъкидлардики, "Гум зада бе ҳамдамии ҳуш дам".

Мазмуни:

"Ҳушсиз дамни умуман йўқ қилиш". Кўпгина манбаларда буни "Кам зада", яъни "Камайтириб" деб таржима этадилар. Али Сафийнинг "Рашаҳот" асарининг янги таржимасида ҳам шундай ёзилган. Лекин бу нақшбандия моҳиятига мос эмас, чунки нафаслар орасидаги дамни ҳам асрашга ўргатаётган таълимот, ҳушсиз дамни камайтир эмас, йўқот деб таъкидлаши аниқ.

2. Кўриш, назар қувватларини бошқариш. Баҳоуддин Нақшбанд бу маънода айтганлар:

Эй, монда зи баҳри илм дар соҳил айн,  
Дар баҳр фароғат асту, дар соҳил шайн,  
Бардор сафи назар зи мавжи кавнайн,  
Огоҳ зи баҳр бош байнул нафасайн.

Мазмуни:

Эй, илм денгизи соҳилида қараб турган киши,  
Денгизда фароғат бору, соҳилда ёмонлик.  
Сен назарлар сафини икки олам тўлқинларидан кўтаргин,  
Нафасларинг орасидаги дамда ҳам денгиздан огоҳ бўлгин.

Бу ерда денгиз - ботин олами, моҳият оламидир. Инсон бутун оламга мушоҳада назари билан, очиқ кўз билан қарайди. У ташқи, зоҳир оламга назар этади. Шеърда ботинга, моҳиятга қара, зоҳир, яъни соҳил бу ёмонликдир, шунинг учун сен назарлар сафини тўлқинлардан олиб, денгизга қаратгин деб таъкидланмоқда.

Кўз инсонга берилган энг олий неъматлардан бири. Бу мўъжиза туфайли инсон борлиқни кўради. Кўриш қуввати қалб ҳолатига бевосита боғланган. Гўзал нарса ва ҳодисаларга қараш қалбнинг ҳолатини яхшиласа, ифлос, хунук нарса ва ҳодисалар қуввати қалбни ўлдиради. Қалб соғломлиги ва поклиги кўзни қаерга ва кимга тушишига боғлиқ. Шунинг учун Баҳоуддин таъкидламоқдаки, "Назарларинг сафини икки олам тўлқинларидан олгин". Сароб, ўткинчи нарсаларга қараб кўз нуруни, кўриш қувватини зое этмаслик ва ботин назари билан қараган кишига ҳақиқий илоҳий илм насиб этади. У ўзини билиб, ҳақа этади. Кўз қувватини асраш, ножоиз кишига қарамаслик, но-

лойиқ жойга боқмаслик, қалб билан кўзни поклаб, қалб кўзининг очилишига имкон беради. Бундай инсонлар назари кимга ва қаерга тушса, у ерга хайру баракот, эзгулик неъматлари ёғилади. Шунинг учун бундай инсонларни "Назар карда", "Назари Хўжа Хизр каби" деган иборалар билан таърифлайдилар ва имкони борича бу одам кўзини болаларига тушишига, унинг назарига тушишига ҳаракат қиладилар.

3. Оёқ қувватларини бошқариш. Қадам қўйиш билан назар қилиш қувватларини эҳтиёт қилишни нақшбандия таълимотидаги "назар бар қадам" талаби акс эттиради. Қадамни ножоиз жойга қўймаслиги ва инсон ҳар бир қадамини мушоҳада қилиб қўйиши ва юриш қувватини эзгуликка томон сафарбар этиши лозим. Назар қадамни мунтазам кузатиши ва ҳар бир қадам ҳақа инсонни яқинлаштириши, илоҳий сифатларни олишига ёрдам бериши керак. Бу мазмунда шундай ёзилган:

Дур нагузашта назараш аз қадам.

Мазмуни:

Назарини қадамидан йироқ қилмай.

Демак, доим қадам қувватлари назарнинг назоратида бўлиши инсоннинг камолотига ёрдам беради.

4. Қалб ҳолатини назорат этиш. Бу ерда инсон ботинидаги қувватларни идора этиши назарда тутилади. Яъни қалбда ўрнашиб олган, уни ҳалокатга олиб борадиган, инсон ҳаёт мазмунини йўқотадиган кибр, ҳасад, ғазаб, нафрат, гина, қудурат каби иллатлардан покланиш ва ниятни поклаш даражасига етиш мумкинлиги таъкидланилади.

Баҳоуддин Нақшбанд бу маънода таъкидлаганлар:

Зи ғайрат хонаи дилро зи ғайрат кардаам холи,

Ки ғайратро намешояд дар ин хилват саро будан.

Мазмуни:

Ғайрат қилиб, ғайрдан (яъни иллатлардан) қалбни покладим, чунки иллатлар бу хилват маконига арзимайдилар. Кибр, ҳасад, гина, ғазаб қалбнинг қувватларини кана каби сўриб олиб, инсон қувватини ёмонликка йўналтирадилар, нафсининг қулига айлантирадилар. Қалб ва ботинни поклаш, инсонни эзгу



ниятли, эзгу сўз ва амалли бўлишига ёрдам беради. Яъни инсон илоҳий ахлоқ билан безанади.

5. Инсон ўз ҳаракати ва феълени бошқариши. Бу ерда қўл ҳаракати, гавдадаги бошқа узвлар ҳолатини идора этиш назарда тутилади. Биров билан муомалада тил ва қўлнинг ножўя ҳаракати ёмон оқибатларга олиб келади. Бировни уриш, зўравонлик йиғилган эзгу қувватларни йўқотади. Шунинг учун Нақшбандияда таъкидланади:

Доим ҳама вақт, дар ҳама жой, дар ҳама ҳол  
Медор нуҳуфта чашми дил жаноби ёр.


Мазмуни:

Доимо, ҳамма вақт, ҳар ерда, ҳар ҳолатда,  
Яширин қалб кўзинг ёрга томон бўлсин.

Демак: сен барча ҳолатда ўзингни ўзинг идора этиб, ҳақа мақбул амалларни бажаришинг лозим.

6. Барча қувватларингни холис хизматга равона этиш. Нақшбанднинг "Даст ба кору, дил ба ёр" шиорининг моҳияти бировга таъмасиз, холис, Оллоҳ ризолиги учун хизмат этиш, сизга берилган ақл-идрок, фаҳм-фаросат, илму-заковат ва касб-ҳунардан инсонлар баҳраманд бўлиши ва жамият аҳли фаровон яшаши йўлида хизмат қилишидир. Бу таълимотда "Бозгашт" деган талаб мавжуд бўлиб, ҳар бир қилинган амал ва ҳаракатдан қайтиш ва шу амални қайта назорат этиш ва агар таъма билан қилинган бўлса, "тавба" қилиш, агар пок ҳолда қилинган бўлса, "шукур" дейиш лозим деб таъкидланади. Бу амалиёт билан инсон ўз фаолиятини назорат этиб, поклаб боради.

7. Хотира қувватини бошқариш. Бу жуда мураккаб жараёнدير. Чунки хотирани бўйсундириш оғир. Лекин бу тариқатдаги "ёдкард" "нигоҳдошт", "ёддошт" деган амаллар аста - секинлик билан шайтоний, нафсоний хотирани йўқотиб, малаконий, раҳмоний хотирага айлантирадилар ва хотира қувватини ҳақ йўлига сафарбар этадилар. Булар барчаси қалб поклигига олиб келади.



Демак, Нақшбандия таълимоти инсон камолотига эришиш учун, аввало ўз жисмоний қувватларини: кўриш, эшитиш, нафас олиш, қўл ва оёқ қуввати, гапириш, ҳаракат қилишни бошқариб, уларнинг ҳукмдори бўлиши лозимлигини айтади. Кейин ақлий қувватни бошқариш ва ақл-заковатни эзгу йўлга сафарбар этиш имкони туғилади. Энг асосийси, жисмоний ва ақлий қувватларни бошқаришни ўрганиб, улар ёрдамида нафсини жиловлайди ва уни амморалиқдан сафия поклик даражасигача тарбиялайди. Энг охирида буларнинг барчаси инсонга ўз руҳий қувватларини бошқаришга ёрдам беради. Албатта, бу жараён бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бири иккинчисини тақозо этади ва бир-бирига ёрдам беради. Чунки инсон яхлит тизимдир.

Нақшбандия таълимотининг аҳамияти:

- Узоқ муддат қарамлик, эркисизлик, бировнинг амрига итоат қилиб яшаган халқимизнинг мустақил Республикада ҳақиқий ҳур, эркин бўлиши, ботинан бой, ўз-ўзини бошқара оладиган инсон бўлишига, бу таълимотнинг бунёдкор ғоялари ёрдам беради.
- Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги қийинчиликлардан ўтиб, ўз-ўзини руҳан бошқара олиш услубларини бу йўл тажрибасида олиш мумкин.
- Таълимотдаги борлиққа муҳаббат, вақтни асраш, холис меҳнат қилиш, кишиларнинг оғирини енгиллатиш,

бағрикенглик каби ғоялардан ёшларга тарбия бериш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуфий, диний-фалсафий таълимотнинг давомчиси сифатида ўзига хос ноёб, нодир, ҳозирги даврда ҳам фойдаланиш мумкин бўлган баркамол инсонни тарбиялашнинг услубларини топган.

У инсон борлиғини илоҳиёт, жамият, меҳнат билан боғлаб, мукаммал ҳаракатда бўлиши йўлларини ихтиро этган.

Бу таълимотнинг асосий ғояси – инсон ўз-ўзини англаши орқали Ҳақни англайди ва ўз-ўзини идора этиб, камолотга ета олади.

# 1. НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ ГЕНЕЗИСИ

## 1.1. БУДДА ВА НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ (қиёсий таҳлил)

Жаҳон динларидан бири буддизмни асослаган Будда номи билан машҳур Сиддхартха Гаутама ва исломдаги тасаввуфнинг нақшбандия таълимотларида умумий ва хусусий томонлари мавжуд. Буддизм таълимоти, Худо-халлоқнинг мавжудлигини ва ведалар динини инкор этиши, унда роҳиблик мавжудлиги, қайта туғилиш ғояси билан исломдаги тасаввуфнинг нақшбандия тариқатидан фарқ қилсада, лекин уларнинг умумий томонлари ҳам мавжуд.

Милоддан олдинги 556 йилда Шимолий Бенгалияда туғилиб 475 - йилда вафот этган "зиёланган", "олий ҳақиқатга эришган" ном билан юритилган Будда ва нақшбандия таълимотида унинг қуйидаги умумийликларини кузатиш мумкин.

I. Будда ўз таълимотининг асосий қоидаларини "тўрт олий ҳақиқат" шаклида баён этган.

1. Азоб-уқубатлар мавжуд, яъни турмуш азоб-уқубатлардан иборат;

2. Азоб-уқубатларнинг сабаби бўлган истак нафс мавжуд;

3. Азоб-уқубатларнинг тугаши, яъни нирвана мавжуд: Азоб-уқубатлардан халос бўлиш учун кишилар ўзларининг истак, орзу ва нафсларини жиловлаб олишлари керак;

4. Қийноқлардан қутулиш йўли мавжуддир.

Нақшбандия таълимотида ҳам инсон руҳий камолоти учун 4 босқич: 1. Шариат. 2. Тариқат. 3. Маърифат. 4. Ҳақиқатни босиб ўтиши лозим деганлар ва асосан инсон ўз нафсини таниши ва бошқаришини ўргатганлар.

II. Буддизм инсон қийноқлардан қутулиши учун қуйидаги нарсага амал қилиши керак дейди: 1.Медитация. 2. Ахлоқ. 3. Донолик.

Буддизмда медитациянинг қуйидаги 8 та олижаноб йўли бор:

1. Тўғри тушуниш, тўғри маслак, тўғри нуқтаи назар;

2. Тўғри ният қилиш;

3. Тўғри ўзини тутиш;
4. Тўғри сўз;
5. Тўғри ҳаракат қилиш. Яшашнинг тўғри даромад манбаига эга бўлиш;
6. Тўғри муомалада бўлиш;
7. Тўғри хотира;
8. Тўғри фикр юритиш.

Нақшбандия таълимотида **медитация** ҳолати **зикр** амалиёти сифатида амалга ошади. Унда ҳам Ҳақа етиш, ҳақиқатга эришиш учун ўн битта рашҳага амал қилиш талаб этилади. Унинг саккизтаси Будданинг ғоялари билан уйғундир: 1. Ҳуш дар дам. 2. Назар бар қадам. 3. Сафар дар ватан. 4. Хилват дар анжуман. 5. Ёд кард. 6. Бозгашт 7. Ниғаҳдошт. 8. Ёддошт. Бу 8 рашҳа буддавийликдаги юқорида зикр этилган йўллар билан мос келади. “Ҳуш дар дам”ни тўғри ният десак, “назар бар қадам”ни тўғри нуқтаи назар, маслак дейиш мумкин. “Сафар дар ватан” тўғри ўз-ўзини тутиш бўлса, “хилват дар анжуман” тўғри ҳаракат қилиб, ҳалол даромад манбаига эга бўлишдир. “Ёдкард” тўғри муомалада бўлишдир. “Ниғаҳдошт” хотирани тўғри сақлаш десак, “ёддошт” тўғри фикр юритишдир. Кўриниб турибдики, икки йўлда ҳам инсон ўз-ўзини бошқариши, назорат этиши муҳим ҳисобланади.

**III.** Буддавийлик таълимотига кўра олам уч босқичли. Унинг биринчиси - энг юқориси **нирванадар**. Нирвана - мутлақ осойишталик ҳукм сурган оламдир. У ерда инсон барча турмуш ташвишларидан халос бўлади. Буддавийлардаги нирвана ҳолати нақшбандлардаги **фано** ва **бақо** ҳолатига ўхшашдир.

**IV.** Буддадан ҳикматли сўзлар "Панча Шила" асарида сақланган. Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳам "Васиятнома" асарида ўз ўғитларини ёзиб қолдирган. Будда "Ўзингизга шамчироқ бўлинг" деса, Ғиждувоний "Аҳволингни муроқабат эт, хатоларнинг қўрқуви устида бўлгин" деган. Баҳоуддин Нақшбанд ҳам "шамдай бўл" деган. Будда "Олижаноб одамни топиш мушкул. У ҳамма ерда ҳам туғилавермайди. Бироқ, қаерда шундай оқил туғилса, ўша ерда бахтиёр авлод гуллаб- яшнайти" деган бўлса, Хожаи Жаҳон "Бутун махлуқотга, каттага, кичикка марҳамат айла", деганлар.

Будда айтади: "Ҳуш хулқли ва ўз фикр-хаёлларига чўмган кишининг бир куни ёмон ва бузуқ одамнинг юз йиллик умридани

афзал". Абдулхолиқ Ғиждувоний бўлса, "Илм билан бирга одобни ўрган. Одобли бўл. Одобсиз раббининг лутфидан маҳрум қолур. Яхши хулқ билан кунингни ўткар" деган. Будда "Кам биладиган одам худди ҳўкиздай қарийди, унинг мушаклари ўсиб кетади, билими эса ошмайди" деб илмли кишини устун қўйса, Хожаи Жаҳон "Илм ўрганишдан бир он бўлса ҳам узоқ қолма", деган.

Будда айтадики, "Ҳақиқатни гапир, ғазабга берилма, арзимаган нарсаларни сўрасалар ҳам бер. Мана шу учта шартга амал қилиш ёрдамида худоларга яқинлашиш мумкин", Хожаи Жаҳон -"Доимо ҳақ тарафида бўл", "Бухл ва ҳасаддан узоқ бўл" деганлар. Будда "Эй одамлар, ҳамма яратилган нарсалар бузилишга маҳкум қилинган, кучингиз борича қутқаришга интилинг" деган бўлса, Хожа Жаҳон ҳам "Дунёга алданма! Дунёдан парҳез ва охиратга рағбат айла, зийнатинг "зухд" бўлсин, фақр ичида покиза бўл. Дунёда ўзга бир ўлкада ғурбатда бўлгандек яша! Ўлимни кўп ўйла!" деганлар.

Буддавийликнинг ҳам, нақшбандларнинг ҳам, асосий мақсади одамзодга озод бўлиш учун йўл-йўриқ кўрсатишдир. Будда айтган: "Океан суви битта таъмга - шўр таъмга эга бўлганидек, менинг таълимотим ҳам бир йўсинга - қутқаришга мўлжалланган. Одам бажариши керак бўлган энг муҳим вазифа - атроф муҳитни итоатдан қутқаришга эришишдир. Қўрқувнинг йўқолиши одамзотни озод қилади. У озод бўлгандагина ўз озодлигини билади, қайта туғилиши занжиридан қутулганлигини тушунади, муқаддасликка тўлиқ эришилган ва бурч бажарилган бўлади, одам бу дунёга қайтиб келмайди". Нақшбандларда қайта туғилиш ғояси бўлмасада, ҳурлик асосий тушунчадир. Абдухолиқ Ғиждувоний "Бирор кишини сенга хизмат қилишга амр этма! Ҳеч кимдан бирор нарса истама. Барча яратилганлардан умид, таъмангни уз, фақатгина Аллоҳдан иста ва унга таваккул айла!" деган. Нақшбандия таълимоти ҳам ҳурликка асосланган.

**V.** Буддавийликда ҳам, нақшбандларда ҳам, таълимотлари моҳиятан барча жонли нарсаларга муҳаббат билан қарашни, ақл фармонига бўйсуннишни тарғиб этади.

**VI.** Жамиятнинг ўз даврида табақа, касталарга бўлиниши ҳақидаги брахманлик таълимотига қарши ўлароқ Будда барча кишилар тенг ҳуқуқли, баробар деб эътироф этади. Худди

шундай сўфийлик тариқати бўлган нақшбандияда ҳам шариатдаги йўналиш, мазҳаб, дин, миллат, ирқ, жинс, табақа ва даражасидан қатъи назар, барча тенг деб қаралади.

**VII.** Будданинг "Панча Шила" даги насиҳатларида қуйидаги ахлоқ нормалари кўрсатилган: 1. Қотилликдан сақланиш. 2. Ўғриликдан сақланиш. 3. Гумроҳликдан сақланиш. 4. Ёлғон, қалбакиликдан сақланиш. 5. Маст қилувчи нарсалардан сақланиш. 6. Тушдан кейин овқатланишдан сақланиш. 7. Ўйин-кулгидан сақланиш. 8. Зебу зийнатдан сақланиш. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотларида ҳам қарийб буларнинг барчаси қайд этилган<sup>2</sup>.

Демак, буддизм ва нақшбандия учун умуминсоний қадриятлар хос. Буддавийлик таълимоти нақшбандия учун маънавий асос сифатида хизмат қилган.

## **1.2. СУҚРОТ ВА НАҚШБАНД ТАЪЛИМОТИ.**

### **(қиёсий таҳлил).**

Нақшбандия таълимоти шаклланишида барча илғор ғояларнинг таъсири бор. Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуфий-ҳикматий таълимоти билан Суқротнинг фалсафий қарашларида умумий томонларни кузатиш мумкин.

Суқрот (470-399) антик давр фалсафасида ўзига хос антропоцентрик йўналишига тааллуқли мутафаккирдир. Суқротдан олдин Фалесдан (624-546) Демокритгача (460-370) 600-450 йиллар натур фалсафа йўналиши ҳукмрон бўлиб, фалсафа асосан "ташқи" томон, яъни табиатни ўрганиш предмети қилиб ўрганган олимлар, фалсафа юритиш услуби тасдиқловчи бўлган.

Суқрот ҳаётининг асосий даври натур фалсафа даврида ўтган бўлса ҳам, унинг фалсафий тадқиқот предмети ички томон, билиш, ахлоқий меъёрлар бўлган. У 450-400 йилларда ҳукмронлик қилган антропоцентризм тарафдори бўлган<sup>3</sup>.

---

<sup>2</sup> Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. Т., 2002 262-264-бетлар; Жўраев У., Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. Т., 2001. 75-78-бетлар; Йўлдошхўжаев Х., Раҳимжонов Д., Комилов М. Диншунослик. Т., 2000. 45-50-бетлар; Муҳаммад Раҳим, Сержило тафаккур дурдоналаридан //Ўзбекистон овози 2001й 24 ноябрь; Наврўзова Г., Шарипова О. Абдуллоҳиқ Ғиждувоний комил инсон тарбияси ҳақида. – Бухоро, 28-31-бетлар; Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи - Т., 2002. 47-51-бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Гуннар Снирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи - Т.: Шарқ, 2002. 74-бет. Бундан кейинги Суқрот ҳақидаги маълумотлар шу асардан олинган.

Сукрот қандай ғарбий дунё руҳига энг кўп таъсир кўрсатган кишилар сирасига кирган бўлса, Баҳоуддин Нақшбанд ҳам ўзидан кейинги Шарқдаги сўфийлик таълимотига чуқур таъсир этган. Софистлар замондоши бўлган Сукрот, дастлабки Афиналик файласуф эди.

Улар иккови ҳам инсон сифатида юксак маънавиятли, камтарин ва оддий турмуш тарзига эга бўлиб, зукколиги, самимийлиги, хушфеъллиги билан танилган киши эдилар.

Сукрот - ҳеч нарса ёзмаган. Унинг таълимоти Платон "диалог"лари орқали бизгача етиб келган. Сукрот суҳбат, кишиларни "уйғотиш"нинг асосий йўли деган.

Сукрот таълимотининг марказида ахлоқий муаммолар етакчи ўринда туради. Сукрот софистларнинг скептицизмини рад этиб, умумий неъмат-олий эзгулик ва адолат ҳисобланган қадриятлар ва меъёрлар мавжуддир деган. Сукрот учун "саҳоват" ва "билим" бир хилдир. Ниманинг "адолатли" эканлигини ҳақиқатан ҳам биладиган киши адолатли иш тутади ва "бахтиёр" бўлади дейди Сукрот.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг мағзи - "Худшуноси, худошуносий аст", яъни "Ўзингни англаш, билиш, Роббинг, парвардигорингни билишдир". Унинг барча васият ва ўғитлари инсоннинг ўз-ўзини билиши, ўз-ўзини бошқара олишига қаратилган.

Сукрот ҳам **Инсоннинг аслида нима эканлигини билишнинг** ўзи ҳақиқий билим эканлиги сабабли, ахлоқан (адолат билан) иш тутиш дегани, одамнинг, **инсоннинг аслида нима эканлиги** ҳақидаги қоидага мувофиқ иш юритишини англатади дейди.

Нақшбанд **комил, мукаммал** инсон ҳақида фикр юритган бўлса, Сукрот грекча **апемя**, яъни **саҳоватлиликка** эзгулик сифатида қараган. Инсон, агар унга ато этилган барча қобилиятларга мувофиқ келадиган даражада ўзини намоён қилган, яъни инсон шаънига мувофиқ бўлган чинакам намуни ўз тимсолида намоён қилган бўлса, унда саҳоватли инсон бўлади. "Саҳоватли" бўлиш ҳаётда ўз ўрнини топиш деган маънода "билим"нинг эквиваленти сифатида қўлланган. Сукрот билимни - бу бизнинг ўзимиз ва ўзимиз ўзимизнинг мавжудлигимизни кўрадиган вазиятлар ҳақидаги билимдир деган. Сукрот фикрича, бундай



билим, асосан тушунчаларни таҳлил этиш орқали адолатлилик, мардлик, саҳоватлилик ва яхши ҳаёт тушунчаларини аниқлаган.

Саҳоват бизнинг **таомилга биноан яшашимизни** англатади. Суқрот фикрича, **билим** инсон билан "якдил бўлиб кетиши" керак, яъни у инсон шунчаки мен амал қиламан деб гапирадиган фикр эмас, балки у ҳақиқатда риоя этадиган билим бўлиши лозим.

Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳам маърифатли бўлишга чақирган. "Илм ўрганмай туриб, ишга киришмагин"<sup>4</sup> деган. У ният ва сидқ масалаларига эътибор берган. Риёли амални қоралаган:

Бирав ту тарки риё кун, ки дар риё

Ҳазор сола ибодат ним жав наҳаранд<sup>5</sup>.

Мазмуни:

Боргин, сен риёни тарк этгинки,

Риёли минг йиллик ибодатингни ярим тариқчалик қиймати йўқ, деб Ғиждувоний ният, сўз, амал бирлигига чорлаган.

Суқрот билимни тушунчаларни аниқлаш ёрдамида ўзини ўзи билиш сифатидаги билим деб ўрганган. Бу инсонни табиий ва ижтимоий мавжудот сифатида ўзини билишни англатади. У билим уч қисмни: 1) фактуал билимни (мавжудлик ҳақидаги); 2) норматив билимни (нарсаларни аслида қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги); 3) инсон чинакамига амал қиладиган билимни ўз ичига олади дейди. Ўз-ўзини билиш, билимнинг бу уч жиҳатини муайян тарзда бирлаштиради.

Суқротнинг фикрича, диалог жараёнида адолатлилик, мардлик, яхшилик, ҳақиқат, реаллик ва шу каби тушунчаларни таҳлил этиш ёрдамида вужудга келадиган билимлар мустаҳкам ва ўзгармасдир.

Суқрот нафақат ақл-идрок, шу билан бирга интуитив ҳис этиш йўли билан қўшиладиган илоҳий заковат ёрдамида этикани пировард асослашга интилади. У виждон категориясига эътибор беради.

Суқротнинг фикрича, "яхшилик" умумий тушунча ҳисобланади. Бинобарин, яхшилик, бахт-саодат, неъмат ва шу каби умумий тушунчаларнинг концептуал таҳлили тўғри, саҳоватли ҳаёт учун муҳим ҳисобланади.

---

<sup>4</sup> Абдулхолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. Қўлёзма. 2-бет.

<sup>5</sup> Абдулхолиқ Ғиждувоний. Маслак ал-орифин. Қўлёзма 18-бет.

Сукрот бахт саодатни инсоний барқарорлик ва асиллик билан боғлаган. Саҳоватни ўзида мужассам этган ва шу тариқа асил инсон бўлган киши "бахтиёрдир". Бахт-саодат, асиллик ва саҳоват ўзаро бир-бири билан боғлиқ тушунчалардир.

Демак, Сукрот ва Баҳоуддин Нақшбанд турли макон ва замонда яшаган бўлсалар-да, маънан ва руҳан бир-бирларига яқин буюк тарихий шахслар бўлганлар. Сукротнинг инсон, унинг ботини, билишга оид ғоялари нақшбандия таълимоти учун манба бўлиб хизмат қилган.

### **1.3. ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ ТАЪЛИМОТИ**

#### **Юсуф Ҳамадоний таълимотида тана ва руҳ масаласи**

Барча фалсафий, ҳикматий, ирфоний таълимотлар марказида инсон туради. Инсон қандай мавжудот, у нималардан ташкил топган, унинг ҳаёт мазмуни нима, оламда унинг ўрни ва мақоми қаерда деган саволлар буюк ақл ва қалб эгаларини ўйлашга мажбур этган. Бу азалий ва доимий муаммоларни ечиш учун буюк файласуф, донишманд, аллома, оқилу орифлар ўз фикрларини айтганлар, асарлар ёзганлар. Шулар қаторида хожагон, нақшбандия, яссавия ва қодирия таълимотининг пиру устози шайх, олим, ориф Юсуф Ҳамадоний (1048-1141) ҳам бу масалада қимматли ғоялар айтган. Биз 2003 йили Абдулҳолиқ Ғиждувоний таваллуд санасининг 900 йиллигига бағишлаб Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Нодирхон Ҳасан каби фидоий ва жонкуяр олимларимиз томонидан таржима этиб, нашрга тайёрлангани Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг "Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт)" асари асосида инсон ҳақидаги ғоялар, хусусан тана ва руҳ масаласини таҳлил этишга жазм этдик. Чунки бу масала барча инсонлар қатори бизларни ҳам ўз-ўзимизни англашга, билишга ёрдам беради.

Юсуф Ҳамадоний инсонга бутун борлиқни сарвари, энг ҳурмат ва иззатга сазовор махлуқот сифатида баҳо беради. Бутун борлиқ, жонли ва жонсиз табиат, наботот ва ҳайвонот инсон учун яралгани ва унинг тасарруфида эканлигини таъкидлайди. У инсонни тана ва руҳдан иборат мавжудот сифатида таҳлил этади.

Юсуф Ҳамадоний инсон вужудини бир жойда бадан, бошқа жойда тан, учинчи жойда вужуд иборалари орқали таҳлил этади. У инсон танасини қуйидагича таърифлайди: “Бадандин омонат топширган бир уловдир ва шариат вазифаларини бажарувчи ҳаммолдир”<sup>6</sup>. Демак, Юсуф Ҳамадонийнинг фикрича, инсон учун тана улов, яъни от – туя каби асл манзил-маконга, охират зиёратгоҳига етишга ёрдам берувчи воситадир. Шунингдек, инсон ўзига юклатилган вазифаларни бажариши учун тана ҳаммол, яъни ёрдамчидир. Юсуф Ҳамадоний танани, бир томондан, дин омонат топширилган улов деса, иккинчи томондан, шариат вазифаларини бажарувчи ҳаммол деб баҳо бермоқда. Бунинг моҳиятини тушуниш учун дин, омонат, шариат каби тушунчаларни мазмунини англашимиз керак. Дин араб тилидаги ишонч, ишонмоқ сўзидан олинган бўлиб, борлиқни яратувчи ва бошқарувчи, адолатнинг юксак намунаси, моддий оламга хос бўлмаган ва айни вақтда баркамолликнинг олий кўриниши сифатида тушунилувчи олий мавжудотга, яъни худога нисбатан муносабат, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуидир. Омонат бутун мавжудотлар ичида Одамга юклатилган Оллоҳни таниш ва ибодат қилиш вазифасидир. Бундан келиб чиқадики, Юсуф Ҳамадоний фикрича, инсон учун тана Оллоҳни таниш, Оллоҳ омонатини бажариш, Оллоҳ берган неъматлар шукурини адо этиш, яъни улардан меъёрда фойдаланиш, уларни исроф этмаслик, ибодат этиш улови сифатида хизмат учун яралган.

Ибодат кенг маънодаги тушунча бўлиб, ҳадисда айтилишича, ўн қисмдан иборатдир. Унинг тўққиз қисми ҳалол луқма учун ҳаракат, бир қисми фарзларни бажаришдир. Инсоннинг ҳалол луқма учун ҳаракат қилиши, деҳқоннинг ерга уруғ экиши ва ҳосил олиши, ҳунарманднинг деҳқон ва одамлар учун зарурий асбоб-ускуналар ясаши, олимнинг илм йўлида таҳсил олиши учун тана улов вазифасини бажаради. Шариат вазифаларини бажариш мақсадида таҳорат қилиш, либос, жойни поклаш, намоз ўқиш (ва ҳоказолар) учун қўл, оёқ, кўз ва танадаги барча имкониятлар ҳаммол, ёрдамчидир.

Дарҳақиқат, танада жойлашган мия фаолияти ёрдамида инсон фикр юритади, кўз ёрдамида кўради, қулоқ билан эшитади, бурун билан ҳидлайди, тишлар билан овқатланади,

---

<sup>6</sup> Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. (Рутбат ул-ҳаёт) Т.: Янги аср авлоди, 2003. 19-бет.

ички узвлар билан уларни ҳазм қилиб, керақлисини танада сақлаб, чиқиндиларни олиб ташлайди, қўл билан меҳнат қилади ва оёқлари уни зарурий маконга этади. Демакки, бадан зарурий, керакли улов ва ҳаммолдир. Юсуф Ҳамадоний инсон учун танани керак, зарурий деб ҳисоблайди. Юсуф Ҳамадонийнинг танани инсон камолоти учун зарурлигини таъкидлаши жуда ижобий ғоядир. Чунки тана руҳ учун зулмат деб, руҳпарастлар умуман танани ролини ва ўрнини инкор этадилар. Тана талабларини умуман инкор этиш нотўғри эканлигини Юсуф Ҳамадоний тўғри таъкидламоқда. У яна шундай изоҳлайди: “бадан дин йўлида ғозийнинг отидан ва ҳожининг туясидан афзал бўлмаганидек, тубан ҳам эмас”<sup>7</sup>. Демакки, тананинг мақоми ҳақ йўлига борувчи кишининг от ва туяси кабидир. Ғозийнинг дин йўлида ҳаракат қилишида, қай даражада от зарур бўлса ва ҳожи туясиз (Ўша даврда бу асосий транспорт бўлганлигини инобатга олиш лозим. Гап XII асрга хос ҳодиса ҳақида бормоқда - Г.Н.) ҳажга бориб, фарзини адо этишдек бахтга муяссар бўла олмаса, инсон учун ҳам тана, от ва туя каби улов ва ҳаммол мақомида экан. Ундан тубан, паст мақомда эмас экан.

Юсуф Ҳамадонийнинг қараши Ибн Сино билан уйғундир. Ибн Сино танага восита, омил деб баҳо беради ва инсон камолоти учун зарур дейди. Юсуф Ҳамадоний эса улов ва ҳаммол дейди. Бу икки мутафаккир турли иборалар билан танага таъриф бераётган бўлсалар ҳам, икковлари ҳам инсон учун тана роли ва ўрнини инкор этмасдан зарурлигини тан оладилар.

Юсуф Ҳамадоний инсон танасини тузилиши ҳақида ҳам фикр юритган. У тана ҳақида “тўрт унсур (тупроқ, сув, олов, ҳаво) сенинг фитратинг ва мижозингдир. Унсурлардан иборат ҳар бир мавжудотда махлуқотнинг кейин яратилганлиги ва ўлимга маҳкумлигига доир минглаб аломат ва нишонлар бор”,<sup>8</sup>- дейди. Демак, тана фонийдир.

Руҳ – маънавий, руҳий, номоддий ибтидони ифодаловчи тушунча. Юсуф Ҳамадоний руҳга ҳам таъриф беради: “Руҳ аслларнинг аслидир”,<sup>9</sup> дейди у ва руҳнинг ўрни ва мақомини шундай изоҳлайди: “Руҳнинг борлиғи соясида бадан кўради,

<sup>7</sup> Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. (Рутбат ул-ҳаёт) Т.: Янги аср авлоди, 2003. 19-бет.

<sup>8</sup> Ўша жойда. 37-бет.

<sup>9</sup> Ўша жойда. 49-бет.

билади, эшитади, ушлайди, юради”<sup>10</sup>. Юқорида биз танада мавжуд имкониятлар инсонни фикрлашга, кўриш, ҳидлаш, таъм билиш, эзгу ҳаракат қилишга ёрдам беришини айтган эдик. Лекин кўзни кўриши учун ҳам, миянинг тафаккур қилиши учун ҳам, қулоқни ишлашию, қўл-оёқни ҳаракати учун ҳам баданда руҳ кирган бўлиши лозим. Демак, руҳсиз тана ўлик улов ва ҳаммол кабидир. Танага руҳ кирганида ундаги барча имкониятлар уйғониб, токи руҳ унда яшар экан инсонга хизмат қилади. Демакки, руҳнинг мақоми юксакдир. Лекин тана бўлмаса инсон ўз олдигаги вазифаларни бажара олмайди. Бу ғоялардан маълум бўлаяптики, Юсуф Ҳамадоний моддийончилар каби фақат танани инсон учун асосий демаган. Юсуф Ҳамадоний инсонга нисбатан таълимоти меъёрида бўлиб, моддийончи ёки руҳпараст каби бир томонлама ва чекланган эмас.

Юсуф Ҳамадоний тана ва руҳнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини ва бири – иккинчисини тақозо этиши ва уларнинг борлиги инсон тириклигининг асоси эканлигидан далолат беришини айтади. “Руҳнинг хусусият-фазилатлари туфайли доноликда қатъият, назарда фаросат ва ибрат эшитишда ҳикматни англаш, эргашишда итоат, юришда хизмат юзага келади”,<sup>11</sup> – дейди Юсуф Ҳамадоний. Демак, руҳ ёрдамида танада жойлашган узвлар фақатгина оддий кўриш, эшитиш каби вазифаларни адо этиб қолмасдан, балки миянинг тафаккур қуввати, назарда фаросат ва ибрат, эшитганининг ҳикмат мағзи, қўл-оёқ охират озиғи учун ҳаракати каби улуғвор, юксак мақомга етишга ёрдам берар экан. “Жўмардлик йўли, мушоҳада жойи, фазл мавзеси, карам макони, яқинлик қароргоҳи, қудсият маскани, ҳаёт маҳали, унсият бўстони, севги-дўстлик водийси, муҳаббат денгизи, сукунат майдони ва мукошафат йўли жон-руҳдир”,<sup>12</sup> деб таърифлайди Юсуф Ҳамадоний. У тана ва руҳ бир-бирини тақозо этиши, боғлиқлиги билан бирга улар умуман бир-биридан фарқ қилишини қуйидаги тарзда изоҳлайди: “Нутфа, алақа, гўшт, суюк, соч ва юз каби бошқа борлиқлар ҳам руҳга ўхшмайди, улар жонсиз, қотиб қолган ва ўлиқдир. Лекин бу борлиқлар руҳ билан доимо тирик, ҳаракатда ва тоза, бузилмайдилар, сасимайдилар ва йўқ бўлиб кетмайдилар”<sup>13</sup>.

<sup>10</sup> Ҳожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. (Рутбат ул-ҳаёт) Т.: Янги аср авлоди, 2003. 49-бет.

<sup>11</sup> Ўша жойда.

<sup>12</sup> Ўша жойда.

<sup>13</sup> Ўша жойда. 50-бет.

Демак, ҳаётнинг, ҳаракатнинг, тоза-озодаликнинг, аслиятнинг сақланишининг асоси руҳ экан. Шунинг учун уни аслнинг асли деб таъриф берганлари тўғридир.

Юсуф Ҳамадоний руҳ орқали инсоннинг аъзолари ҳаракатланиши, натижада инсон ўз фаолиятини амалга ошириши мумкинлигини таъкидлайди. У яна шундай руҳни таърифлайдики, “Ирода ва ихтиёр ҳам унда”<sup>14</sup>. Демак, инсон нима ишни ирода этса ва ихтиёр қилса, у ҳам руҳ қувватидан экан. “Руҳ кўришда кўздир ва кўзда кўришдир ва кўрадиган кўзнинг кўрувчисидир. Руҳ кўришни ҳам кўради. Шунингдек, эшитиш ва эшитилган, сўзлашув ва сўзлашилган, ҳидлаш ва ҳидланган, топиш ва топилган, англаш ва англашганиннинг эшиги ҳам руҳдир”.<sup>15</sup>

Юсуф Ҳамадоний инсон танасига руҳ дам урилганидан сўнг, покиза бўлган соф фаришталар Одамга сажда қилгани ҳодисасини шарҳлаб, шунга асосланиб ёзадики, агар руҳ жавҳар ва зот жиҳатидан фаришталардан кўра покроқ, тозароқ ва софроқ бўлмаганда, Ҳақа яқинлик ва макон жиҳатидан улардан улуғворроқ бўлмаганида эди, фаришталар руҳга сажда қилмаган бўлардилар.

Юсуф Ҳамадоний “Одам алайҳиссаломга руҳ уфурилгач, унинг бошидан оёғига қадар нўрининг шуъласидан порлаб, нурланиб кетди. Малакут олами аъзоларининг ҳар бир зарраси бу офтоб нўрининг порлашидан янада жонланди, нурланди. Бутун коинот ҳайбат ва итоатга йўналди”<sup>16</sup>, деб ёзади. Демак, руҳ танага уфурилгач, инсонга бутун борлиқ сажда этиб, унинг хизматига шай бўлади. Бу ғояни кўп шоир ва носирлар тасвир этганлар.

Абру, боду, маху, хуршеду фалак дар коранд,  
То ту ноне ба каф орию ба ғафлат нахўри<sup>17</sup>.

Мазмуни:

Булут, шамол, ой, қуёш ва фалак ишдадирлар,  
Токи сен нонни қўлга киритсанг ва ғафлат билан емасанг.

<sup>14</sup> Ҳожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. (Рутбат ул-ҳаёт) Т.: Янги аср авлоди, 2003. 50-бет.

<sup>15</sup> Ўша жойда.

<sup>16</sup> Ўша жойда. 51-бет.

<sup>17</sup> Саъди Шерози. Гулистон. Қўлёзма. 5а-в.

Саъди Шерозий ҳам бутун коинот, инсонни хизматида эканлигини қуйидаги мисралари орқали билдирмоқда.

Руҳнинг аслларнинг асли дейиш билан бирга, Юсуф Ҳамадоний саҳиҳ ҳадисларга асосланиб, руҳ жисмдан олдин яратилганлигини ва одамларнинг қалбан бир-бири билан уйғун ёки ихтилофли бўлиши руҳнинг таниши ва бегоналаниши, улфат бўлиши ёки ихтилоф қилишига боғлиқ деган фикрни эмас, бадан, қалб, руҳларда фарқ йўқ, фарқ инсоннинг ўз бадани, қалби ва руҳи воситасида қилган амалларида кўринади, дейди. Демак, инсон тана ва руҳи уйғун бўлган ҳаётлик вақтида унга берилган неъматлардан қандай фойдаланганлиги, эзгу ёки ёмон амал қилганлигига қараб баҳоланишни Юсуф Ҳамадоний айтиш билан, инсон учун ўзини бутун борликда устун қилиб қўядиган ақлу идрок, фаҳму фаросат, тил ва тафаккур қувватларини нима мақсадда сарфлагани, ҳаётий мезони эканлигини таъкидламоқда. Инсон улардан эзгулик йўлида фойдаланиб, “ҳақиқий инсон”, “ҳазрати инсон” бўлиши мумкин. Шу билан бирга, унга берилган имкониятларни англамай тубан ҳайвон даражасига тушиши мумкин.

Инсон камолотида бадан ва руҳ уларга қандай муносабатда бўлиш кераклигига Юсуф Ҳамадоний махсус эътибор берган ва шунга қараб одамни ҳайвон ёки инсон даражасида деб баҳолаган. Буни изоҳлашда, у тирик ва тириклик тушунчаларидан фойдаланган. Ҳар бир мавжудот нима биландир тинч, хотиржам эканлигини тирик тушунчаси билан таърифлайди. Баъзилар фақат ейиш, ичиш, кийиниш каби ҳайвоний истақларини қониқтирганда осуда – хотиржам бўладилар. Бу жуда тубан даража бўлиб, ҳайвон кабидир дейди шайх.

Юсуф Ҳамадоний тана истақлари нафс билан боғланганлигини ҳам қайд этган. У инсон ўз вужудининг ҳаммоли ва вужуд ишларини бажарувчи улов бўлган нафснинг ейиш, ичиш, кийиниш ва оила қуриш каби эҳтиёжу истақларини ҳаддан ошишдан сақлаши, уларни ўзининг ҳузур-ҳаловат манбаи ва асоси деб билмаслиги керак дейди. Бунинг учун дунё молини йиғишда ҳаддан ошмаслик, эҳтиёжга кўра еб-ичиш, рўзғор тебратиш, оила қуриш билан кифояланиш ҳамма учун заруридир. Зеро, булар билан чалғиб, таскин топиш ҳайвонлар мартабаси эканини унутмаслик лозим. Инсонга бу нарсалар

вужуд ҳаммоли бўлган нафснинг яшаши учун заруратдир. Юсуф Ҳамадоний заруратнинг меъёри ва чегараси бўлишини таъкидлайди ва заруратни мутлақ ва бепоён эмас, деб қайд этади.

Кўриниб турибдики, Юсуф Ҳамадоний тана истакларини нафс билан боғлайди ва нафсни жиловлаш ва танани инсоний вазифаларни бажариши учун зарурий даражада озиклантириш лозим, шундагина инсон ўз мақоми билан мезонга мос келади, деган хулоса қилади. “Маълумки, ўсимлик, ҳайвон, одам – табиатан бир хил жонзотлардир. Уларнинг ҳаммаси бирдек нафсга эга”,<sup>18</sup>- дейди профессор О.Файзуллаев ва қуйидагича таҳлил этадики, ўсимликлар нафси чегараланганлиги боис, улар ҳаёт учун зарур меъёрдан ортиқча озуқа олишга эҳтиёжи йўқ. Ҳайвон ва одамда эса, озик-овқатларни керагидан ортиқча истеъмол қилиш ҳоллари учраб туради. Бу нафснинг жиловланмаганлиги оқибатидир. Меъёрдан ошган нафс зарарлидир. Шунинг учун ҳам нафсга берилиш ҳайвон даражасида тубанлашишдир.

Юсуф Ҳамадоний тана истакларига берилган, нафс истакларига кўмилган одамларни “дунё билан тирик” ва ҳайвон мақомида дейди. У Ҳақ таоло зикри ва амри билан ҳаловат топувчи кишиларни “Мавло билан тирик” дейди ва ҳақиқий инсон деб улуғлайди.

Инсон камолоти учун ўзлигини билиш ва ҳузур-ҳаловат манбаларига эътибор беришни муҳим деб, Юсуф Ҳамадоний қачонки ҳузур-ҳаловат манбаи ўзгармаса, ҳаёт – тириклик ўзгармайди дейди. Ҳақиқий инсонда, Юсуф Ҳамадонийнинг фикрича, бадан ислом учун ишлайди ва яшайди. Қалб эса, иймон учун ишлайди ва яшайди. Кўнгилнинг ёрдамисиз бадан бир иш қилолмайди, бадансиз эса, кўнгил мушоҳада ва висолга эришолмайди. Бадан кўнгилга, кўнгил баданга чамбарчас боғлиқ. Баданнинг исломи – мусулмончилиги кўнгил ёрдамисиз, кўнгилнинг иймони эса, бадан кўмагисиз рўёбга чиқмайди. Булар орасида фарқ шундаки, ғайбни кўриш ва идрок этишда қалб пойдевор вазифасини бажаради, бадан эса, бунга бўйсунди. Биринчи бўлиб кўз кўради, ундан кейин ғайбий тушунча юзага келади. Чунки ислом билан тасалли топишда аввало зоҳирий

---

<sup>18</sup> Файзуллаев О. Нафс, жон ва руҳ (Қуръон, тасаввуф ва фандаги талқинлари). Т.: Akademiya, 2005. 28-бет.



бадан, сўнгра эса иймон билан таскин топишда ботиний қалб асосдир.

Юсуф Ҳамадоний инсон танаси билан боғлиқ истакларни нафс деб, нафс жиловланса тана итоатда бўлади ва бундай тана эзгуликка хизмат қилгани учун мусулмон мақомига етади дейди.

Юсуф Ҳамадоний инсон маънавий камолини қалб, сир ва руҳ ҳолати билан боғлайди. У инсон қалби Ҳақ йўлида бўлса, Иймон мақомида бўлишини ва Ҳақни кўриб тургани каби ва у ҳам сени кўриб тургани каби ҳолатда сир ва руҳ ибодати бўлиб, Эҳсон мақомига етган дейди. Демак, Юсуф Ҳамадоний фикрига кўра, инсон руҳи камолотининг даражалари қалб, сир, руҳ босқичлари бўлиб, Эҳсон энг юксак мақомдир. Унда руҳ бутун вужудни Ҳақ йўлига хизматда бўлишини бошқариб туради.

Юсуф Ҳамадоний бу мақомларни қуйидагича шарҳлайди: “Ақлли ва покиза инсонлар дуруст ва тўғри ишлари уйғоқ қалбдан вужудга келишини биладилар. Саҳиҳ (тўғри) фикрлар тамиз сирларидан ҳосил бўлади. Покиза сир эса, соф ва муқаддас, тоза руҳдан вужудга келади”<sup>19</sup>.

Юсуф Ҳамадонийнинг тана ва руҳга оид ғоялари Абдулхолиқ Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбандларнинг хожагон ва нақшбандия тариқатлари “Даст ба кору, дил ба Ёр” (Қўл ишдаю, қалб Оллоҳ билан) шиорини вужудга келишига ғоявий асос бўлган. Натижада бу тариқат аҳли хилватни анжуманда қилиб, ҳалол меҳнат билан тананинг қувватларини эзгулик йўлида сарфлаб, мудом Ҳақни қалбда зикр этган, тафаккур ва шукурда бўлган. Айнан бу тариқатларнинг тана ва руҳ истакларига меъёрда муносабати, “Даст ба кору, дил ба Ёр” лик талаби уларни жаҳон миқёсида тарқалишига ва ҳозирги кунда ҳам, тирик бўлиб яшашига имкон берган. Шунинг учун ҳам Юсуф Ҳамадонийнинг ғоялари бўнёдкор бўлиб, баркамол инсон тарбияси учун муҳимдир.

Юсуф Ҳамадонийнинг “Ҳаёт мезони” (Рутбат ул-ҳаёт) асаридаги ғоялардан қуйидаги умумий хулосаларни чиқариш мумкин:

- Инсон тана ва руҳдан таркиб топган ва бутун борликда энг олий мақомда турган зотдир.

---

<sup>19</sup> Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. 2003. 48-бет.

- Тана руҳсиз ўлик ва ҳаракатсиз. Руҳ танасиз ўз олдидаги вазифаларни бажара олмайди. Тана руҳсиз, руҳ танасиз камол топа олмайди. Инсон ҳаёти учун иккови ҳам зарур.
- Тана нафс билан боғланган. Тана ҳузур-ҳаловатини меъёрида сақлаш учун нафсни жиловлаши лозим.
- Руҳ аслларнинг асли, латиф, боқийдир. Инсон камолоти қалб, сир ва руҳ мақомлари даражасидадир.
- Қалб покланиши билан Иймон мақомига етади.
- Сир ва руҳнинг мақомлари ва инсон камолотининг олий даражаси Эҳсондир.
- Тана ва руҳ аслини билиш ва уларга меъёрида муносабатда бўлиш зарур.
- Тана фоний. Ундаги нафс истакларига берилиши инсонни ҳайвон ҳолатининг тубанлашувига олиб келади. Шунинг учун нафсни таниш, ўз-ўзини англаш, билишнинг асосидир.
- Нафси жиловланган, бўйсиндирилган тана руҳ итоатида бўлиб, эзгуликка хизмат қилади ва Исломи мақомида бўлади.
- Тана ва руҳ истакларига бундай меъёрда муносабатда бўлиш, инсон ҳаёти учун зарур.
- Инсон ўзига берилган ҳаётининг имконият, тана ва руҳ қувватларини эзгуликка сафарбар этиши ва шу билан тинч, хотиржам яшаши, ўз тириклик мезонини билишини англатади.
- Инсон ўз ҳузур-ҳаловати, хотиржамлиги манбаини тўғрилаши, меъёрига, мезонига етказиши ўз номига муносиб тирик мавжудот бўлишга имкон беради.

Юсуф Ҳамадонийнинг инсонга оид таълимоти, моддийончи ва руҳпарастлардан фарқли ўлароқ, у томонга ҳам, бу томонга ҳам оғмасдан, меъёрдаги бунёдкор ғоядир.

## **Юсуф Ҳамадонийнинг инсон камолотига оид ғоялари**

Хожаи Жаҳон номи билан машҳур Абдулхолиқ Ғиждувоний асослаган хожагон ва Баҳоуддин Нақшбанд томонидан ривожлантирилиб, асосланган нақшбандия тасаввуфий тариқатлари илк таълимотларини Юсуф Ҳамадоний ирфоний мактабидан олганлар. Бухорои Шрифда мавжуд бўлган бу

мактабда яссавия тариқати асосчиси Аҳмад Яссавий ҳам таълим олган. Ўрта Осиёда вужудга келиб, жаҳонга ёйилган хожагон, нақшбандия ва яссавия тариқатлари ўз пиру устозлари Юсуф Ҳамадонийнинг ғояларини ривожлантирганлар.

Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари 440 ҳижрий (1048 мелодий) йили Ҳамадон шаҳрининг Бузанжирд қишлоғида таваллуд топган. У 535 ҳижрий (1141 мелодий) йили Афғонистоннинг Бомийён шаҳрида вафот этган. Қабрлари Марв шаҳрида Султон Санжар мақбарасига яқиндир. Ундан бой маънавий мерос қолган.

Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги муносабати билан 2003 йилда Хожаи Жаҳоннинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” асари ва Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг “Ҳаёт мезони” (Рутбат ул-ҳаёт); “Одоби тариқат” ва “Инсон ва коинот ҳақида рисола”лари нашрдан чиқди. Бу асарларни таржима этиб, нашрга тайёрлаган Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Нодирхон Ҳасан меҳнатлари тахсинга сазовордир. Чунки илмий жамоатчилик бу асарлар билан илк маротаба танишдилар.

Биз юқорида номлари зикр этилган манбаларга таяниб, Юсуф Ҳамадонийнинг инсон камолотига оид фикрларини таҳлил этишга жазм этдик. Чунки Юсуф Ҳамадонийнинг асарлари илк бора нашр этилиб, уларни моҳиятини англаш давр тақозосидир. Комил инсонни тарбиялаш ҳозирги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган масаладир. Шунинг учун Юсуф Ҳамадонийнинг асарларидаги ғоялардан бу савоб ишда фойдаланиш айна заруратдир.

Юсуф Ҳамадоний ўзининг “Ҳаёт мезони” асарида инсон моҳиятини изоҳлашни “тирик” тушунчаси билан бошлайди. “Тирик бу тинч-осуда кишидир. Тириклик эса, тинчлик ва хотиржамликдир”, - деб ёзади Юсуф Ҳамадоний. Шундай кишилар борки, у дунё билан тирикдир. Бу энг қадрсиз ва тубан даражадир. Чунки бундай одам ҳайвон, ҳашаротлар билан тенг ва улар билан шерикдир. Фаҳм ва ақл билан шарафланган инсон, ҳайвон мақомидан уялиши фарз ва вожиб, у ҳайвонлар роҳатланадиган нарсалар билан ором топишдан ҳаё ва ор қилиш керак дейди Юсуф Ҳамадоний. Унинг акси бўлган охираш ишлари билан таскин топадиган инсонларни улуғлайди.

Юсуф Ҳамадоний бадан дин омонат топширган бир улов ва шариат вазифаларини бажарувчи ҳаммомлдир, шунинг учун уни

талабларига меъёр асосида амал қилиш даркор дейди. Инсон тана ва руҳдан иборат мавжудот. Тана истаклари билангина таскин топиши ҳайвоний даражадир. Қалб, руҳ охиратга мақбул ишлар билан озиқланиб, таскин топиши, асл инсоний даражадир. Юсуф Ҳамадоний таълимотининг диний ва дунёвий жиҳатдан қимматли томони шуки, бадан-танани умуман инкор этмайди. Балки уни инсон камолоти учун муҳим восита, улов, ҳаммол сифатида баҳолайди. Шунинг учун ҳам инсон унинг талабларига меъёр билан, мўътадил муносабатда бўлиш лозимлигини айтади. Бу жуда тўғри қарашдир. “Ҳою-ҳавасга эргашиб, нафс васвасаларига бўйсуниб, шариатга хилоф амалларни бажариши учун баданни таомлаштирган инсон от ва туяга ем-хашак бериб, уларнинг кучи билан йўлтўсарлик қиладиган қароқчи ёки бир мусулмонни ноҳақ ўлдириш учун қиличини қайраган кишига ўхшайди”,<sup>20</sup> – дейди Юсуф Ҳамадоний ва бу ҳолат ҳаром ишлигини таъкидлайди.

Инсон камолот даражасини Юсуф Ҳамадоний Ислом, Иймон, Эҳсон мақомларига ажратиб, улардан эҳсон олий мақом деб ёзади. Ислом мақомида бадан, иймон мақомида қалб, эҳсон мақомида сир ва руҳ камолга етган, Ҳақа таслим бўлган бўлади.

Юсуф Ҳамадоний ўзининг “Инсон ва коинот ҳақидаги рисола”сида инсоннинг камолотида коинот билан муносабатининг меъёрида бўлишини жуда муҳимлигини уқтиради. У ўз асарларида инсон билан коинотни бир – бирига муҳтожлигини, лекин инсон ундан ўзининг эҳтиёжидан кўпроқ фойдаланса ўзини ҳам, коинотни ҳам, хатарга қолдиришини таъкидлаб, шундай ёзади: - “Дарҳақиқат, коинот ожиздир, чунки, у сизнинг хизматингизга топширилган, сиз ҳам ожиз ҳожатмандсиз. Фойдаю манфаатга, яроқли нарсаларга муҳтож бўлганингиз учун дунё сизларга бўйсундирилди. Коинотнинг қадр-қиммати ва устунлиги очиқ – ойдин маълум. Зеро, у сиз учун фойдалидир. Сизнинг коинотдаги устунлигингиз ҳам очиқ-ойдин равшан. Чунки унинг фойдали ва завқли жиҳатларидан фойдаланишингиз мумкин. Шу боис, коинот бир томондан ожиз бўлса, бир томондан Саид Хожадир. Яъни устундир. Сиз ҳам бир жиҳатдан бошқарувчисиз, иккинчи жиҳатдан ожизу муҳтожсиз. Коинотнинг ожизлиги сизга муҳтож бўлгани

---

<sup>20</sup> Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. (Рутбат ул-хаёт) Т.: Янги аср авлоди, 2003. 19-бет.

сабаблидир. Устунлиги эса, сенинг коинот ва унинг хизмати туфайли ҳаёт кечира олишингдир”<sup>21</sup>.

Коинот, оддий қилиб айтганда, инсон ва уни ўраб турувчи борлиқ, олам ва ундаги мавжуд бўлган барча нарсалар, ҳодисалар, наботот ва ҳайвонот оламидир. Ундаги барча нарсалар бир-бири билан ҳамма вақт узвий равишда боғлиқдир. Юсуф Ҳамадоний инсон асосини тўрт унсурга бўлиб, ўзининг “Ҳаёт мезони” асарида шундай изоҳлаган: - “Бу тўрт унсур (тупроқ, сув, олов, ҳаво) сенинг фитратинг ва мижозингдир”<sup>22</sup>.

Юсуф Ҳамадоний инсон камолотини коинот билан узвий боғлайди. Демак, инсон бутун борлиқ билан чамбарчас боғлангандир. Буни у қуйидаги асослар билан исбот этади:

1. “Коинот бир таомдир. Сен уни еб, ўзингда ҳазм қиласан. Коинот ичимликдир. Уни ичиб тугатасан. Коинот кийимдир. Сен уни кийиб эскиртирасан. Коинот маскан – уйдир. Сен унда яшайсан”<sup>23</sup>. Емоқ, ичмоқ, кийинмоқ, манзил-макон сифатида коинотдан фойдаланишда меъёрга эътибор бериш лозим. Бизни ўраб олган наботот, ҳайвонот олами, боғу-роғлар инсон хизматида. Лекин, инсон улардан меъёрида фойдаланиши, уни камолотига ёрдам беради.

2. “Коинот иссиқлик ва совуқликдир”<sup>24</sup>. Бундан ҳам ҳар бир инсон ўз эҳтиёжи ва мижозга мос фойдаланиши лозим. Коинотдаги йил фасллари ва бутун ўсимлик ва ҳайвонот ўзига хос иссиқлик ва совуқлик табиатига эга. Уни билиш ва ўзига мос фойдаланиши тана ва руҳ камолоти учун муҳим.

3. “Коинот нур ва оловдир”<sup>25</sup>. Улардан ҳам киши тўғри фойдаланиши лозим. Агар биз кўз нуруни мисол қилиб олсак, ҳар бир инсон шу кўз нуруни ўзига ва халқига керакли нарсаларга ишлатса, кераксиз, беҳуда, ножўя нарсалардан олиб қочса, албатта унинг кўз нури камаймайди ва у эзгуликка хизмат қилади, Юсуф Ҳамадоний “Коинот” асаридаги “нур ва олов”ни инсонлар характериға ҳам ўхшатиб, “Ҳаёт мезони” асарида ҳам нуруни бир қалб нуриға, яъни эзгуликка, оловни эса ғазабға ўхшатиб шундай изоҳлайди: “Фитратига ғазаб олови сачраган киши тўғрисида нима дейсан? Бу ғазабнинг таъсири ва

<sup>21</sup> Хожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва коинот ҳақида рисола. // Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний.Т.: Янги аср авлоди, 2003. 84-85-бетлар.

<sup>22</sup> Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. (Рутбат ул-ҳаёт). 32-бет.

<sup>23</sup> Хожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва коинот ҳақида рисола. 85 - бет.

<sup>24</sup> Ўша жойда.

<sup>25</sup> Ўша жойда.

ҳоқимлиги, унинг фитрати устидан ғолиб келади. Ғазаб шундай бир иллатки, на тадбиркор ақл ва на буюрувчи қалб унга бас кела олади. Бу иккови ғазаб олови таъсирида сўниб, бу ҳолдаги кишидан ақлга мақбул бўлмаган ва кўнгилга ўтирмайдиган баъзи ишлар юзага келади. Зеро, бу ҳолат Иблис эгаллаб олган кишилар сифатидир. Баъзан уларда ғазаб оташи кучайиб, улар гўё йиртқич ҳайвонларга дўнадилар. Баъзан шаҳват оташи зўрайиб, уларни ҳайвонга айлантириб қўяди. Ғазаби ва шаҳвати ғалаба қозонган бу инсоннинг қалбида нур қолмайди, натижада ақлининг таъсир кучи ҳам йўқолади.”<sup>26</sup> Комил инсон нурий инсондир. У ғазаб, нафрат, кина каби норий одамга хос иллатлар устидан ғолиб бўлиб, нур ва олов қувватларидан тўғри фойдалана олади.

4. “Коинот сув ва тупроқдир”<sup>27</sup>. Демак, ҳаммага маълумки инсон организми сув ва тупроқ ва бошқа унсурлардан иборат, бунда ҳам ҳар бир инсон, хоҳ у олим бўлсин, хоҳ у бошқа касб соҳиби, сув тупроқдан ўз эҳтиёжига яраша фойдаланса, инсон саломатлиги учун жуда фойдалидир. Шунингдек, инсон ўз асли сув ва гил эканлигини билса, камтарин, хоксор бўлади. Бир кун аслига қайтишини англаши уни камолотига ёрдам беради.

5. “Коинот ҳаво ва шамолдир”<sup>28</sup>. Булардан ҳожатинг доирасида ишлатсанг, сенга фойдалидир. Лекин ҳожатдан ортиб кетса, сени ўлдиради, маҳв этади, ҳалок қилади. Сен улардан тасарруфинг доирасида фойдаланиб, яшашинг учун ишлатсанг, ҳожатингдан ортиғини тарк этгин.

6. “Коинот оила қуриш ва никоҳланишдир”<sup>29</sup>. Агар ҳар бир инсон, буни тўғри тушуниб оиласига соғлом фикр билан қараса, у инсон учун манфаатли, завқли ва лаззатли бўлади. Бироқ оиласига нисбатан носоғлом фикрларга ва номақбул ишларга ҳаддан ошса, у инсоннинг қалбига, баданига ва ақлига зиён этади деб алоҳида таъкидлаганлар. Инсон ўзига берилган бу имкониятдан наслини давом эттириш, фарзанд кўриш каби эзгуликка фойдаланиши лозим.

7. “Коинот инсонлар билан бирга бўлиш, халқ билан аралашидир”<sup>30</sup>. Бунда ҳам ҳар бир инсон гапириши, юриш-

---

<sup>26</sup> Ҳожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва коинот ҳақида рисола. 85 – бет.

<sup>27</sup> Ўша жойда.

<sup>28</sup> Ўша жойда.

<sup>29</sup> Ўша жойда.

<sup>30</sup> Ўша жойда.

туриши ва ҳар бир қилаётган ишини меъёрини билишидир. Агар бу ишлар меъёридан ошса, у баданни эритиб, қалбни куйдиради.

8. “Коинот уйқу ва уйғоқликдир”<sup>31</sup>. Бадан ва руҳ камолоти учун уйқу ва уйғоқлик жуда фойдалидир. Агар биз улардан эҳтиёжимиздан ортиқ фойдалансак, баданимиз ва табиатимизга зарар етади. Уйқудан кам фойдаланиш эса, киши жисмини ҳароб этади ва кундан-кунга кишини заифлаштиради.

9. “Коинот ейиш, ичиш, эшитиш, ҳидлаш, сўз, иш, ҳаракат ва тўхташдир”<sup>32</sup>. Агар ҳар бир инсон шулардан, ҳам табиати кўтарадиган даражада фойдаланса, у инсон учун фойдали ва лаззатлидир. Ҳар бир инсон шуларга эътиборли бўлса, ҳаёти фаровон, сокин ва кераксиз ташвишлардан холи бўлади. Ҳар бир инсон ўз ҳолига ўзи шафқат қилиши керак, бу учун у нафсига, баданига, табиатига ортиқча нарсалардан ўзини йироқ тутмоғи лозим бўлади ва натижада вужудини бардавомлигини таъминлаган бўлади.

10. “Коинот тафаккур ва ботиний ишларда мушоҳада юритишдир”<sup>33</sup>. Инсонга бошқа мавжудотлардан фарқли ақл юритиш, тафаккур қилиш учун имкон берилган. Шунинг учун инсон ҳар бир қилаётган ишини тафаккур қилиши, яъни шу иш тўғрими ёки нотўғрилигини билиши, ҳар бир сўзини тафаккур қилиши, оқибати ижобий ёки салбий бўлишини фикрлаши лозим бўлади. Лекин бу теран тушунчалар инсон тузилишининг чегарасидан ошиб кетса, у инсонни, сезгирлигини, ҳушёрлигини маҳв этади ва натижада ақлу идрокини барбод этади.

11. “Коинот ирода ва истакдир”<sup>34</sup>. Инсон ўз хизматидаги ҳар бир нарсага ҳукмрон. Инсон ўзига берилган ирода ва истакни эзгуликка ишлатса, яшаши, борлиги ва барқарорлигини сақлайди. Аксинча, у ўзининг ирода ва истагини ёвузликка ишлатса, албатта ўзига ҳам, коинотга ҳам, атрофидагиларига ҳам, зиён келтиради. Ундай кишилар, ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлолмайдилар. Мана шу ерда Юсуф Ҳамадоний шундай фикр беради: “Сенинг бу ҳолатда яшашинг, борлигингни давом эттиришинг ва барқарорлигингни сақлашинг, боқий ва давом этишинг учун фойдалисини олиб, зарарлисини тарк

---

<sup>31</sup> Ҳожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва коинот ҳақида рисола. 86 – бет.

<sup>32</sup> Ўша жойда.

<sup>33</sup> Ўша жойда.

<sup>34</sup> Ўша жойда.


этсанг, натижада сен яшайсан”. Шунда тасарруфинг остида бўлган нарсалар сендан ҳукмдор ва Парвардигорларига шикоят қилмайдилар.”

Демак, ҳар бир инсон ўз кўз нурини, куч-қудратини, қўллари, оёқлари ва бутун вужуди, ҳис-туйғуларини ақл-идрокини беҳуда нарсаларга ишлатмай, фақат эзгуликка қаратса, ундан одам ҳам, олам ҳам, коинот ҳам миннатдор бўлиб, у камолотга етади.

Демак, Юсуф Ҳамадоний, бир томондан, инсон учун яралган коинотни тафаккур этишга чақирса, иккинчи томондан, инсонни шу катта оламнинг кичик нусхаси эканлигини, коинотдаги барча нарсалар унинг танасида мавжудлигини ва шунинг учун инсон коинотни тафаккур этиб, ўзини англаши ва ўзини билиб Ҳақни танишини айтади.

Шайх Юсуф Ҳамадоний ўзининг «Одоби тариқат» асарида инсон ўзини комиликка етказиши учун ҳар куни бирор авлиёуллоҳни китобларидан саккиз бет мутолаа қилганида, унинг кўнгли жонланади, деган фикрни берган. Асарда инсон камолоти учун тўрт асосга эътибор бериш лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

### Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг “Одоби тариқат” асаридаги тўрт асос





Биринчи асос, нафс риёзати бўлиб, бунда: «инсон шахвати ёки дунёвий орзу-истаги ўлчовида эмас, балки хожат доирасида ейиши, ичиши, кийиниши керак»<sup>35</sup>. Мана шу риёзат яна икки кўринишда бўлиб, биринчиси узлат, иккинчиси бўлса кам ухлашдир.

Узлат деганда Юсуф Ҳамадоний аввало “кўнгил муҳофазаси”ни тушунган. Бунда инсон ўз қалбини кибр, ҳасад, ғазаб, таъма, ғийбат, ҳирс ва шайтон васвасасидан муҳофаза қилиши лозим. Чунки қалб бир покиза макон, яъни буюк Аллоҳ макони. Мана шу қалбни покиза сақлай олсаккина, комил инсон бўла оламиз.

Узлатнинг бошқа мазмуни - “зеҳн муҳофазаси”. Бунда ҳам инсон ўзининг зеҳнини муҳофаза, яъни ҳар хил кераксиз ўйлардан холи қилиши зарур. Зеҳн бу - онг, ақл, идрок демакдур. Умр ўтиб кетаяпти. Мана шу умримизни беҳуда хаёллар билан ўтказмаслигимиз, руҳни азобга қўймаслигимиз лозим. Чунки жон, руҳ, тана омонат экан, уни ҳар қандай кераксиз хаёллар билан азоблашимизга ҳақимиз йўқ. Бир-биримизга, ота-она, фарзандларга, ака-ука, қариндош-уруғ, қўни-қўшниларга кечиримли бўлиб, уларга нисбатан ёмон фикрларни зеҳнимиздан, хаёлимиздан олиб ташлаш, камолотга имкон бўлади.

Юсуф Ҳамадоний ўз асарларида “Кўп ухлашлик умрни зое этади, баданни бўшаштиради, иш унуми ва иштиёқини йўқотади” деб таъкидладилар. У риёзатнинг яна бир кўриниши “кам ухлаш”дир дейди. Имом Ғаззолий бу ҳақда шундай дейдилар: “Киши бир кунда саккиз соатдан ортиқ ухламаслиги керак. Акс холда инсон умрининг учдан бирини йўқотган бўлади”.

Аллома инсон камолоти учун зарур иккинчи асос деб, «Луқманинг ва хирқанинг, яъни (кийимнинг) ҳалол бўлишини айтган. Чунки “ҳаром луқма туфайли қалбда нур ҳосил бўлмайди. Ҳаром либос билан эса, ибодат завқини топиб бўлмайди”,<sup>36</sup> - деб айтган. Демак, луқманинг ҳалоллиги, қалбда нур ҳосил қилар экан, бу эса, танада шифо бўлар экан. Ҳалол еган кишининг умри хотиржам, файзли ҳамда уйқуси сокин бўлар экан.

---

<sup>35</sup> Хожа Юсуф Ҳамадоний. Одоби тариқат. // Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т.: “Янги аср авлоди”, 2003. 78-бет.

<sup>36</sup> Уша асар. 79-бет.

Юсуф Ҳамадоний камолот учун зарур - учинчи асос деб, “мужоҳада”ни киритганлар. Мужоҳада – бу курашмоқ, яъни шайтоний ва дунёвий, шаҳвоний бузуқ ишларга буюрувчи фикрлар билан курашмоқликни билдиради. Инсон доим шайтон васвасасига, нафс истакларига ва дунёга боғланиб қолишга қарши курашиши керак. Шулардан мосиво бўлса, камолотга етади.

Тўртинчи асос - зикрдир. Яъни, ўз аслини доим ёдда тутиши ва илоҳий сифатларни эгаллаши учун Ҳақа юзланишидир.

Демак, Юсуф Ҳамадоний инсон камолотга етиши учун, аввало ўз аслини, ҳаёт мазмунини англаши, нафсини бошқариши ва бутун коинот билан меъёрида уйғун бўлиши лозимлигини айтади. Шунда инсон баданини ҳам, қалби ва руҳини ҳам эзгуликка томон сафарбар эта олади. Юсуф Ҳамадоний айтган бу ғоялар ва “ҳуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан”, “хилват дар анжуман” ўғитлари хожагон – нақшбандия тариқатини асосий тамойиллари бўлиб қолди. Бу ғоялар ҳозирги кунда ҳам бунёдкор бўлиб, баркамол инсонни тарбиялаш жараёнида қўлланилганда ижобий самара беради. Бу ғояларга амал қилиш, ҳозирги мавжуд умумбашарий муаммо, экологик ҳолатни ҳам яхшилашга ёрдам беради.

Юсуф Ҳамадоний ғоялари моҳиятидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- Комил инсон ўз асли, моҳияти, мақомини биладиган инсон;
- Комил инсон – эзгу ишлар билан тирик, тинч ва хотиржам инсон;
- Комил инсон – тана ва руҳига мўътадил муносабатда бўлган инсон;
- Комил инсон – ўз меъёрини биладиган инсон;
- Комил инсон – коинот билан уйғун бўлган инсон;
- Комил инсон – нафсини таниб, бошқара оладиган инсон;
- Комил инсон - эҳсон мақомига етган инсон.

## 1.4. ҚОДИРИЯ ВА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ: УМУМИЙЛИК ВА ХУСУСИЙЛИК

Бухорои Шарифда ҳозиргача таъсири сақланган сўфийлик тариқатлари қодирия ва нақшбандиядир. Бу икки тариқатни қиёсий таҳлили уларда умумий ва хусусий томонлари борлигини кўрсатади.

**I.Замон жиҳатидан:** Қодирия тариқати XII асрда вужудга келган, нақшбандия эса XIV асрда вужудга келган тариқатдир. Қодирия тариқатининг асосчиси Абдулқодир Гилоний 1077 йилда туғилиб, 1160 йилда вафот этган бўлса, нақшбандия тариқатини асослаган Баҳоуддин Нақшбанд 1318 йилда туғилиб, 1389 йилда вафот этган.

Абдулқодир Гилоний "Пири дастгир", "Ғавсул Аъзам" номи билан, Баҳоуддин эса Балогардон номи билан ҳозирги кунгача мусулмон олами ва зикр аҳли орасида маълум ва машҳурдир.

Қодирия ва нақшбандия тариқатлари ҳозирги кунгача яшамоқдалар. Бухорои Шарифда ҳозирги кунгача "хатми ёздаҳ", "хатми пири дастгир" билан бирга "хатми хожагон" деган удумлар мавжуд.

**II. Макон жиҳатидан.** Қодирия тариқатининг маркази Бағдоди Шарифдир. Абдулқодир Гилоний Эроннинг Гилон шаҳрида туғилган бўлса ҳам, кейинчалик Бағдодда таълим олган ва шу ерда вафот этган. Бағдод ҳозирги кунгача қодирия тариқати марказидир. Пири Дастгирнинг рамзий қабри Бухорода ҳам бор.

Қодирия тариқатининг маркази Боғдод бўлсада, лекин унинг шаҳобчалари ашрафия, холисия, ғарибия, румия, ҳилолия, ёфийя, исавия, акбария<sup>37</sup> бўлиб, жуда кенг тарқалган. Бухорода ҳам "Пири Дастгир" манзилида бу тариқатдан бўлганлар дафн этилган ва ҳозирги кунгача бу жойни халқ муқаддас билиб зиёрат қилади. Бухорода ҳозирги кунгача "Хатми ёздаҳ", "Хатми Пири Дастгир" удумларини кўп оилалар ўтказадилар. Бу ҳам тариқатнинг Ўрта Осиёда ва инчунин Бухорода келиб тарқалганидан гувоҳлик беради. Қодирия тариқатида Румий (ваф.1470) ва Исмоил Румийлар "пири соний" саналадилар.

---

<sup>37</sup> Эройдин С. Тасаввуф ва тариқатлар – Истанбул, 1981. 19-бет.

Нақшбандия тариқати Бухорода вужудга келган бўлса ҳам, унинг бутун дунёга тарқалган мустақил нақшбандия–мужаддия, нақшбандия – холидия шохалари бор.

Демак, бу икки тариқат турли маконларда вужудга келган бўлсада, кейинчалик Ўрта Осиёда бир-бири билан ёнма-ён яшаб, ўзаро алоқадорликда мавжуд бўлган.

**III. Устоз жиҳатлари:** Бу иккала тариқатнинг асосчилари Абдулқодир Гилоний ва Баҳоуддин Нақшбандларни биринчи бир-бирига яқинлаштирадиган томони шундаки, уларнинг иккаласига ҳам машҳур шайх Юсуф Ҳамадоний устозлик қилган.

Абдулқодир сўфийлик хирқасини Бағдод мадрасаларидан бирида имомлик қилувчи ханбалия фикҳи мударриси Абу Саъд Муборак ал-Мухаррабий қўлидан олган. Шундан кейин у машҳур сўфий Аҳмад Яссавийнинг ҳам пири Юсуф Ҳамадоний (1048-1140) қўлида шогирдликни ўтаб, унинг фотиҳаси-иршоди билан жамоатга ваъз айта бошлайди<sup>38</sup>.

Абдулхолиқ Ғиждувоний 22 ёшлигида Бухоро шаҳрига келиб, у ерда мўътабар мутасаввиф шайх Абу Яъқуб Юсуф Ҳусайн ибни Баҳром Бузангирди Ҳамадоний билан мулоқотда бўлади, ул буюк шахс 1050 йилда туғилиб, 1142 йилда вафот этган ва Туркманистоннинг Мари шаҳрига яқин жойда дафн этилган. У жойни "Каъбаи Хуросон", яъни Хуросоннинг муқаддас манзилгоҳи деб атайдилар<sup>39</sup>. Ёки яна бир бошқа манбада: "Юсуф Ҳамадоний Абдулхолиқ Ғиждувонийга сўфийлик хирқасини кийдирган. Абдулло Барқий, Хожа Ҳасан, Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Юсуф Ҳамадонийнинг шогирдлари ҳисобланадилар"<sup>40</sup>, дейилади.

Хўш, биз нега айнан икки буюк пирнинг устози ҳақида фикр юритдик. Гап шундаки, маълум муддат давомида бир шайхдан (1125 йилда Абдулхолиқ Ғиждувоний, 1113 йилда Абдулқодир Гилоний) таълим олган эканлар, уларнинг албатта ўхшаш томонлари бўлиши табиий ҳолдир. Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳониятидан Баҳоуддин Нақшбанд тарбия олиб, Юсуф Ҳамадоний ғояларини ривожлантирган.

<sup>38</sup> Ислом қомусидан саҳифалар. Маҳкам Андижоний нашрга тайёрлаган. //Сирли олам 1991. 12-сон. 27-бет.

<sup>39</sup> Болтаев М.Н. Хўжа Абдулхолиқ Ғиждувоний - инсондўст ҳаким, рифъат шайх. Бухоро, 1994. 2-бет.

<sup>40</sup> Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. Масъул муҳаррир Хуршид Даврон. Т., 1993. 5-бет.

**IV. Эътиқод жиҳатидан:** Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Абдулқодир Гилонийлар сунний мазҳабидан бўлсалар-да, Қодирия тариқати асосчиси Абдулқодир Гилоний ханбалия мазҳабида бўлган. Баҳоуддин Нақшбанд ҳанафия йўлини тутган. Лекин буларнинг сўфийлик йўли бутун мавжудотни Ҳақнинг жамоли, жалолининг тажаллийси деб эътироф этгани сабабли бутун борлиққа Ишқ ва Муҳаббат билан назар этганлар.

Тасаввуфда қодирия ва нақшбанд тариқати мўътадил тариқатлар сифатида маълум. Чунки улар шариат билан тариқатни муштарак тадбиқ этганлар. Абдулқодир Гилоний 25 йил узлатда чекинган ва 1127 йилда 50 ёшида Бағдодга келиб, халқни ҳидоят йўлига иршод этган<sup>41</sup>. Баҳоуддин Нақшбанд устозлари Юсуф Ҳамадоний ва Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг ўғитларига амал қилиб, "хилват дар анжуман", яъни тўғри ҳаракат қилиб, ҳалол даромад манбаи талаби асосида яшаган.

Қодирия тасаввуфий таълимотига эътибор берилган мақомлар: саҳоват, ризо, сабр, ишорат, ғурбат, саёҳат, фақр, жунли либос киймоқдир<sup>42</sup>. Хожагон тариқатида ҳам ўз мақомлари бўлган. Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг "Маслак ал-орифин" китобида булар қуйидагича баён этилган: тавба, иродат, муриднинг шайхга эҳтиёжи, зикр, ҳалоллик, дарвешлик одоби, зуҳд, Оллоҳни таниш, нафс сифатлари, қалб саломатлиги, сабр, ризо, муроқаба, муҳосаба, муҳаббат, сидқ, таслим, тавфиз, шукур, таваккул, маърифат, ихлос, илоҳий ахлоқ, мушоҳада, муоина. Нақшбандия тариқатида ҳам мақомлар борлигини Усмон Турар ёзган.

**V. Зикр тартиби жиҳатидан:** Қодирия тариқатида жаҳрия зикри, нақшбандияда зикр хуфия. Хожагон ва нақшбандиянинг ҳам хатми усуллари бор ва жамоа билан белгиланган тартибда уни амалга оширадилар.

Хатми хожагон шайхнинг ишораси билан истиғфор айтиб бошланади. Бу истиғфор шайхнинг хоҳишига кўра беш ё ўн беш марта такрорланиши мумкин. Кейин кўзлар юмилиб, робита билан бирга қалбга назар солинади. Ўнгдан етти киши "Фотиҳа" сурасини ўқийди. Кейин юз марта "Саловоти шариф", етмиш тўққиз марта "Иншироҳ" сураси, минг бир марта "Ихлос" сураси

<sup>41</sup> Трименгэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. – М.: Наука, 1985. –С.44.

<sup>42</sup> Кара М. Тасаввуф ва тариқатлар тарихи. – Истанбул, 1996. 290-бет.

ўқилади. Шундан кейин чапдан етти киши "Фотиҳа" ўқийди. Кейин юз маротаба "Саловот" келтирилиб, охири ашри шариф (тиловот) ўқилади ва шайх қилган дуога барча "омин" деб зикр ниҳоясига етади. Хатм асносида "вуқуфи қалбий"га эътибор берилганидек, силсиланинг ва улуғ машойихнинг ҳам руҳан бу мажлисда ўтирганларини ўйлаб, одоб сақланади<sup>43</sup>.

Қодирия тариқати аҳли ўтириб, тик туриб ва айланиб зикр қиладилар. Уни "зикри даврон"<sup>44</sup> деб атайдилар. Қодирия тариқатида зикр қуйидаги тартибда ўтказилади: Аввааламбор, ўн уч марта "Фотиҳа" сураси ўқилади. Кейин "Бақара" сурасининг бошидан "Улаика ҳумул муфлиҳун"гача бўлган қисми, "Оятал курси" ва "Оманар расулу" ўқилади ва уч марта "Ҳасбуналлоҳу ва ниъмал вакил ва нимал мавла ва нимаи насир" айтилгач, уч дафъа "Иншироҳ" ва "Ихлос" суралари, бир мартадан "Муаввизатайн"<sup>45</sup> ва "Фотиҳа" суралари ўқилади. Саловат айтилади, кейин тик туриб, овоз чиқариб 166 мартадан калимаи тавҳид ва лафзаи жалол ўқилади, кейин уч марта "Фотиҳа", кейин "Инналлоҳа ва малаикатаҳу" ўқилиб, саловот келтирилади, кейин охири шайх дуо қилади ва шу аснода зикр ниҳоясига етади<sup>46</sup>.

Нақшбандия тариқатида эса, асосан қалб ва хуфия йўл билан Оллоҳ лафзи зикр этилади.

Демак, барча тариқатлар каби ҳақиқатга етиб, Ҳақ жамолини кўришни истаган қодирия ва нақшбандия йўллари турли маконда вужудга келган бўлсаларда, кейинчалик умумий маконларда мавжуд бўлиб, бир замонда яшаганлари учун бир-бирига таъсир этганлар.

## **1.5. НАЖМИДДИН КУБРО ВА КУБРАВИЯ**

### **ТАРИҚАТИ**

Ўрта Осиё тарихида из қолдирган буюк шахслардан бири Нажмиддин Кубродир.

Кубравия тариқатининг асосчиси Нажмиддин Кубро ҳисобланади. Ул зот 1145 йилда туғилиб, 1221 йилда вафот

---

<sup>43</sup> Ирфон Гундуз Кумушхонавий Ахмад Зиёвуддин – Истанбул, 1984. 274-бет.

<sup>44</sup> Ўша жойда.

<sup>45</sup> Муаввизатайн - "Фалақ" ва "Нос" суралари.

<sup>46</sup> Эройдин С. Тасаввуф ва тариқатлар, 280-бет.

этган. **Нажмиддин Куброни Алишер Навоий ҳазратлари "Шайх Кубро"**(улуғларнинг улуғи, энг катта демакдир) деб таърифлаган ва шундай деб ёзган: "Аларға Кубро ондин лақаб бўлдики...ҳар ким билаким мунозара ва мубоҳаса эрмиш, ул кишиға ғолиб бўлурлар эрмиш"<sup>47</sup>. Унинг иккинчи муборак исми **"Шайхи валийтарош"** бўлган ва шу номи билан Ўрта Осиё ва Эронда машҳур бўлган.

Кубравия тариқатининг маркази Хоразмда бўлсада, унинг кўпгина шахобчалари Дамашқ ва Хуросондан Саъдуддин Ҳамавий; Хоразмдаги "Бағдодак" деган жойдан Мажидиддин Бағдодий Нажмиддин Кубронинг буйруғи билан Бухоро шахрига келган ва Кубравия тариқатини тарқатиш билан шуғулланган. Сайфиддин Боҳарзий, Хуросон, Ҳамадон ва Румда Нажмиддин Розий; Ғазна шахрида Разиддин Алийи Лоло каби муридлари бўлган.

Эътиқод жиҳатидан нақшбандларда хирқапўшлик мавжуд эмас. Чунки бу тариқат хуфия йўл бўлганлигидан ташқи қиёфага эътибор бермаган ва тариқат аҳли шариат аҳлидан фарқ қилмаган. Кубравияда эса, хирқапўшлик одати асосий аъаналардан ҳисобланган.

Баҳоуддин Нақшбанд устозлари Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Юсуф Ҳамадоний ўғитларига амал қилиб, "Хилват дар анжуман" талаби асосида фаолият кўрсатган. У ҳушёрлик йўлига содиқ бўлиб, "Ҳуш дар дам"ни ўз йўлининг асоси сифатида киритган. Нажмиддин Кубро ҳам тасаввуфда Жунайд Бағдодийнинг "сахв" (ҳушёрлик) йўлини тутган<sup>48</sup>. Бу ҳам хоразмлик улуғ шайхнинг тафаккурий-ақлий билимга эътибори борлигининг нишонасидир. Чунки Жунайднинг бу рукни Боязид Бистомийнинг "сукра" (беҳудлик, мастлик) рукнига қарама-қарши усул сифатида ишлаб чиқилган эди<sup>49</sup>.

Нажмиддин Кубро тариқатида асосан ўнта усул асос қилиб олинган: тавба, зухд, таваккул, қаноат, узлат, зикр, таважжух, сабр, муроқабат, ризо<sup>50</sup>.

Кубравияда нафс қалбий касалликларга сабаб бўладиган, инсонни турли машғулотлар билан чалғитадиган иллат деб

<sup>47</sup> Нажмиддин Кубро. "Жамолинг менга бас" Матназар Абдулҳаким таржимаси. Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1994. 5-6-бетлар.

<sup>48</sup> Комилов Нажмиддин. Нажмиддин Кубро. Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996 20-бет.

<sup>49</sup> Қаранг: Ўша жойда.

<sup>50</sup> Хуршид Даврон. Шаҳидлар шоҳи. Тошкент, 1998.131-148-бетлар.

қарайдилар. Нафсни кучайтирувчи ёмон ахлоқдан ва ҳайвоний орзуларни йўқотиш учун лафзи жалолни, яъни Аллоҳ лафзини зикр қилишга, "зикри муфрид" дейилади<sup>51</sup>. Баҳоуддин Нақшбанд ҳам нафс тарбиясига махсус эътибор берган. Хожагон тариқатида эса, асосан қалб ва хуфия йўл билан Оллоҳ лафзи зикр этилади.

Ўрта Осиёда жуда кўп сўфийлик тариқатлари мавжуд бўлган. Шулардан қодирия, кубравия, хожагон, яссавия ва нақшбандияларнинг тариқатлари машҳур бўлиб, бу қиёсий таҳлилида ўхшашлик ва фарқли томонларини кўришимиз мумкин. Нажмиддин Кубро Ўрта Осиёдаги барча тариқатлар инчунин нақшбандияга ҳам таъсир этган.

Нажмиддин Кубро ўз асарларида кубравия тариқатининг асоси ва пойдеворини ташкил этувчи қуйидаги рукнлар ҳақида ёзади:

1. Ишқ-муҳаббат. У ўзининг "Усули ашара" ё "Ақраби тариқи илаллаҳ" китобида айтадики, ҳақа етишишнинг энг яқин йўли ишқ аҳлининг йўлидир, чунки улар ишқ-муҳаббат, завқу-шавқ ва ҳаяжоннинг зўридан ҳолдан тойиб, куч-қувват уларни тарк этади. Бу ҳолат ибтидосида Ҳақ йўли дилни забт этувчи жозибаси билан ўзини унутган, яъни баланд арши аълога парвозга чорлайди.

2. Хилватшинлик, зикр ва риёзат, Нажмиддин Кубро Ҳақа етишиш йўлини ишқ, жазба ва суқр (ўзликдан воз кечиш) орқали ўзни фидо этиш, деб ҳисоблагани учун ҳам ўз таълимотида хилватланишлик ва Оллоҳдан бошқа барча дунё ташвишларидан мосувога, зикр ва суқутга берилишини, нафсга қарши курашиб турли риёзат ва машаққатларга нисбатан сабр-қаноатли, чидамли, бардошли бўлишни кўп тарғиб этади.

3. Шариат аҳкомларини аниқ бажариш. Гарчи Нажмиддин Кубро тасаввуфи Оллоҳ васлига етишиш йўлидаги ошиқона тасаввуф бўлиб, суқр, жазба унда муҳим ўрин тутса-да, лекин бу йўлда ибодатга, айниқса, диний урф-одат, маросим (фарз)га алоҳида эътибор қаратилади. У Оллоҳ йўлида бурч ва муайян вазифалардан ўзини соқит қилишни ҳеч бир ҳолатда ёки ҳеч бир мақом, мансаб, мартаба орифу зоҳид учун жоиз деб ҳисобламайди. Бу қарашлар нақшбанднинг талабларига уйғун келади.

---

<sup>51</sup> Усмон Турар. Тасаввиф тарихи. Тошкент: "Истиқлол", 1998. 74-75-бетлар.



Тасаввуф оламида Кубравия ва нақшбандия тариқатлари мўътадил тариқатлар сифатида машҳур бўлган.

4. Халққа эътибор ва унга хизмат қилиш кубравияда мавжуд. Бу тариқатда Ҳақа етишиш йулида хилватнишинлик, зикр, дунё ташвишларидан кечиш ва охиратни ўйлаш кўп таъкидланса-да, бироқ унинг тасаввуфи таркидунё қилган соҳидлик тасаввуфи эмас, балки халққа эътибор, меҳр-муҳаббат ва унга хизмат қилиш каби ирфоний тушунчаларнинг энг муҳим қисмини ташкил қилади<sup>52</sup>. Нақшбандларда "Даст ба кору, дил ба Ёр" талаби асосида халққа хизмат асосий шарт бўлиб ҳисобланади.

Кубравияда қуйидаги ўнта асосий талаб асосида тариқат манзилларини босиб ўтиш ва покланиб, маърифатга эришиш йўллари кўрсатиб ўтилади:

Тавба – барча амалларнинг боши, ҳақ йўлга кириш.

Зухд – тақво, пархез.

Таваккул – ўз амаллари, фикри ва ишларида ёлғиз Аллоҳга суяниш.

Қаноат – нафсни тийиш.

Узлат – тасаввуф таълимотига кўра инсоннинг руҳи, агар у покланишга мойил бўлса, табиий равишда яққаланиш ва ғўшанишин бўлишни талаб қилади.

Таважжуҳ – Оллоҳга юзланиш.

Сабр – солиҳнинг эътиқоди, ниятини синаш.

Муроқабат – кузатиш, тафаккурга берилиш.

Зикр – сўфий одам ҳар ерда, ҳар доим Аллоҳнинг (ҳамдини, васфини) исмларини тилидан қўймаслиги.

Ризо – солиқ Аллоҳ қудратини, илмини чуқур ҳис қилган ҳолда ўзини буткул Унинг иродасига топшириш ва тақдирдан рози бўлиш<sup>53</sup>.

Нажмиддин Кубро ва у асослаган кубравия тариқати нақшбандия бир макон ва замонда яшагани учун бир-бирига таъсир этган ва баҳраманд бўлган. Бу икки тариқатга ҳам кирган эшон Имло каби шайхлар ўтганлар.

---

<sup>52</sup> Доктор Тоҳира Хушхол Дастжердий. Нажмиддин Кубро тасаввуфининг ижтимоий аҳамияти. Сино 2001, 6 сон 28-29-бетлар.

<sup>53</sup> Нажмиддин Комилов. Нажмиддин Кубро. Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. 23-24-бетлар.

## 1.6. АҲМАД ЯССАВИЙ ҒОЯЛАРИ

Силсилаи шарифда тўққизинчи халқанинг пири-муршиди ҳисобланган, Қутбул Аср, Шоҳи Ҳамадоний деб эъзозланган Абу Яъқуб Юсуф ибн Аюб Ҳамадоний (1048-1140) ва у кишининг мактаби тарихда из қолдирган.

Хожа Юсуф Ҳамадоний асли эронлик бўлсаларда, у зот Мовароуннаҳрда, асосан Бухорода яшаб, фаолият кўрсатиб, исломнинг суннийлик йўналишидаги тасаввуф тариқатларига асос солганлар.

Ҳамадоний мактабидан Ҳасан Андоқий, Абдуллоҳ Барқий, Аҳмад Яссавий ва Абдулхолиқ Ғиждувонийлар таҳсил олганлар. Биз Юсуф Ҳамадонийнинг икки халифаси Аҳмад Яссавий ва Абдулхолиқ Ғиждувоний қарашларини тадқиқ этмоқчимиз.

Аҳмад Яссавий ва Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг улуғлигини, авваламбор, уларнинг имом ва тасаввуфий тушунчаларни ниҳоятда теран англаганлиги, буларни ўзида мужассам этган буюк мутасаввиф ва комил бир муршид бўлганлиги билан белгилаш мумкин.

Кўпгина манбаларда, Аҳмад Яссавийнинг таълимотларида инсон Худо васлига етиш учун шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат каби босқичларни бирма-бир босиб ўтиши, дунёдан, ўзлигидан воз кечиши, ўзини хилватга тортиб, ҳам фикрини, ҳам зикрини худога бериши керак, деб таъкидланади. Лекин, алломанинг сиёсий қарашлари, дарвешларни ҳимоя қилиши ҳақидаги қарашларига унчалик эътибор берилмаган.

Бироқ, дарвешлик осон эгалланадиган маслак эмаслигини жуда яхши билган Яссавий дарвешсифат инсонларнинг етишишини замон, макон ва иршод унсурларига боғлаб бундай дейди: **"Мубтадийлар мурури, мутасаввифлар судури ва мунтаҳийлар зуҳури шу тўрт асосга боғлиқдир: 1) Макон, 2) Замон, 3) Ихвон, 4) Рабти султон"**<sup>54</sup>.

Яссавийга кўра шариатни билмоқ ва унга мувофиқ яшамоқ сўфийнинг бирламчи вазифасидир. Шариатсиз тариқат бўлмаганидек, тариқат тарбиясининг яна бир шarti "сиёсатлиғ муршид"дир:

Тариқатга сиёсатлиғ муршид керак,

---

<sup>54</sup> Усмон Турар. Яссавийнинг Туркистон тарихидаги ўрни ва мутасаввифлиги // Хожа Аҳмад Яссавий. Ҳаёти, ижоди, аъёнлари.Т.:Ўзбекистон. Ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси, 2001. 129-бет.

Ул муршидга эътиқодлиғ мурид керак.

Хизмат қилиб пир ризосин топмоқ керак,

Мундоғ ошиқ Ҳақдин улуш олур эрмиш<sup>55</sup>.

Эътиборли жойи шундаки, Ҳамадоний мактабининг фаолиятини Яссавийдан кейин олиб борган Хожагон тасаввуфий мазҳаб, ирфоний мактаб тариқатининг пиру-устози, мутафаккир Абдулхолиқ Ғиждувоний эса, "пок тақводор сўфий юқори мансабдор лавозимли шахслар, ҳокиму салотин аҳли билан алоқада бўлмаслиги лозим, чунки бундай шахслар кўпроқ мазкур дунё мақсаду манфаатига берилиб тоату ибодатдан, Ҳақ таоллога сиғинишдан узоқлашган жамоадирлар"<sup>56</sup>, – деб ҳукмдорлар билан ҳар қандай алоқани рад этади. Улуғ аллома шундай ёзади: "Шердан қўрқанингдек, Султон одамларидан ҳам шундай қўрқингиз". "Султонлар билан бирга ўтирмангиз, чунки бу тариқатга эътиқодингизни сусайтиради"<sup>57</sup>.

Ғиждувонийнинг яқин издошлари ҳам, нечоғлик аниқки, "султонлар ишига" аралашишга интилмаганлар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Аҳмад Яссавий ва Абдулхолиқ Ғиждувоний кучли бир диний-тасаввуфий шахсиятлари, инсониятга боғлиқликлари, жисмонан меҳнат қилиб, инсонларга ёрдам бериши ва хизмат қилиши, "қўл ишда, кўнгил ёрда" ғояси билан дунё ва охират мувозанатини сақлаган фаол ва ҳаракатчан тасаввуфий дунёқарашга эгалиги, халқни маърифатли қилиши, Комил инсон етиштиришдаги мустасно қобилиятлари, кўнгилдаги илоҳий ишқ ва инсонпарварлик ғоялари билан ислом оламининг истиқболида жуда муҳим таъсир ўтказиб келган буюк шахсиятлардир.

Аҳмад Яссавий ғоялари нақшбандияга таъсир этган. Маҳдуми Аъзам кейинчалик унинг фикрларини ижодий ривожлантирган.

---

<sup>55</sup> Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. // Нашрга тайёрловчи Р.А.Абдушукуров. Т., 1992. 8-бет.

<sup>56</sup> Болтаев М.Н. Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний - инсондўст ҳаким, рифъат шайх. Бухоро, 1994. 11-бет.

<sup>57</sup> Абдулхолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. Қўлёзма. Ўз РФАШИ. N 3844/XVI. 182-183 а-в.

## 1.7. АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ВА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 31-сессияси ташаббусини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 4 декабрда 423-сонли ҳамда вилоят ҳокимлиги 2002 йил 23 декабрда 127-сонли «**Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисида**» қарор қабул қилди. Бу қарор асосида Абдулхолиқ Ғиждувоний таълимотини чуқур, ҳар томонлама ўрганиш бошланди.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний (1103-1179) буюк мутасаввуф хожагон тариқатининг асосчиси, соҳиб каромат авлиё, Хўжаи Жаҳон номи билан ислом дунёсида машҳурдирлар. "Хўжаи Жаҳон" ўзбекчада "Жаҳон Хўжаси" мазмунини беради. Ул зоти бобаракотнинг падари бузрукворлари Имом Молик (713-795) авлодларидан бўлиб, исми шарифлари Имом Абдулжамилдир. Волидаи муҳтарамалари подшоҳ авлодидан бўлганлар.

Хожаи Жаҳон Бухоро вилоятининг Ғиждувон шаҳрида туғилиб, шу ерда вафот этганлар. 2003 йилда ушбу кўҳна ва навқирон шаҳарда шарқ оламининг мутафаккири Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллик тўйи нишонланди.

Хожаи Жаҳон мўътабар китобларда "шайхушшуюх" (шайхлар шайхи) унвони билан таърифланадилар. Бундай унвон Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий томонидан Хўжа Юсуф Ҳамадоний, Хўжа Аҳмад Яссавий, Хўжа Абдулхолиқ Ғиждувоний каби пирларга нисбатангина қўлланилган.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний Ҳазрат Хизр Алайҳиссалом, Юсуф Ҳамадоний, Имом Садриддин, Ниёз Хоразмий (Бобойи Лақлақаги)лардан таълим олганлар. Бу зот Ҳазрати Хизрнинг **зикри хуфия** таълимотини ўрганган бўлсалар, Юсуф Ҳамадоний хожага сўфийлик ҳирқасини кийгизганлар.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийдан "Рисолаи Соҳибия", "Рисолаи шайхушшуюх, Ҳазрат Хўжа Юсуф Ҳамадоний", "Мақомоти Хўжа Юсуф Ҳамадоний", "Васиятнома" каби асарлар ёдгор қолган. Аммо, ҳали бу меросни халқимиз ўзлаштириб, маънавий мулкига айлантира олганича йўқ.

Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг Хожа Сиддиқ, Хожа Авлиёи Кабир, Хожа Сулаймон Карманий, Хожа Ориф ар-Ревгарий (Хожа Ориф Моҳи Тобон) исмли халифалари бўлган. Ул зоти шарифнинг муридларидан Садр ал Кабир Бурхониддин Бухородаги масжиди Баланд ва Сўзангарон масжидини қурдирган эканлар.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний бутун оламга донғи кетган Ҳазрат Баҳоуддин Балогардоннинг маънавий устозлари-дирлар. Ул зоти шарифнинг руҳи поклари Баҳоуддин Нақшбандийни тарбият қилганлиги учун Баҳоуддин "Увайсий" лақаби олмишдир.

Абдулхолиқ Ғиждувоний юксак даражадаги шайх, орифлигини исботловчи далиллардан бири унинг Баҳоуддин Нақшбанднинг устози эканлиги масаласидир.

Баҳоуддин Нақшбанд номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий ҳаётига оид Жомийнинг "Нафаҳот ул унс", Алишер Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат", Ас-Сафийнинг "Рашаҳот айнул ҳаёт" каби манбаларда "алар увайсий эдилар" деб ёзилган. Баҳоуддиннинг увайсий эканлигини исботи учун у кишини Абдулхолиқ Ғиждувонийдан таълим олганлари қайд этилган. Увайсийлик Увайс Қараний номи билан анъана бўлиб келгандир. Чунки Увайс Қараний Муҳаммад пайғамбарни кўрмай илоҳий иноят билан у кишидан руҳий таълим олганлар. Шунинг учун Оллоҳнинг ўзи ўтганларнинг руҳи билан кимни тарбият этса уни увайсий деганлар. Баҳоуддин Нақшбанд 1318-1389 йилларда яшаганлар. Абдулхолиқ Ғиждувоний 1220 йилда риҳлат этганлар. Баҳоуддин Хожаи Жаҳондан руҳий таълим олганда орадан юз йиллар ўтган бўлади. Дунёдан ўтганига юз йил бўлган одам бировни тарбиялай оладими? Бу қандай воқеъ бўлади? Бу нимадан далолат беради? Бу воқеа бўлганми ёки муболағами? Дарҳақиқат, руҳий оламнинг ақл доирасига сиғмайдиган чексиз ва чегарасиз томонлари жуда кўпдир. Лекин руҳнинг қуввати қанча кучли бўлса у тушда кўриниши, моддий либос кийиб намоён бўлиши мумкинлиги ҳақида исботлар билан тадқиқотлар ўтказилган.

Абдулхолиқ Ғиждувоний ўзлари ҳали ҳаёт бўлган даврларида намоз вақтида Каъбага бориб келганлар. Шом шаҳрида у кишининг кўп муридлари бўлган. Ҳолбуки ўзлари жисмонан Ғиждувонда бўлганлар. Демак, инсон жуда чексиз

имкониятларга эга бўлган илоҳий сифатли мавжудот. У руҳини камолотга етказса сув устида юриш, ҳавога учиш, масофани тез босиб ўтиш, ёмғир ёғдириш каби ғайриоддий кароматларни амалга ошириши ҳеч гап эмас. Баҳоуддин Нақшбандга ҳам 100 йилдан кейин Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг келиб таълим беришлари у кишининг кароматларидандир. Баъзи манбаларда Абдулхолиқ Ғиждувоний Баҳоуддин Нақшбанднинг тушларига келиб тарбия берган десалар, иккинчилари Баҳоуддин у кишини кўрган ва таълим олган деб ёзадилар.

Тушдами ёки қалб кўзи биланми Баҳоуддин Нақшбанд Хожаи Жаҳонни аниқ кўрганлар ва овозларини ўз қулоқлари билан эшитиб, у кишидан олган сабоқларига амал қилиб шундай юксак мартабага эришганлар. Чунки, манбалар Нақшбандни Муҳаммад Бобои Самосий, Амир Кулол, Ориф Деггароний, Қусам Шайх, Халил ота каби пирлардан бевосита, жисмонан ва маънан учрашиб, зоҳир юзидан таълим олганлигини қайд этса-да, лекин аслида ҳақиқат юзидан у киши увайсий эдилар ва Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳидан тарбия топганлар деб таъкидланади. Баҳоуддин Нақшбанд Абдулхолиқ Ғиждувонийни кўрганини шундай тасвирлайдики, "Пире кўрдим - нуроний, салом қилдим. Жавоб бердилар ва сўзларни сулук мабдаида ва васатида ва охирида керақлиқдур менга баён қилдилар ва дедиларки, ул чироқларки, ул кайфият билан сенга кўргуздилар ишорату башоратдур сенга бу йўл қобилият ва истеъдодидин. Аммо истеъдод фатиласин ҳаракатга келтурмак керак, то ёруғай ва асрор зуҳур қилғай ва яна буюрдилар ва муболаға қилдиларки, барча аҳволу ақдомда барча амру наҳий жодасига қўйғил ва азимат била амал қил ва суннатни бажо келтургил ва руҳсатлар ва бидъатлардин йироқ бўл ва доимо Мустафо с.а.в. ва асҳоби киром р.а. ахбору осорига мутафаҳҳис ва мутажассис бўл"<sup>58</sup>.

Демак, Абдулхолиқ Ғиждувоний, биринчидан, Баҳоуддин Нақшбандга тариқат йўлининг боши, ўртаси ва охирида бажариш зарур бўлган амалларни ўргатганлар. Иккинчидан, Баҳоуддин Нақшбанднинг қобилият ва истеъдоди борлигини кўриб уни ҳаракатга келтириш зарурлигини таъкидладилар. Учинчидан, доимо амру наҳий - амал қилиш зарур ва инкор этилган нарсаларга эътибор бериш лозимлигини қайд этганлар.

---

<sup>58</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 17 - Т., 2001. 262-бет.

Тўртинчидан, руҳсат ва бидъатлардан узоқда туришни буюрганлар. Бешинчидан, ҳадисларни ўрганиш, саҳобаларни ахбору осорларни тадқиқ этишни ўғит берганлар. Буларга амал қилиб Баҳоуддин комил инсон даражасига етган. Бу эса Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг юксак даражада руҳан камол топган инсон эканликларидан далолат беради. Шу билан бир-галикда Нақшбандия таълимотидаги хуфийя зикр Абдулхолиқ Ғиждувонийдан мерос қолган.

## 1.8. ХОЖАГОН ТАЪЛИМОТИДА "ВАҚТ" ТУШУНЧАСИ

Абдулхолиқ Ғиждувоний **"Маслак ал-орифин"** асарининг 13-бобида тариқат мақомлари ва инсон руҳий камолотининг босқичлари ҳақидаги масалани ёритган. У бу бобда **муҳосаба** тушунчасига махсус эътибор берган. **"Муҳосаба ҳар бир ўтган вақтнинг ҳисобидир"**<sup>59</sup>. Абдулхолиқ Ғиждувоний ёзадики: **"Сўрадиларки, муҳосаба нима? Муҳосаба нафасни сақлашдир, токи у беҳуда ўтмасин"**. Кўриниб турибдики, Абдулхолиқ Ғиждувоний нафас тушунчаси билан вақтни бир маънода ишлатган.

Абдулхолиқ Ғиждувоний устози Юсуф Ҳамадонийнинг **"Ҳуш дар дам"** ўғитини хожагон тариқатига киритади ва инсон ҳаётининг асосини нафасда дейди. Худди шу нафас ичида амал бор, вақт бор, ўлим бор, ҳаёт бор. Одам энг сўнгги нафасини олаётганда, нафас қадрини тўлиқ англайди. Шунинг учун **"Муҳосабадан мақсад охирги нафасдир. Муҳосаба нафасни нигоҳдошт, яъни сақлаш билан изоҳланади, токи у ғафлат билан беҳуда ўтмасин"** дейди Хожаи Жаҳон.

Хожагон тариқати аҳли **"Икки нафас орасидаги Ҳақ хоҳишини асрай "** олган. **Чунки ҳар бир нафас иноятдир.**<sup>60</sup>

Абдулхолиқ Ғиждувоний тириклик сармояси бўлган умрнинг "ҳар нафасини эҳтиёт қилиш керак"лигини таъкидлайди. Бунинг учун ҳар нафасни эҳтиёт қилиш керак. Уни қайтариб бўлмайди. Ҳар бир ўтадиган оннинг қадрига етиш лозим.

<sup>59</sup> Абдулхолиқ Ғиждувоний. Маслак ал-орифин. Қўлёзма. 88б-варақ.

<sup>60</sup> Қаранг: Эшқобил Шукур. Яратганнинг буюк ҳикмати. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- 1997. 7 ноябр. 45-сон.

Абдулхолиқ Ғиждувоний буюрадиким, "Зое кетган вақтларни тавба билан тадорик қилиш, яъни чорасини кўриш лозим ва бўш бўлган вақтни азиз деб билиш керак. Уни муҳофаза этишга ҳаракат қилингики, барча футуҳлар вақтни сақлашга боғлиқдур. Ҳақ йўлидагилар вақтнинг риоятига жуда катта ғайрат қиладилар. Чунки тангри ҳар бир нафасни эҳтиёт қилувчиларни севади"<sup>61</sup>.

"Вақтни азиз деб сақланг ва унинг одобини жойига қўйинг. Вақтни азиз тутиш сўфийлар учун лозим бўлган ишлардандир"<sup>62</sup>.

Абдулхолиқ Ғиждувоний бирор нафасни ҳам ғафлат билан ўтказмаслиги, огоҳ бўлиш ва асраш лозимлигини уқтиради: "Умр нафасларнинг сармоясидир. Бу сармояни туну-кун, уйқу ва бедорликда огоҳлик билан ҳарж қилиш керак. Ҳар бир ўтадиган бир нафасни зое кетказмаслик керак. Уни жавоҳир каби асраш лозим. Агар у зое кетса, катта зарар кўрилади. Худди бу асл жавоҳир бир хазина, беҳуда нафас хазинани ўғирлатиш билан баробардир. Шунинг учун ҳар бир фурсатни ғанимат билиш керак ва уни эътибор ва истиффор билан ўтказиш лозим. Чунки заррача қилинган яхшилик ва заррача қилинган ёмонликнинг ҳам ҳисоби бор".<sup>63</sup>

Шунингдек, Хожаи Жаҳон нафасни асраш, уни қадрлаш ботин иш эканлиги ва инсон камолотининг асоси дейди. У таъкидлайдики, нафасингизни эҳтиёт қилинг, нафас ботин ишдир. Киши доим Оллоҳ билан бўлсин ва хотирида ўзга нарса бўлмасин.

**"Вақт қилич каби кескирдир" ҳар бандаки бир соатини ҳаётдан кесади, уни қайтиб қўлига кирита олмайди",** деб ҳар он, ҳар нафасни асрашни Ғиждувоний ўғит берган.

Баҳоуддин Нақшбанд Ғиждувонийнинг ўғитларини моҳиятини очиб айтадики, **"Ҳар ким ўз вақтида вазифасини адо этиш билан машғул бўлса, уни "соҳибул вақт" (вақт эгаси) дейдилар.** Бу даражада етишганлар бу вақтни доимий ва абадийга боғлайдилар.

---

<sup>61</sup> Абдулхолиқ Ғиждувоний. Маслак ал-орифин. Қўлёзма. 18а-варақ.

<sup>62</sup> Ўша асар. 186-варақ.

<sup>63</sup> Ўша асар. 165б-варақ.



Бундай вақт соҳиби вақтнинг тасарруфидан қўтилган, балки вақт ва нафасларни ўз тасарруфига олган бўлади. Уни "абул вақт" - "вақт отаси" дейдилар.

Абдулхолиқ Ғиждувоний, хожагон тариқати пирлари, Баҳоуддин Нақшбандлар нафас моҳиятини очиш билан Вақт отасига айланганлар. Улар Вақтни бўйсундирдилар.

Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг вақт тўғрисидаги ғоялари ҳозирги илм - фан учун жуда қизиқарли бўлиб, махсус ўрганишни талаб этадиган муаммодир. Чунки нафасни Вақт эканлигини аниқлаш учун одамлар ботинларидаги Ҳикмат - меҳр-муҳаббатни илғашлари керак. Бу руҳни эса тарбиялаш зарур. Илло нафас вақт эканлигини англай олмаган одам вақт дарёсида оқиб кетаётган хас-хашак каби ўликдир. Баҳоуддин Нақшбанд "вуқуфи замони" ғояси Абдулхолиқ Ғиждувонийдан баҳра олган.

## **1.9. АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙНИНГ "ВАСИЯТНОМА" АСАРИ ХУСУСИДА**

Хожаи Жаҳоннинг шогирдлари - "Фарзанди аржуманд" - Авлиё Кабирга қилган насиҳатлари - "Васиятнома" асарлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Қуйидаги бир қатор рисолаларда Хожаи Жаҳоннинг "Васиятнома" асарлари хусусида мулоҳазалар мавжуд.

Устоз Йўлдошевнинг "IX -XIV асрларда авлиё даражасига кўтарилган Бухоролик машойих ва олимлар"<sup>64</sup> ва "Бухородаги айрим авлиёлар тарихи" китобларида Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳақида нисбатан тўлиқроқ маълумотларни учратамиз. Айниқса, Абдулхолиқ Ғиждувоний туғилишларига бағишланган номаълум шоир томонидан ёзилган қасида ва хожанинг тариқат одобига оид "Насиҳатнома" асари ҳақидаги маълумотлар аҳамиятга молик.

"Хожа Абдулхолиқ бир неча китоблар муаллифи бўлиб, айниқса унинг тариқат одобида "Насиҳатнома" деган асари машҳурдир. Бу насиҳатномани маънавий фарзандлари Хожа Авлиёи Кабир учун ёзган эдилар. Бу асар ажойиб фойдалар ва ғаройиб манфаатларни ўз ичига олган бўлиб, тариқат йўлидаги

---

<sup>64</sup> Йўлдошев Н. IX-XIV асрларда авлиё даражасига кўтарилган бухоролик машойих ва олимлар. Бухоро, 1992.

барча кишилар унга амал қилмасдан иложи йўқ"<sup>65</sup>, -деб ёзади муаллиф.

Кўпгина муаллифлар китобларида ушбу асар "Васиятнома" номи билан берилган бўлиб, "Насиҳатнома" билан иккаласи бир нарсадир.

Шунингдек, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний "Васиятнома" си 1993 йилда Ғиждувон туман ҳокимлигининг ташаббуси билан нашр қилинди<sup>66</sup>. Унинг илмийлик даражасига таъриф берадиган бўлсак, "Васиятнома" кимга бағишланганлигини, қайси манбадан олинганлигини, тариқатдаги қандай масалаларга катта аҳамият берилганлиги кўрсатилмаган.

Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг "Васиятнома"си Иззат Султоннинг "Баҳоуддин Нақшбанд абадияти" китобида ҳам кенгроқ тадқиқ қилинган. "Рашаҳот"да Навоийда келтирилмаган бир неча ҳужжат борки, улар Ғиждувоний таълимотидаги янгиликларни жуда аниқ ифода этадилар. Бу ҳужжатларнинг биринчиси - "Рашаҳот" муаллифи таъбирича, "Фарзанди маънавий Хожа Авлиёи Кабир" учун махсус ёзилган насихатномадирки, уни Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг "Васиятнома"си деб аташ мумкин"<sup>67</sup>, - деб ёзади муаллиф. Ушбу асарда келтирилган "Васиятнома" ҳам ас - Сафийнинг "Рашаҳот айнул - ҳаёт" асаридан олинган бўлиб, "Васиятнома"нинг ахлоқий, диний жиҳатлари, тариқатдаги ўрни ҳар томонлама таърифланган.

Юқорида келтирилган ҳар иккала китобда ҳам "Васиятнома"нинг қисқартирилган нусхаларидан фойдаланилган.

Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг тўртинчи халифаси ва шогирди, хожагон сўфийлик тариқатининг асосчиси Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг "Васиятнома"си ушбу тариқатнинг амалиётида жуда кенг тарқалган. Номаълум муаллифнинг "Мажмуал Хожагон" номли қурама китобида Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг васиятномаси баъзи жойлари ўзгартирилган ва бирмунча қисқартирилган ҳолда келтирилган. "Албатта, Васиятнома" нинг тили "Мажмаи Хожагон"да замондошларга тушунарлироқ бўлиши учун мирзолар томонидан ўзгартирилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас", деб ёзади В.Вяткин. Машҳур "Рашаҳот-

<sup>65</sup> Йўлдошев Н. Бухородаги айрим авлиёлар тарихи. Бухоро, 1993. 36-бет.

<sup>66</sup> Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. Т., 1993.

<sup>67</sup> Султонов И. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти Т., 1994. 24-25-бетлар.

айн-ал-хаёт" асаридаги "Васиятнома" "Тазкира-ал-Суфия" рисоласида бўлгани каби, "Маслак - ул орифин"дан фойдаланиб, ўта қисқартирилган ҳолда баён қилинган. Бошқа кўпгина асарларда "Васиятнома"дан парчалар келтирилган. Бироқ юқорида номи тилга олинган асарларнинг бирортасида унинг қайси манбадан фойдаланилганлиги ҳақида маълумот йўқ.

Маҳмудхон Ҳасанхон Маҳмад ўғли ва Гулбаҳор Музаффар қизининг "Хожаи жаҳон-Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний (Т.: "Наврўз", 1994) китоби Ғиждувоний ҳақидаги китоблардан ташқари унинг ўз қаламига мансуб бўлган. "Одоби тариқат" ва "Мақомоти Юсуф Ҳамадоний" китобларидан ҳам таржималар келтирилган. "Одоби тариқат"га бошқача "Рисолаи Васое" (Насихатлар рисоласи) турли қўлёмалар орқали бизгача етиб келган бўлиб, ҳар хил қўлёмаларда айрим фарқлар кўзга ташланади. Унинг қисқартирилган шакли Фахриддин Али Сафийнинг "Рашаҳот" китобида ҳам келтирилган. "Хожаи Жаҳон - Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний" китобида келтирилган "Васиятнома"нинг юқорида келтирилган вариантларидан фарқи шундаки, биринчидан, қайси манбадан, яъни Али Сафийнинг "Рашаҳот"асаридан олинганлиги асослаб берса, иккинчидан, "Васиятнома"нинг бошқа нусхалардан кўра тўлиқроқ матни келтирилган.

"Васиятнома" тарихи Муҳаммад бин Аҳмаднинг "Маслак - ул орифин" китобидан фойдаланиб, ўта қисқартирилган ҳолда баён қилинган. Бошқа кўпгина асарларда "Васиятнома"дан парчалар келтирилган. Бироқ юқорида номи тилга олинган асарларнинг бирортасида унинг қайси манбадан фойдаланилганлиги ҳақида маълумот йўқ. В.Вяткин таржимасидан С.Березиков ҳам ўзининг "Светые лики Туркестана" (Т.: "Камалак", 1992.65-68-бетлар) китобида тўлиқ фойдаланган.

"Васиятнома" тарихи устида олиб борган тадқиқотларимиз якунида бир нарсанинг гувоҳи бўлдикки, Муҳаммад бин Аҳмаднинг "Маслак - ул орифин" асарида Абдухолиқ Ғиждувоний "Васиятнома"сининг тўлиқ матни берилган экан. "Маслак - ул орифин" китоби Шарқшунослик институти кутубхонасида Р 11284-1 рақами остида сақланмоқда. Ушбу асар В.Вяткин томонидан тадқиқ этилиб, "Завещание Шейха Абд-ал-халика Ғиждувани" номли мақола остида 1898 йил "Туркестанские ведомости" (№94 776-777стр.) 13 (25) декабрь сонидан чоп

этилган. Мақола муаллифи В.Вяткиннинг ўзи бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: "Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу таржимада такрорланиб келган айрим ўринлар тушириб қолдирилди ва баёнга бирмунча кетма-кетлик тусини бериш учун "Васиятнома"нинг асл тартиби ўзгартирилди". "Васиятнома" даги гоёлар нақшбандия таълимотига сингиб кетган.

## 1.10. ХОЖА АЛИ РОМИТАНИЙ ТАЪЛИМОТИ

### Ҳазрат Азизон ҳаёт йўли

Аждодларимизнинг маънавий меросини чуқур ўрганиб, улардан ибрат олиш маънавий камолотимизнинг асосий воситасидир. Бухоройи Шариф деб етти иқлимга танилишига сабабчи бўлган жуда кўп азиз авлиёлар, олиму ҳукамоларни чиқарган бу азиз тупроғимизнинг шон-шуҳратини оламга ёйган авлиёлардан бири Ҳазрат Азизон номи билан маълум ва машҳур Хожа Али Ромитанийдир. Бу киши Хожайи Жаҳон номи билан машҳур Абдулхолиқ Ғиждувоний асослаган тасаввуфнинг хожагон тариқатининг йирик намояндаси, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийнинг халифаси, Бухорони жаҳонга танитган етти пирларнинг тўртинчиси, Муҳаммад Бобойи Самосийнинг устози, бой маънавий мерос қолдирган мутасаввифдир. Охириги йилларда Али Сафийнинг «Рашаҳот айн ул-ҳаёт» (Ҳаёт булоғидан томчилар) асари таржимасининг нашри<sup>68</sup> ва янги чиққан рисола ва асарларда<sup>69</sup> Хожа Али Ромитаний ҳақида маълумотлар бор бўлса-да, лекин бу муборак зот ҳақида айтилмаган сўзлар жуда кўпдир. Айниқса у кишининг Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва таълимотидаги ўрни етарли даражада тадқиқ этилмаган. Шунинг учун биз биринчидан, Хожа Али Ромитанийнинг ҳаёти, фаолияти ҳақида маълумот бериш, иккинчидан, у киши билан Ҳазрат

---

<sup>68</sup> Али Сафий. Рашаҳот (Оби ҳаёт томчилари). Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. 51-57-бетлар.

<sup>69</sup> Қаранг: Йўлдошев Н. Бухородаги айрим авлиёлар тарихи. Бухоро, 1994. 52-53-бетлар; Муҳаммедхожаев А. Идеология нақшбандизма. Душанбе, 1991. С - 34-40; Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. Тошкент, 1993. 9–10 – бетлар; Садриддин Салим Бухорий. Икки юз етмиш етти пир. Бухоро, 2006. 136-147 – бетлар; Сайфиддин Сайфуллох, Нодирхон Ҳасан. Хожагон – нақшбандия машойихлари. // Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т.: "Янги аср авлоди", 2003. 43-46 – бетлар.

Баҳоуддин Нақшбанд ораларидаги муносабатга аниқликлар киритишни мақбул кўрдик.

Туркияда чиққан «Тасаввуфий ахлоқ» асарида нақшбандийлик тасаввуф тариқатининг силсиласи ҳақида «Силсилаи шариф» номли шеър ёзилган бўлиб, унда Хожа Али Ромитанийнинг бу силсилада ўрнини очиб берувчи шундай мисралар бор:

Шайх Али Ромитаний нуру ҳақиқат шаҳпари,  
Шамси Ҳақ Бобо Самосий ул Муҳаммад хожадир.<sup>70</sup>

Бу мисралар Хожа Али Ромитанийнинг шайхлик даражасида бўлганлиги, яъни шариат, тариқат ва маърифат камолот босқичларидан ўтиб, ҳақиқатга етиб, ўзгаларни ҳам бу йўлдан таълим бериш ҳуқуқига эга эканлиги билан бирга ҳақиқатни шундай юксак даражада кўриб, англаганким, «нуру ҳақиқат шаҳпари» деб таъриф беришга муносиб бўлганларидан далолат беради.

Турк тилидаги бу манбада Хожа Али Ромитаний шундай тавсифланади: «Юзи гўзал, бўйи мавзун, бутун аъзолари бир-бирига мутаносиб эди, тўқувчилик санъати билан рўзғор этар эди. Дунёдаги ҳеч бир нарсага илтифот этмайиб, фақрни дунё неъматларининг энг олийсига тенглаштирарди. Нақшбандийа машойихларнинг кубароси. Хожагон тариқати силсиласида Азизон лақаби билан машҳурдир. У 130 йил яшади»<sup>71</sup>.

“Шамоиلى: Ўрта бўйли, юз ва бошқа аъзолари жуда кўркам эди. Фақирлик сулукини танлаганди. Мато тўқиш билан шуғулланарди. Зоҳирда халқ билан, ботинда Ҳақ билан эди. Юксак маънавий мақомга соҳиб бўлиб, фавқулодда кароматлари зоҳир эди. Хожа Маҳмуд Фағнавий ҳазратларининг хизматини ихлос билан қилган энг садоқатли, улуғ халифаларидан эди”<sup>72</sup>.

Манбаларда у кишининг вафот йиллари ҳақида икки хил маълумотни учратдик. Бир жойда вафот этган йиллари ҳижрий 721 милодий 1321 йил Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд туғилганининг учинчи йилида эканлиги кўрсатилган.<sup>73</sup> Агар у киши 130 йил умр

<sup>70</sup> Муҳаммад Зоҳид Кутки. Тасаввуфий Ахлоқ. Т. 2 Анқара, 1992. 176 - бет.

<sup>71</sup> Ўша асар. 188 - бет.

<sup>72</sup> Сайфиддин Сайфуллоҳ, Нодирхон Ҳасан. Хожагон – нақшбандия машойихлари // Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т.: “Янги аср авлоди”, 2003. 43 - бет.

<sup>73</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. Т.: Ёзувчи, 1993. 24-бет.

кечирган бўлсалар, туғилган йиллари тахминан милодий 1190 йилга тўғри келади.

Шу билан бирга Ас-Сафийнинг «Рашаҳот» асарида Хожа Али Ромитанийнинг вафотларини кўрсатувчи шундай тарихий мисралар келтирилган:

Ҳафтсаду понздаҳ зи ҳижрат буд,  
Бисту ҳаштум зи моҳи зулқаъда,  
К-ин Жунайдн замону, Шиблии вақт,  
З-он саро рафт бар сари парда<sup>74</sup>.

Таржимаси:

Ҳижратдан етти юзу ўн беши эди,  
Зулқаъда ойининг йигирма саккизинчиси,  
Замонинг Жунаиди ва вақт Шиблийси,  
Бу саройдан парданинг орқасига кетди.

Бу тарихий мисраларда, биринчидан, вафот йили 715 йил, зулқаъда ойининг 28 кунлари деб кўрсатилган бўлса, иккинчидан, у кишини Жунайд Бағдодий (ваф, 9100) ва Шиблий (861-956) каби йирик шахслар билан тенглаштирилади. Бу далиллар Хожа Али Ромитаний, яъни Ҳазрат Азизоннинг ўз даврида жуда машҳур киши эканлигидан далолат беради.

«Рошаҳот» асарида келтирилган бу тарихий шеърий манбага таяниб, Хожа Али Ромитаний вафотлари 715 ҳижрий, милодий 1316 йили Хоразмда бўлган десак, агар 130 йил умр кўрган бўлсалар 1186 йилларда туғилган деган хулосага келиш мумкин.

Барча манбаларда туғилган жойлари Ромитан ва вафот этган жойлари Хоразм деб кўрсатилган. Баъзи маълумотлар асосида кейинчалик тупроқлари Хоразмдан Ромитанга келтирилган деган хулосага келиш мумкин. Чунки қабрлари икки ўғиллари билан бирга ҳозирги кунда Ромитанда жойлашган ва обод этилган зиёратгоҳдир. Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Нодирхон Ҳасан Хожа Али Ромитанийни туғилгани ҳижрий 588 / милодий 1191 ва вафоти ҳижрий 721 / милодий 1321 деб кўрсатганлар.<sup>75</sup>

У кишидан иккита фарзанд қолганлиги ва улар иккови ҳам ўз даврининг машҳур кишилари бўлганлиги қайд этилган.

<sup>74</sup> Фаҳриддин Али Сафий. Рашаҳот айнул – ҳаёт. Тошкент: Фуломия матбааси, 1329/1911. 42 - бет. (таржима Қосимова З.И. ҳамкорлигида амалга ошган).

<sup>75</sup> Хожагон – нақшбандия машойихлари. 43 – бет.

Абдурахмон Жомий «Нафаҳот ул-унс» асарида Жалолиддин Румийнинг қуйидаги мисраларини Хожа Али Ромитаний ҳақида деб келтиради:

Гар на илми ҳол фавқи қол буди, кай шудй?  
Банда аъёни Бухоро хожаи Нассожро.<sup>76</sup>

Мазмуни:

Қол илми ҳол илмидан устун бўлса эди,  
Бухоро аъёнлари Хожаи Нассож – Тўқувчи Хожага қул  
бўлмас эдилар.

Бу мисралар, биринчидан, Хожа Али Ромитаний ҳол даражасида, яъни руҳан жуда юксак бўлиб, илоҳий нурлар ичидан Ҳақиқатни қабул эта оладиган даражада бўлганини кўрсатади. Иккинчидан, ҳол илми қол оддий сўзлашув асосида пайдо бўлган дунёвий илмдан қай даражада юксак бўлса, шунчалар Хожаи Нассож – Тўқувчи Хожа – Хожа Али Ромитаний Бухоро аъёнларидан устун эканлигини ва улар у кишининг хизматларида бўлганлигини исбот этади.

Хожа Али Ромитанийдан бой маънавий мерос сақланган. Бизнинг тадқиқотларимиз кўрсатадики, у кишидан “Рисолаи Ҳазрат Азизон” асари, 16 рашҳа – кишига оби ҳаёт берувчи ҳикматлар, бирта қитъа ва рубоийлар сақланган. “Рашаҳот” асарида 16 рашҳа келтирилган. “Рисолаи Ҳазрат Азизон” ҳақида маълумот ва бу асарнинг таржимасини қуйироқда ўқийсиз.

### **Қ И Т Ў А**

Нафас мурғи муқайад дар дарун аст,  
Ниғаҳ дораш, ки хуш мурғест дамсоз.  
Зи пояш банд магсил, то напаррад,  
Ки натвонаш гирифтан баъди парвоз.<sup>77</sup>

Таржимаси:

Нафас сенинг танангда қамалган қушдир,  
У сенинг яхши ҳамдамингдир, уни асрагил.  
Учиб кетмаслиги учун оёқларидан ипни узма,  
Зероки, учгандан кейин уни топаолмайсан.

<sup>76</sup> Али Сафий. Рашаҳот. 52 – бет.

<sup>77</sup> Ўша асар. 55 - бет.

“Рашахот”ни таржима этишда қитъадаги нафас сўзи нафс деб ёзилган. Лекин - бу қитъани профессор М.Н. Болтаев қуйидагича шарҳлайдилар: «Жон, руҳ, нафас жисм, танда муайян ҳолатда мавжуд бўлиб, ундан ажралиб парвоз этиб, бошка эркин ҳолатга ўтиши мумкин. Мана шундай интиқол жараёни ўлимдир, яъни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишдир. Ҳақиқий инсон ўша аслий, абадий томонни англаб олиб, ўтар ҳаёти давомида ўшанга диққату эътиборни қаратиши зарур. Агар шундай қила олмаса, тириклигидаёқ аслий томонидан ажралиб, нуқул пастга тушиб қолиши, аслини йўқотган тубан мавжудотларга айланиши мумкин».<sup>78</sup> Устозимизнинг бу шарҳларига биз тўла қўшиламыз.

Хожа Али Ромитаний бу мисралари орқали ҳар бир нафасимизга эътибор бериб, фоний нарсалардан узилиб, боқий нарсаларга боғланиш зарур деб айтганлар. У кишининг бу қитъалари Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд таълимотига, айниқса «Хуш дар дам» рашҳасининг такомиллашувига ўз таъсирини ўтказган.

Хожа Али Ромитанийдан сақланган рубоийлар ичида, айниқса, қуйидаги рубоий жуда машҳур бўлиб, уни Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд муридларига тез-тез такрорлаб турганлар:

### **РУБОИЙ**

Бо ҳар ки нишастию, нашуд, жамъ дилат,  
Аз ту нараמיד заҳмати обу гилат.  
Аз сўҳбати вай агар табарро накунӣ,  
Ҳаргиз накунад руҳи Азизон беҳилат.<sup>79</sup>

Таржимаси:

Сўҳбатдошинг ила қалбинг ноҷам,  
Кетмади сув-гилинг заҳмати ҳам.  
Демак, ундайлардан узоқлашмасанг,  
Азизон руҳи кечирмагай ҳам.

Бу рубоий орқали яхши киши, ҳақиқий авлиёлар сўҳбати одамда башарий - танадаги тупроқ, сув талабларини йўқотиши ва ёмон кишилар билан сўҳбат қилмаслик ғояси туради. Баҳоуддин Нақшбанд «бизнинг тариқатимиз сўҳбатдур» деганда ана шундай ҳақиқий одамлар билан

<sup>78</sup> Болтаев М.Н. Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний — рифъат шайх. Бухоро, 1994. 29 - бет.

<sup>79</sup> Рашахот. 55-56 - бетлар.



суҳбатни назарда тўтиб, ёмонлардан узоқда туришни таълим берадилар.

### **РУБОИЙ**

Бечора дилам, ки ошиқи рўи ту буд,  
То вақти субуҳ дўш дар кўи ту буд.  
Чавгони сари зулфи ту аз ҳол ба ҳол,  
Мебурдаш ҳамчунон, ки дар кўи ту буд.<sup>80</sup>

Мазмуни:

Бечора дилим, юзингни ошиғи эди,  
Тундан то тонггача сени куйингда эди.  
Зулфинг чавгони ҳолдан ҳолга олиб кетса-да,  
У ҳам сенинг куйингда эди.

### **РУБОИЙ**

Чун зикр ба дил расад, дилат дард кунад,  
Он зикр бувад, ки мардро фард кунад.  
Ҳар чанд, ки хосияти оташ дорад,  
Лекин ду жаҳон бар дили ту сард кунад.<sup>81</sup>

Таржимаси:

Зикр юракка етганида юракни оғритар,  
Шу зикр эрурки, эрни фард айлар.  
Ўт-олов унга хос бўлса-да, лекин  
Икки дунёдан юракни совитар.

Хожа Али Ромитаний бу рубоийларида зикрни дилга бориб етиши одамни фано ҳолатига етказиб, ҳақиқатга етказиши мумкинлигини қайд этмоқда. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу мисралар таъсирида «вуқуфи қалбий» тўғрисидаги таълимотни яратадилар.

### **РУБОИЙ**

Хоҳи, ки ба Ҳақ расй, биёроми тан,  
В-андар талаби дўст, биёроми тан.  
Хоҳи мадад аз руҳи Азизон ёбй,  
Пой аз сари худ соз, биё Рометан.<sup>82</sup>

Таржимаси:

---

<sup>80</sup> Рашаҳот. 56 – бет.

<sup>81</sup> Ўша жойда.

<sup>82</sup> Ўша жойда.

Ҳақа етишмоқчи бўлсанг, танангни сокин қил.  
Дўст талабида бўлсанг, танангни сокин қил.  
Азизон руҳидан мадад изласанг,  
Бошдан оёқ ясаб, Рометанга кел.

Хожа Али Ромитаний бу мисралари билан ўз даврида Рометан кай даражада юксақликда бўлганлигини кўрсатиб, ким Ҳақ талабида бўлса, бу манзилда мақсадига етишини кўрсатади. Шу билан бирга бу таълимотни ўрганмоқчи бўлган кишиларга «бошдан оёқ ясаб Рометанга кел» дейиш билан, руҳан бу таълимот билан бўлишга чақиради. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд таълимотидаги «сафар дар ватан» шиорини қабул этилишида бу рубоийнинг таъсири бор. Чунки инсон ўз-ўзини бошқарса, ҳақа етади.

Рашаҳот асарида Хожа Али Ромитаний айтган қуйидаги рашҳалар келтирилган:

*Рашҳа 1.* Ҳазрати Шайх Рукнуддин Алоуддавла Симноний — қаддасаллоҳу таъоло руҳаҳу — олар бирла муосир эрдилар ва оларнинг ўрталарида муросалот ва муфозот воқеъ бўлубдурким, ойтурларким, Ҳазрати Шайх (Рукнуддин) бир дарвишни оларнинг хизматиға йибордилар ва уч масъала сўрадилар ва ҳар бирига жавоб эшитдилар.

Аввалиғи масъала улким: «Сиз ва биз келгучи ва кеткучига хизмат қилурмиз ва сиз таомда такаллуф этмассиз ва биз такаллуф этармиз ва одамлар сиздан озодлиқ этарлар ва биздин гилада турурлар. Сабаб не турур?» Ҳазрати Азизон жавобда ойтдиларким: «Хизмат этиб миннат қўйғувчилар кўб турур ва хизмат эта туруб миннатдор бўлғувчилар кам турурлар. Жаҳд қилинким, хизмат эта туруб, миннатдор бўлғувчидин бўлунг, то ҳар киши сиздин гилада бўлмасун».

Иккиланчи масъала улким: «Эшитибмизким, сизнинг тарбийатингиз Ҳазрати Хизр алайҳис саломдин турур, бу не янглиғдур?» Жавобда ойдуларким: «Ҳақ субҳонаҳу ва таъолонинг бандалари ул нимарсанинг ошиқи турур, Хизр (алайҳис салом ҳам) онинг ошиқи турур».

Учланчи масъалаким: «Бизлар эшитурмизким, сиз «зикри жаҳр» ойтурсиз. Бу нечукдур?» Жавобда ойтдилар: «Бизлар эшитурмизким, сиз «зикри хуфия» ойтурсиз, бас, сизнинг зикрингиз ҳам жаҳр бўлур».

*Рашха 2.* Мавлоно Сайфуддин Қиссаким, замоннинг уламо ва ақибларидин эрдилар, Ҳазрати Азизондин савол этдиларким:

«Сиз «зикри алонийа»ни қайси нийят била ойтурсиз?» Олар ойтдиларким: «Барча уламнинг ижмоъи била нафаси ахийрда баланд айтмоқ ва талқин этмак ҳадиси «Лаққину мавтокум бишгаҳодати ло илоҳа иллаллоҳ»<sup>83</sup> ҳукми билан жойиз турар ва дарвишларға ҳар нафас - ахийри нафас турур».

*Рашха 3.* Шайх Бадриддин Майдонийким, Шайх Ҳасан Булғорийнинг асҳоби киборларидин турур, Ҳазрати Азизоннинг суҳбатларини топиб эрдилар. Олардин сўрдиларким: «Зикри касирким, бизлар Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло назидин онга маъмур турурмиз «Кама қолаллоҳу таъоло зикран касира»<sup>84</sup>, зикри тил турурму ё зикри дил?» Азизон ойтдиларким: «Мубтадийға зикри тил ва мунтаҳийға зикри дил. Мубтадий ҳамишга такаллуф ва тааммул қилур ва жон чекар. Аммо, мунтаҳийга, вақтеким, зикрнинг асари кўнгулга етушди барча аъзо ва жавоҳир ва уруқ ва мафосиллари зикрга гўё бўлур ва ул вақтда солиқ зикри касир била мутаҳақиқ бўлур. Ва ул вақтда онинг бир кунлик иши бошқаларнинг бир йиллик ишиға баробар бўлур».

*Рашха 4.* Ойтурларким, ул сўзнинг маъносиким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ҳар кеча-кундузда уч юз олтмиш мартаба раҳмат назари била бандаи мўъминнинг кўнглига назар қилур ул турурким, дилининг жамиъи аъзоға уч юз олтмиш равзанаси бордур ва ул уч юз олтмиш тамор (томир) турур аврида ва шароийиндинким, дилга муттасил турур. Вақтеким, дил зикрдин қабули таъсир этса, ул мартабаға етушсаким, манзури назари Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло бўлса, ул назарнинг асарлари дилдин жамиъи аъзоға муншаъб бўлур, то ҳар бир узв ўз ҳолиға лойиқ тоатға машғул ойланур ва ул тоатларнинг нурлари ҳар бир узвдин файзиким, назари раҳмат ондин иборат турур, дилга етушур.

*Рашха 5.* Олардин сўрдиларким: «Иймон не турур?» Ойтдиларким: «Кандан ва пайвастан», яъни узмак ва пайванд этмак. Ўз санъатлариғаким, бофандалик эрди, муносиб жавоб ойтдилар.

---

<sup>83</sup> Ўликларингизга (яъни ўлим тўшагида ётган яқинларингизга)шаҳодат калимаси «ло илоҳа иллаллоҳ»ни айтиб туринглар.

<sup>84</sup> Аллоҳу таъоло айтганидек, «кўб-кўб зикр қилинлар».

*Рашха 6.* Олардин сўрдиларким: «Масбуҳ ўз масбуҳонасини ўқумоққа қачон турар?» Ойтдиларким: «Субҳдин аввал, яъни керакким, вақтдин аввал турсун, то намози қазо бўлмасун».

*Рашха 7.* Ойтдиларким: «Ояти каримаи «Тубу илаллоҳи»да ҳам ишорат турур, ҳам башорат, Ишорат тавба этмакка, башорат онинг қабулиға. Агар қабул қилмаса эрди, амр этмас эрди. Амр - далили қабул турур тақсирни кўрмак била».

*Рашха 8.* Ойтдиларким: «Амал этмак керак ва этмагандек хаёл этмак ва ўзини муқассир кўрмак ва амални янги бошдин этмак».

*Рашха 9,* Ойтдиларким: «Икки вақт ўзларингизни яхши қараб тутунг: сўзлаган вақтда ва бир нимарсани еган вақтда».

*Рашха 10.* Ойтдиларким: «Бир кун Ҳазрати Хизр алайҳис салом Хожа Абдулхолиқнинг ёнлариға келдилар. Ҳазрати Хожа икки арпа чуроки (нон) уйидин чиқардилар. Хизр алайҳис салом емадилар. Ҳазрати Хожа ойтдилар: «Тановул қилингким, ҳалол турур». Хизр алайҳис салом ойтдилар: «Шундоғ турур, аммо онинг ҳамир эткучиси бетаҳорат эркан, бизга они емак раво эрмасдур».

*Рашха 11.* Ойтдиларким: «Кишиким, бу ерда ўлтурур, халқни Худоға чақирур, керакким, ул мисли қушчидек бўлсунким, ҳар қуш ҳавсаласини билур ва онинг таъбига лойиқ ҳар вақт туъмасини берур. Муршид ҳам керакким содиқлар ва толибларнинг тарбиятини қобилиятлари ва истеъдодларининг тавофути андозасинча қилсун».

*Рашха 12.* Ойтдиларким: «Агар ҳамайи рўйи заминда Хожа Абдулхолиқнинг фарзандларидин бирлари бўлса эрди, Мансур ҳаргиз дорға кетмас эрди, яъни агар Хожанинг фарзанди маънавийларидин бирлари ҳаёт бўлса эрди, Ҳусайн Мансурни тарбият бирла ул мақомдин ўткарур эрди».

*Рашха 13.* Ойтдиларким: «Йўл юргучиларга риёзат ва мужоҳада кўб тортмоқ керакдур, то мартабаега ва мақомеға етушурлар. Аммо, бу йўлларнинг барчасидин яқинроқ йўл борким, тезроқ мақсудга етушса бўлур ва ул йўл улдурким, йўл югувчи кўшиш қилсун ўзини бир хулқининг ва хизматининг воситаси била соҳибдиленинг кўнглида жой этсун. Вақтеким, бу тойифанинг кўнгуллари мавриди назари Ҳақ турур, онга ҳам ул назардин насибе етушур».

*Рашха 14.* Ойтдиларким: «Тиле бирла дуо этунгким, ул тилга гуноҳ жорий бўлғон бўлмаса то ижобат мутараттиб бўлур, яъни Аллоҳу таъолонинг дўстларининг ёнинда тавозу ва ниёзмандлик қилинг, то олар сизлар учун дуо қилур».

*Рашха 15.* Бир кун бир киши Ҳазрати Азизоннинг ҳузурларида ўқуйдурким, мисраъ:

Аллоҳга тавба қилингиз.

*Ошиқон дар даме ду ийд кунанд.*

(Ошиқлар бир лаҳзада икки байрам қилурлар.)

Олар ойтдиларким: «Уч ийд қилурлар». Ул киши ойтибдурким: «Ҳазрати Азизон бу маънини кашф этсунлар». Ойтдиларким: «Бири банданинг ёд этмаки Аллоҳу таъолони икки мартаба ёд этмак аросида. Аввал бандага тавфиқ берурким, онинг ёдини қилур. Вақтеким, ёд этса шарафи қабулға мушарраф қилур. Бас, тавфиқу қабул ва ёд этмак уч ийд бўлур».

*Рашха 16.* Бир кун Шайх Фахруддин Нурийким, ул замоннинг ақобирларидин эрди, Ҳазрати Азизондин сўрдилар: «Сабаб недурким, рўзи азалда саволи «Аласту бироббикум»<sup>85</sup> воқеъ бўлди, жамъи лафзни «бала»<sup>86</sup> била жавоб бердилар ва рўзи абаддаким, Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло «лиманил мулк ул-явм»<sup>87</sup> деб нидо қилур, ҳеч киши жавоб бермас?» Олар ойтдиларким: «Рўзи азал таколифи шаръийяни вазъ этулган кун эрди ва шариатда сўзламак бўлур. Аммо, рўзи абад таколифи шаръийяни воқеъ этилур кундир ва олами Ҳақиқатнинг ибтидосидур ва ҳақиқатда сўзламак бўлмас, ложарам ул кун Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло ўзига ўзи жавоб ойтурким: «Лиллаҳил воҳид ил-қаҳқор»<sup>88</sup>.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт ва таълимотларига доир асосий, биринчи, ўз даврида ёзилган манба бу Салоҳиддин Муборакнинг «Анис ут-толибин ва уддат ус соликин» асари бўлиб, унда шундай воқеа баён этилади:

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг тўртинчи халифаси, кейинчалик оламга нақшбандийликни машҳур этган Хўжа Аҳрори Валийнинг устози бўлган зот Мавлоно Яъқуби Чархий Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд билан учрашиб, у киши тариқатларига кирмоқчи эканлигини айтганида, ҳазрат ундан бу ишнинг сабабини сўрайдилар. У шундай дейди:

— Саҳиҳ ҳадисда айтилганки, қачонким Ҳақ таоло бир бандани ўзига дўст тутса, унинг дўстлигини бандаларини дилига солади.

<sup>85</sup> Парвардигорингиз эмасманму?

<sup>86</sup> Албатта. Парвардигоримиздурсен.

<sup>87</sup> Бугун ҳукмронлик кимга тегишли?..

<sup>88</sup> Қаҳқор бўлган ягона Аллоҳга (тегишлидир). (Ғофир, 16-оят.)

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд табассум қилиб дедилар:

— Биз Азизоннинг муридимиз.

Бу сўздан Мавлоно Яъкуби Чархийнинг ҳоли ўзгаради, чунки бир ой аввал туш кўргандики, унга шундай деган эдилар: «Сен Азизоннинг муридига фарзанд бўл».

Орадан бир оз муддат ўтгач, Баҳоуддин Нақшбанд айтадилар:

— Бугун тушда кутамиз, кўрамиз қани Азизоннинг руҳидан қандай ишорат бўлади. Шунга қараб амал қиламиз. Биз бажарувчимиз, бажарувчи эса узрлидир.

Тун ўтди. Бомдод намози адо қилингандан сўнг, илтифот қилиб дедилар:

— Сени қабул қилдилар. Муборак бўлсин.

Кейин яна дедилар:

— Биз одамларни фақат ишорат билан қабул қиламиз”.<sup>89</sup>

Манбадан келтирилган бу далиллар кўрсатадики, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд Ҳазрат Азизон, яъни Хожаи Али Ромитанийни ўзининг пири, муршиди деб ҳисоблаб, ўзини у кишининг муриди деб, у кишининг руҳлари кўрсатган йўлдан борган.

Манбалар кўрсатадики, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд Муҳаммад Бобои Самосийдан таълим олиб, сўнг Самарқандга бориб барча сўфийлардан ва дарвишлардан ўрганиб қайтиб Қасри Орифонга етгандан сўнг, унга илоҳий лутф ила Ҳазрат Хожа Али Ромитанийнинг кулоҳ - бош кийимлари етади. Уни кийгандан сўнг у кишининг ҳоли ўзгаради ва бундан кейин руҳий тараққиётлари яхши бўлишга тўла умид қиладилар.<sup>90</sup> Бу ҳодиса Ҳазрат Сайид Амир Кулол балан учрашгани ва Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳиятидан таълим олганидан олдин бўлган. Демак, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд Ҳазрат Азизоннинг кулоҳини кийгандан ҳақиқий сўфий бўлганлар, шунинг учун ҳам у кишини ўз пири деб билганлар.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётларида кўп кароматлар, яъни ғайри оддий воқеалар юз берганда, у кишидан бунинг

<sup>89</sup> Салоҳиддин иби Муборак . “Анисут толибин ва уддат ус соликин”. Дур Саодат матбааси. таржима нусхаси. Сулаймон изз таржимаси. 138 - бет.

<sup>90</sup> Қаранг: Ўша асар. 140 – бет.

сабабини сўраганларида, у киши “Ҳазрати Азизонда бундан ҳам ғаройибликлар бўлар эди”,<sup>91</sup> деб жавоб берганлар.

Хожа Али Ромитанийнинг баъзи фикр-қарашларини унинг фарзанди Хожа Иброҳим бир неча саҳифалик кичик рисолага жам қилган. Бу рисолага Муҳаммад Хоразмий Арзангий шарҳлар битиб (тахминан XV асрда) “Шарҳи Рисолаи Азизон” ёки “Маноқиби Хожа Али Азизони Ромитаний” номи билан яхлит бир асарни тартибга келтирган. “Фихристи нусхаҳо” асарида “Рисолаи Хожа Азизон” номли кичик бир рисола Хожа Али Ромитанийга нисбат этилади.

«Рисолаи Ҳазрат Азизон» мазмун ва моҳиятини тушуниб, уни чуқур фалсафий мушоҳада этиш келажакдаги илмий тадқиқот ишларидан бўлиб ҳисобланади.

Хожа Али Ромитанийнинг ўғли Хожа Иброҳим отасидан сўрайди: «Мансур Ҳаллож «анал ҳақ (мен Ҳақман)», - деди, уни қатл этдилар, Боязид Бастомий «Хирқам ичида Аллоҳдан бошқа ҳеч нарса йўқ», - деди, унга ҳеч нима демадилар, бунинг ҳикмати нимада?» Хожа Али Ромитаний: «Мансур манликни илгари сурди ва сўзини «мен» дея бошлади, шу боис мусибатга йўлиқди. Боязид эса йўқлик - ҳечликни илгари сурди, сўзини «йўқ» билан бошлади, омон қолди», - дея жавоб берган эканлар.

Кубравий шайхларидан Алоуддавла Симноний билан хат ёзишган, яссавия шайхи Саййид ота билан учрашган Али Ромитаний ҳазратлари 130 йил умр кўрган. Муҳаммад исмли беш кишини камолга етказганлар. Уларнинг ҳар бири илм ва фазилатда олим, комил, валий зот эдилар: Хожа Муҳаммад Иброҳим (ўз ўғли, вафоти м. 1391 й.), Хожа Муҳаммад Кулоҳдўз Хоразмий, Хожа Муҳаммад Ҳаллож Балхий, Хожа Муҳаммад Бовардий Хоразмий, Хожа Муҳаммад Бобо Саммосий. Хожа Али Ромитанийнинг мазкур халифалари ундан кейин Хоразм, Бухоро ва Балх ҳудудларида хожагон тариқати тарғибини давом эттирдилар.

«Мурғи ҳақиқат шаҳпари» деб сифатланган бу улуғ зот ўзидан кейин хожагон-нақшбандияда шайхлик ижозатини Муҳаммад Бобо Саммосийга топширганлар.

Хожа Али Ромитанийнинг ҳақиқий қабри Хоразмдаги Тошҳовузнинг Кўҳна Урганчида. Ромитандаги мақбараси эса

---

<sup>91</sup> Салоҳиддин иби Муборак . “Анисут толибин ва уддат ус соликин”. Дур Саодат матбааси. таржима нусхаси. Сулаймон изз таржимаси. 19 – бет.

қадамжодир. Сарҳалқа силсилани ўзларидан кейин халифалари Муҳаммад Бобо Саммосий давом эттирганлар<sup>92</sup>.

Демак, Хожа Али Ромитаний таълимоти ўз даврида машҳур бўлиб, Ҳозрат Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти ва тариқатининг вужудга келиши ва тараққиётига асосий ва муҳим манба бўлган. Хожа Али Ромитаний маънавий меросининг ҳозирги кунда ҳам аҳамияти юксақдир.

## **“Рисолаи Ҳазрат Азизон”нинг Бухородаги нусхалари**

«Рисолаи ҳазрат азизон» XIV асрдан ёдгорлик сифатида сақланаётган маънавий меросимизнинг муҳим қисми бўлган тасаввуф таълимотига оид муҳим ва қимматли ёзма манбалардан ҳисобланади. Бу асарнинг муаллифи Хожа Али Ромитанийдир. Гарчи, О.П.Шеглова бу асарнинг муаллифи Муҳаммад Порсо деб қайд этган<sup>93</sup> бўлса-да, А.Т.Тагиржанов ҳам шундай фикрда туриб,<sup>94</sup> «Шарқ Қўлёмалар -тўплами» га суянаётган бўлсалар-да, лекин барча манбалар устида олиб борган тадқиқотларимиз бизга ишонч билан бу Рисоланинг муаллифи Хожа Али Ромитаний дейишга етарли асос беради. «Шарқ Қўлёмалар тўплами»да ҳам бу асар муаллифи Муҳаммад Порсо дейилмасдан, Муҳаммад Порсо бу асарни эҳтимолким тузувчи бўлгандир деб ёзилган.<sup>95</sup> Бу гапда анча жон бор, чунки Ҳазрат Азизон вафотларидан сўнг бу асарни ўз даврининг йирик олими Муҳаммад Порсо тўплаб тартибга келтирган бўлиши мумкин.

“Рисолаи Ҳазрат Азизон” нақшбандия тасаввуф тариқатига оид асарлар тўпламининг ҳошиясида иккинчи асар сифатида ёзилган. Биз бу тўплам билан Бухоро Давлат бадиий меъморчилик музейи қўриқхонасининг фондидаги 12515-11 сон остидаги нусха асосида танишдик. Бу тўпламнинг 20-36-бетларида «Рисолаи Ҳазрати Азизон» чоп этилган.

Нақшбандия тасаввуф тариқатига оид тўплам, шу жумладан, “Рисолаи Ҳазрати Азизон” Бухорода «Бухорои Шариф»

<sup>92</sup> Хожাগон – нақшбандия машойихлари // Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т.: “Янги аср авлоди”, 2003. 44-46 – бетлар.

<sup>93</sup> Шеглова О.П. Каталог литографированных книг на персидском языке в собрании Ленинградского Отдела Института Востоковедения. М.: Наука, 1975. 4.1. 230.6. № 483 (405).

<sup>94</sup> Тагиржанов А.Т. Описание таджикских и персидских рукописей Ленинградского Государственного Университета. Л.: ЛГУ. 1962. 305 с.

<sup>95</sup> Сборник Восточных //Рукописей. Т. 111. Тошкент, 1965. 221 с. № 2286.



матбаасида ҳижрий 1327 – милодий 1909 йили 2-жумодилаввалда чоп этилган. Бу нусха тош босма сифатида сақланган. Рисола тўпламда араб ёзуви билан форс тилида ёзилган. Шу нусхада ва бошқа нусхаларда ҳам, асарнинг боши ва охирида уни ёзган шахс Хожа Али Ромитаний ёки Ҳазрат Азизон эканлиги қайд этилгандир.

Музейда сақланган шу нусха асосида биз дастлаб таржима ишларимизни бошладик. Бу дуру инжулардан тўла уммон хазинаси калитини топишга ёшлари анчага бориб, соғликлари ёмонлашган ва вақтлари жуда оз бўлсада, бизлар билан ҳамкорлик қилишга рози бўлган халқ ичида Қосим ота номи билан маълум марҳум Иброҳим Қосимовга алоҳида миннатдорчилик изҳор этамиз. Худо раҳмат этсин. Шу кишининг шарофатлари билан биз бу нусхани ўқиб чиқиб, унинг жуда аҳамиятли эканлигини билгандан сўнг, изланишларни давом этдик.

«Рисолаи Ҳазрат Азизон»нинг нусхалари шарқшунос олим Б. Қазоқов томонидан асосланган Тошкент Шарқшунослик институтининг Бухоро марказида, вилоятимиздаги Ибн Сино кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари бўлимида ва шахсий кутубхоналарда мавжуд.

Асарнинг тошбосма нусхаси Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд авлодларининг энг ёш бўғинидан Раҳмат Ақобиров қўлларида бор. У кишига Баҳоуддин Нақшбанд авлодларининг энг кекса вакили бўлган ва Хатирчи туманида яшаган Музаффархон ибн Муртазохон хўжа томонидан бошқа барча ҳужжатлар ва китоблар билан топширилган.

«Рисолаи Ҳазрат Азизон» Хўжа Аҳрори Валий авлодларидан бўлган Ориф хўжа ибн Муҳиддин хўжанинг оилавий кутубхоналарида мавжуд. У киши лутф ила асарлар устида ишлаш учун бизга имкон яратдиларким, бунинг учун миннатдорчилигимизни билдирамыз.

“Рисолаи Ҳазрат Азизон” 17 бетдан иборат бўлиб, унда Олий Илоҳий Ҳақиқатга етишишнинг қуйидаги **ўнта** шарти кўрсатилган:

1. Таҳорат - покланиш.
2. Тилнинг ношоиста нарсалардан хомуш бўлиши.
3. Хилват ва узлат.
4. Рўза.
5. Зикр.
6. Хотирни сақлаш.

7. Ризо.

8. Ҳақиқат йўлидан бораётганлар суҳбатини ихтиёр этиш.

9. Бедорлик,

10. Луқманинг ҳалоллигига риоя этиш.

Бу ўн шартнинг асосий моҳияти Ҳақиқатга етишишда асосан покланиш ва доимо Оллоҳдан огоҳ бўлиш, унинг ризолиги учун ҳолисона меҳнат қилиш ва бирор дақиқа, бирор нафасни ҳам ғафлатда ўтказмасдан, ҳар бир он, дамни асрашдир.

Бу ўн шартга риоя этган кишининг камолотга етиши муқаррардир.

Хожа Али Ромитаний ҳазратлари адиб ва шоир ҳам эди. Ҳикматларга тўла форсча шеърлар битган. “Тарихи назму наср” асари муаллифи Саид Нафисийнинг қайд этишича, Хожа Али Ромитанийнинг “Маҳбуб ул-орифин” номли асари бор. Унда муридларга тавсия қилинган ўнта асос қоидалар тушунтирилган. Бу асарда ва бошқа айрим манбаларда (“Рисоили ситтаи зарурия”, Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт”, Ризоқулихоннинг “Риёз ул-орифин” ва “Мажма ул-фусаҳо” каби асарларида) Хожа Али Ромитанийнинг шеърлари келтирилган.

Бизнинг фикримизча, бу ерда ҳам гап “Рисолаи Ҳазрат Азизон” ҳақида кетмоқда. Демак, бу рисола инсон камолот йўлларини кўрсатувчи муҳим манба экан.

### **Камолотнинг ўн шarti**

Баркамол авлодни тарбиялаш сиёсатимизнинг устувор вазифаси бўлиб турган бугунги кунда камолотга етакловчи йўл, воситаларни излаш, тадқиқ этиш илмий жамоатчиликнинг асосий вазифаларидан биридир.

Инсон ва унинг камолоти масаласи ҳамма даврларда ҳам долзарб бўлган. Тасаввуф таълимотлари бу масалага махсус эътибор берганлар, чунки уларнинг мақсади инсон руҳини олий ҳад даражасига юксалтиришдир.

Тасаввуфнинг хожагон тариқати инсонни камолотга етакловчи мўътадил, меъёрдаги мақбул йўлни топган. Хожагон тариқатининг пири Баҳоуддин Нақшбанд устозларидан бири, Ҳазрат Азизон номи билан машҳур ва у яшаган йилларни Ҳазрат Азизон даври дейиш даражасига муносиб зот Ҳазрат Хожа Али Ромитаний ҳам инсон камолоти масалалари ҳақида тафаккур

этган. “Рисолаи Ҳазрат Азизон”да у инсонни Ҳақиқатга етишига ёрдам берувчи, комил инсон бўлиши учун лозим бўлган **ўнта** шартни кўрсатган. Рисолада риоя этиш, бажариш керак деган шартлар инсонни ўз-ўзини англашга, ўз-ўзини бошқаришга ёрдам беради.

**Биринчи шарт таҳоратли бўлиш ёки покланишдир.** Ҳазрат Азизон покланиш ёки таҳоратни тўрт хилга - зоҳирий, ботиний, дил ва бош таҳоратига бўлиб, инсонни пок зот – Оллоҳ файз ва нурларини олишга тайёр бўлишга ёрдам берувчи шарт деб қарайди. Зоҳиран таҳоратли бўлишга ҳаракат қилиб инсон ўз жисми, либоси, манзилу маконини поклайди. Ботин таҳорати ила ҳалол луқма ва ичимликларга риоя этиб, вужудидаги барча ҳужайраларигача поклайди. Бош ва қалб таҳорати ила маънавий олами покланиб, зоҳиран ва ботинан камолотга тайёр бўлади.

Рисолада ёзиладики, инсон покланиб, ҳам халққа, ҳам холиққа мақбул бўлсагина бу шартни мукамал бажарган бўлади.

**Иккинчи шарт ношоиста сўзлардан тилнинг хомушлиги.** Бу шарт инсонни ўзига берилган гапириш қувватларини бошқаришга ўргатади. Инсон бошқа мавжудотлардан фасоҳатли нутқи билан ажралиб туради. Бир оғиз яхши сўз билан инсонни ўлимдан сақлаш ва ёмон сўз билан ўлишга етаклаш мумкин. Шунинг учун тилни бошқариш масаласи бутун инсониятни хотиржам, барқарор яшашга таъсир этувчи глобал муаммодир.

Ҳазрат Азизон бу маънида қуйидаги рубоийни келтирадилар:

Эзид чу бино кард ба ҳикмат тану жон,  
Дар ҳар узве маслиҳате кард ниҳон.  
Гар муфседате надида буди зи забон,  
Маҳбус намекард ба зиндони даҳон<sup>96</sup>.

Мазмуни:

Оллоҳ ҳикмат ила тану жонни яратди,  
Ҳар бир узвда бир маслиҳатни яширди.  
Тилдан бирор ёмонликни кўрмаганида эди,  
Уни оғизнинг зиндонига маҳбус қилмасди.

---

<sup>96</sup> Рисолаи Ҳазрати Азизон // Наврўзова Г. Хожа Али Ромитаний ва Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро, 1994. 17 – бет.

Ҳазрат Азизон инсонни тана ва жон, яъни руҳдан иборат мураккаб ҳилқат эканлиги ва танадаги ҳар бир узв бир мақсадда яратилганлигини таъкидлаб, инсонни ўз-ўзини жисми ва руҳини, нафси ва жонини ўрганишга, тафаккур қилишга чақиради. Алишер Навоий ҳам шу маънода таъкидлаган:

Ўз вужудингни тафаккур айлагил,  
Ҳар на истарсен ўзингдан истагил.

Ҳазрат Азизон, инсондан тил нима учун тишлар ва лаблар орасида яшириб, қамаб қўйилганлигини мушоҳада этишни талаб этади. Нега кўз ва қулоқлар очиқ оламни кўриб, эшитиб турганини мулоҳаза этишга чақиради. Бу кўриб, эшитиб, мия қувватидан фойдаланиб, тафаккур этиб, ўшанга яраша қўл, оёқ қувватлари ила ҳаракат этиш ва зарур бўлганидагина тилдан фойдаланиш дегани эмасмикан... Хожа Али Ромитаний хомушликни аҳамиятини Биби Марям мисолида, Исо пайғамбарнинг ҳаёти ила исбот этганлар.

**Учинчи шарт хилват ва узлатдир.** Бу шарт инсонга кўз, кўриш, назар солиш қувватларини бошқаришни ўргатади. Ёмон нарсага назарни Ҳазрат Азизон заҳарли ўқ билан тенглаштиради ва шундай мисраларни келтиради:

Зи тири макри шайотини бад бипўш ду чашм,  
Ҳалок гардй, агар тири коргар ёбй<sup>97</sup>.

Мазмуни:

Ёмон шайтон макри ўқидан кўзингни юмгин,  
Ҳалок бўласан агар унинг ҳаракатдаги ўқини топсанг.

Шунингдек, узлат, хилват деганда қўл, оёқ, қулоқ ва нафс қувватларини бошқариш ҳам назарда тутилади. Яъни қўл ва оёқларни ношоиста иш билан машғул этмаслик, ношоиста гапларни эшитмаслик ва нафсни макрларини ўрганиш бу узвларнинг қувватларни эзгулик йўлига бошқаришга олиб келади.

**Тўртинчи шарт рўзадир.** Бу шарт нафс қувватларини ўрганиш ва уни бошқариш, меъёрга солиш, жиловлашга

---

<sup>97</sup> Рисолаи Ҳазрати Азизон // Наврўзова Г. Хожа Али Ромитаний ва Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро, 1994. 18 – бет.

қаратилгандир. Рўза тана қувватларини бошқариш ва покланишининг асосий воситасидир.

**Бешинчи шарт зикрдир.** Ҳазрат Азизон Ло Илоҳа Иллаллоҳ – Оллоҳдан ўзга маъбуд йўқ зикрини айтиш лозим деб, инсонни ўз аслини, ҳаёт мазмуни ва моҳиятини билишга бутун оламга тафаккур назари билан қараб, ўткинчи ва абадий, фоний ва боқий, ўзгарувчан ва ўзгармас нарсаларни ажратиб, шунга яраша муносабатда бўлишга чақиради.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳам бу маънида айтган эди:

Дил чу моҳи, зикр чу об аст,  
Покий дил зи зикри Ваҳҳоб аст.<sup>98</sup>

Мазмуни:

Юрак, қалб балиқ каби, зикр эса сувдир,  
Юракнинг поклиги Ваҳҳоб (Оллоҳнинг бир номи)  
зикридандир.

Демак, зикр юрак ҳолатини бошқаришга ёрдим беради. Юрак бутун вужуд маркази бўлганлигидан зикр натижасида вужуд устидан шаҳаншоҳ каби бўлиб, уни ўз тасарруфига олиб билади. Буни Ҳазрат Азизон қуйидаги сатрлар билан баён этган:

Бар тахти вужуд ҳар ки шаҳаншоҳ аст,  
Ўро суи олами ҳақиқат роҳ аст,  
Ҳар нури яқин, ки дар диле огоҳ аст.  
Дасташ зи баду неки жаҳон кўтоҳ аст.  
3-ин пеш диле бувад ҳазор андеша,  
Акнун ҳама ЛО ИЛОҲА ИЛЛАЛЛОҲ аст.  
Эй хожа, туро ғами жамолу жо аст,  
Андешаи боғу, роғу, хирмангоҳ аст  
Мо сўхтағони олами тажрифдем,  
Моро ғами ЛО ИЛОҲА ИЛЛАЛЛОҲ аст.<sup>99</sup>

Мазмуни:

Кимки вужуди тахтида шаҳаншоҳ бўлса,  
У учун ҳақиқат олами томон йўл бор.  
Ҳар дилким, тўғри нурдан огоҳ бўлса,

<sup>98</sup> Баҳоуддин Балогардон. 104 – бет.

<sup>99</sup> Рисолаи Ҳазрати Азизон // Наврўзова Г. Хожа Али Ромитаний ва Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро 1994. 19 – бет.

Унинг жаҳоннинг яхшию ёмонидан қўли тортилгандир.  
Ундан олдик дилда минглар андишалар бор эди.  
Энди ҳаммаси ЛО ИЛЛОҲА ИЛЛАЛЛОҲдир,  
Эй хожа, сенда жамол ва жойни ғами бор.  
Боғ, роғ ва хирмангоҳнинг ғами бор.  
Биз тажрид — ягоналик оламининг куйганлариданмиз  
Бизда ЛО ИЛЛОҲА ИЛЛАЛЛОҲнинг ғами бор.

Зикрни янги бир фазилати шундаки, инсон доим огоҳ ва холис бўлади. Шунинг учун зикр шарти ҳар бир нафасни эҳтиёж қилиш, бошқаришга ҳам ёрдам беради. Бу маънода Хожа Али Ромитаний таъкидлаганларким, “Хабарингиз борким, бир кунда мингдан-минг карра нафас оласиз, Ҳар бир- нафас учун савол берилади: «Нега нафас олдинг ва нега нафасни чиқардинг?»».

### РУБОИЙ

Зи ҳар нафас ба қиёмат шумор хоҳад буд,  
Гунаҳ макун, ки гунаҳкор хоҳад буд.  
Басе савор, ки фардо пиёда хоҳад шуд,  
Басе пиёда, ки фардо савор хоҳад шуд.<sup>100</sup>

Мазмуни:

Қиёмат кунда ҳар бир нафас санокда бўлади.  
Гуноҳ қилмагин, гунаҳкор бўласан.  
Кўпчилик суворийлар, пиёда бўлар,  
Пиёдаларнинг кўпи эса сувориға айланар.

Демак, ғафлат билан ўтган нафасларни банда қазо қилиши лозим. Бунинг моҳияти ҳар нафасни асрашни ўрганиш шарт эканлигидир.

**Олтинчи шарт хотирани сақлаш.** Айтиш мумкинки, инсон камолоти учун энг зарурий восита хотирадир, чунки инсон хотирасидаги қувватлар унинг ҳолатига таъсир этади. Ҳазрат Азизон хотирани тўрт хил эканлигини айтиб, шайтоний ва нафсоний хотираларни йўқотиб, малакий ва раҳмоний хотираларни сақлаш лозим дейди. Демак, бу шарт хотира қувватини бошқаришни тавсия этади.

---

<sup>100</sup> Рисолаи Ҳазрати Азизон // Наврўзова Г. Хожа Али Ромитаний ва Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро 1994. 21 – бет.

**Еттинчи шарт ризодир.** Бу инсонни уйғунлик, мувофиқлик, мураса ва мадорага олиб келувчи бир зарурий ҳолатдир.

Ризо шартида Ҳазрат Азизон инсон ўзини меъёрда сақлаши, таназзулга тушмаслиги учун зарур бўлган хавф-қўрқув ва рижо – умидни тавсия беради. Яъни инсон доимо ҳар бир қилган амали, ҳаракатини назорат этиб туриши, гуноҳ қилишидан қўрқиши, яхши, хайр ишнинг баракаси, файзига умид қилиши лозим. Ризо шарти инсонни ўз хатти-ҳаракатларини бошқаришга ёрдам беради.

Хожа Али Ромитаний ризо шарти инсонни ҳақиқий **банда** ҳолати етказишини қуйидаги мисрлар билан баён этган:

Банда ҳамон беҳ, ки ба тақсири хеш,  
Узр ба даргоҳи худо оварад.  
В-арна сазовори худовандияш,  
Кас натавонад, ки ба жо оварад.<sup>101</sup>

Мазмуни:

Шундай банда яхшидирким, ўз нуқсонларини кўрса,  
Оллоҳ даргоҳидан мағфират сўраса.  
Шундай қилмаганида Оллоҳга муносиб бўлишликни,  
Киши жойига келтира олмайди.

**Саккизинчи шарт соликлар – Ҳақ йўлидан борувчилар суҳбатини ихтиёр этиш ва ёмонлардан узоқда бўлиш.** Бу шарт инсонга берилган ихтиёрни бошқаришга қаратилган. Инсон, дарҳақиқат, мавжудотлар ичида энг шарифли бўлишига сабаб, унга танлаш эркинлиги берилгандир. Инсонга ақл-идрок, фаҳм-фаросат билан ихтиёр берилганки, ўзи ҳамсуҳбатини танлайди. Хожа Али Ромитаний шундай киши билан ҳамсуҳбат бўлишни тавсия этадики, унинг баракотидан инсонда илоҳий сифатлари кўпайсин.

**Тўққизинчи шарт уйғоқликдир.** Бу шарт билан Ҳазрат Азизон инсонга берилган вақтни бошқариш, уйқу, ғафлат ҳолатидан бедорлик, ҳушёрлик ҳолатига ўтишни тавсия беради:

Гуфтам: «Ба чи хизмат ба висолат бирасам?»

Гуфто: «Ба тааллуқи Халлоқ Оллоҳ!».<sup>102</sup>

<sup>101</sup> Рисолаи Ҳазрати Азизон // Наврўзова Г. Хожа Али Ромитаний ва Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро 1994. 22 – бет.

<sup>102</sup> Ўша асар. 23 – бет.

Мазмуни:

Айтдим: «Не хизмат билан сенга етаман?».

Айтди: «Ҳамма вақт Оллоҳ билан боғланишда бўлиш билан».

Ҳушёрлик, бедорлик – мудом Оллоҳ билан боғланиш, яъни асл моҳиятни кўришдир. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд ҳам “Тааллуқ ҳижоб асту, беҳосили”, яъни “Бошқа нарсаларга (Оллоҳдан ўзга нарсаларга) боғланишлар инсон кўзини тўсиб, кўр қилиб, ҳосилсиз қиладиган нарсадир”, деганлар. Дарҳақиқат, дунё, мол-мулк, шон-шухрат ва ҳ.з. ҳаддан зиёда, меъёридан ортиқ боғланиш кишини ғафлат дунёсига фарқ этади. Хожа Али бедор бўлишни ва, ҳатто тунги вақтдан ҳам унумли фойдаланишни тавсия этиб таъкидлайди. У бу маънода шундай ёзади:

Аз субҳи вужуд беҳабар буд адам,  
Он жо, ки ману ишқи ту будем ба ҳам.  
Дар рўз агар касе наёбад маҳрам,  
Шаб аст, ғамат аст маро пеш чи ғам.<sup>103</sup>

Мазмуни:

Адам - йўқлик ҳолатида вужуд сўбҳидан беҳабар эди,  
Мен ва сен ишқ ичра эдик.  
Ким маҳрамни кундузи топаолмаса,  
Тун бор, сенинг ғаминг бор, менга не ғам.

Йўл соликлари ҳар қандай топган давлат ва саодатларини тунда топганлар.

Давлати шабгир хоҳй, хез, шабро зинда кун.  
Хуфта нобино бувад, давлат ба бедорон расад.<sup>104</sup>

Мазмуни:

Тунда ҳам олиб билувчи давлатни истасанг, тунни тирилтиргин.

Ётган киши кўрдир, давлат эса уйғоқларгагина етар.

**Ўнинчи шарт луқмани сақлаш.** Бу шарт инсон тўққиз шартга амал қилиб қўлга киритган покланган вужуд ва камолотга етган руҳ қувватларини сақлаш, асраш, бошқаришга қаратилгандир.

---

<sup>103</sup> Рисолаи Ҳазрати Азизон // Наврўзова Г. Хожа Али Ромитаний ва Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро 1994. 24 – бет.

<sup>104</sup> Ўша жойда.



Чунки ҳаром луқма барча риёзатни йўқ қилади. Ҳазрат Азизон луқмани сақлашни қуйидаги асосларини кўрсатган:

1. Ният қилиш, токи ҳалол рўзи насиб этсин. Чунки ҳадисда ёзилганки, “Ибодат ўн қисмдан иборатдир. Унинг тўққиз қисми ҳалол рўзи талаб этиш, қолган бир қисми барча ибодатлардир.” Демак, ҳалол луқма, ҳалол ризқ қилиб берган нарсалар билан яшаган, кишининг намоз, рўза, закот, ҳаж ва бошқа Қуръон ўқишу ибодатлари қабул бўлади. Шунинг учун ибодатли бўлиш учун бир шартни бажариб, тўққизтасини бажармай қолганлар, ўз охиратини куйдиради.

2. Ҳалол луқма огоҳлилик билан қилинган меҳнат ила топилган луқмадир. “Даст ба кору, дил ба Ёр” – “Қўл меҳнат билан, қалб Ёр – Оллоҳ билан” шиорининг моҳияти ҳам шудир.

3. Луқмани истеъмол этишдан мақсад ибодатини мукаммал бўлиши, яъни ибодатнинг тўққиз қисми бўлган ҳалол ризқ-рўз топиш учун меҳнат қилишга куч-қувват йиғиш бўлиши керак. Нафсга қул бўлиб, луқмани истеъмол этиш инсонни ғафлатга етаклайди ва у ҳалол бўлмайди.

4. Ҳалол пок луқма исроф қилинмайди.

5. Луқмани истеъмол қилаётганда зикр билан, огоҳ ҳолатида, берилган неъматларга шукур этиш лозим.

6. Луқмани яхши кишилар билан бирга истеъмол этиш, ёмон кишилар билан ҳамтовоқ бўлмаслик лозим. Бу маънида Ҳазрат Азизон шундай мисраларни келтирганлар:

Маншин бо бадон, ки сўҳбати бад,

Гарчи покй туро палид кунад.

Офтоб бад ин бузургиаш,

Парчаи абр нопадид кунад.

Гавҳар аз нокисони раҳ матлаб.

3-он, ки ин моя комиле дорад.<sup>105</sup>

Мазмуни:

Ёмонлар билан ўтирмагинким, ёмон сўҳбат,

Сен пок бўлсанг-да сени палид қилар.

Қуёш шунча катта бўлсада, уни,

Бир булут парчаси кўринмайдиган қилиб тўсади.

Бу йўлда бўлган ноқислардан гавҳар тилама,

<sup>105</sup> Рисолаи Ҳазрати Азизон // Наврўзова Г. Хожа Али Ромитаний ва Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро 1994. 25 – бет.

Бу моя — моҳият, асл жавҳар комилларда бор.

7. Таом пишираётганда огоҳ, ҳушёр, Оллоҳ зикри ва шукурига, неъматларни тафаккурида бўлсин, бўлмаса ўзи ва бошқаларни ғафлатга олиб келади.

8. Таомни пишираётган киши таҳоратли бўлиши лозим. Хожа ХИЗР бир таомни емабтилар ва айтибдилар «Ҳамир қорган киши таҳоратсиз бўлган, бундай луқма бизга лойиқ эмас». Баҳоуддин Нақшбанд ҳам битта капкир ғазаб, ғафлат билан таом тайёрлашда урилган бўлса, уни емаганлар.

Ҳазрат Азизоннинг инсон камолотига етишнинг ўн шарти асосида ҳозирги кунда баркамол инсонни тарбиялаш жараёнида қуйидаги масалаларга махсус эътибор бериш зарур:

- Инсон ўз зоҳир ва ботини, яъни ташқи ва ички томони, манзил-макони, либосини пок, тоза, ораста сақлашга ўрганиши шарт.
- Тилга эътиборли бўлиши ва ношоиста сўзлардан тилни хомуш сақлашни ўрганиши лозим. Буни махсус машқ этиш керак.
- Инсон ўз тани ва руҳини чуқур билиши, ўз-ўзини тафаккур этиш, ўз моҳиятини англаши ва ҳар бир узвидан ўринли, ҳикмати-ла фойдаланишни илмий ўрганиши керак.
- Инсон ўз кўз, қўл, оёқ, қулоқ қувватларини, салоҳиятини бошқариб, эзгуликка равона этиши лозим.
- Ўз нафсини таниш, унинг ёмонликларидан огоҳ бўлиш ва уни жиловлаш лозим.
- Инсон бутун оламга тафаккур назари билан қараб, унда ўз ўрнини, боқий ва фоний, абадий ва ўткинчи нарсаларни ажрата олиши лозим.
- Қалб поклигига махсус эътибор бериш. Бунинг учун огоҳ ва риёсиз, холис бўлиши лозим.
- Нафаслар ва нафаслар орасидаги вақтни ҳам асраш, ва унда тўғри фойдаланиш учун малакали бўлиши керак.
- Хотирани бошқариш лозим. Ундан ёмон фикрларни қувиб, фақат эзгуликка чорловчи хотираларни сақлашни машқ қилиш керак.
- Инсон доимо бутун борлиқ билан уйғун, мувофиқ, ризо ҳолатида бўлиши лозим. Бунинг учун ўзини хавф ва рижо орасида сақлаши лозим.

- Инсон ўз хатти-ҳаракатларини назорат этиши, бошқариши сирларини ўрганиш керак.
- Инсон ўзига берилган танлаш эркинлиги, ихтиёрни бошқаришни ўрганиши керак.
- Яхши киши билан ҳамсуҳбат бўлиши ва ёмонлардан узоқлашиши шарт.
- Инсон доим огоҳ, ҳушёр, уйғоқ бўлиб, ғафлат, беҳудлик, уйқу ҳолатидан чиқиши лозим.
- Уйқу вақтини меъёрга солиб, тундан ҳам эзгу ишлар учун фойдаланиш лозим.
- Бирор нарсага ҳам меъёридан ортиқ боғланмаслик керак.
- Луқмани сақлашнинг барча шартларига риоя этиш шарт.
- Ҳалол ризқ-рўзи топиш учун меҳнат қилиш лозим.
- Таом тайёрлаш жараёни технологиясига ҳалоллик ва покликни зарурий шарт деб киритиш лозим.

## 1.11. ОРИФ ДЕГГАРОНИЙ – БАҲОУДДИН НАҚШБАНД УСТОЗИ

Президентимиз 2007 йилни яхши ниятлар билан ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилдилар. Ижтимоий ҳимоя бунёдкор ғоя бўлиб, жамиятимиз тараққиёти учун зарурдир. Бу ғоя вужудга келиши ва такомиллашуви узоқ тарихга эга. Тасаввуф ва тариқатларида ижтимоий ҳимоя масаласи асосий бўлган.

2007 йил таваллуд санасининг 685 йиллиги нишонланадиган хожагон тариқатининг йирик намояндаси, Сайид Амир Кулолнинг шогирди, Баҳоуддин Нақшбандга етти йил таълим берган устоз, Муҳаммад Порсони таниган соҳибкаромат ва соҳиббашорат Ориф Деггароний ижтимоий ҳимоя ғоясининг маънавий пиридир.

Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний валий, атоқли тарбиячи, хожагон-нақшбандия тариқати ривожига муҳим ҳисса қўшган зоти шариф тахминан 1312 йил Навоий вилояти Ҳазора қасабасидаги Деггарон қишлоғида туғилганлар<sup>106</sup>. Деггароний ҳақларида «Рашаҳоту айнул ҳаёт», «Мақомоти Шоҳи Нақшбанд», «Мақомоти

<sup>106</sup> Қаранг: Садриддин Салим Бухорий. Икки юз етмиш етти пир. Бухоро: “Бухоро”, 2006. 173-175-бетлар.

Амир Кулол», «Тухфат аз зоирин» каби манбаларда маълумотлар бор.

Мавлоно Ориф Деггароний Сайид Амир Кулол суҳбати шарафига етишдан олдин, Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқийга мурид бўлган. Ориф Деггароний Баҳоуддин Нақшбанд билан бир вақтда хожагон тариқатининг олтинчи пири Ҳазрат Сайид Амир Кулол (1287-1370) хизматида бўлиб, бу муборак зотдан тарбия олганлар ва тариқат сабоқларини ўрганганлар.

“Рашаҳот”да келтирилишича, ҳазрати Амир Кулол айтар эканларки: “Манинг асҳобим аросида ҳазрати Хожа Баҳоуддин ва хизмати жаноби Мавлоно Ориф бу икки тан янглиғ бошқа киши йўқтур ва олар ҳаммадин гўй элтибдурлар.”<sup>107</sup> Бундан маълумки, Амир Кулол муридларидан (манбаларда кўрсатилишича, 114 нафар шогирдлари бўлган) Мавлоно Ориф Деггароний ва Хожа Баҳоуддин Нақшбандга нисбатан юксак ишонч билан қараганлар.

Нақл қилишларича, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қуддиса сирруҳу бир куни Хожа Муборак қишлоғида Сайид Амир Кулол, қуддиса сирруҳумо, хизматида бўлганларида кўнгилларидан: «Ҳазрати Амирнинг назарларида мендан улуғроқ киши борми?» деган фикр ўтди. Ногоҳ бир киши қўй олиб келиб қолди. Хожамизнинг кўнглидан: «Қани энди бу қўйни пиширганларида Мавлоно Ориф шу ерда бўлсалар!» деган фикр ўтди. Шунда Амир: «Эй Баҳоуддин, тур, Мавлоно Орифни чақир, келсин!» дедилар.

Хожа ташқарига чиқиб, уйнинг бурчагига ўтиб, уч марта оҳиста «Ё Мавлоно Ориф», дедилар. Қайтиб кириб ҳали ўтирмаган ҳам эдиларки, Мавлоно Ориф эшиқдан салом бериб кириб келдилар. Хожамизга: «Эй Баҳоуддин, Ҳазрати Амир сизга уч марта чақир деганмидилар? Бир мартаси ҳам етар эди, нега уч марта чақирдингиз? Мени оламга ошкор қилмоқчи бўлдингизми?» дедилар. Шунда Ҳазрати Амир Кулол Хожамизга қараб: «Эй, Баҳоуддин, кўрдингизми, бизга сиздан ҳам яқинроқ кишилар бор. Зинҳор-базинҳор худбинлик қилманг, одам учун худбинликдан ёмонроқ нарса йўқ!», деб қуйидаги рубоийни айтдилар:

Бардор зи пеш пардаи худбиний,

---

<sup>107</sup> Фахруддин Али Сафий. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт”. Т., 2004. 74 – бет.

Бошад, ки бад инсон, ки куни худбиний.  
Иблис сазойи худ зи худбиний дид,  
Ту низ макун, дигар куни худбиний<sup>108</sup>.

Мазмуни:

Огоҳ бўл, юзингни тўсмагай зинҳор, худбинлик,  
Иблисни ахир қилди бадному хор, худбинлик.  
Худбинликни ташла, англа ўзлигинг,  
Иблисга менгзама, айла бекор худбинлик.

Баҳоуддин Нақшбанд бу воқеадан кейин ўзларидаги ёмон нафс туғдирган иллатларни йўқотиб, Ориф Деггаронийдан ибрат олганлар. Демак, ҳали Амир Кулол шогирди бўлган вақтида ҳам Ориф Деггароний ўз амаллари билан Баҳоуддин Нақшбандга сабоқ берганлар.

Ҳазрати Сайид Амир Кулол фарзандлари Амир Ҳамза (ваф. 1406)нинг тарбияларини Мавлоно Ориф Деггаронийга ҳавола қилган эканлар. Амир Ҳамза Сайид Амир Кулолнинг Амир Бурҳон ва Амир Шоҳдан кейинги учинчи ўғиллари бўлиб, унга Амир оталарини исмини берганлари учун, уни эъзозлаганлар ва “Ота” деб чақирар эканлар. Амир Кулол вафот этгандан кейин муридлар тарбиясини Амир Ҳамзага топширганлар. Бу эса устози Ориф Деггаронийнинг тарбиясининг самарасидир. Амир Ҳамза Ориф Деггаронийнинг қуйидаги сўзларини доимо ёдга олиб турар эдилар: “Агар ёре талаб қилсангизким, сизнинг юкингни тортғай, бу душворлик била муяссар бўлур. Ва агар ёре талаб қилсангизким, сиз онинг юкини тортғайсиз, ҳамайи аҳли жаҳон сизнинг ёрингиз турур”.<sup>109</sup> Амир Ҳамза ўз пирлари Мавлоно Орифнинг бу сўзларига умрлари давомида амал қилганлар ва халқнинг оғирини енгил қилиш, инсонпарварлик, эл дардига малҳам бўлишни асосий қоида деб билганлар.

Хўш, Мавлоно Ориф Амир Ҳамзага айтган ўғитларидан «юк»да нимани назарда тутганлар? Бу қандай «юк»? Буни шоир Садриддин Салим Бухорий қуйидагича изоҳлаганлар:

«Юк» кўтариш дегани, бу - бировнинг ғаму кулфатига шерик бўлиш, камбағал-қашшоқ, бева-бечора, мусибатли, дардманд кишиларга ҳамдардлик изҳор қилиш каби инсоний фазилатлардан

<sup>108</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. Т.: Ёзувчи, 1993. 48-бет.

<sup>109</sup> Ўша асар, 70 – бет.

тортиб, то элу юрт, дину халқ йўлида фидойи бўлмоқни англатади. Мавлоно демоқчиларки, сенга бировнинг дардига шерик бўлиш, ўзгаларнинг оғирини енгил қилиш учун рағбат, холисанлиллоҳ, бетамаъ хизмат қилиш фазилати бўлса, бутун бани башар сенга дўстдир. Зеро, бу хизмат Аллоҳ наздида ҳам яхшидир, савобдир. Юкни кўтариши “юк” остида қолганга мадад бериш ижтимоий ҳимоядир. Аслида бу йўл барча пайғамбарлар жумладан, сарвари коинот ҳисобланмиш пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг равишлари ҳисобланади. Муҳаммад с.а.в. ҳеч қачон бировга юк бўлмаганлар, балки доимо ўзгалар юкини кўтарганлар. Толиби илмларга илм, камбағалларга молу давлат, дардмандларга тасалли берганлар, адашганларга тўғри йўлни кўрсатганлар. Охиратни барбод қилувчи тамаъ, ҳасад, гина, адоват, жаҳолат, шуҳратпарастлик «юк» ларидан одамларни халос қилганлар. Миллиардга яқин инсонлар Ҳазрат пайғамбаримиз с.а.в. га дўст, у кишига эргашмоқдадир.

Тариқат пирлари, инчунин, Мавлоно Ориф Деггароний ҳам пайғамбаримиз Ҳазрат Муҳаммад с.а.в., шунингдек, саҳобаларнинг издошлари бўлган. Бу зоти шариф ҳам ўзгаларнинг юкини кўтариб яшадилар. Одамларни тўғри йўлга бошладилар, тариқату шарият ривожига муҳим ҳисса қўшдилар. «Рашаҳот» да мана бу ибратли воқеа келтирилган: нақл қиладиларки, бир кун Деггарон қишлоғига сел келди. Кўҳак дарёсида тошқин содир бўлди. Уй-жойларни, биноларни сел оқизиш хавфи туғилди. Ҳамма фиғону нола этиб кўчага чиққан экан. Шу он Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний ўзларини селнинг энг катта оқимига, кучли тошқинига отдилар ва дедилар: «Агар қувватинг етса мени оқизгил!». Шу дақиқадаёқ сел хомуш бўлди. Халқ балою офатдан қутулди. Кўриниб турибдики, Ҳазрат Ориф Деггароний эл бошига тушган оғир юкни кўтарган эканлар. Ориф Деггароний ўғитларига амал қилиб, унинг сабоқларини мурид ва фарзандларига етказган Амир Ҳамза ҳам тарихга яхши ном билан кирдилар. Амир Ҳамза тарбиялаган қизлари Ҳазрат Хотуни Калон ва неваралари Мавлоно Шаҳобиддин ҳам эзгу ишлари билан танилганлар. Амир Ҳамза Хотуни Калон ҳақида “Ҳамма ўғиллари билан фахр этса, мен қизим билан фахр этаман” деганлар. Дарҳақиқат, Хотуни Калон валий аёллар тимсоли, юзларидан нур ёғилиб турган соҳиббашорат зот эдилар. Хотуни Калоннинг ўғиллари Мавлоно Шаҳобиддин ҳам илмда камолотга етган бўлиб, “Мақомоти Амир

Кулол”ни ёзган. Булар Ориф Деггаронийнинг меҳнатларининг самарасидир.

Амир Кулол ўзидаги бор билимларини Баҳоуддин Нақшбандга бергандан кейин бутун асҳоблари мажлисида унга юзланиб шундай деди: «Фарзандим Баҳоуддин, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийнинг сиз ҳақингиздаги гапларини тўлалигича бажо қилдим. Менга айтган эдиларки, мен сенинг тарбиянгни қандай бажо келтирган бўлсам, сен ҳам фарзандим Баҳоуддиннинг тарбиясини шундай жойига қўй. Мен худди шундай қилдим!». Амир ўз кўкракларига ишорат қилиб дедилар: «Сизнинг руҳоният қўшингиз башариятлик тухумидан чиқди. Сизнинг ҳиммат қўшингиз баландпарвоз чиқиб қолди. Энди сизга руҳсат ва ижозатдир, турк ёки тожик шайхлардан ҳам кимнинг иси димоғингизга етса, унинг талабида бўлинг. Мақсадга етиш борасида ҳимматингизга нуқсон етказа кўрманг!»<sup>110</sup>. Ҳазрат Баҳоуддин шу кундан эътиборан Саййид Амир Кулолнинг нафаслари бўйича янгидан талаб йўлига кириб ҳол тили билан бу рубоийни айтган экан:

Эй, ошиқи шўридаву авбоши талаб,  
Ин ваъда, ки кардааст, ту ҳар жош талаб.  
Дар ғам агараш наёби, дар шоди жуй,  
Саргардони гузин ҳар жош талаб<sup>111</sup>.

Мазмуни:

Талаб йўлидаги эй ошиқ.  
Ваъда қилинганни ҳар ерда тила.  
Ғамда топа олмасанг шодликда изла,  
Саргардон бўл ҳар жойда излагин.

Баҳоуддин Амир Кулолдан ўғитларига амал қилиб, илм йўлида изланишни давом эттиради ва кейин етти йил унинг халифаси бўлган Мавлоно Ориф Деггаронийнинг хизмати ва мулозаматида бўлади. Бу мулозаматда хилма-хил риёзату жидду жаҳдни ўз бўйинларига олди. Кўп вақтлар Мавлоно Ориф билан бирга Работи Малик қурилишида мардикорлик қилдилар.

---

<sup>110</sup>Баҳоуддин Балогардон. 49-50-бет.

<sup>111</sup>Уша жойда.

Баҳоуддин Нақшбанд бу етти йилда яна камол топдилар. “Даст ба кору, дил ба Ёр”, яъни “Қўл ишдаю, қалб Ёрда” деган шиор ҳаёт тарзларига айланиб борди.

Баҳоуддин Нақшбанд Ориф Деггароний хизматида бўлганлари ҳақида дейдиларки: «Мана шу етти йил давомида мен ул зотдан юқорида туриб ҳеч таҳорат олмадим, ул киши қадамлари изига қадам босмадим».

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд дейдиларки, “Мен икки бор Ҳижоз сафарида бўлдим, кўп азизлар билан ҳамсуҳбат бўлдим, агар Мавлоно Орифдек зотни ўша ерларда топардим, ҳаргиз қайтиб бу ерга келмасдим”.

Ориф Деггароний Баҳоуддин Нақшбанд билан бўлган муносабатлари хусусида ҳаётларининг сўнгги дамларида шундай деган эдилар: “Сиз била бизнинг орамизда маълумдирким, иттиҳоди куллий(ҳамжиҳатлик, бирлик, баробарлик) бор эрди ва бор турур...”<sup>112</sup>

Ориф Деггаронийни ижтимоий ҳимоя маънавий ғоясининг пири деб айтишимизга яна бир сабаб у киши Баҳоуддиннинг иккинчи халифаси Муҳаммад Порсонни кўриб, унинг иқтидорига тан бериб, уни қўллаб-қувватлади.

Бунга Ориф Деггароний ҳаётининг сўнгги дамларидаги васиятлари далилдур. Нақл қилишларича, Баҳоуддин Нақшбанд айтганларки, “Мавлоно Ориф томонидан хабарчи келди.” Улар: “Агар ўтирган бўлсангиз туринг, агар турган бўлсангиз биз томонга юринг, дебдилар”. Сўнг воқеани баён қилиб дедилар: “Жўнадик ва бу ерга етдик, уларни бемор ҳолда топдик . Мавлоно Ориф ҳозир бўлганларга қарата : “Хожага сир гапим бор, ё биз икковимиз бошқа хонага кирайлик , ёки сизлар бошқа хонага ўтинглар”, деб буюрдилар . Турганлар : “Сиз беморсиз, қувватингиз йўқ, биз бошқа хонага кирамиз,” дейишди. Мавлоно хилватда менга шундай дедилар: “Сиз билан менинг орамда тўлиқ ҳамжиҳатлик бор, шунча ишқивозлик орадан ўтган бўлиб, энди вақт охирига етди. Ўз ёронларимга ва сизнинг ёронларингизга диққат қилдим. Бу йўлнинг қобилияти ва йўқлик сифатини бошқаларга нисбатан Хожа Муҳаммад Порсода кўпроқ кўрдим. Бу йўлда топган ҳар қандай назаримни ва бу соҳада касб этган ҳар қандай маънони унга нисор қилдим ва топширдим. Ёронларни унга эргашишга буюрдим. Сиз ҳам унинг

<sup>112</sup> Фахруддин Али Сафий. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт”. Т., 2004. 76 –б-бет.



борасида нуқсонга йўл қўймагайсизки, у сизнинг ёронларингиздан”. Шундан сўнг яна дедилар: “Икки-уч кундан ортиқ умрим қолгани йўқ, ўз қўлингиз билан қозонларни ювинг, тиз чўкиб ўтириб олов ёқинг, сув иситиб мени ҳозирлашга ишлатинг, уч кундан сўнг уйингизга қайтинг! Ҳозир ўша ердан келаяпман”. Ҳазрати Хожамиз ҳақида Муҳаммад Порсо қаддасаллоҳу таъоло сирраҳунинг сўзлашларича, у киши Мавлоно Орифнинг айтганларини тўлиқ бажардилар.<sup>113</sup>

Муҳаммад Порсо (1348-1420) фақатгина тасаввуф аҳли эмас, олим сифатида ҳам танилган шахс. Унинг 18 асари Ўзбекистон Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Шунингдек, унинг қўли теккан ва ўз муҳрини босган жуда кўп манбалар мавжуд. Шундай инсонни ҳимоя этиб, қўллаб-қувватлаб, Ориф Деггароний бу кунги олимларни ҳам ҳимоя этмоқда. Чунки бу манбалар тарих кўзгуси бўлиб, ўз-ўзимизни англашга ёрдам беради. Ориф Деггаронийнинг Муҳаммад Порсога бўлган сиёсати бизлар учун сабоқдир. Бизлар ҳам иқтидорли, қобилиятни ёшларни кимни шогирди бўлишидан қатъи назар қўллаб-қувватлашимиз лозим. Шунда ҳақиқий тараққиёт бўлади.

Ориф Деггароний ўғитларини амалга оширган валийлардан яна бири Хўжа Аҳрордир. Меҳр – мурувват, саҳоват, хайр – эҳсон каби савоб ишлар азалдан халқимизнинг қон – қонига синган хусусиятлардир. Президент И.А.Каримов “Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз. Яъни ҳомий деганда ён атрофдаги бева – бечораларга, етим – есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга қадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз”.

Юқоридаги фиклардан келиб чиқиб, мулоҳаза юритадиган бўлсак, ҳомийлик, саҳоватпешалик, ижтимоий ҳимоя кўриниши бизда эндигина пайдо бўлган эмас экан. Балки бу халқимиз асрлар бўйи ардоқлаб келган эзгу амал, миллий қадрият эканлиги маълум бўлади. Ориф Деггароний Баҳроуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий каби тасаввуф шайхлари, Алишер Навоийдек улуғ шоир ва давлатпаноҳ ва саркарданинг савоб

<sup>113</sup> Фахруддин Али Сафий. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт”. Т., 2004. 65-бет.

ишлари ҳақидаги тарихий ривоятларни ўқиганмиз. Улар ўз маблағлари ҳисобидан фақиру камбағалларнинг фарзандларини ўқитганлар, шифохона, мадраса, кўприklar қурдириб, халқ фойдаланиши учун инъом этганлар. Шундай саҳоватли, олиҳиммат инсон пири муршид, зоти муборак Хожа Аҳрор номи билан машҳур бўлган Хожа Убайдуллоҳ иймон – эътиқодли, покиза ва комил инсоний фазилатли шахс бўлиб, 1404 – 1490 йилларда яшаб ўтганлар.

Модомики, Ориф Деггароний Амир Ҳамза, Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Порсо, Мавлоно Амир Ашраф Бухорий, Амир Ихтиёриддин Деггароний каби хожагон-нақшбандия тариқатининг намояндаларига устоз бўлишга муяссар бўлган эканлар, биз у кишини тариқат шайхларининг пири муршиди десак арзийди. Мавлоно Ориф Деггаронийнинг ибратли ҳаётлари, қолдирган маънавий мерослари, ахлоқий фикрлари ёшларимиз учун хайрли ишларни амалга оширишда ўзига хос намуна бўлиб хизмат қилади.

Умуман шундай хулоса қилиш мумкинки, ижтимоий ҳимоянинг маънавий пирларидан бири бўлган Ориф Деггароний қуйидаги амаллари билан тарихда абадий қолди ва у биз учун ибратдир.

- Ориф Деггароний – Амир Кулолнинг шогирди ва хожагон тариқатининг йирик вакили.
- Ориф Деггароний – Амир Ҳамзани тарбия берган устоз.
- Ориф Деггароний – етти йил Баҳоуддин Нақшбандга таълим бериб, уни Шоҳ Нақшбанд мартабасига муносиб бўлишига хизмат этган улуғ зот.
- Ориф Деггароний – Муҳаммад Порсонини таниб, уни камолотга етиши ва нақшбандия тариқатини раҳбари бўлишини васият этган муборак инсон.
- Ориф Деггароний – ўз ўғитлари билан Хўжа Аҳрори Валийдек саҳоватпеша ва ҳомий инсонларни тарбия этган комил инсон.
- Ориф Деггароний – соҳибкаромат, соҳиббашорат, улуғ валий.

Ориф Деггаронийнинг ижтимоий ҳимояга оид ўғитлари ҳозирги кун учун ҳам аҳамиятлидир.

## 2. БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ БИЛИШГА ОИД ҚАРАШЛАРИ

Гносеологик қарашлар ҳар қандай фалсафий таълимотнинг таркибий қисмини ташкил қилади. Гносеология – билиш назарияси, билишнинг умумий қонунлари, усуллари тўғрисида баҳс юритади. Исломдаги диний -фалсафий таълимот бўлган тасаввуфнинг ўзига хос гносеологик қарашлари мавжуд. Тасаввуфдаги билишга оид таълимотни ирфон деб атайдилар. Ирфон – билиб олиш, таниш, қайтадан таниш, тушуниш ва билиш маъноларида қўлланилади. Ирфон сўзи умумий маънода, юзаки илмга қарши ўлароқ бир нарсани аниқ ва ҳар томонлама билиб олишни ифодалайди.

Тасаввуф инсоннинг асл моҳиятини англаб олишга қаратилган йўлдир ва ўзидан олдинги инсоншуносликка оид ғояларга таянади. “Авесто”да, қадимги Ҳиндистон диний манбаларида ҳам инсоннинг аслини ўрганишга бўлган интилиш кўзга ташланади. Антик дунёда Қадимги Юнон донишмандлари одамнинг аслини, унинг моҳиятини, абадий илоҳий ҳақиқатини англаб олишга катта эътибор берганлар. Дельфия ибодатхонасида шундай ёзиб қўйилган: “Ўзинг ўзингни билиб ол, ўшанда сен коинотни ва Худони англаб оласан”. Сукрот ҳам: “Эй инсон, ўзингни ўзинг билиб ол. Инсоннинг асли, моҳияти унинг жони, руҳидир”, деб таъкидлаган. Тасаввуф таълимоти бу ғояларни давом эттириб, “Худшуноси худошуноси аст” – “Ўз-ўзини таниш, билиш, англаш Худони билишдир”, деб таъкидлайди.

Тасаввуф таълимоти сўфий ўзининг асл мақсади бўлган Ҳақ васлига ҳиссиётлар воситаси билан эриша олмайди, Мутлақ Руҳ ва Ҳақни билиб, англаб олиш учун инсоннинг ақли ҳам ожиз, деган нуқтаи назарда туради. Ҳиссиётлар ва ақл-тафаккур билан моддий дунёнинг ҳодиса, жараёнларини билиб олиш мумкин. Чунки ҳиссиёт ва ақл тафаккурининг қуввати, моддий дунё нарса-ҳодисалари каби, вақтда чекланган ва маконда чегараланган. Натижада уйғунлик ва мослик уларни ўзаро бир-бирини билишни тақозо этади. Вақт ва макондан ташқарида бўлган ҳамиша уйғоқ Мутлақ Руҳни манба-назарияларга, таълимотларга таяниб англаб олишнинг имкони йўқ. Шунинг учун тасаввуф ақлий – тафаккурий шакллар – тушунча, ҳукм,

хулоса чиқаришлар, мулоҳазаларни исботлаш, далиллаш тизими эмас. Тасаввуфда эътироф этилишича, мантиқий тафаккурга асосланган фикрлаш ва исботлаш асл Ҳақиқатни билиш учун етарли эмас. Сўфийлар ақл – тафаккурдан кўра ботиний, руҳий кўзларига кўпроқ ишонадилар ва бу билимнинг манзил-маконини қалб деб биладилар. Баҳоуддин Нақшбанд устози Амир Кулол бу ҳақда шундай деганлар:

Илме, ки муаллимаш дар сина бувад,  
Дарси набувад ҳар он чи дар сина бувад.  
Сад хона китобхона суде накунад,  
Онро, ки китобхона дар сина бувад<sup>114</sup>.

Таржимаси:

Ўқитувчиси қалбда бўлган илмга,  
Қалбда бўлган барча нарсага дарс билан етиб бўлмас.  
Юз хона кутубхона ҳам фойдасиз,  
Унинг кутубхонаси қалбда агар бўлмас.

Демакки, Амир Кулол қалбдаги билимни жуда устун деб таъкидлаган.

Тасаввуф таълимотида билиш масалаларининг моҳиятини очиш учун бу соҳага оид Баҳоуддин Нақшбанднинг ғояларини таҳлил этиш яхши натижа беради. Билиш таълимотини ўрганишда Баҳоуддин Нақшбанднинг 20 та маслаҳати ва қудсий каломларига аҳамият бериш зарур.

Баҳоуддин Нақшбанд инсонни билиш объекти ва субъекти деб билади ва бу жараёнга яхлит ҳолда қарайди. Баҳоуддин тасаввуф тушунчасидаги билимга нисбатан “мукамал билим” тушунчасини қўллайди. У маслаҳатлар бошида шундай ёзади: “Сиз мукамал билим билан тўлиб, уни эгаллашга интилмоқдасиз. Лекин, тўғри билим билан тўлиш учун, аввало бўшалмоқ керак”.<sup>115</sup> Яъни, инсон шу билимларни эгаллайман, деб иш бошлашидан аввал унинг жисми ва руҳиятига маълум озуқа сифатида жойлашган билимлардан, аввало, холи бўлиши лозим ва сўнгра янги билимни ўзлаштириши керак.

Биринчидан, бу ерда Баҳоуддин Нақшбанд, мукамал билимни маърифат – илоҳий нур, деб тушуниши ва бу билимни

<sup>114</sup> Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол. Тошбосма. 20-бет.

<sup>115</sup> Идрис Шах. Мыслители Востока. “Лориэн”, 1994. С. 181.

эгаллаган шахс олам моҳиятини кўра оладиган бўлиши ҳақида гап кетаётгани ҳамда бу жараёнда шахс покланиб, илоҳий нурни қабул этиши ва ундан пурнур бўлиб шуълаланишини англаш жоиз.

Дарҳақиқат, агар инсон танасини маълум бир кўза билан қиёсласак ва бу кўзани соф, мусаффо сув билан тўлдирмоқчи бўлсак, аввало, унда мавжуд барча сув ва бошқа нарсаларни бўшатиб, покиза қилишимиз лозим. Инсон ҳаёти давомида керак бўлган ва керак бўлмаган, тўғри-нотўғри, ҳақ ва ботил бўлган турли хабарларни миясига қабул этган, вужудига сингдирган, қалбида турли ҳис-туйғулар, хотирасида ҳар хил хаёллар мавжуд бўлади. Инсон ҳақиқий билим билан тўлиб тошиши учун, ўзининг мияси, қалби, хотираси, менталитетида барча бор маълумотларни чиқариб, покланиб, уларни қайта тўлдириши лозим. Баҳоуддин Нақшбанд бунинг учун қуйидаги йигирмата маслаҳатга амал қилиш лозим, деган фикрни билдиради. Бу маслаҳатларга уйғун манбаларда у кишининг айтган сўзлари келтирилган.

### **Биринчи маслаҳат**

“Ҳеч қачон, қанчалик кучли бўлмасин ўрганмоқ, ўқимоқ шиддатига берилманг. Ўқиш, ўрганиш шиддат ҳолатида сезилмайдиган йўл-йўриқдир”<sup>116</sup>.

Биринчи маслаҳат шуни кўрсатадики, Баҳоуддин Нақшбанд билиш, ўрганишни мураккаб, аста-секинлик билан амалга ошадиган тадрижий жараён, деб қараган. Мукаммал билим инсон онгини сифат ўзгаришига олиб келади ва шунинг учун у шиддат, тезлик билан бўлмаслиги, маърифатли бўлишни истаган киши бу йўлнинг оғирлигини ҳис этиши ва шунинг учун мукаммал билим тезлик билан амалга ошмаслигини сезиши, бунга тайёр туриши лозимлигини таъкидлайди. Инсон маърифатни эгаллаш, илоҳий нурни қабул этиш учун тўла тайёр турмоғи, дастлаб покланмоғи лозим. Жисман ва руҳан барча фоний нарсалардан покланмай туриб, оламнинг асл жавоҳирини тушунмасдан туриб, асл-ҳақиқий, мукаммал билимни эгаллашни бошлаш мумкин эмас. Яъни, бу билиш жараёнида инсонда иккилик ёки талаввун ҳолати батамом йўқолиб, тажрид ва фардлик ҳолатига ўтиш керак. Унинг бутун вужуди башарий ва

<sup>116</sup> Идрис Шах. Мыслители Востока. “Лориэн”, 1994. С. 181.

охират истакларидан батамом пок бўлиши керак. Олам ягона, яхлит моҳиятга эга бўлганлиги сабабли, уни қабул қилувчи ҳам шунга мос фард бўлиши лозим.

Мукамал билимни эгаллаш учун шиддат эмас, сабр кераклигини англаш лозим. Қуръони Каримда таъкидланишича, Мусо пайғамбар ва Хизр ўртасидаги билим олиш жараёнида ҳам сабрли бўлиш асосий талаб эди. Чунки, бу билимни эгаллаш жараёни инсон миясига жойлаб, ёдлаб олиш ва зарур бўлганда ишлатиб, керак бўлмаганда хотирадан ўчириб ташланган илм каби моддий, ақлий-тафаккурий жараёндан фарқ қилади. Бу билимни эгаллаш жараёнида инсоннинг ҳолати ўзгариши, яъни олимгина эмас, балки Ҳазрати Инсонга айланиши лозим. Ҳолатнинг ўзгариши анча мураккаб жараёндир. Чунки, бу фақат жисм билан эмас, руҳият билан ҳам боғлиқдир.

Яъни, инсон билимни эгаллаш учун кичик мендан устун бўлиб, унинг устидан ғалабага эришиб, ўзининг асли бўлган Мен – (Оллоҳ Моҳияти) кўзи орқали воқеаларни кўриши керак. Одамдаги жинси, миллати, таълим-тарбия, яшаш муҳити натижасида ҳосил бўлган ички кечинмалар ҳақиқатни билишда ҳижоб бўлиб хизмат қиладилар. Шунинг учун Оллоҳга етиш, унинг дийдорини кўриш, асл, жавҳарий, боқий, ҳақиқий билимни эгаллаш учун зулмат ва нурдан иборат бўлган 70000 ҳижобни олиб ташлаш керак. Вужудингиздаги тўғаноқлардан ўтиб, “фойда”, “кина”, “қасд”, “мағрурлик” каби ҳижобларни олиб ташлаб, уларнинг чегарасидан чиқсангиз, сиз билимга етасиз ва нур ила аста-секин ҳақиқий билимни олишингиз мумкин.

## **Иккинчи маслаҳат**

“Ҳеч қачон сиз ички тажриба деб номлайдиганларингизга таянманг. Улар (ички кечинмалар) фақатгина бу ерда сизни адаштириши учундир”.<sup>117</sup>

Бу маслаҳат шуни кўрсатадики, Баҳоуддин Нақшбанд билишни объектив жараён деб билган. У абсолют ҳақиқатнинг объектив даражада мавжудлигини кўрган ва шу ҳақиқий билимни олишда ички тажрибага асосланган биздаги стереотиплар асосий тўсиқлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, инсон ички кечинма – ҳар бир кишининг ўзига хос оламни кўриши,

---

<sup>117</sup> Идрис Шах. Мыслители Востока. “Лориэн”, 1994. С. Кейинги маслаҳатлар ҳам шу асарда 181-184 - бетлардадир.

воқеаларни ҳис этиши, эшитиши ва тасаввур этиши чегарасидан чиқиб, холисона фактларни кўрганида мукамал билимни эгаллаши мумкин.

Баҳоуддин Нақшбанднинг фикрича, ҳақиқат биттадир, маълум миллат, элат, шахслар учун турли ҳақиқатлар бўлмайди. Одамлар ўз маҳдудликларидан воқеаларни тор тушуниб, асл ҳақиқатни эмас, фоний, барқарор бўлмаган, сохта нарсаларни билим деб биладилар. Аслида эса, билиш учун маҳдудликдан юксалиш керак. Буни шундай қиёслаш мумкин: Ҳиндистонда филни пайпаслаб кўрганда кўрларнинг ҳар бири ўзича уни талқин қилган. Лекин, улар нима дейишмасин фил – филлигича қолади. Тор доирадаги ўлчов ва тасаввурдан юксалган киши яхлит ҳолда моҳиятга этиши мумкин. Ички тажриба инсонда ўзига хос менталитет, фикрлаш тарзини ҳосил этади, бу баъзан тўсиқ бўлади.

### Учинчи маслаҳат

“Агар сизни юборган бўлмасалар билимни излаш учун ҳеч қачон саёҳат қилманг. Билиш учун саёҳат исташ – синовдир, йўл-йўриқ эмас.”

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу йўриғи тариқатга хос бўлган “Хилват дар анжуман”, “Ба зоҳир бо халқ, ба ботин ба Ҳақ” талаби билан мос. Шу билан бирга маслаҳат моҳиятини “Сафар дар ватан” рашҳаси ҳам акс эттиради. Илоҳий билим олиш учун энг аввало одам ўзини билиши зарур, инсон бутун оламнинг кичрайтирилган нусхаси эканлиги сабабли бошқа ерларга саёҳат ва сафар шарт эмас. Маълум билимни олгандан сўнг синов учун саёҳатдан фойдаланилади, лекин у билим олишнинг воситаси эмас.

Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” достонида Ҳудҳуд тилидан шундай ёзади:

Бор онингдек қушки очмай болу пар,  
Сидра шоҳи устига айлар мақар.

“Очмай болу пар” яъни ҳеч ерга учмасдан ҳам у “сидра” шоҳида манзил қилади. Бу билан Баҳоуддин Нақшбанд илоҳий моҳиятни билишда ўзингизни чуқур билиш, мушоҳада этиш ва

ҳамма ерда кўришиб турган олам моҳиятини англаб, сабабларнинг асл сабабини топишга интилиш керак, дейди.

Келди хилватгоҳи они анжуман  
Сайр этар, лекин ери доим ватан

Алишер Навоийнинг юқоридаги сатрлари сайр ўз ватани – олами кабирни акс эттирувчи инсон тана ва руҳининг моҳиятидалигини кўрсатади.

Саёҳат билиш жараёни учун асосий йўл-йўриқ эмас, балки синовдир. Маълум маърифат нурларини эгаллаган шахс ўзидаги билимларга бўлган ишончининг ортиши ёки билимларнинг тўғри-нотўғрилигини билиши учун саёҳат керак. Риёзат натижалари саёҳат вақтида ошкор бўлади. Лекин саёҳатсиз ҳам ўз ичига, ботинига саёҳат этиб, ўзини чуқур ўрганиб, илоҳий моҳиятни билиш мумкин.

Демак, мукамал билим учун сафар шарт эмас, махсус юборилганда муршид қўлланмаси билан саёҳат керак.

### **Тўртинчи маслаҳат**

“Маълум инсон ёки жамият энг олий деб ўзингизни ишонтирманг, чунки бу ҳиссиёт эътиқоддир, аммо факт эмас. Эътиқод чегарасидан чиқиб фактга томон боринг”.

Бу маслаҳат орқали Баҳоуддин Нақшбанднинг абсолют ҳақиқат факт сифатида мавжуд бўлиб, уни кўриш, билиш учун маълум шахслар – маъбуд, анбиё, авлиё, подшо ва маълум тузумларни абсолютлаштирмасдан, бу кенг бепоён оламда уларнинг ўрнини тўғри тушуниш учун оламини чуқур, яхлит тасаввур этиш лозим, деган фикри намоён бўлади. Бунинг учун киши маълум диний эътиқодлардан ҳам устун бўлиб, фактга бориши керак деган фикр туғилади.

Баҳоуддин Нақшбанд бу ғояни қўллашини манбалардан олинган қуйидаги фактлар ҳам тасдиқлайди:

“Аҳли илмдан бўлган бир дарвеш нақл қилади: “Бир куни уларнинг муборак оғизларидан чиқдики, Аллоҳдан бошқа нарсага боғланиб қолиш бу йўлда юрувчилар учун умумий ҳижоб (парда)дир”.



Мисра:

Тааллуқ ҳижоб асту беҳосили.

Мазмуни:

(Оллоҳдан ўзгага) боғланиш ҳижобдиру, у ҳосилсизлик, яъни бу ҳижоб ишни самарасиз қилади.

Бу фақирнинг кўнглидан: “Бизнинг иймон ва исломга тааллуқчилигимиз қандай бўлади?” деган фикр ўтди. Ҳазрати хожа бу фикримиздан савол қилдилар. Арз қилдим.

Дедилар: “Ҳусайн ибн Мансур Халлож ҳақида эшитганмидингиз, у айтган эди:

Кафарту би – диннилоҳи ва-л-куфру вожибун,  
Алайя ва инда-л-муслимина қабихун.

Мазмуни:

Инкор этдим Аллоҳ динини, куфр вожибдур манго,  
Аҳли муслим наздида бу кўп қабоҳатдур манго.

Сўнг дедилар: “Бу тоифадаги авлиёлар иймонни қуйидагича таъриф қиладилар: “Ал-иймону ақду-л-қалби йанфий мо таважжаҳати-л-қулубу илайҳи мина-л- музарри ва-а-манофиъи сивоҳу азза ва жалла”, яъни “Иймон бу қалбни Оллоҳ азза ва жалладан ўзга барча фойда ва зарар келтирадиган нарсаларни рад этишга берилган паймондир”. Ва соғлом (пок) қалб ҳақида мана бу икки байтни ўқидилар:

Ошиқ, ту яқин дон, ки мусулмон набувад,  
Дар мазҳаби ишқ куфру иймон набувад,  
Дар ишқ тану, ақлу, дилу, жон набувад,  
З-он кас, ки чунин набошад ў он набувад.

Мазмуни:

Ошиқ, сен аниқ билгилким, мусулмон бўлмас,  
Ишқ мазҳабида куфр ва иймон бўлмас,  
Ишқда тан, ақл, юрак ва жон бўлмас,  
Кимки шундай бўлмаса, у ошиқ бўлмас”<sup>118</sup>.

---

<sup>118</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон Т.: Ёзувчи, 1993. 73-бет.

Демак, Баҳоуддин Нақшбанд Олий, Абсолют, Объектив ҳақиқат – Олий моҳиятни кўриш, билиш учун киши ишқ мазҳабида бўлиши керакким, унда ягона Оллоҳдан ўзга барча нарсалардан кўнгилни узиши, уни боғловчи диний иплардан ҳам юксалиши керак дейди. Шунда у, ўз ҳиссиёти натижасида барча ҳижоб – эътиқодни эмас фактни кўра олади. Маълум шахсга ҳам боғланиш, маълум ғояга боғланиш, бу шу чегара ҳудудида нарсаларни билишга олиб келади ва оламни яхлит, ягона тарзда кўришга тўсиқ бўлади. Бу чегарадан юксалиш асл фактни билишга ёрдам беради.

### **Бешинчи маслаҳат**

“Сизнинг фикрингизча, устозингиз томонидан сизни танқид этилганда ҳеч қачон руҳий тушкунликка тушманг. Шунингдек, сизни мақталганда хурсанд бўлишдан ҳам ўзингизни сақланг. Бу ҳиссиётлар йўл кўрсаткичлар эмас, балки тўсиқлардир”.

Баҳоуддин Нақшбанд бу маслаҳат билан мукаммал билимни олиш жараёнининг мураккаб эканлигини, унда киши ҳиссиётларини жиловлаши, улардан устун турганида бундай билимни олиши мумкинлигини кўрсатади. Устознинг танқиди ёки таърифи вақтинчалик ҳолат бўлганлиги учун, буни деб асл, боқий нарсадан чалғимаслик керак, чунки мақсад устозга ўзини кўрсатиш эмас, балки, Оллоҳга етиш, унинг розилигини олиш, ладуний илмни эгаллаб, асл ҳақиқатга етишдир. Хафа ёки хурсандлик одамни ҳали фано ҳолатига етмаганидан, вужуд ва башарий истақларга боғланганлигидан далолат беради. Хафа ёки хурсанд бўлиш нафс ҳали тириклигидан далолат беради. Бу ҳақда манбаларда Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйидаги фикрлари бор:

“Амти-л-аза-анит-т-тариқи” яъни “Азият берадиган нарсаларни йўлдан йўқотинг”дан мурод “Нафсингизни ҳақ йўлида йўқотинг”.

Зеро девори вужуди ту бувад ганжи гуҳар,  
Ганж зоҳир шавад, гар ту зи миён бархези.<sup>119</sup>

Мазмуни:

Чунки вужудинг девори остида гавҳар хазинаси бор  
Сен ўртадан кетсанг, шу ганж намоён бўлади.

<sup>119</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон Т.: Ёзувчи, 1993. 101-бет.

Яъни: Вужудинг девори сенинг устингда бўлса, шу хазинани кўра олмайсан, вужудингни тўла, мукамал билиб, фано бўлсанг ана шу ганж намоён бўлади. Хожа Али Ромитанийнинг ҳам шу мазмунда мисралари бор:

Бар тахти вужуд ҳар, ки шаҳаншоҳ аст,  
Ўро сўи олами ҳақиқат роҳ аст<sup>120</sup>.

Мазмуни:

Кимки вужуди тахтида шаҳаншоҳ бўлса,  
У учун ҳақиқат олами томон йўл бор.

Хожа Али Ромитани яна шу маънода айтганлар:

Хоҳи, ки ба Ҳақ раси, биёром, э тан,  
Андар талаби ишқ биёром, э тан<sup>121</sup>.

Мазмуни:

Ҳақа етишмоқчи бўлсанг, танангни тинчлантир,  
Ишқ талабида бўлсанг, танангни тинчлантир.

Демак, хафалик ёки шодлик бу ҳали бу оламга тааллуқликни кўрсатиб, ҳижоб бўлиб ҳисобланади. Вужуд устидан тўла ҳукмрон бўлиш ва ҳиссиётларни жиловлаб олиш бу йўл учун зарурий шартдир. Шунинг учун ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳиссиётларни бу йўлда йўл кўрсатувчи эмас, балки тўсиқ, дея таъкидлаб, уларга берилмасликка чақиради.

### **Олтинчи маслаҳат**

“Юввош, итоаткор, тақдирга тан берган, шу билан бирга моддий нарсаларга хасис бўлган кишини ҳеч қачон қўлламанг ва изидан борманг, чунки бундай одам моддий нарсалардан қониқади, қаноат ҳосил қилади, мамнун бўлади. Агар сиз хасис бўлсангиз, яхши фазилат бўлганлиги учун эмас, тузатувчи машқ сифатида сахийликни тажриба қилинг”.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу маслаҳати қуйидагиларни кўрсатади:

---

<sup>120</sup> Хожа Али Ромитани. Рисолаи Ҳазрат Азизон. Тошбосма 11-бет.

<sup>121</sup> Сафий Фаҳриддин Али. Рашаҳот: (Оби ҳаёт томчилари). Тарихий-маърифий асар. (Табдил ва сўнгсўз муаллифи М.Ҳасаний).-Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёт, 2003. 56-бет.

1. Мукаммал билиш жараёнида ҳамсухбат, кимга издош бўлиш ва кимни қўллашни билиш муҳимдир. Зоҳиран юмшоқ, итоаткор бўлсаю, ботинан хасис, моддий оламга боғланган бўлса, ундайлардан узоқ бўлиш керак.

2. Маърифат – Олий ҳақиқат, яъни боқий илмни моддий нарсаларга боғланган киши эгаллай олмайди. Чунки, у оламда нима абадий, боқий ва нима вақтинчалик, фоний эканлигини ажрата олмайди. У моддий нарсаларга, фоний, вақтинчалик хусусиятга эга нарсаларга боғланган ва улардан қаноат ҳосил қилади, мамнун бўлади, демак фикру хаёли ўшалар билан банд. Бу одамда зулмоний, башарий ҳижоб ҳали мустаҳкамдир.

3. Баҳоуддин Нақшбанд мукаммал билимни эгаллашни истаган одам моддийликнинг боқий эмаслигини билиб, асл моҳиятни англаш даражасига кўтарилиши кераклигини айтмоқда ва мабодо ўзида хасисликни сезса, сахийликни тузатувчи машқ сифатида амалга ошириб, бу иллатни йўқотиши зарур демоқда.

Тасаввуф таълимотида одамларни икки хил - норий ва нурий деб ажратадилар. Норий одамлар моддий оламга боғланиб, ўшалар ишқида куйиб вақтини ўтказади. Нурий одамлар фақат илоҳий файзни олиш учун вақтини сарф этади ва илоҳий моҳиятни тажалли этади.

Баҳоуддин Нақшбанд “норий одам”лардан ибрат олмаслик, уларни қўлламаслик керак, деб уларни инкор этади ва нурий одам бўлиш учун интилиш лозимлигини ўргатади. Бунга эришиш учун Баҳоуддин Нақшбанд айтган эдилар: “Бу йўлнинг ҳақиқати икки сифатда: “Вужудни инкор қилишида ва борини нисор этишда”<sup>122</sup>, бошқа жойда ўз тариқат аҳли ҳақида “нисор аҳли” дейдилар. Яъни, вужудни инкор этиш – бу нафс устидан ғалабага эришиш, бор будини ҳақ йўлига сарфлашни англатади.

Бу тариқатнинг “Даст ба кору, дил ба Ёр” шиорининг ўзи кишиларни сахийликка чорлайди. Чунки, тариқат аҳли моддий нарсалардан буткул кўнгил узган. Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар:

Ҳечи мо не-ю ва ҳечи мо кам не,  
Аз паи ҳеч - ҳечи мо ғам не.  
Жанда дар пушт, пушт гўристон,

<sup>122</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али Баҳоуддин Балогардон. Т.: Ёзувчи, 1993. 103-бет.

Гар бимирем ҳеч мотам не<sup>123</sup>.

Мазмуни:

На бойлик бор, на бойлардан камимиз бор,  
Йўқчилик ҳасратидан на ғамимиз бор.  
Елкамизда жанда, орқамизда гўристон,  
Ажал етиб келса, на мотамимиз бор.

Лекин, “ҳеч учун ғам йўқ” бўлсада, Баҳоуддин Нақшбанд ўзларидаги қўл, оёқ қувватини, танада Оллоҳ томонидан берилган имкониятларни одамлар учун нисор қиладилар. У киши ҳунармандчилик қилиб, у орқали ибодат учун қувват олиб шу билан бирга бева-бечораларга ёрдам берадилар. Бундай холисона, Оллоҳ йўлида меҳнат киши руҳини камолотга етказишнинг муҳим воситасидир.

Демак, Баҳоуддин Нақшбанд моддий – ўткинчи, вақтинчалик нарсаларни инкор этиб, боқий нарсаларга боғланишни билиш жараёнида муҳим йўл дейди ва сахийликнинг бу йўл учун муҳимлигини таъкидлайди.

### **Еттинчи маслаҳат**

“Сизни ўраб олган муҳит таъсирида вужудга келган барча ишонч ва эътиқодлар, қачондир сиз учун муҳим ва аҳамиятли бўлган бўлсалар-да, лекин аҳамиятсиз арзимас, арзимайдиган бўлиши мумкинлигини англашга тайёр бўлинг. Улар фойдасиз бўлиб қолиши ва аслида сиз учун тузоқ эканлиги билиниб қолиши, маълум бўлиши, сезилиши мумкин”.

Бу маслаҳат орқали Баҳоуддин Нақшбанд иккита ғояни илгари сурмоқда. Биринчи ва асосийси мукаммал билиш жараёнида инсон кенг, олам қамровида ўйловчи, тасаввур ва мушоҳада этувчи бўлиши керак. Иккинчидан, бизни ўраб олган муҳит бу чексиз олам олдида кичик бир зарра бўлиб, унинг таъсирида ҳосил бўлган ишонч ва эътиқодлар сизни бутун оламга мутаносиб, уйғун, мос, бўлишга халақит бериши, ҳатто тузоқ бўлиши мумкин. Тасаввур этсак, еримиз бутун сайёралар, қуёш системаси, юлдузлар, Галактика ва метagalactica ва бошқаларга яхлит ҳолда қараганда жуда кучли микроскоп билан ҳам кўринмайдиган бўлиб қолади. Атроф-муҳит зоҳир бўлиб, агар унинг ботинини одам ўқий олмаса, кўпинча у ёлғончи

<sup>123</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али Баҳоуддин Балогардон. Т.: Ёзувчи, 1993. 36-бет.

бўлади. Шунинг учун, Баҳоуддин Нақшбанд билиш жараёнида ташқи муҳит таъсирида вужудга келган биздаги ишонч, эътиқод аҳамиятсиз эканлигини англашга тайёр бўлишмизга чақиради ва бу тор доирадаги боғланиш, бу маҳдудликни тузоққа ўхшатадики, бу бизнинг кенг парвоз ва ҳаракатимизга ғовдир.

### **Саккизинчи маслаҳат**

“Сизнинг баъзи ишонч ва эътиқодларингиз тўғри, лекин сафарингиз даражаларига мос равишда уларнинг аҳамияти бу йўлда бўлмаганлар учун қарама-қаршидай туюлиши, кўриниб қолиши, билиниб қолиши, намоён бўлиши мумкинлигига тайёр тўринг”.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг бу маслаҳатлари, биринчидан, тариқат илоҳий моҳиятни англаш, маърифатли бўлиш учун руҳий сафарда бўлиб, мақомлардан мақомларга томон сайр этиш каби диалектик жараён эканлигини, бу жараёнда кишидаги қарашлар биринчи моҳиятдан иккинчи, иккинчидан учинчи ва то Абсолют моҳиятгача ўзгариб бориши мумкинлигини айтади. Баҳоуддин Нақшбанд маърифатли бўлиш жараёни ҳақидаги ғоялари ҳақида манбада шундай ёзилган:

“Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан сўрайдилар: “Сайру сулукдан мақсад нима?”

Айтадилар: “То маърифати ижмойи (қисқа билим) тафсилий (тўлиқ)га айлансин учун, яъни солиқ, хабарчидан қисқагина қабул қилинган нарсани тафсил (тўлиқлик) йўли орқали таниб олсин ва далилу ҳужжат мартабаси орқали аёнлик мартабасига ета олсин”<sup>124</sup>.

Баҳоуддин Нақшбанд мукамал билиш жараёнини икки даражага бўлиб таҳлил қилмоқдалар. Булар:

1. Ижмойи – қисқа, мухтасар, далилу ҳужжат мартабаси.
2. Тафсилий – мукамал, тўлиқ аёнлик мартабаси.

Демак, Баҳоуддин Нақшбанд тафсилий билим учун ижмойи билиш шарт деб биладилар. Йўл юрувчисига мухтасар тарзда маълум бўлган ишонч-ижмойи маърифат бўлиб, йўл юриш даврида, покланиш жараёнида аста – секин далилу ҳужжатлар мартабасига етади ва ижмойи маърифатнинг тафсилини билиб бориб, аста-секин кашф ва аёнлик мартабасига етади. Яъни шу моҳият унга тўла намоён бўлади. Демак, мукамал билиш учун

<sup>124</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али Баҳоуддин Балогардон. Т.: Ёзувчи, 1993. 84-бет.

ҳиссий ва ақлий билиш ҳам зарур экан. Мукаммал билимни эгаллашнинг дастлабки, қуйи ва зарурий босқичи ҳиссий, ундан кейингиси ақлий билиш, охирги ва юқори босқичи иррационал билишдир.

Йирик мутасаввуф Жалолиддин Румий бу мазмунда шундай ёзган эди:

Ҳарфи Қуръон бидон, ки зоҳир аст,  
Зери он ботине баче коҳир аст.  
Зери он ботин яке ботин дигар,  
Хира гардад андар ў фикру назар.  
Зери он ботин яке ботин сеюм,  
К-андар ў гардад хирад жумла гум.  
Ту зи Қуръон, эй писар, зоҳир мабин,  
Дев одамро набинад жуз ки тин.  
Зоҳири Қуръон чу шахси оддист,  
Ки нуфусаш зоҳиру жонам ҳафист<sup>125</sup>.

Мазмуни: Қуръоннинг ҳарфи, билгилким, бу ҳали зоҳир бўлиб, унинг ичида ботиний маънолар олами ётади. Биринчи ботиннинг тагида иккинчи маъно ётади ва уни тушунишда фикру назар хиралик қилади. Иккинчининг тагида учинчи ботиний моҳият ётадики, уни тушунишда ақлу хирад умуман ожизлик қилади. Ўғил, сен Қуръоннинг фақат зоҳирини кўрма, унинг зоҳири оддий кишининг танасидек бўлиб, унинг ичида жони, руҳи яширинган. Яъни сен унинг асл моҳиятини билишга интилгин.

Баҳоуддин Нақшбанднинг саккизинчи маслаҳати кўрсатадики, мукаммал билим олиш сайру сулук вақтида ижмойи маърифатдан тафсилӣга ўтиб, далилу бурҳонлардан кашфу аёнга ўтиши вақтида унинг аҳамияти ва шарҳи ҳақидаги дастлабки тушунчалар ўзгаради ва унга аён бўлган нарса бу йўлга кирмаганлар учун пинҳон бўлганлигидан унинг фикри бу йўлда бўлмаганлар учун қарама – қаршидай туюлиши мумкин. Киши, Баҳоуддин Нақшбанд фикрича, бу ҳолатга тайёр бўлиб, шу қарама - қаршилиқ жараёнида унга нисбатан айтиладиган фикрларга тушунадиган ҳолатда бўлиши керак. Беҳуда Мансур Халлож, Машраблар дорга осилмади, чунки улар шарият босқичидан жуда юксалиб, ҳақиқатга етганларида уларнинг фикрларини шарият аҳли “ҳақиқат”-га зид, қарама-қарши, “куфр”

<sup>125</sup> Одилов Н. Мирозрение Джалолиддина Руми. Душанбе: Дониш 1974. С. 12.

деб жазо берди. Демак, маърифатга етиш жараёнида инсон маънавий юксалиш даражаси, оддий бу йўлда бўлмаганлар учун меъёрдан чиқишдек туюлади. Шунинг учун буларни кўпинча “девона” деб ҳам айтганлар, уларнинг устидан кулганлар. Лекин, мукамал билим даражасига етган кишилар, бу сўзлардан юксалганлари учун буларга аҳамият ҳам бермаганлар.

Демак, маърифатли бўлиш жараёнида одамнинг сайру сафари даражасига мос равишда унинг моҳиятни тушунишлари ҳам ўзгариб бориб, биринчи моҳият 2, 3, ... то асл, Абсолют моҳиятга томон боради.

### **Тўққизинчи маслаҳат**

“Эсда тутингки, билимларни ўзлаштириш, ўзига қабул қилиш ва кашф бошда шундай характерга эга бўлмайдики, сиз “Бу қабуллаш” ёки “Бу кашф” – деб айтаолсангиз”.

Бу маслаҳат орқали ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд таъкидламоқдаким, маърифатли бўлиш ва Оллоҳни таниш жараёнида ҳис-туйғу, ақл-идрок билан бирга фаҳму фаросат (интуиция), илҳом ва кашф асосий воситадир. Лекин бу жараён бошда сизга маълум бўлмай амалга ошадики, сиз ўзингиз илоҳий қабул этаётганингизни ва кашф бўлаётганини пайқамасиз.

Бу маслаҳатнинг моҳияти, Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифатли бўлиш мураккаб жараён эканлигини тушунишни кўрсатади.

Тасаввуфда маърифатли бўлишга оид турли қарашлар бор. Нажмиддин Розий маърифатли бўлишнинг уч шаклини кўрсатади: рационал билиш - ақлий маърифат, назарий билиш – назарий маърифат, мушоҳадали билиш – шухудий маърифат<sup>126</sup>. Унинг фикрича, рационал билиш барча кишиларга хос, чунки барча инсонларда ақл мавжуд. Лекин шухудий маърифатга танланган кишилар ета олади. Бунга етиш учун мушоҳада, кашф ва илҳом ёрдам беради.

Идрис Шоҳ Баҳоуддин Нақшбанднинг кашф сўзини “Просветление” деб таржима этган. Биз луғатлар асосида шуни аниқладикким, кашф сўзи фикрнинг ойдинлашуви, оннинг тиниқлашуви, ёришлиғи, очилиб кетиши бўлиб, “озарение” – ногаҳон эсига тушиш, бирданига эсига келиш, фикр

<sup>126</sup> Қаранг: Муҳаммедходжаев А. Гносеология суфизма. – Душанбе. Дониш, 1990. С - 97.



равшанлашиши, ёритмоқ, нур сочмоқ, равшан қилмоқ, ялт этиб бошга янги фикр келиш билан уйғундир.

Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди Хожа Муҳаммад Порсо сўфийларга хос бўлган ишора илми ҳақида ёзган. Шу илми у ёдда сақлаш ва кашф илми билан тенг дейди<sup>127</sup>.

Кашф – ҳижоб, парда, тўсиқнинг кўтарилиши. Сўфийларнинг тушунчасида ботиндаги, яширин муқаддас сир, парда остидаги кўринмас нарсани билишдир. Кашфнинг қуйидаги босқич, даражалари бор:

1. Хотира кашфи.
2. Аёний кашф.
3. Мужаррад кашф.
4. Мухаййил (тасаввурдаги) кашф.
5. Назарий кашф.
6. Сиррий кашф.
7. Илоҳий кашф, руҳоний кашф.

Хожа Муҳаммад Порсо “Рисолаи кашфия” (“Кашф ҳақида рисола”)сида кашф тушунчасини ҳар томонлама ёритган. Кашф илоҳий марҳамат, илоҳий лутф ва ёрдам билан амалга ошади.

Умуман, Баҳоуддин Нақшбанднинг бу маслаҳатидан шундай хулосага келиш мумкинки, мукаммал билимли бўлиш жараёни ҳиссий қабуллашдан бошланиб, кашфу илҳом даражасига етадиган яхлит бир тизимдан иборат экан.

### **Ўнинчи маслаҳат**

“Бир вақтда барча нарса ва ҳодисаларга бир хил усул, йўл, тариқа, тарз, йўсинда баҳо беришга ҳеч қачон ўзингизга ижозат, рухсат, изн берманг, қўйманг. Бири иккинчисидан олдин, илгари бўлиши лозим, керак”.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу маслаҳати шуни кўрсатади-ки, у билиш жараёнида воқеа-ҳодисаларга баҳо беришда абсолютизм, догматизм, нигилизм каби қотиб қолган, бир хил қараш қолипидан чиқишга чақирган ва ҳар хил нарса-ҳодисаларни ўрганиш, баҳо бериш усулини танлашда улардан вақти, ҳолати, сифати, миқдори, меъёри ва бошқаларга эътибор бериш лозим деган.

---

<sup>127</sup> Хожа Муҳаммад Порсо. Тухфат ул-соликин. Пешовар. 1970. 370-с. Бу иқтибос ўша асарнинг 103-бетидан олинди.

“Мақомот”да кўрсатилишича, Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: “Сухбатимизга етишадиган гуруҳлардан баъзилари шундайки, уларнинг кўнгилларида муҳаббат уруғи бор, аммо халақит берувчи хасу хашаклар туфайли ўсолмайди, бизда эса уни поклаш лозим. Баъзилари шундайки, уларнинг кўнгилларида муҳаббат уруғи йўқ, бизда эса уни пайдо қилиш лозим”.<sup>128</sup> Демак, Баҳоуддин Нақшбанд – солиқларнинг турли ҳолатда бўлиши ва улар билан турли услуб ила муносабатда бўлиш лозимлигини англамоқдалар.

Юсуф Ҳамадонийнинг иккинчи халифаси бўлган Андоқий шундай айтади: “Замон, Макон ва Ихвонсиз, яъни муайян вақт, муайян жой ва муайян биродарлик жамиятидаги шахслар бўлмас экан, жаҳднинг ўзи самарасиздир”.<sup>129</sup> Андоқий жаҳд, яъни маълум услуб билан ҳаракат қилиш агар Замон, Макон ва лоиқ бародарлар, ҳамсуҳбат шахслар бўлмас экан, самарасиз эканлигини айтиб, ҳар бир услуб, йўлни танлашда вақт, макон ва жамиятга мос бўлишига эътибор бериш лозим дейди.

Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар: “Одамлар “йиғла!” деганда “фақат йиғла” деган фикрни кўзда тутмайдилар. Улар “қичқирма!” дер эканлар, сизни муттасил қичқиришингизни назарда тутмайдилар”.<sup>130</sup>

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу сўзларидан маълум бўладиким, бир сўз, услуб, йўл, маслаҳатни абсолютлаштирмасдан макон, вақт ва кишилар ҳолатига мос қўллаш керак.

Баҳоуддин Нақшбанднинг тўртинчи халифаси Хожа Аҳрорнинг муршиди, нақшбандия таълимотини ривожлантирган Яъқуби Чархий устози ғояларини давом эттириб, шундай деган эди: “Агар ҳаммага нисбатан ҳам биргина усулни қўллайверса, унда у устоз эмас, қолаверса, устозлик қилолмаслигини айтиб ўлтирмаса ҳам бўлади”. Бу билан у биргина усул ҳаммага нисбатан қўллаш хатолигини айтиши билан билиш жараёнида ҳар бир нарса-ҳодиса, миқдор, сифат, меъёр, ҳолат, мазмун, шакл ва бошқаларга мос турли услубларни қўллаш зарурлигини таъкидлайди.

<sup>128</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. Т.: Ёзувчи, 1993. 79-бет.

<sup>129</sup> Идрис Шоҳ. Нақшбандий тариқати. Т., 1993. 53-бет.

<sup>130</sup> Ўша асар. 15-бет.

## **Ўн биринчи маслаҳат**

“Агар сиз жуда кўп одамлар ҳақида ўйласангиз, меъёридан ортиқ фаолият ҳақида ўйлайдиган бўласиз. Агар сиз жуда кўп ўзингиз ҳақида ўйласангиз, сиз одамлар ҳақида хато ўйлайдиган бўласиз. Ва агар сиз жуда кўп китоблар ҳақида ўйласангиз, бошқа нарсалар ҳақида тўғри ўйламайдиган бўласиз. Биртасини бошқасини тузатиши учун восита сифатида фойдаланинг”.

Бунда Баҳоуддин Нақшбанд, тасаввуфда олам моҳиятини билиш ва маърифати тафсилыйга эга бўлиш учун бир томонлама ёндашмай, билиш жараёнида уйғун, меъёрли амал қилишни маслаҳат бермоқда.

Меъёрдан чекиниш, яъни бир услубдан фойдаланишда меъёрни бузиш, бошқа томонга албатта таъсир этишга олиб келиши ва билиш ягона, яхлит, бир – бирига боғлиқ ва ўзаро таъсирга эга жараён эканлигини кўрсатади. Одамлар ҳақида жуда кўп ўйлаш, яъни уларга маъқул бўлишга ўриниш фаолият ҳақидаги ўйловингизни меъёрдан чиқаради. Агар ўзингизни кўп ўйласангиз одамлар ҳақида хато ўйлайсиз. Китобларга ортиқча берилиш ҳаётдан узилишга олиб келади. Шунинг учун аллома чекиниш, меъёрдан чиқиши сезилса, биттасини бошқасини тузатиш учун восита қилиш керак, деб уқтиради ва барча услубларни меъёрида қўллаш билиш жараёнининг асоси эканлигини кўрсатади. Одамлар, фаолият, ўзингиз, китоб, ҳаёт ҳақидаги ўйловлар меъёрида бўлиб гармония, уйғунликда одамни руҳий камолот сари етаклаши керак.

## **Ўн иккинчи маслаҳат**

“Сизга китоблар керак ва машқлар керак эмас, деб ўйлаганингизда, ўзингизнинг шахсий фикрингизга асосланманг, таянманг. Сиз машқларга муҳтожсиз-у, китобларга эмас, деган ишончу эътиқодингизга камроқ таянинг”.

Бу маслаҳат билан Баҳоуддин Нақшбанд билиш жараёни мураккаб бўлганлигидан киши ўз ҳолатини билиши оғир, унга зарур деб туюлган шахсий фикри хато бўлиши мумкинлигини айтиб, бу жараёнда ҳақиқий муршид, пир йўл-йўриғига итоат этишга чақиради.

Баҳоуддин Нақшбанд шу маънода таъкидлаганки, “Муршид бу – ҳозиқ табиб. У муриднинг ҳолига мувофиқ бўлган давони

қилади. У толибнинг ўтган, ҳозирги ва келажак каби ҳолатидан бохабар бўлиши керак, шундагина уни тарбия қила олади”<sup>131</sup>.

Баҳоуддин Нақшбанд бу таълимотни ўрганишда кўпроқ ўқиш ёки машқ кераклигини ўз шахсий фикрга таяниб эмас, муршид йўл-йўриғига асосан амалга ошириши керак деб таъкидлайди: “Ирода, таслим ва ихтиёрсизлик бу - улуғ ишдир. Бизнинг ихтиёр қилганимиз “ ал-иродату тарку-я-иродати фи-я-иродати” деган сўздир. Мурид ўз хоҳишини ташлаб, ўз муқтадоси пирининг хоҳиши ичида бутунлай кўмилиб кетиши керак”.

Байт:

Мо ихтиёри хеш ҳам аз даст додаем,  
К-он ихтиёри дўст ҳама ихтиёри мост.<sup>132</sup>

Таржима:

Биз ўз ихтиёримизни қўлдан берганмиз,  
Ўз дўстимиз ихтиёри бизнинг бутун ихтиёримиз.

Бошқа ерда Баҳоуддин Нақшбанднинг шундай сўзлари бор: “Муршид шундай бўладики, муриддан ўтган бир зарра ва бир қатра нарсани ҳам шафқат юзидан тўғрилайди, агар сенинг ғафлатингни сенга кўрсатиб берсак, сенга қандай яхши шафқат қилган бўламиз!”. Шунингдек Баҳоуддин Нақшбанд “аҳли иршод пирлари йўл кўрсатувчиларни сайид (овчи) га ўхшатиб ва бу йўлга кирганларни ваҳший жониворга ўхшатиб айтадики, “муршидлар толибни ваҳшийлик сифатидан одамлик мақомига етказадилар”.

Аммо Баҳоуддин Нақшбанд сохта муршид билан ҳақиқий иршод ва ҳидоятга бошловчи кишини ажратиш лозимлигини, ҳақиқий муршидгина ўз муридига бу таълимотни қабул этиш қобилиятини тарбиялашини таъкидлайди. Чунки, одамларда тез, шошилиничлик билан ишни амалга оширишга истак кучли. Шу ерда Баҳоуддин Нақшбанд анорни мисол келтириб айтадики, то ошқозонингиз уни ҳазм қила оладиган даражага етгунча уни сақлаб, ҳазм қилиш қобилияти пайдо бўлгач уни енг. Энг ёмон нарса одамларда уни тез ейиш истагидир.

Баҳоуддин Нақшбанд ёзадики, кўп ойлар маънавият ҳақида менинг кучли истагимни қондирмайдигандай туюладиган муршиднинг нима айтиши, ўйлаши, киши ҳақидаги йўл - йўриқлари мени таажжуб, ҳайратга солар эди. Дастлабки вақтда

<sup>131</sup> Баҳоуддин Балогардон. 77-бет.

<sup>132</sup> Уша жойда.

мен уни тинглай олмасдим. Қачонки мен меъеридан чиқиб кетган истакларимни тартибга келтириб, тинчлантирганимдан сўнг, уни эшитиб билдим. Шу кабилар таъсирида мен 8 йилимни бўм-бўш йўқотдим.

Кўпинча адабиётларда муриднинг ихтиёридан тўла воз кечишини шахсий фикри бўлмаслиги иллатини туғдиришда деб танқид этилган. Бу ерда масала бошқача ечилади. Биринчидан, “шахсий фикр” айтиш учун одам ўзи Одам даражасига юксалиб, Шахс даражасида камолга етиши керак. Жуда паст ҳайвон даражасида яқин, ўткинчи ҳис-туйғуларга қурбон бўлиб яшаётган кишининг “Мен” деб ўйлайдигани сохта мендир ва у унинг тараққиёти йўлида ғовдир. То у шу ғовга боғлиқ экан олдинга боролмайди. Ўзи истаб муршидга ихтиёрини беришга розилик берса, шу ғов олиб ташланади.

Зомби, афсунгарлик, жодугарлик каби кишининг иродасини ўзларига бўйсундириб, қора ишларда фойдаланиш ва сохта пир, шайх, гуру, устоз номланиб, одамлардан шахсий ёки маълум гуруҳ манфаати учун фойдаланадиганлардан ҳақиқий муршид, ҳодий, пирни асосий фарқи улар бор қувватини фақат эзгулик, ҳалоллик, покликка сарфлайди.

### **Ўн учинчи маслаҳат**

“Сиз ўзингизни мурид (шогирд) деб ҳисоблайдиган вақтингизда, эсингизда тутинг – сиз бу босқичга ўзингизни устозга нисбатан ҳақиқий ҳолатингизни очиш учун кўтарилдингиз. Бу бирор бинога нисбатан сиз қанча узоқликда турганингизни ўлчайдигандек босқич эмас”.

Бу маслаҳат, биринчидан, мурид, шогирд, соликликнинг ўзи оддий кишиларга нисбатан маълум юксалган босқич эканлигини ва шахс руҳий камолотга етиши йўлида ўзига қийинчиликларни сезгандан сўнг, ўзидан тўсиқларни бартараф этиш учун устоз, муршид, яъни иршод этувчи, йўл кўрсатувчини ахтаришини аён этади.

Баҳоуддин Нақшбанд муридлар, яъни шу йўлга кирганларни аҳли талаб деб таърифлайди. У киши ҳол тили билан қуйидаги рубоийни айтганлар:

Эй, ошиқи шўридаву авбоши талаб,  
Ин ваъда, ки кардааст, ту ҳар жош талаб,

Дар ғам агараш наёби, дар шоди жўй,  
Саргардони гузин ҳар жош талаб<sup>133</sup>.

Мазмуни:

Эй шайдо ошиқ, талаб авбоши,  
Васлни ваъда қилибти, ҳар ердан изла.  
Ғамда топа олмасанг, шодлиқда изла,  
Саргардон бўлсанг-да, ҳар жойдан изла.

Яъни, толиб изловчи Оллоҳ васлига ошиқ бўлиб, унга етишмоқчи эканми қаерда пир, муршид шайх бўлса, бориб хизматида бўлиши керак.

Иккинчидан, ўзини мурид деган киши устозига нисбатан ҳолатини ошкор этиши керак, деганда у устозини кўриб, мушоҳада этиб, ўзидаги нуқсонларни ошкора сезиб, уларни бартараф этиш учун ҳаракат этиши керак. Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳолатнинг жуда оғир эканлигини, руҳий камолот кўп риёзат талаб этишини, муридни маълум бинога нисбатан қанча узоқ турганини ўлчаш босқичи эмаслигини таъкидламоқдалар. Яъни бу моддий, жисмоний ҳаракат билангина ўлчаб, амалга ошадиган даража бўлмай, балки, руҳий комиллик йўлидир.

Маълум бинога нисбатан сен қанча узоқда турганини ўлчашнинг мумкин, лекин устозга нисбатан руҳий ҳолатни ўлчашнинг мезонлари йўқ, кундалик мулоқотда унинг янги – янги қирралари намоён бўлади. Шунинг учун мурид бўлиш, камолотга эришиш руҳий босқичи жуда мураккаб эканлиги, ҳар бир кишидан жуда зийраклик, фаҳму фаросат, кучли ирода талаб этишини кўрсатади. Руҳий оламини ўрганиш ва ўлчаш моддий оламга нисбатан жуда оғир, чунки унинг ҳадди, чегараси йўқ.

Баҳоуддин Нақшбанд шундай деган эдилар: “Бу йўлдаги ҳақиқий талаб мукаммал ҳаракатдан иборат бўлиб, у бандани беқарор ва беором қилади”.

### Байт

Ин талаб мифтоҳи матлуботи туст,  
Ҳам сипоҳу лашкару роёти туст<sup>134</sup>.

Мазмуни:

Бу талаб сенинг матлабинг калити,

<sup>133</sup> Баҳоуддин Балогардон. 50-бет.

<sup>134</sup> Уша асар. 95-бет.

Синоҳ, лашкар байроғинг ҳамдир.

Демак, мурид муршидга нисбатан ҳолатини ўрганиб, ўшаларга етиш учун мукамал ҳаракат қилиши, яъни моддий жисмининг бутун қувватлари ва руҳий ҳаракат қилганида натижага эришади.

### **Ўн тўртинчи маслаҳат**

“Кирган Йўлингизни давом эттиришга қизиқишни йўқотаётганингизни ҳис этаётган вақтингиз, сиз учун энг қулай бўлиши мумкин. Сиз бошқа йўлни давом эттириш керак эмас, деб тасаввур этишингиз, бу сиздаги эътиқоднинг йўқлигидан, ёки шубҳа эмас, балки сизнинг синовга бардош бермаётганингиздандир. Сизда доимо шубҳа бўлади, лекин сизнинг ожиз, кучсизлигингиз уларга ишорат этганида улар намоён бўлади”.

Бу маслаҳат билан Баҳоуддин Нақшбанд мукамал билимли бўлиш бошқа йўллардан тубдан фарқ этишини кўрсатади. Бу йўл оғирлигидан баъзан сизда “Мен бу ишни қила олмайман” деган ҳисни туғдиради, лекин бу вақт энг қулай фурсат бўлиши мумкин деб, Баҳоуддин Нақшбанд сабрли бўлишга чақиради.

Мақомотда келтирилишича, Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар: “Агар толиб (мурид) муқтадо (пирга) етишишида қийинчиликка дуч келса, то бунинг сирри очилгунча сабру тоқати етгунча чидасун”.<sup>135</sup> Бошқа жойда яна Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйидаги анфоси қудсиялари келтирилади “Ал - фуқароу- с - субаро-жуласоуллоҳи субҳонаҳу айи – л -муқаррабуна ғоя та – л – қурби”, яъни сабрли фақирлар Аллоҳ билан ёнма-ёнлар, яъни унинг энг яқинларидирлар”<sup>136</sup>.

Иккинчидан, Баҳоуддин Нақшбанд ўн тўртинчи маслаҳатида бу йўл қийинчиликлар – синовлар натижаси эканлигини айтадилар. “Мақомот”да Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзлари мурид бўлган вақтда Ҳазрат Сайид Амир Кулол у кишини ҳайдагани ва у киши кетиб, йўлда қиморхонадагилар жонларини шу ўйинга тикканларини кўриб, қайтиб келиб устози даргоҳида сидқ билан хизмат қилишганлари ёзилган. У “Эй Баҳоуддин, бу

<sup>135</sup> Баҳоуддин Балогардон. 102-бет.

<sup>136</sup> Ўша асар. 100-бет.

йўлда қиморбоздан ҳам кам бўлмоққа уял!” деб нима бўлса бўлсин, бошимни бу эшиқдан тортмайман деб, қуйидаги рубоийни айтганлар:

То жон дорам ранги ғамат омизам,  
То ашк бувад бар сари куят резам.  
Чун субҳи қиёмат бидамаб бо ишқат,  
Аз хоки дарад наъразанон бархизам<sup>137</sup>.

Мазмуни:

Сенинг ғаминг жонимда жон бўлгум,  
Кўз ёшим бўлгунча йўлингда йиғлайман.  
Қиёмат субҳида ҳам ишқинг билан,  
Сенинг остонангдан наъра билан турарман.

Баҳоуддин Нақшбандга бир киши айтди:

- Бир шогирднинг ҳайдалиши сизга қайғу келтиргандир.

У жавоб берди:

- Шогирдни синаш ва унга ёрдам беришнинг энг яхши усули, агар имкон бўлса, бу уни ҳайдашдир “Агар у сизга қарши чиқса, ўзининг юзаки амалиётини ва камчиликларини кўради, агар у сизни кечирса, унинг бу нарсаларда риёкорлик борлигини пайқашга имкони бўлади. Агар у ички мувозанатини тикласа, бизнинг ишимизга фойда келтира олади.”

Учинчидан, Баҳоуддин Нақшбанд йўл юрувчисини ожиз, кучсиз бўлмасликка чақиради, чунки улар мавжуд шубҳаларга ишорат этиб, уни намоён этадилар.

Демак, мукаммал билим олиш йўлида юрувчи учун мукаммал ҳаракатни таъминловчи ирода зарур.

### **Ўн бешинчи маслаҳат**

“Шубҳани ҳайдаш учун сизнинг қувватингиз етмайди, ожизлик қиласиз. Бизнинг таълим беришимиз меъёрига мос шубҳа ва эътиқодларингиз кетади ва шундан шубҳа кетади. Агар сиз бу йўлни қолдирсангиз, яъни ундан кетсангиз, бу шунинг учунки сиз ундан эътиқодни олишга умид қилган эдингиз. Сиз ўз-ўзингизни билишни эмас, эътиқодни излайсиз”.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу маслаҳатини тасаввуф ва унинг нақшбандия тариқатини билиш назариясининг мағзи десак бўлади, чунки унда билиш жараёнининг мақсади ўз-ўзини билиш эканлиги кўрсатилмоқда. Ўз-ўзини билиш, яъни ўз аслини

<sup>137</sup> Баҳоуддин Балогардон. 39-бет.



билиш, вужуд ва руҳнинг устидан тўла ҳукмрон бўлиш орқали билишнинг объекти бўлган Худони била олади. “Худшуноси худошуноси аст” - “Ўзини билиш бу Оллоҳни билишдир”; Чунки:

Гар ба сурат олами асғар туи,  
Асл ба маъни олами акбар туи.

Мазмуни:

Яъни суратида зоҳиран сен кичик олам бўлсангда,  
Аслида ботиндан сен буюк оламсан.

Шунинг учун билиш жараёнида эътиқодни ахтарган кишилар бу йўлдан кетадилар. Эътиқод ташқи муҳит таъсирида ҳосил бўладиган ишончдир. Эътиқодни туғдирган шароит йўқолиши билан у йўқолади. Натижада эътиқоднинг асоси йўқолган одам устуворлигини йўқотади. Ўз-ўзини билиши, ўз аслини билиш жараёнига мос ҳолда муршид таъсирида аста-секин шубҳа ва эътиқодлари кета боради ва солиқ шубҳалардан холи бўлиб боради.

Ўз-ўзини билиш ҳақида Баҳоуддин Нақшбанд “Мақомот”ида шундай рубоий келтирилган:

Бикўш би каф ор калида ганжи вужуд,  
Ки бе талаб натавон ёфт гавҳари мақсуд.  
Бар остонаи саодат ки сар ниход шабе,  
Ки лутфи дўст барояш дарича бикушуд.

Мазмуни:

Вужудинг хазинасидан калидини олиш учун ҳаракат қил,  
Талабсиз мақсадинг гавҳарини топа олмайсан.  
Ким саодат остонасида бир кеча бош қўйса,  
Дўст лутфи унинг юзига ўз эшигини очади.

Баҳоуддин Нақшбанд Ҳақ йўлига киришдан мақсад асл моҳиятни билиш эканлигини шундай таъкидлаганлар:

Эй монда зи баҳри илм бар соҳил айн,  
Дар баҳр фароғат асту, бар соҳил шайн.  
Бардор сафи назар зи мавжи кавнайн,  
Огоҳ ба баҳр бош байнул нафасайн<sup>138</sup>.

Мазмуни:

---

<sup>138</sup> Рашаҳот. (Оби ҳаёт томчилари). Т.: Абу Али ибн Сино номли тиббиёт нашриёти, 2003. 32-бет.

Эй илм денгизига кирмай, булоқ лабида қолган киши,  
Денгизда фароғат бору, соҳилда эса бахтсизлик.  
Дунёнинг мавжланишига хуш назар билан боқма,  
Ҳар икки нафас ўртасида денгиздан огоҳ бўл.

Нақшбанднинг юқоридаги назмий сатрлари шундан далолат берадики, илмни олиш учун денгиздан – асл моҳиятдан хабардор бўлиш ва бунинг учун нафасларгина эмас, уларнинг орасидаги вақтдан ҳам огоҳ бўлиш, мавжларга эътибор бермаслик лозим.

Демак, мақсад асл жавҳар – олам моҳияти экан. Вужудинг асл хазинасининг калитини олиш учун ҳаракат қил дегани, вужудингни тўла билгин ва унинг бутун қувватларини ягона мақсадга қаратгин деганидир.

Нақшбандия тариқатини қабул этган Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” асарида симурғ – ўттиз қушнинг ўзи эканлиги орқали ўзини камолотнинг олий даражасига етказган киши Оллоҳни билади, маърифатли бўлади деб шундай ёзади.

Кўрдилар ўзини қаёнким тушти кўз,  
Оллоҳ – Оллоҳ не ажойибдур бу сўз.  
Ким қилиб симурғ ўттуз қуш ҳавас,  
Ўзларин кўрдилар ул симурғу бас<sup>139</sup>.

Бошқа жойда Алишер Навоий шу маънода таъкидлайди:

Ўз вужудингни тафаккур айлагил,  
Ҳар не истарсен, ўзингдан истагил<sup>140</sup>.

Яъни, ўзини тафаккур қила олиш орқали олам моҳиятини киши англай олади.

Ориф айтади: “Оллоҳни билиш учун, ўзингни ўзинг билгин”, сўфий ўзини билиш орқали Оллоҳга томон доимо сафарда бўлади<sup>141</sup>.

Носири Хисрав “Офоқнома” асарида ҳам шундай ёзади: “Ҳар ки шинохт нафси худро пас ба таҳқиқ шинохт худои худро”.

<sup>139</sup> Алишер Навоий. Лисонут-тайр. Т., 1991. 236-237-бетлар.

<sup>140</sup> Ўша асар. 238-бет.

<sup>141</sup> Қаранг: Нурбахш Д. Таверна среди руин. // Семь эссе о суфизме / Пер. С. Ан. Л.М. Тирасиольского. М. НВР, 1993. С. 88.

Мазмуни: Кимки ўз нафсини таниса, у ҳақиқатда ўз Оллоҳини танийди.

Байт:

Шиносои вужуди хештан шав,  
Пас он гаҳ сарфарози анжуман шав<sup>142</sup>.

Мазмуни:

Ўз вужудингни танувчи, билувчи бўл,  
Ундан сўнг анжуманга ҳурматда бўл.  
Демак, Баҳоуддин Нақшбанднинг 15 маслаҳатидан шундай хулоса чиқадики, билиш – бу эътиқод ҳосил қилиш эмас, ўз-ўзини билиш ва бутун куч-қувватларини Оллоҳ йўлига сафарбар этишдир. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд айтадики:

Доим, ҳама вақт, дар ҳама жо, дар ҳама ҳол,  
Медор нухуфта чашмаи дил жониби Ёр.

Мазмуни:

Мудом, ҳамма вақт, ҳамма жой, ҳамма ҳолда,  
Қалб кўзинг бўлсин Оллоҳда.

Яъни бутун қувватни доимо Оллоҳни билишга қаратиш инсоннинг доимо диққат-марказида бўлиши, ҳеч нарса уни меъёрдан чиқармаслиги керак. Бунинг учун киши ўзини-ўзи тўла билиши, вужуд ва руҳини бошқара оладиган бўлиши керак.

### **Ўн олтинчи маслаҳат**

“Устоз қўлига ўзимни топширайми деб ўй-фикр қилманг. Сиз доим унинг қўлидасиз. Масала шундаки, у сизга ўзингизга ёрдам беришингизга кўмақлаша оладими, чунки сизда бу ишни қилиш учун воситалар жуда кам. Кимгадир ишониш ёки ишонмаслик муҳокамасининг ўзи, ишонишни истамаслигининг белгисидир. Шундай экан у бунга ҳам қодир эмас. Кимгадир ишонишингиз ҳақидаги эътиқод – хато эътиқоддир. Агар сиз ўзингиздан “Унга ишонайми?” деб сўрар экансиз, аслида сиз “Ўзимнинг шахсий роҳат-фароғатим учун етарли даражада кучли ишончни ривожлантира оламанми” деб сўрайсиз”.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу фикри 15 – маслаҳатининг давоми бўлиб, уни кучайтириб, кишида ўзининг фойда,

---

<sup>142</sup> Носири Хисрав. Офоқнома // Садои Шарқ. 1991 - №11, 94-бет.

манфаати ҳақида ўйлови бор экан, ўзига ташқаридан ишонч-эътиқод ахтарар экан, ишининг натижаси бўлмаслигини айтади. Инсон ўзини ўзи билиши ва фано йўқлик ҳолатига етиши, яъни ўзидан Оллоҳга томон ҳаракат этиши керак. Ориф – “ўз-ўзингни бил!” деса, Сўфий – “тўла эркин бўлиш учун ўзингдан кечгин!” дейди. Сўфий йўқлик оламида сайр этиши ва ўзининг ҳолатидан ризо бўлиб, Оллоҳгагина таваккул этиши керак. Сўфий бутун қувватини Оллоҳ йўлига сарфлаши ва бошқа бирор нарсага сарфланган ҳар бир куч-қувват, вақт ва ўйлов – беҳуда эканлигини билади. Сўфий ўзига фойдани эмас Оллоҳга мақбул бўлиш, унинг ризолиги учун тинмай ҳаракат қилади. Модомики, у бу ишни Қилай-ми? Қилмайми? деб ўйларкан, Оллоҳ ризолигини эмас, у ўзининг манфаатини ўйлайди.

Хожа Али Ромитаний зикр ҳақида гапирганида унинг икки қаноти: 1- Огоҳлик, 2 - Ихлос бор дейилади ва ҳар бир ишда Оллоҳнинг ризолиги учун ҳаракат қилиш кераклигини айтади. Баҳоуддин Нақшбанд тариқатидаги “бозгашт” – талабида ҳам “Худоё, мақсуди ман туи ва ризои ту” “Оллоҳим, менинг мақсадим сенсан ва сенинг ризолигингни тилайман”, деб ишлаши зарурлиги таъкидланади. Оллоҳ йўлида ҳолис ҳаракатгина сифатли, самарали бўлиб, меъёрига етган ҳисобланади.

Биринчидан, Баҳоуддин Нақшбанднинг бу маслаҳатида мурид тўла муршид ихтиёрида дейилса, иккинчидан, муршид орифларнинг комили мукаммали эканлиги, у илмий назар-зоҳирий илмлар, илми ботин - тавассумни тўла эгаллаб, ғайб сирларидан огоҳ бўлган, маърифати тафсилийни олган, кашфу аён даражасига етган дейилади ва муршид фақат йўл кўрсатувчи эканлиги таъкидланади. Учинчидан, ҳақиқатга ҳар бир кишининг ўзи бу йўлда ўз ҳаракати билан бориши лозимлигини кўрсатади.

Муршидлар одамларнинг ботиний ва зоҳирий сифат ва рамзий белгиларини муайян этиб, аниқлаб руҳий жиҳатдан таъсир эта олганлар.

Ҳар бир инсон ота-онаси, ўтмишда ўтган юзлаб, ҳатто минглаб аждодининг ҳосиласи ҳисобланади ва унда аждодлардан ҳам руҳий ва ҳам жисмоний ўхшашлик мерос бўлиб қолади. Валийлар тавассум илмининг қоидаларига таяниб, киши чеҳраси, жисмидаги белги ва рамзларни ўқий

олганлар ва муайян даражада уларнинг тақдир қисматини аниқлай олганлар. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзларини ҳам шунинг учун “Балогардон” деганлар<sup>143</sup>.

Ҳар бир киши ўзига ёрдам беришда етарли воситага эга бўлмаганидан муршид унга йўл кўрсатади ва солиқ ўзини чуқур англаб Абсолют ҳақиқатга томон бораверади.

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: “Авлиёлар ҳузурида киши ўз аҳволини яшириши жуда оғир, чунки у валоят султони бўлиб, одамларнинг ҳолига ҳокимдир”<sup>144</sup>.

Баҳоуддин Нақшбанднинг 16 – маслаҳати асос эътибори билан яна бир бор киши ўзига ўзигина муршид раҳбарлигида ёрдам бериши ва мақсад ўзини билиш ва йўқлик – фано даражасига етиш, яъни Оллоҳдан ўзга бирон нарсага боғланмаслик, ишонмаслик, эътиқод қўймаслик эканлигини уқтиради. У шундай айтган:

Чист меърожи фалак? Ин нести!

Ошиқонро мазҳаби дин нести.

Ҳеч касро гар нагардад у фано,

Нест роҳ дар боргоҳи кибриё<sup>145</sup>.

Мазмуни:

Фалак меърожи нима? Бу йўқлик!

Йўқлик ошиқлар учун мазҳабу диндир.

Фано гар бўлмаса ҳар бир киши,

Кибриё боргоҳига унга йўл йўқ.

Яъни ким фано – даражасига етиб, тўла йўқлик ҳолатига тушмаса унда олий даргоҳ – Аршу Аъло Оллоҳга томон умуман йўл йўқлиги таъкидланмоқда. Модомеки бу йўл йўқ экан, мукамал билимга етиб бўлмайди.

### **Ўн еттинчи маслаҳат**

“Ҳеч қачон т а р б и я в а қ о б и л и я т ни аралаштирманг. Одамлар “яхши”, “ўзини тўтиб олган”, “нафси тийиқ”, “ўз нафсини тийган”, “сабр қаноатли” деб айтадигандай бўлиш ҳолатига эришмасангиз, сиз қамишга ўхшайсизким, ҳаракат қилдирганда ёзмасдан тура олмайсиз”.

<sup>143</sup> Қаранг: Муҳаммад Назар Уста Болта ўғли. Дунёни англаган кўнгил // Саодат. 1993 8-9-сон 6-бет.

<sup>144</sup> Баҳоуддин Балогардон. 80-бет.

<sup>145</sup> Муҳаммад Порсо. Рисолаи Қудсия. Тошбосма. 89-бет.

Баҳоуддин Нақшбанднинг бу маслаҳати ҳам жуда муҳим бўлиб, биринчидан, тасаввуфда билиш жараёнида тарбия ва қобилият тушунчаларини алмаштирмаслик лозимлиги таъкидланади.

“Тарбия” арабча сўз бўлиб, парвариш, таълим, ўрганиш, адаб ўрганиш, ниғаҳбонлик, ҳимоя маъноларини англатади. Тарбия жараёнида шахсга инсонийликни сингдириб, уни ҳақиқий инсон бўлиши учун парваришлаш, ҳимоя этиш амалга ошади.

Қобилият – арабча сўз бўлиб, истеъдод, инсон табиатидаги қабуллаш хусусияти тушунилади. Бу сўз қобил илдизидан олинади. Қобил арабча қабул қилувчи, лоиқ, сазовор, мақбул маъноларини англатади. Қобил бўлиш истеъдодли бўлишни англатади. Саъдий шундай ёзган:

Чун бувад асли жавҳаре қобил,  
Тарбиятро дар ў асар бошад.

Мазмуни:

Асл жавҳар қобил бўлса,  
Унга тарбият асар қилади.

Агар инсоннинг фитрати, табиати, танаси пок, аслияти илоҳийликни қабул этишга моил бўлса, тарбия асар қилади. Масалан, ердаги тупроқ унумдор, яхши бўлса экилган уруғ ҳосил беради. Лекин тупроқ шўр, ёмон, қуруқ, қақраган бўлса, унга ташланган уруғ чиқмайди. Буни тарбият ва қобилиятнинг ўзаро алоқадорлигига ўхшатиш мумкин. Қобилиятли инсонга берилган тарбия, албатта, яхши натижа беради. Демак, қобилият – шахснинг муайян фаолият юзасидан лаёқати ва унинг ишни муваффақиятли бажаришдаги субъектив шарт-шароитларни ифодаловчи индивидуал психик хусусиятлари экан.

Баҳоуддин Нақшбанд тарбия ва қобилиятни аралаштирманг деганда, яна бир бор модомики тариқат бу ҳар бир кишининг мукамал ҳаракат йўли экан, бу йўлдан борувчи учун тарбияни қабул қилиш қобилияти бўлиши лозимлиги, у шу йўлдан боришига тайёр, лойиқ бўлиши кераклигини назарда тутмоқда. Шу билан бирга Баҳоуддин Нақшбанд аслида қобилият – инсоннинг асли Оллоҳ томонидан берилган нур деб, агар у хас-хашаклар билан тўсилган бўлса, намоён бўлмаса, киши тарбияни олишга тайёр эмаслигини айтади. Бу маънода

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эди: Ҳар кимнинг қобилият тухми ихтилофли суҳбатлар таъсири остида бузилган бўлса, бунинг (тузатиш) чораси қийиндир. Кибрити аҳмар ҳисобланган авлиёлар суҳбатидан ўзга нарса уни қайта тузата олмайди.

Байт:

Жуз суҳбати ошиқон, мастон маписанд,  
Дил дар ҳаваси қавми фурумоя мабанд.  
Ҳар тоифаат ба жониби хеш кашанд,  
Чуғзат сўйи вайронаву, тўти сўй қанд<sup>146</sup>.

Мазмуни:

Ошиқлардан ўзга, бошқа маст суҳбатига борма,  
Паст қавмнинг ҳавасига кўнгил боғлама.  
Ҳар тоифа ўзига томон тортади,  
Бойўғли вайронагаю, тўти эзуликка.

Кибрити аҳмар – иксир, кимё, моддасидирким, жисмнинг моҳиятини ўзгартира олади. Масалан мисни тиллога айлантиради. Яхши одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиш кибрити аҳмар билан тенглаштрилади. Қобилият тухмини жуда эҳтиёт қилиб, ёмонлар суҳбатидан табарро айлаб, яхшилар билан ҳамсуҳбат бўлиб уни асраши лозим. Ҳар бир одамга Оллоҳ берган қалбидаги қобилият нуруни асраши керак. Баҳоуддин Нақшбанд анфоси қудсияларида таъкидлаб қайд этилган: “Сизларга чора шуки, беихтиёр бўлинглар, ризо талаби йўлида қалбларни эҳтиёт қилинглар”<sup>147</sup>. Демак, Баҳоуддин Нақшбанд қалбда жойлашган қобилият тухмини сақлаш, асраш, эҳтиёт қилиш бу йўлдан кетаётган кишининг асосий чораси эканлигини таъкидламоқда.

Баҳоуддин Нақшбанд “Ҳар кимнинг қобилияти унинг фитратига мувофиқ ато қилинган”, деган фикрни илгари сурганлар ва бундай айтганлар:

3-он зи пайи нур, ки парвардианд,  
Бар ту зиёда назаре кардаанд<sup>148</sup>.

Мазмуни:

<sup>146</sup> Баҳоуддин Балогардон. 98-бет.

<sup>147</sup> Баҳоуддин Балогардон. 74-бет.

<sup>148</sup> Уша асар. 75-бет.

Бу нур учун сени тарбия қилиптилар,  
Сенга зиёда назар қилиптилар.

Фитрат, арабча сўз бўлиб, яратилиш, хилқат, табиат, туғма табиат деган маънони англатади. Демак, Баҳоуддин Нақшбанд ҳар бир кишининг қобилияти унинг яратилиши, туғма Оллоҳ берган табиий ва руҳий жавҳарига боғлиқ дейди. Бу билан Баҳоуддин инсон камолоти учун танадаги имкониятлар жуда муҳимлигини таъкидлайди.

Баҳоуддин Нақшбанд фикрича, қобилият тушунчаси тарбия тушунчасига нисбатан жуда кенг тушунчадир. Тарбия таъсирида қобилият башарият тухми таъсиридан чиқади. Лекин у қай даражаларда имконияти борлигини фақат Оллоҳнинг ўзигина билади.

Баҳоуддин Нақшбанд 17 – маслаҳатида, иккинчидан, инсоннинг асл мақсади яхши одам бўлиш, нафсини тийиш, ўзини қўлга олиш, сабр-қаноатли бўлиши лозим эканлиги масаласига эътиборни қаратади. Агар одам шундай ҳолатга эришмаса, у билан оддий най ўртасида фарқ қолмайди, чунки найни ҳаракатга келтирсалар, у ёзади. Нафсига қул бўлган одамга ҳам нафси амр қилганда албатта ўшани бажаради. Қамиш нима ёзаётганини, яъни яхшими ё ёмонми билмайди, у тўла ёзаётган одамга қул бўлади. Нафсига қул бўлган киши ҳам, шаҳват, ғазаб, қаҳр, кина, риё, каби ёмон хислатлар фарқига бормай, уларга бўйсунди. Демак, Баҳоуддин Нақшбанд Оллоҳни билиш учун, аввало, нафсни тийишни, сабр-қаноатли бўлишни маслаҳат беради.

Демак, инсон нафси амморани қирқиши, йўқотиши, тўла инкор этиши керак. Жаҳл, хашм, буғз, қаҳр, кина, кибр, ҳасад, бухл, нифоқ, ғийбат булар аммора нафснинг сифатлари бўлиб, у куфрга олиб келади, улар Оллоҳни билиш йўлидаги энг асосий тўсиқлардир. Баҳоуддин Нақшбанд шу аммора нафсга ишорат этиб айтар эдилар: “Бу қавм улуғларнинг сўзларидандирки, бу йўлда юрувчи ўз нафсини Фиръавннинг нафсидан юз марта баттар деб билмаса, демак бу йўлда эмас”.<sup>149</sup> Яна бошқа жойда таъкидлаганлар: “Улуғларнинг сўзларидандирким, тирик мушук, ўлик шердан яхшироқдир”. Тарихчи олим Н.Йўлдошев айтадиларки, тўрт киши гувоҳки, Баҳоуддин Нақшбанд

<sup>149</sup> Баҳоуддин Балогардон. 74-бет.



мақбараларига кираверишда 1950-1960 йилларда, шундай ёзилган эди:

Токай ба зиёрати мақобир,  
Умрат гузарони, эй фасурда?  
Як гурбаи зинда назди ориф,  
Беҳтар зи ҳазор шери мурда<sup>150</sup>.

Мазмуни: Эй нодон, қачонгача қабрлар зиёрати билан умрингни беҳуда ўтказасан? Орифлар олдида бир тирик мушук мингта ўлик шердан яхшироқдир. Яъни ўлик шер – бу шаклан шердай бўлсада, нафсига қул киши. Тирик мушук эса нафси устидан ҳукмрон, нафсини ўлдириб, фоний бўлиб, бақоликка етишган, фоний нарсаларнинг моҳиятини англаб, фақат кучқувватини боқийликка эришиш учун сарфлаган кишидир.

Баҳоуддин Нақшбанд жуда кўп айтардилар: “Киши ўзининг нафсига тўхмат қилиши керак. Кимки Ҳақ Субҳонаҳу инояти билан ўз нафсининг ёмонлигини таниган, унинг ҳийланайрангини англаган бўлса, бундай қилиш унга осон бўлади”.<sup>151</sup> Яна шундай айтар эдиларки: “кимки ўзини хоҳлабти, билсинки, ўзини хоҳламабти”.

Мисра:

В-ар зи худ бигзашти ҳама айшу хушст<sup>152</sup>.

Мазмуни:

Агар ўзингдан кечсанг, доим айшу шодлиқдасан.

То ўртада вужуд – “мен” бор экан доим инсон бу фоний оламда елиб - югуриб, арзимас нарсалар деб умрини ўтказди.

Баҳоуддин Нақшбанд нафсни йўқотишда сабр ва қаноатнинг жуда муҳим роль ўйнаши ва нафси амморани йўқотиб, “нафси тийиқ” ёки “сабр-қаноатли” деган ҳолатга етиши кераклигини айтмоқда. Мақсад – сўфий доимо руҳий ҳолатда бўлиши керак. Вужуд ўртада бўлмаслиги лозим. Сўфий Оллоҳ ризолигидан ўзга нафс йўқлиги учун у бошқалардан хафа ҳам бўлмайди, уларни хафа ҳам қилмайди. Қаноат туганмас бир хазинадир. Қаноатсиз инсонлар ҳар замон кўп заҳмат чекарлар.

<sup>150</sup> Йўлдошев Н. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолияти, унинг ҳақида айрим ривоятлар. Бухоро, 1993. 16-бет.

<sup>151</sup> Ўша асар. 75-бет.

<sup>152</sup> Ўша асар. 95-бет.

Буюклар ҳаргиз дунёга илтифот этмас, доимо қаноат билан гўзал ва хушвақт кечирардилар. Иброҳим Адҳам ҳазратлари салтанатдан воз кечиб, аҳли қаноат бўлганлар.

Демак, 17 – маслаҳат, биринчидан, қобилиятни эҳтиёт қилишга, иккинчидан, нафсни мағлуб, йўлдан йўқотишга ундайди.

### **Ўн саккизинчи маслаҳат**

“Қачон сиз руҳий безовталиқни пайқаб ҳис этсангиз, уни худди шундай умуман бошқа эътиқодда бўлган одамлар ҳам ҳис қилишини хотирлаш билан уни тузатинг. Агар сиз бу кечинма ҳиссиётдир, шунинг учун нимадир юксак деб тасаввур этсангиз, нима учун сизнинг ошқозонингиздаги оғриқни худди шундай юксак ҳолат деб ҳисобламаймиз?”

Баҳоуддин Нақшбанд бу маслаҳати билан тариқат – Оллоҳни билиш томон бораётган кишида мабодо руҳий безовталиқ бўлганда, умуман шу йўлда бўлмаган, эътиқоди ўзга бўлганларда ҳам худди шундай руҳий безовталиқ бўлишини ҳис қилиш бу ҳолатнинг хатолигини кўрсатувчи йўл эканлигини кўрсатиб, руҳий безовталиқ – нафсининг мавжудлиги белгиси, бу оламдаги Оллоҳдан ўзга нарсаларга боғланиш эканлигини кўрсатувчи жараён дир. Фано даражасига етган, нафсини ўлдирган кишида бундай ҳолат бўлмайди.

Ошқозон оғриғи ва ички безовталиқни таққослайди ва булар моддий олам билан боғлиқ дейди.

### **Ўн тўққизинчи маслаҳат**

“Ўқитувчи сизни рағбатлантирганда, тақдирлаганида, у сизни ўзига жалб этишга ҳаракат қилмайди. У сизга сиз қандай енгил тортилишингиз мумкинлигини кўрсатишга ўринишга шошилади. Агар у сизни маъюслиқ, ғамгинлик, умидсизликка солса, дарс сабоғи шундан иборатки, сиз умидсизлик, ғамгинлик, маъюслиқнинг ҳукмидасиз”.

Бунда ҳам Баҳоуддин Нақшбанд, шахсининг бу йўл орқали юксакликка эришишини таъкидлаб, бу олам ва воқеа-ҳодисаларидан кўнглини буткул узиб, уни Илоҳий моҳиятга боғлаши ва ҳиссиётлардан юксалиши зарурлигини кўрсатади. Кишининг рағбатлантириш, тақдирлашларга бориши ёки маъюслиқ ва умидсизликка тушиши ҳали ҳиссиётлар унга

ҳукмрон эканлиги, одам ўзини кучли ирода билан қўлга олмаганлиги, нафсга боғлиқлигини кўрсатади ва шу билан ҳақиқатга етиш учун ҳиссиётлар ҳукмини синдириб, уларга ҳоким бўлиш кераклигини айтади.

### **Йигирманчи маслаҳат**

“Ҳақиқат соҳасидаги тушуниш ва билиш уларнинг ижтимоий ҳақиқатдан тубдан фарқ қилади. Йўл ҳақида нимаики оддий тарзда сиз тушунасиз, бу онгсиз, англамаган иммитатор-тақлидчилар ўртасида тарқалган бу йўл ҳақидаги ташқи тахминдир, аммо йўлни тушуниши эмас”.

Илоҳий ҳақиқат оддий ижтимоий муҳит таъсирида вужудга келган ҳақиқат тушунчасидан тубдан фарқ қилади. Илоҳий ҳақиқат маълум жамият, тузум, сиёсат, миллат, элат, ирқ каби тушунчалардан юксақда турган, бутун борлиқ манфаатига уйғун келадиган тушунчадир. Шунинг учун унга фақат Оллоҳнинг ёрдами ва марҳамати билан етиш мумкин.

### **Хулоса**

Юқоридаги маслаҳатлардан шундай хулоса қилиш мумкин:

1. Мукамал билимни эгаллаш жараёнида инсон ҳолати асл илоҳийлик даражасига уйғун бўлиши, бу жараён шиддат билан эмас сабр-қаноатга амал қилган даражада аста-секин, тадрижий юзага келади.

2. Инсон тор доирадаги ички тажрибаси асосида ҳосил бўлган билимлар доирасидан чиқиб, кенг илоҳий даражада тафаккур қилиш ҳолатига етиши лозим.

3. Инсон ҳолатига уйғун равишда саёҳатда юриши билим учун керак бўлиши мумкин, лекин бу асосий йўл, восита эмас. Асосий талаб “Сафар дар ватан” –ўзлигига сафардир.

4. Мукамал билиш жараёнида эътиқод эмас, факт муҳимдир.

5. Мукамал билим олиш холис жараёндир, унда риё бўлмаслиги лозим. Яъни устознинг мақтови ёки ундан огоҳлантириш олмаслик учун бу ишни қилмаслик лозим.

6. Вужуднинг устидан тўла ҳукмрон бўлиш ва ҳиссиётларни жиловлаб олиш бу йўл учун зарурий талабдир.

7. Моддий оламга боғланиш ҳам бу йўлга тўсиқ бўлиб, бахилликнинг ўрнига сахийликни шакллантириш бу йўл учун шартдир. Шунингдек, бахиллар билан дўст бўлмаслик керак.

8. Билиш жараёнида тор доирадаги боғланишлар асосида вужудга келадиган эътиқодлар тўсиқдир. Мукаммал билим учун олам миқёсида кенг тасаввур этиш лозим.

9. Маърифатли бўлиш жараёни ижмойи (мухтасар)ликдан тафсиллийга томон боради. У далил ва ҳужжатлар босқичидан аёнлик даражасигача юксалади.

10. Маърифатли бўлиш жараёни ҳис-туйғу, ақл-идрок билан бошланиб, фаҳму фаросат, интуиция, илҳом ва кашф орқали натижага эришади. Ҳиссий, ақлий билишдан иррационал билишгача мукаммал билиш жараёнига киради.

11. Ҳақиқатга етиш учун билишнинг бирор услуб ва шаклини абсолютлаштириш мумкин эмас. Макон, замон, биродарлик жамиятга мос, уйғун равишда меъёрли муносабат лозим.

12. Ҳақиқатга эришиш учун ҳақиқий устоз керак.

13. Мукаммал билим учун кучли талаб ва мукаммал ҳаракат лозим.

14. Мақсадга етиш учун синовларга бардош бериш шарт.

15. Асл ҳақиқатни билиш, маърифатли бўлишнинг асоси ўз-ўзини билишдир. Ўзини билган Оллоҳни билади.

16. Инсон мукаммал билим олиш учун ундаги фитрати тарбиятни қабул этишга қодир бўлиши лозим.

## 3. НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ ТАДРИЖИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

### 3.1. ЖОМИЙ ВА НАҚШБАНДИЯ

Форс-тожик шоири, мутафаккири ва файласуфи, Алишер Навоийнинг устози ва дўсти Абдурахмон Жомий (1414-1492) ҳаёти ва фаолияти нақшбандия тариқати билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Абдурахмон Жомий ҳаётига доир ишончли манбалардан муҳими деб Алишер Навоийнинг асарини айтиш мумкин. Жомийнинг дўсти ва шогирди бўлган ўзбек халқининг йирик мутафаккири Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асарида шундай ёзади: “Зоҳир юзадан ўзларин Қутбул-муҳақиқин” ва Ғавсул – солиқин Мавлоно Саъйдул – миллати ваддинил – Қошғарий муриди кўргузурлар эрди, аммо ҳамоноки Увайсий (таъкид бизники – Г.Н.) эрдилар ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд руҳониятидан тарбия топиб эрдилар (таъкид бизники – Г.Н.)”<sup>153</sup>.

Манбадан келтирилган бу далил кўрсатадики, Абдурахмон Жомий ҳам ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд каби увайсий экан ва ботиний илмни бевосита Баҳоуддин руҳи покларидан олган экан. Бу Жомий Баҳоуддин Нақшбанд таълимотини асл моҳиятини англаб етганлигини ва шунинг учун ҳам унинг ҳар бир сўзи бу тариқат таълимотини билишда ниҳоятда аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Жомий ҳаётини тадқиқ этган рус шарқшунос олими Е.Э. Бертельс унинг устози сифатида Саъдуддин Қашғарийни ёзиб, уни Низомиддин Хомуш орқали Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти билан боғлиқлигини кўрсатади. У Низомуддин Хомуш Баҳоуддин Нақшбандни учинчи халифаси Алоуддин Ғиждувонийнинг муриди эканлигини ёзади.<sup>154</sup> Лекин асосий манбаларда булар Низомуддин Хомуш, Алоуддин Аттор орқали боғланганлигини кўрсатади.<sup>155</sup> Алоуддин Аттор Баҳоуддин Нақшбанднинг биринчи муриди бўлган. Жомий нақшбандликни чуқур билган устозлардан таълим олган. Бу ҳам йирик ориф ва шайх

<sup>153</sup> Алишер Навоий. Насоим ул - муҳаббат. Асарлар. 15 томлик. Т. 15. Тошкент, 1968. 185-бет.

<sup>154</sup> Бертельс Е.Э. Джами. Эпоха. Жизнь. Творчество. Сталинабад: Тадж. Госиздат. 1949. С. 64.

<sup>155</sup> Ҳасанхўжа Нисорий. Музаққир Аҳбоб. / Форс тилидан Исмоил Бекжон таржимаси. Тошкент: А.Қодирий номли Халқ мероси нашриёти, 1993. 42 бет.

даражасига юксалиши ва таълимотида баркамоллик намоён бўлишига таъсир этган.

Абдурахмон Жомий Самарқандда таълим олаётган вақтида нақшбандийлик тариқати билан қизиққан. У Ҳиротга келгандан сўнг 40 ёшида тўла бу йўлни ўзига ҳақ йўл деб тан олган. Ҳижрий 860 йил жумодиал аввалнинг 7 сида милодий 1456 йил 13 майда устози Саъдуддин Қашғарий бу фоний оламдан реҳлат қилганидан кейин Абдурахмон Жомий нақшбандийлик тасаввуфий тариқатининг Ҳирот жамоасида пиру муршид бўлган ва руҳий баркамолликка интилган кишиларга Ҳақ йўлини кўрсатган.<sup>156</sup>

Сўфийлик тариқатларини чуқур тадқиқ этган инглиз олими Дж.С.Тримингэм Жомийни нақшбандийлик силсиласидаги ўрнини кўрсатган. Дж.С.Тримингэм нақшбандия силсиласига изоҳ бериб ёзади: “Мы включили Джами в это древо не по причине какой-то особой роли его в силсиле, но для того, чтобы подчеркнуть влияния, которое он оказал на персидский, тюркский и индийский суфизм, а также для того чтобы, отметить значение его сборника биографий суфиев “Нафахот ал-унс”<sup>157</sup>.

Демак, инглиз тадқиқотчиси Абдурахмон Жомийнинг нақшбандийлик силсиласининг форс, турк, ҳинд тармоқларига кўрсатган таъсирини ва унинг “Нафахот ул-унс” асарини жуда юксак баҳо берганидан уни силсилага киритган экан.

Бухоролик шарқшунос олим Б.А. Казаков музейда сақланаётган архив ҳужжатларига таяниб нақшбандийлик силсиласини тартибга келтирган.<sup>158</sup> Унда Абдурахмон Жомийга нақшбандия силсиласининг Мовароуннаҳр тармоғи сифатида алоҳида ўрин берилган.

Юқорида кўрсатилган қатор далиллар Абдурахмон Жомийни нақшбандийлик тариқатида муносиб ўринга эга эканлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам у ёзган асарларнинг барчаси бу таълимотни ўрганиш учун қимматли бўлиш билан бирга, шу тариқатга махсус бағишланган “Рисолаи Мавлави Жомий”си бу таълимот учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга Абдурахмон Жомий ҳазрат Баҳоуддин

<sup>156</sup> Абдурахмон Жомий. Нафахот ал-унс. Тошкент, Литография. 385-бет.

<sup>157</sup> Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. М.: Наука, С. 84.

<sup>158</sup> Носириддин Тўра. Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд ва у киши ҳазратларининг устозлари ҳамда муридлари. // Тўплам тузувчи Б.Казаков Тўпламга илова қилинган “Нақшбандия – хожагон шайхлари силсиласи”. Бухоро, 1993.

Нақшбанд ҳаёт ва таълимотига доир бўлган асосий манбалар билан чуқур таниш бўлган. Жомий ўзининг машҳур “Нафаҳот ул-унс” асарида хожа Баҳоуддин Нақшбанд зикрида воқеалар баёнида “Мақомот”га батафсилроқ ёзилган деган иборани қўллайди.<sup>159</sup> Бу билан у Муҳаммад Боқир томонидан ёзилган “Мақомоти ҳазрат хожа Нақшбанд” билан чуқур танишганлигини намоён этади.

Абдурахмон Жомий Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётига доир илк манба Салоҳиддин ибн Муборакнинг “Анис ат-толибин ва уддат ал - соликин” (Толиб Ҳақиқат йўли талабида бўлганларнинг дўсти ва солик – тариқатдан бораётганларнинг жамғармаси) билан таниш бўлиш билан бирга уни қўлда кўчирганлиги ҳақида маълумот бор. Бу асарнинг 1557 йил Шоҳ Ҳусайн бин Исамуддин ал-Бухорий томонидан кўчирилган нусхасининг асли Абдурахмон Жомий томонидан ёзилганлиги қайд этилган.<sup>160</sup> Бевосита Баҳоуддин Нақшбанд руҳидан тарбия олиш ва у ҳақидаги асосий манбалар билан таниш бўлиш, камолотга етган устозлардан таълим олиш Жомий маънавий оламини чуқур бойитди ва бу ҳолат унинг асарларида ўз аксини топди.

Нақшбандия таълимотининг онтологик ғоялари ваҳдати вужудга асосланган.

Ваҳдати вужуд таълимотини қўллаган Кошоний, Абдул Карим Жилий, Қайсарийлар билан бирга Абдурахмон Жомий номи ҳам зикр этилган<sup>161</sup>.

Дарҳақиқат, борлиқ ҳақидаги нақшбандия таълимотини ёри-тадиган, ҳалигача ўрганилмаган янги манбалардан бири Мавлоно Нуриддин Абдурахмони Жомийнинг “Суханони Хожа Порсо” рисоласида нақшбандия таълимоти ва тариқатининг йирик намояндаси ва муршидининг ваҳдати вужуд назариясини қўллаганини кўрсатади. Бу манба М.Моленинг Техрондаги кутубхонада сақланаётган манбаларни жамлаб, 1958 йилда нашр этган “Нақшбандиёт” тўпламининг 294-303 бетларда чоп этилган.

Жомий борлиқ илоҳий эканлигини ёзади ва шунинг учун фақатгина Тангри Таоло билан дўстлик ҳақиқатдир, дейди. Ундан ўзга билан боғланиш жаҳл нодонликдир, деб

<sup>159</sup> Абдурахмон Жомий. Нафаҳот ул-унс. Саййидита нашриёти. 1284 ҳиж. 248 – бет.

<sup>160</sup> С.В.Р. Т. III. Тошкент, 1965.

<sup>161</sup> Кныш А.Д. Ваҳдат ал – вужуд // Ислам. Энциклопедический словарь. – М., 1991.-С.49.

таъкидланади. Ким ўзини севса, Ҳақ Таолони ҳам севади. Жомий Оллоҳдан ўзгани дўст тутишни иссиқликдан қочиб, қалин дарахт соясини севувчи, лекин шу сояга сабаб бўлаётган дарахтни севмасдан, уни кўрмайдиган киши аҳволи билан ўхшатади. Бу иборалар орқали асл борлиқ Тангри зоти эканлиги ва бошқа мавжудотлар унинг сояси, тажаллийси эканлигини айтиш билан ваҳдати вужуд таълимотидаги асосий ғояни қўллайди. Бундай одамлар Ҳақ билан дўстлик унинг маърифати самараси эканлигини англамайди, дейди у.

Манбада таъкидланишича, бутун борлиқ ягона илоҳ самараси бўлганидан борлиқдаги кўринишлар куллнинг жузъларидир. “Ҳар бир суратда Зоҳир-Ҳақдир. Борлиқ илоҳий жамолни файзнинг зуҳуридир. Бу Жамол ва Жалол ҳаммани ўраб олгандир. Бутун руҳий ва жисмий олам унинг кўринишларидир. Жавҳар-асл ва араз-сифат ҳам удир. Ҳар нарсага қараганда унинг Зоҳирини кўриб, ботинига йўл топиш мумкин. Бутун олам мавжудоти унинг сифати ва ахлоқидир. Унинг зоти вужуднинг аслидир. Демак, олам ягонадир, бирдан кўп эмасдир. Бутун борлиқ оламда мавжуд бўлган нарсалар унинг Зоҳири, сифатлари, нурлари, кўринишлари, вужудининг намоён бўлишидир. Бутун борлиқ ягона вужуддир. У илоҳий зотдир”<sup>162</sup>.

Манбада асл зот ва бутун борлиқни тушуниш учун Мақоми Жамъ ва Аҳадият, Мақоми тафсир ва касратни тушуниш лозим, дейилади.

Борлиқ моҳиятини англаш учун ҳижоб тушунчасини тушуниш керак. Касрат кўплик ҳижоб бўлиб, ундан ана шу либос олинганда бирлик намоён бўлади. Баҳоуддин Нақшбанд айтгандики, Оллоҳ нур ва зулматдан яратган етмиш минг пардани кўз олдидан олгандан кейин фано мақомига етиб, боқий олам моҳиятига шўнғиб кетасиз. Асл ва бор бўлган ягона зотлиги Ҳақиқат аҳли олдида файз ҳам ундандир, қайтиши ҳам унгадир. Ўртада ундан ўзга ҳеч нарса йўқ. Буни фақат қалб соҳиби англаб билади, чунки Ҳақ маърифатига етишнинг оғирлиги шундаки, у шунчалик Зоҳирдирки, кўз уни топишга ожизлик қилади. Ҳар бир Зоҳир бўлган нарса асл зотнинг бир сифати: жалол, жамоли, яратиш қудратига гувоҳлик беради. Кўз ҳар бир нарсага қараганда асл зотнинг яратувчанлик қудратини кўриши лозим. Барча нарса Унинг жамолининг нурланишидир. Барча

<sup>162</sup> Жомий А.Суханони Хожа Порсо // Моле М. Нақшбандиёт – Техрон, 1958. 295-бет.



нарсаларнинг борлиғи унинг борлиғининг намоён бўлишидир. Асарда қалб бирор дамда ҳам илоҳининг яратиш ажойиботларидан ғофил қолмаслиги лозим деб таъкидланилади.

Инсон борлиғи ҳам Ҳақнинг ахлоқи, феъллари сўзларини, ҳунарларини бирлаштириб кўрсатади. Бутун халқ қилинганлар Унинг феъли, сўзи ва асаридир. Лекин унинг ўзи пинҳондир. Бутун борлиқнинг яратилишига қараб, уни яхлит кўриш керак. Ким аслини кўрмаса, мисоли боғга кириб япроқларни кўриб, лекин боғни кўрмайпман, деган кишига ўхшайди. Манбада шундай мисралар келтирилган:

Инчунин фаҳм кун худоро ҳам,  
Дар ҳама рўи ў бубин ҳар дам.  
Менигар ҳар сабоҳ дар фаолиқ ,  
З-онки халқ аст мазҳари Холиқ .  
З-осмону замин ва ҳар чи дар ўст,  
Жуз худоро мабин, ҳамон дар пўст.  
Неку бадро Ҳақ кунад пайдо.  
Дидани ғайри ў ба дасти у хато.  
Чун ўро бини ҳамон суи ў пари.  
Бар нафи вай даст сад футуҳ бари<sup>163</sup>.

Мазмуни:

Тангрини шундай фаҳмлагинки,  
Ҳар бир нарсанинг юзида уни кўргин.  
Ҳар эрталаб тонгда кунни ёритувчига қара,  
Чунки бутун халқ холиқнинг зуҳуридир.  
Осмону ерда ва уларда нима бор,  
Тангридан ўзгани кўрма, у яширин.  
Яхши-ёмонни Ҳақ пайдо қилади,  
Унинг қўлидан бошқасини кўриш хато.  
Унинг ўзини кўрсанг, ширк келтирмайсан,  
Унинг аслини ҳам кўрадиган бўласан.  
Шунда руҳинг билан парвоз этасан,  
Унинг қўли билан юзлаб футуҳотлар топасан.

Басират аҳли, яъни Ғайб оламини кўриш қувватига эга бўлган, қалб кўзи очилганлар айтадиларки, илоҳий маърифат мақоми буюк азиматдадир. Ҳар хил қалбда ҳам илоҳий сирлар-

<sup>163</sup>Жомий А.Суханони Хожа Порсо //Моле М.Нақшбандиёт. Техрон, 1958. 297-бет.

нинг нури сиғмайди. Ҳар қандай қулоққа ҳам уни эшитиш тоқати йўқ,

Ҳасти, ки вужуди ў ба худ нест,  
Ҳаст ниҳодан аз худ нест.  
Ҳасти ки ба Ҳақ қавом дорад,  
Ў нест ва лекин ном дорад<sup>164</sup>.

Мазмуни:

Вужуди бўлмаган мавжудликни,  
Борлиқ деб ҳисоблаш хатодир.  
Ҳақ билан боғланган борлиқ,  
Кўзга кўринмасида у бордир.

Бу мисраларни изоҳлаш учун денгиз ва тўлқин, сув ва кўпикни мисол олиш мумкин. Кўпик ва тўлқин асл сувдир. Мавжларга мафтун бўлиб, аслни кўрмаган киши учун асл кетса, борлиқ йўқолади. Шунинг учун ҳам асл билан боғланиш лозим.

“Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жомий”да Баҳоуддин Нақшбанд айтган уч қудсий калом ёзилган. Уларнинг биринчиси вуқуфи замоний, иккинчиси вуқуфи адади ва учунчиси вуқуфи қалбийдир<sup>165</sup>.

М у ҳ о с а б а - орифлар руҳий камолининг учинчи йўлидир. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу учинчи йўл - орифларнинг Ҳақа етиш воситасини шундай изоҳлаган: "Муҳосаба - ўтган ҳар бир соатимизни ҳисоблаш ва текширишдир. Ўтган ҳар бир соатимиз, нафасимиз ва замонимиз ҳ у з у р билан ўтдимиз ёки нуқсон биланми, агар ҳаммаси нуқсон билан ўтган бўлса, қайтамиз ва амални аввал бошдан бошлаймиз"<sup>166</sup>.

Баҳоуддин Нақшбанд муҳосаба билан вуқуфи замони тушунчасини бир маънода ишлатади<sup>167</sup>.

М у ҳ о с а б а даражасига етиш учун ориф вақтнинг қадрини биладиган бўлиши керак. Нақшбандия тариқати аҳли орасида бутун тасаввуф аҳлига хос бўлганидек, вақт жуда қадрланган. Вақтнинг нақадар қимматли ва азиз эканлигини билиш лозимлигини солиқларга уқтирганлар. Уни бекорга зое

<sup>164</sup>Жомий А. Суханони Хожа Порсо //Моле М. Нақшбандиёт. Техрон, 1958. 297-бет.

<sup>165</sup>Қаранг: Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: Фан, 2005. 153-183 - бетлар.

<sup>166</sup>Ўша асар. 66-бет.

<sup>167</sup>Мақомот. 64-бет; Рашаҳот. 26-27-бетлар.

этиб сарфлашдан уларни сақлаганлар. Зеро, в а қ т - н а қ д дир. Уни бошқа қайтариб бўлмайди. Шунинг учун солиқлар йўлнинг қайси мартабасида бўлсалар ҳам вақтни муҳофаза ва муҳосаба этиб, уни зое этмасликка ҳаракат қилганлар. Туркиядан чиққан "Тасаввуфий ахлоқ" деган китобда муҳосаба ҳақида гап кетганда қуйидаги мисралар ёзилган:

Нақди умри йўқ ерга сарф этма ғафлат айлайиб,  
Ҳар замон тоатда бўл, ул ғафлатла эптар бўлмагил.  
Вақтингга олим бўлиб, дарк айла дуру нафъини,  
Бўлма жоҳил вақтингга, хусронга мазҳар бўлмагил.<sup>168</sup>

Вақтни сақлаш, асраш учун бу таълимот кундузлари - рўздор, кечалари бедор бўлишни талаб этади. Яъни вақтни ейиш ва ухлашга сарфламасдан, оз ейиш, оз ухлаш керак, дейди. Қалбни беқарорликдан, Оллоҳдан ўзгага боғланишлардан ҳимоя этиш, тилини қуруқ сўздан, кўзини фойдасиз нарсага боқмоқдан, қулоқларни кераксиз ва гуноҳкор овозлардан, оёқларини беҳуда ерга, гуноҳга ботган жойларга боришдан муҳофаза эта олиши керак. Ҳаром ва шубҳали нарсаларни ейишдан жуда ҳам сақланиши керак. Ахлоқи замимани тўлалигича тарк этиши, бу моддий дунёдаги тааллуқотларини узиши лозим. Вақтида қилиниши лозим бўлган тоат ва зикрларни қилиш, уни бошқа замонга қолдирмаслик керак. Дангасалиқдан жуда сақланиш керак.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд асослаган бу тариқат аҳли ўртасида шундай фикр ҳукмрон бўлган: "Мушибатлар жуда кўпдир. Фақат энг буюк мушибат эса в а қ т нинг фойдасиз, бекорга кетишидир"<sup>169</sup>.

"Ҳуш дар дам" талабини кўп мутасаввифлар таҳлил этганлар. Абдурахмон Жомий ҳам бу масалага оид махсус рисола ёзган. Унда ҳам ҳар дам, ҳар нафас, вақтни асраш лозимлиги таъкидланган. Унинг шундай мисралари бор:

Туро як панд бас аст дар ду олам,  
Ки аз жонат наояд бе худо дам.  
Агар ту пос дори поси анфос,

<sup>168</sup>Аҳмад Заҳид Кутку. Тасаввуфи Ахлоқ. Истанбул: Сеа, 1985. 102-бет.

<sup>169</sup>Уша жойда.

Ба султони расонандат аз он пос<sup>170</sup>.

Мазмуни:

Икки олам учун сенга бир панд, ўгит басдур,  
Жонингдан Оллоҳсиз бирор нафас (дам) чиқмасин.  
Агар сен нафсларингни қўриқласанг, сақласанг,  
Бу муҳофазанг сени султонликка етказди.

Яна Жомий айтган:

Аз зиндагиям бандагии туст ҳавас,  
Бар зиндадилон бе ту ҳаром аст нафас.  
Хоҳад зи ту мақсуди дили худ ҳама қас,  
Жомий аз ту ҳамин туро хоҳад бас<sup>171</sup>.

Мазмуни:

Менинг яшашимдан сенинг банданг бўлиш ҳавасдир,  
Қалби тириклар учун сенсиз бир нафас ҳаромдир.  
Сендан ҳар бир киши ўз мақсудини сўрайди,  
Жомий учун фақат ўзинг басдур.

Баҳоуддин Нақшбанд — «Вуқуфи адади ладуний илм мартабасининг аввалидир»<sup>172</sup>, деб айтган. Вуқуфи адади — вуқуф — огоҳлик ва адад — сон сўзларидан олинган бўлиб, сондан огоҳлик маъносини билдиради. Бу талабнинг моҳияти оламнинг асли ягона Оллоҳ эканини англаш, тавҳид моҳиятига етишдир. Баҳоуддиннинг «Вуқуфи адади» таълимотини шарҳлашда қуйидаги рубоий ёрқин мисол бўла олади:

Касрат чу ник дарнигари айни ваҳдат аст,  
Маро шакки намонд дар ин гар туро шак ҳаст.  
Дар ҳар адад, ки бингари аз рўи эътибор,  
Гар сураташ бубинй, дар модаам якест<sup>173</sup>.

Мазмуни:

Касрат-кўпликка яхшилаб назар қилсанг, ваҳдатнинг ўзидир.  
Сенда шак бўлса, менда бунда шак қолмади.  
Ҳар бир ададга эътибор билан қарасанг,  
Сурати турлича бўлсада, аммо асли биттадир.

<sup>170</sup>Жоми А. Рисола дар маънии ҳуш дар дам. ЎФАШИ. Қулёзма N 3844-В. 126а-бет.

<sup>171</sup>Хўжа Аҳрор. Анфоси Нафиса. Бухоро: Бухорои Шариф, 1327 ҳ. й. 5-бет.

<sup>172</sup>Али Сафий. Рашаҳот айнал ҳаёт. Тошбосма. 28-бет

<sup>173</sup>Ўша асар. 27-бет.

Жомийнинг «Шарҳи рубоиёт»ида Баҳоуддиннинг «вуқуфи адади» таълимоти қуйидагича изоҳланади:

Дар мазҳаби аҳли кашф ва арбоби хирад,  
Сорист аҳад дар ҳама афроди адад.  
Зеро, ки адад гар чи берун аст зи ҳад,  
Ҳам сурату ҳам модаам ҳаст адад<sup>174</sup>.

Мазмуни:

Кашф аҳли ва хирад арбоби мазҳабида,  
Барча ададлар аҳад бўлинмасидир.  
Чунки ададлар ҳаддан ортиқ бўлсада,  
Уларнинг сурат ва асоси ягона ададдир.

Бу рубоий орқали «вуқуфи адади»нинг асли тавҳидга етиш эканлиги кўрсатилади.

Баҳоуддин бу жараён жуда мураккаб эканлигини қуйидагича баён этган:

Сад ҳазорон қатраи хун аз дил чакид,  
То нишони қатра з-он ёфта<sup>175</sup>.

Мазмуни:

Юракдан юз минглаб қатра қон томди.  
То мен ундан нишона топа олгунимча.

Демак, зикр қилиш, қалбни поклаш, тавҳид калимаси моҳиятига етиш орқали ладуний илм даражасининг аввали бошланар экан. Яъни бу илмни қабул этишда қалб юмшаб, покланиб, вужуд фано бўлиб, файзни қабул қилишга тайёр бўлар экан.

Баҳоуддин Нақшбанднинг "вуқуфи қалбий" таълимоти икки маънони англатади. Биринчиси: "ҳақиқатни англашни истаган кишининг қалби Ҳақдан огоҳ бўлиб туриши. Буни ё д д о ш т деб айтадилар"<sup>176</sup>. Шу маънода яна у "Вуқуфи қалбий" қалбнинг Ҳақдан шу даражада о г о ҳ ва ҳозир бўлишики, худонинг ўзидан бошқа бирон нарса уни машғул қилмайди"<sup>177</sup>, деб айтади.

<sup>174</sup>Али Сафий. Рашаҳот айнал ҳаёт. Тошбосма. 28-бет.

<sup>175</sup>Ўша асар. 65-бет.

<sup>176</sup>Ўша асар. 28-бет.

<sup>177</sup> Ўша жойда.

Бошқа жойда огоҳликни зарур ҳисоблаб, уни ш у ҳ у д, в у с у л ва вуқуфи қалбий деб номлайди.

Иккинчи маъноси: "Солик ўз қалбидан воқиф бўлиши ва т а в а ж ж у ҳ қилиши, яъни унга тўла юзланиши керак. У қалбини Тангри зикри билан машғул бўлишга чорлаши ва уни ғофил бўлишга қўймаслиги керак"<sup>178</sup>.

Баҳоуддин нафасни сақлаш ва саноққа эътибор беришни асосий деб санамаган, лекин вуқуфи қалбийни шу икки маънода ҳам лозим деган. У бутун мақсадларнинг хулосасини вуқуфи қалбида деб билади ва шундай байтни келтиради:

Монанди мурғе бош к-он дар байзаи дил посбон,  
К-аз байзаи дил зоядат мастиву завқу қаҳқаҳа<sup>179</sup>.

Мазмуни:

Шундай қуш каби бўлгинки у дил байзасига посбондир,  
Чунки дил байзасидан мастлик, завқ ва қаҳқаҳа туғилади.

Демак, вуқуфи қалбий шундай таълимотки, инсон унга асосланиб, доимо барча ҳолат ва иш қилаётганида қалбига қараб огоҳ бўлиши, қалби бўлса фақатгина илоҳий нурларни тажаллий этиши керак. Шундагина инсон Оллоҳнинг ердаги халифаси ва бутун оламнинг гултожи вазифасини бажара олади. У шундагина кубро оламини ботинида акс эттириб, айна пайтда суғро олами бўлиб қола олади. Бу таълимотда таважжуҳ ва мувоқабат амалиёти бирлашган бўлади.

Абдурахмон Жомийнинг нақшбандия тасаввуфий тариқатига бўлган муносабатидан қуйидаги умумий хулосалар қилиш мумкин:

- Абдурахмон Жомий нақшбандия таълимотини яхши устозлардан ўрганиш билан бирга увайсий бўлган ва Баҳоуддин Нақшбанд руҳониятидан файз олган.
- Абдурахмон Жомий нақшбандийларни Мовороуннаҳр жамоасида Ҳиротга пиру муршидли қилиш даражасига етган комил инсон бўлган.
- Абдурахмон Жомий қолдирган бой маънавий меросда нақшбандия моҳияти очилган.

<sup>178</sup> Али Сафий. Рашаҳот айнал ҳаёт. Тошбосма. 28-бет.

<sup>179</sup> Ўша жойда.

- Жомийнинг “Суханони Муҳаммад Порсо” асарида нақшбандиянинг ваҳдати вужуд моҳияти очилган.
- “Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жомий”да инсон камолоти учун зарур уч йўл – зикр, таважжуқ ва мууроқабат ҳамда робита баён этилган.

### **3.2. “РИСОЛАИ ҲАЗРАТ МАВЛАВИ ЖОМИЙ” – нақшбандийликнинг муҳим манбаи**

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд номи билан маълум бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318-1389) ҳаёти, таълимоти ва тариқати ҳақида “Мақомот”, “Маноқиб”, “Тазкира”лар билан бирга у кишининг издошлари томонидан ёзиб қолдирилган “Рисола”лар сақланган.

Рисола – бирор илмий масалага бағишланган кичик ҳажмли асар бўлиб ҳисобланади. Нақшбандийлик таълимоти ва тариқатига оид муҳим манбалардан бири қаторига “Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жомий”ни киритиш мумкин. Бу рисола “Нақшбандия тасаввуф тариқати тўплами”да<sup>180</sup> Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти Ҳазрат Хожа Баҳоуддин”, Убайдулло Аҳрорнинг “Анфоси нафиса”, Хожа Али Ромитанийнинг “Рисолаи Ҳазрати Азизон” ва Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” асарлари билан бирга ёзиб қолдирилганлиги унинг нақшбандия таълимоти ва тариқатини ўрганиш учун аҳамиятини сўзсиз ифода этмоқда.

“Рисолаи ҳазрат Мавлави Жомий” Бухоро музейи ҳузурида ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг Бухоро марказида 12545-11 рақамли жиҳоз сифатида сақланмоқда. “Рисола” киритилган “Тўплам” тош босма ҳолатида бўлиб, араб графикасида, форс-тожик тилида ёзилган. У Бухородаги “Бухорои Шариф” матбаасида ҳижрий 1327 милодий 1909-1910 йилларда жумодиал аввал ойининг 2-чисида чопдан чиққан. Асарнинг тошбосма нусхаси охирида котиб Мир Мухсин Мулло Зиёуддин бин Файзулло Маликул Мубин деб ёзилган.

<sup>180</sup> Наврўзова Г., Қосимова З. “Нақшбандия тасаввуф тариқати” тўпланининг Бухоро музейи нусхаси // Памятники истории и культуры Бухары. Сб.статей. Вып. 3. Бухара, 1994. С. 65-77.

“Рисолаи ҳазрат Мавлави Жомий”нинг шу нусхаси Бухоро вилоят Ибн Сино номли кутубхонанинг Шарқ қўлёзмалари бўлимида 1158-998 жиҳоз номери билан ҳам мавжуд. Бухорода Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд авлодларидан бўлган Ақобиров Раҳмат ва Хўжа Аҳрори Валийнинг авлодларидан Орифхўжа ибн Муҳиддинхўжаларнинг шахсий кутубхоналарида ҳам бу манба сақланмоқда.

“Рисолаи ҳазрат Мавлави Жомий” “Нақшбандия тасаввуф тариқати” тўпламининг ҳошиясида тўртинчи асар сифатида 138-158-бетларда чоп этилган.

Бу “Рисола” ҳақида манбаларда маълумотлар мавжуд. Шарқшунос олима О.П.Щеглова манбанинг бу нусхаси ҳақида маълумот берганда уни Абдурахмон Жомийнинг асари сифатида кўрсатган.<sup>181</sup> Унинг маълумоти бўйича бу асар яна “Рисола-йи таважжуҳ-и хожагон”, “Рисола дар тариқати нақшбандия” ва “Рисолаи тариқати хожагон” номлари билан маълум.<sup>182</sup>

Тожикистон Фанлар академияси қўлёзмалар ва шарқшунослик бўлимининг 2064/У номерли жиҳоз сифатида Абдурахмон Жомийнинг бу асари “Тариқати хожагон нақшбанд” номи билан қўлёзма нусхасида сақланмоқда.<sup>183</sup>

Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва тариқати мафкурасини махсус тадқиқ этган тожик олими А.Муҳаммадхўжаев бир жойда Абдурахмон Жомийни “Тариқати хожагон” асари борлигини қайд этса, бошқа жойда асосий манбалар қаторида уни номини “Сарриштаи тариқати хожагон” (Қобул 1343 ҳижрий 1964) деб ёзади.<sup>184</sup>

Турколог олим В.А.Гордлевский ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга махсус бағишланган мақоласида бу манбани “Рисолаи Мавлави (Мавлоно) Жомий” деб келтиради.<sup>185</sup>

Абдурахмон Жомий ва нақшбандийликка оид манбалар ва тадқиқотлар таҳлили кўрсатадики, “Рисолаи Мавлави Жомий” ҳақида маълумот бўлса-да, лекин бу асар махсус тадқиқ этилмаган.

“Рисолаи Мавлави Жомий”да муаллифи ҳақида маълумот берилган. “Рисола”нинг бошида шундай ёзилган: “Бидон, ки яке

<sup>181</sup> Щеклова О.П. Каталог литографированных книг на персидском языке. Част.1. М.: Наука, 1975. С.259.

<sup>182</sup> Ўша жойда.

<sup>183</sup> Ражабов М. Абдурахман Джами и таджикская философия XV века. Душанбе: Ирфон, 1968. С. 305.

<sup>184</sup> Мухаммедхожаев А. Идеология нақшбандизма. Душанбе: Дониш, 1991. С.9.

<sup>185</sup> Гордлевский В.А. Изо. соч. Т. III. М., 1962. С. 377.



Саййид Аҳмад ном аз муқаррибон ва шогирдони Жаноб Ҳазрат Мавлоно Шайх Абдурахмон Жомий ба қалами худ навишта аст, ки ин рисола аз навиштаи жаноби Мавлоно Ҳақоикпаноҳ Марҳум Маҳдум Ҳазрат Мавлави Жомий (к.с.а.) жиҳати шоҳи Гилон бо илтимоси вай навиштааст ин аст”<sup>186</sup>. Мазмуни: “Билгинки, Саййид Аҳмад номли Жаноб Ҳазрат Мавлоно Шайх Абдурахмон Жомийнинг яқини бўлган шогирдларидан бири ўз қалами билан қайд этгандирким, бу рисола жаноб Мавлоно Ҳақоикпаноҳ Марҳум Маҳдум Ҳазрат Мавлави Жомий (қ.с.а.)нинг асарларидан бўлиб, Гилон шоҳи учун, унинг илтимосига асосан ёзилган”.

“Рисолаи Мавлави Жомий” йирик мутафаккир Абдурахмон Жомийнинг қаламига мансуб бўлганлиги бу манбанинг нақшбандийлик таълимоти ва тариқати учун ниҳоятда қимматли эканлигини кўрсатади.

“Рисолаи Мавлави Жомий” 1994 йилда Қобулда беҳуда “Сарриштаи тариқати хожагон” (Хожагон тариқати – тасаввуф йўлининг асли) номи билан нашрдан чиқарилмаган. Бу ном “Рисола” моҳиятини кўрсатади.

“Рисола”нинг мазмуни кўрсатадики, у нақшбандийлик тасаввуфий тариқатининг аъзоларига ҳақиқатга эришиш йўлининг асл моҳиятини очиб беради.

Сарришта деган сўз айнан калаванинг учи, ипнинг боши маъносини англатса-да, у ишнинг асоси, бирор масалани ҳал этиш йўлининг боши, ибтидосини кўрсатади. Абдурахмон Жомий бу “Рисола”си орқали ҳақиқатга етиш, боқийликка эришиш йўлининг асосларини кўрсатади. “Рисола”нинг асосий мақсадини йирик мутафаккир шундай ифода этади:

Сарриштаи давлат, эй бародар, ба даст ор,  
Ин умри гиروми ба хасорат магузор.  
Доим, ҳама жо, бо ҳама кас, дар ҳама ҳол,  
Медор нухуфта чашми дил жониби ёр.<sup>187</sup>

Мазмуни:

Эй бародар, давлатнинг боши (асли, асосини) қўлга киритгин,

Бу қимматли умрингни зиёнга (беҳудага) ўтказма.

<sup>186</sup> Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жомии. Бухоро: Бухорои Шариф, 1327/1909. С. 138.

<sup>187</sup> Рисолаи Мавлави Жомии... 139-бет.

Доим, ҳар ерда, ҳар ким билан, ҳамма ҳолда,  
Қалб кўзингни Ёр томон (Оллоҳга қаратиб), пинҳон  
сақлагин.

Бу ерда Абдурахмон Жомий давлат сўзини абадий, боқий бахту иқбол маъносида ишлатмоқда ва ҳаётнинг асл жавҳарини англаб умрни беҳудага ўтказмасликка ундамоқда. Жомий бундай асл моҳиятни англаш йўлини қалб кўзини пинҳон равишда доимо Оллоҳга қаратишда эканлигини айтмоқда.

Абдурахмон Жомийнинг асосий тасаввуфий асари “Лавоих”ни эркин таржима қилган профессор М.Н.Болтаев қалб кўзи иборасига тўхталиб, уни инсоннинг ботиний томони, қалб руҳи, инсоннинг моҳияти деб шарҳ этганлар.<sup>188</sup>

Инсон қалб кўзини Оллоҳга қаратиш учун ўзини-ўзи чуқур англаши ўз моҳиятини кўра билиши керак. “Лавоих” асарининг еттинчи асарида келтирилган Жомийнинг мисралари “Рисола”сидаги сўзлари билан ҳамоҳанглиги кўринади:

Дорам ҳама жо, бо ҳама кас, дар ҳама ҳол,  
Дар дил зи ту орзу, дар дида хаёл.<sup>189</sup>

Мазмуни:

Ҳамма жойда, ҳар ким билан бўлганда, ҳар ҳолда,  
Дилда сенинг орзунг, дидада (қалб кўзида) сенинг хаёлинг  
билан мен.

Абдурахмон Жомий “Рисола” да асл моҳиятни қўлга киритиш лозим деб, дину давлатга эришишнинг асосий уч йўли борлигини айтади. Жомийнинг фикрича, зикр, таважжух ва мувоқаба билан робита боқийликка етишишнинг асосий йўллари дир.

Йўлнинг боши зикр эканлиги ва бу қалб ҳузури билан амалга ошиши лозимлиги таъкидланади. Рисоладан маълум бўладики, бу тариқатда асосан зикри хуфия – яширин ҳолда зикр этиш қабул қилинган.

Зикр сўзи Оллоҳни ёдлаш учун, у билан боғланиш мақсадида тасаввуф тариқатларида амалга ошириладиган махсус руҳий машқларга айтилади.

<sup>188</sup> Болтаев М.Н. Абдурахман Джами о человеке, его смысле жизни и назначении. Бухоро, 1993. С. 10.

<sup>189</sup> Уша асар. 25-бет.

Таважжух сўзи юзланиш маъносини англатади. Тариқат йўлига кирган шахс ҳар бир нарсани кўрганда ундаги фоний ва асл томонни ажрата олиши ва фақат унинг асли бўлган илоҳий қудратига юзланиши лозим. Таважжух ҳолатига етишган киши Оллоҳга яқинлаша бориб қурб ҳолатига етади. Бу вақтда муроқабани амалга ошириш мумкин бўлади. Чунки Оллоҳ ва солиқ орасида барча ҳижоб – тўсиқлар кўтарилади, улар бир-бирларини кўра бошлайдилар.

М у р о қ а б а - орифларнинг руҳий камолот йўлларида биринчисидир. "Билгинким, муроқабани муштоқ бўлишдир. Муроқабани тараққабани-интизор бўлмоқ сўзидан олинган. Бунда солиқ-Ҳақ йўлидан бораётган киши ўзига хос ҳайъат билан ўтириб ва Оллоҳдан келадиган файзга интизор бўлади. Шунинг учун уни муроқабани деб атайдилар"<sup>190</sup>. Демак, муроқабани-муштоқлик, интизорлик бўлиб, Оллоҳдан келадиган файзга мунтазир бўлиб туришга айтилар экан. Нақшбанд муроқабани ҳақида яна шундай деган: "Муроқабани Ҳақ йўлидан бораётган кишининг доимо аҳадият яккаю ягона Оллоҳ жамолининг нозирини бўлиши, ундан ўзга нарсаларни унутиши, йўқ деб ҳис этиши ва фано ҳолатида бўлишидир"<sup>191</sup>. Бошқача қилиб, тагин у таъкидлайди:- "Яратувчига доимий назар қилиш билан одамларни унутиш-муроқабанидир", "ёки айтамин давоми-л-назари ила-л холиқи би-нисийни руъяти-л махлуқи"- яралганларни кўришни унутиш билан яратувчига доимий назар қилиш, яъни бу йўлда юрвчи доимо Тангри жамолига нозир (назар қилувчи) бўлиши керак. Унутиш, йўқлик ва фано рақамини барча махлуқотларнинг пешонасига битиши лозим. Нақшбанд таъкидлайдилар: "Муроқабанининг давомийлиги нодир ҳолдир. Биз бунинг ҳосилини топганмики, бу нафсга қаршилиқдир"<sup>192</sup>.

Робитани сўзи алоқа, восита маъносини англатади. Робитани нақшбандийлик тариқатини ўзига хос томонини кўрсатади. Чунки бу тариқатда доимий пирнинг хизматида бўлиш эмас, Оллоҳга юзланиш ва муроқабани қилиш даражасига етишгач, "даст ба кор"да бўлиш талаб этилади. Пир, муршид руҳий қувватни бошқариш йўллари кўрсатади, лекин солиқ мақсади Ҳақ ва

<sup>190</sup>Абдураҳим Нақшбанди. Шажарайи таййибайи машойихи нақшбандия – мужаддия. 71-бет.

<sup>191</sup>Муҳаммад Боқир. Мақомоти Хожа. Баҳоуддин Нақшбанд. Тошбосма 66-бет, Салоҳиддин ибн Муборак Анис ат-толибин ва уддат ул-толибин. 78-бет.

<sup>192</sup>Мақомот. 66-бет.

Ҳақиқат бўлиб қолади. Шунинг учун Жомий бу тариқатга шундай таъриф берган:

Нақшбандия ажаб қофилаосоранд,  
Ки баранд аз раҳи пинҳон ба ҳарам қофиларо.  
Аз дили солики раҳ жозибай суҳбаташон,  
Мебарад васвасаи хилвату фикри чилларо.

Мазмуни:

Нақшбандийлар ажаб карвонбошидурларки,  
Пинҳон йўл билан карвонни манзилга элтарлар.  
Уларнинг суҳбати жозибаси туфайли,  
Солиқлар қалбидан хилвату чилланинг васвасаси кетади.

Нақшбандия таълимотининг "хилват дар анжуман" тамойилини амалга оширишга ёрдам берадиган хусусиятлардан бири - робитадир. "Нақшбандия тариқати хожагон тариқати йўлига асосланиб, уни увайсийлик ва робита каби мўъжиза билан бойитди<sup>193</sup>", деган ғояни илмий таҳлил этиш бу таълимотдаги робита ва увайсийлик хилватни анжуманда бўлишига имкон берадиган омиллар эканлигини исбот этади.

Нақшбандия таълимотида меҳнат қилиб, жамиятда фойдали киши бўлишга имкон берадиган тушунча р о б и т а дир. Абдураҳмон Жомий комил инсон даражасига етишни асосий йўлларига зикр, таважжуҳ, муроқаба билан бирга робитанинг ўрнини қайд этган. У-"Робита пир - устоз, муршидга тобеъ бўлиш керак, лекин бу пир мушоҳада мақомига етган бўлиши, Аллоҳ зотини тажаллийси - ҳақиқатини англаган бўлиб, унинг дийдори зикр фойдасини бериш керак. Бу пир суҳбатидан дийдор давлатига муяссар бўлиб, бунинг асарини имкони борича ўзида сақласин. Агар шу ишга путур етса, унинг суҳбатига яна муурожаат этсин ва шу кайфият унинг малакаси бўлиб қолиши керак. Шу даражага етиш лозимки, агар у азиз бўлмаса, унинг суратини хаёлига олиб бутун зоҳирий ва ботиний қувватларини йиғиб, қалбга юзлансин ва барча хотираларни йўқотсин. Бу ишда то ғайбат (руҳий олам сирлари намоён бўлиш даражаси) ва беҳудлик кайфияти юз бергунча ҳаракат қилиш ва бу муомалани такрорлаб малака ҳосил қилиш керак. Шундай ҳаракат қилиш керакки, муриднинг бунга етарли шундай қобилияти бўлсин ва

<sup>193</sup>Ислом энциклопедияси. 9-том. Истанбул, 1954. 54-бет.

пир унга соҳибхтиёр бўлиб, суҳбатнинг аввалида уни мушоҳада мартабасига етиштирсин"<sup>194</sup>, -деган.

Робита - арабчада боғланиш, алоқа воситаси, алоқа, муносабат маъноларини билдирувчи тасаввуфий истилоҳдир. "Солик (тариқат йўлидан борувчи - Г. Н. )нинг комил шайхга кўнглини боғлаб, унинг ҳузурида ва ғайбан шайхининг сурати, сийрати ва, айниқса, руҳониятини хаёлида ўзи билан бирга эслаб, ёнида эканини ўйлаб, одоб сақлаши"<sup>2</sup>, демакдир. Холид Бағдодийнинг таълимотига кўра, Робита - муриднинг комил шайх суратини хаёлан сақлаш орқали унинг руҳониятидан истимдод тилаш<sup>2</sup>, демакдир.

Асосан, нақшбандия тариқатида кенг тарқалган робита тасаввуф психологиясида муҳим ўрин тутди. Робита сабабли Арабистон ва, айниқса, Мағриб ҳудудида дарвишларга "муробит", такяларга эса "рибот" дейилади. Робита - айна вақтда мурид жисман муршиди билан бирга бўлмаса ҳам, руҳан унинг ҳузурида эканини ва муршидининг маънавий мавқеининг давомийлигини сақловчи воситадир. Айниқса, мубтадий - янги бошловчи соликларга робита ўз-ўзини назорат қилиш вазифасини бажарувчи фойдали асосдир. Мурид шайхига робита қилиш орқали Муҳаммад пайғамбар руҳи билан, унинг воситаларида эса Тангри билан робита қилган - алоқа ўрнатган бўлади. Робита мавзусида мустақил асар ёзган Абдулҳаким Арвосийнинг ёзишича, бевосита Аллоҳдан файз олиб, истифода қилишга қодир бўлмаган солик - робитага муҳтож. Даражаси юксалиб, бевосита Аллоҳдан файз олиш қудратига эришгач эса, робитани тарк этиши вожибдир<sup>195</sup>. Шу жумладан, Имом Раббоний ҳам соликнинг камолотга эришувида робитанинг зикрдан ҳам фойдалироқ эканига ишора қилади<sup>196</sup>.

"Рисолаи Ҳазрат Мавлави Жомий"нинг яна бир қиммати шундаки, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд тариқатга киритган янги уч қудсий калом – вуқуфи қалбий – қалбдан огоҳ бўлиш, вуқуфи замоний – замон, вақтдан огоҳ бўлиш ва вуқуфи ададий – адад, сондан огоҳ бўлиш моҳияти очиб берилган. Бу тариқатда анжуман – қалб аҳли билан суҳбат муҳим эканлиги, ағёрдан йўлни пинҳон сақлаш зарурлиги таъкидланган.

<sup>194</sup>Рисолаи Ҳазрати Мавлави Жомий. 140-бет.

<sup>195</sup>Арвосий А. Робитаи шарифа, 2-бет. Иқтибос ўша ердан олинган.

<sup>196</sup>Мактубот. 1-ж, 187-бет. Иқтибос ўша ердан олинган.

Хулоса қилиб, Абдурахмон Жомийнинг “Рисола”сини Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти ва тариқатининг асл талаблари кўрсатилган дастур деб айтиш мумкин.

## 4. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФАЛСАФИЙ ОҚИМЛАР ВА НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ

### 4.1. ШАРҚ ГЕРМЕНЕВТИКАСИ ТАРАҚҚИЁТИДА БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ ЎРНИ

Тушуниш санъати сифатида қадимги даврда вужудга келиб, ҳозирги кунда услуб ва фан сифатида шаклланган герменевтика ўзбек олимлари томонидан етарли даражада ўрганилмаган. Фалсафий герменевтика инсон борлиғини, моҳиятини англашнинг шарт-шароити, унинг онтологиясини тушунишнинг методологиясидир. Таҳлил этиш, тушуниш асосида инсон ўз борлиғини туб асосини реаллаштириб боради. Фарб ва Шарқ герменевтикаси яхлит тизим бўлиб, ҳар бирининг ўзига хос томонлари ва умумийликлари мавжуд.

Шарқ герменевтикаси Шарқ халқлари маданияти тарихида илмий – фалсафий ҳодиса сифатида қаралади. Шарқда мавжуд тафсир фанига фалсафий герменевтика сифатида баҳо берадилар. Чунки, “тафсир” сўзи ҳам луғавий жиҳатдан “тушунтириш”, “талқин этиш” маъноларига мос келади.

Фалсафий герменевтика XIX аср ўрталарида немис файласуфи Ф.Шлейермахер томонидан асосланган. У герменевтикани руҳ ҳақидаги фанларнинг услуби сифатида кўриб чиққан. Олим руҳият орқали қадимги матн муаллифларининг ички дунёсига “сингиш” мумкинлигини исботлашга ҳаракат қилган. Чунки руҳ томонидан яратилган нарса руҳ томонидан тушунилиши мумкин.

Кейинроқ, XIX асрнинг охирларида фалсафий герменевтика В.Дильтей орқали «Ҳаёт фалсафаси» билан кўшилди. «Тарихий тафаккурни» танқид қилиб, Дильтей тарихни тушунишнинг асосий муаммоси уни интуитив ҳолда ҳис қилишда эканлигини исботлашга ҳаракат қилди. «Жамиятга тегишли далилларни билишни фақат ички ҳолатимиздан ўтказиб, фақат ўз ҳолатимиздек қабул қилиш асосида тушунишимиз лозим. Муҳаббат ва нафрат орқали, тарихий дунёни ҳиссиётларимизнинг иштиёқли ўйини орқали мушоҳада этамиз. Табиат биз учун

соқовдир, у бизга бегона, у биздан ташқаридадир. Жамият бизнинг дунёмиздир»<sup>197</sup>, деб таъкидлайди Дильтей. Дильтей фикрича, «ҳаёт» - бу руҳий жараёндир, уни инсон ўйлайди, ҳис этади, хоҳлайди. «Ҳаёт», «изтироб» бу ҳиссиётнинг доимий оқимидир, хоҳишлар, қабул қилишлар, тасаввурлар ва ҳоказолардир, биз уларни ақл орқали била олмаймиз, тафаккурнинг рационал категориялари ёрдамида тушуна олмаймиз. Бу ерда энг зарури ички руҳий тажрибадир, онг далилларини интуитив ҳолда изтиробдан ўтказишдир.

Тасаввуф ҳам ботин фалсафаси, руҳ ва унинг ҳаракати ҳақидаги таълимот бўлганлиги учун герменевтика бу таълимотни ўрганиш услуги бўла олади. Шунингдек, мутасаввифларнинг олам маъно-моҳиятини тушуниш ва англашга оид фикрлари Шарқ герменевтикасининг нодир намуналаридир.

Шарқда Ғарбда бўлгани каби қадимдан диний матнларни тушуниш, талқин этиш услуги сифатида герменевтика мавжуд бўлган. “Авесто” матни, Конфуций ҳикматлари, Будда ўғитлари, ҳинд эпосларининг моҳиятини тушунишга интилиш қадимдан мавжуд бўлган. Бизнинг фикримизча, Шарқда тушуниш ва талқин этиш санъати Ғарбдан кўра узоқроқ тарихга эга ва аввалроқ вужудга келган.

“Шарқ фалсафий герменевтикаси VII – VIII асрларда (ҳижрий I-II асрлар) Арабистон ярим ороли, Ироқ, Эрон, Кавказ ва Марказий Осиё ҳудудларида методология сифатида кенг тарқалган”,<sup>198</sup> деган ғоя ислом фалсафий герменевтикасига тааллуқли бўлиб, Қуръон, ҳадисларни тафсири ва шарҳларни назарга олади. Лекин исломгача ҳам мавжуд бўлган диний манбалар фақат Ғарбга эмас, балки Шарқда ҳам тафсир этилганлиги, уларни тушуниш, маъносини англаш учун кўп асарлар ёзилганлигини эътиборга олсак, юқоридаги иқтибоснинг етарли далил ва асосга эга эмаслиги намоён бўлади.

Шарқ фалсафий герменевтикаси (ҳуқуқий) асосга эга бўлиб, икки йўналишда, яъни ақлий (рационал) ва нақлий (иррационал) ривожлантирилди. Тафсир илмини шартли равишда илмий, фикҳий, адабий тарзда 3 турга бўлиб, буларнинг ҳар бири тадқиқ масаласида яна 3 тоифага бўлганлар: Илмий— 1) Нақлий (мантни ўзгартирмасдан етказиш ёки

<sup>197</sup>Гадамер Г. Истина и метод. М., 1988. С. 9.

<sup>198</sup> Жабборов Шукур. Шарқ фалсафий герменевтикаси. //Фалсафа ва ҳуқуқ. 2004 1-сон. 27 - бет.



англантиш, бу хусусан, Куръони Каримни тафсир қилувчилар, муҳаддислар илмида кўринади); 2) Ақлий (мантни ўз тафаккури билан бойитувчилар, ижтиҳодчилар илми); 3) Ирфоний (бунда асосан орифлар, мутасаввифлар шарҳлари мисол бўлади)<sup>199</sup>, дегани билан тадқиқотчи тасаввуфга оид тушуниш ва талқин этишни тафсир илми таркибига киритиб, уни фикҳий ва адабий гуруҳга эмас, балки илмийга киритмоқда. Ирфоний герменевтика илмий тафсир бўлиб, унга орифлар ва мутасаввифларнинг шарҳлари киради. Лекин мутасаввифларнинг адабий тафсирдаги хизматлари ҳам катта эканлигини унутмаслик лозим.

Матн герменевтика методларига мувофиқ барча нарса ва ҳодисаларга нисбатан қўлланилади. Матнни тушуниш учун жуда кўп тавсия, услублар тақлиф этилган. Масалан, Гадамер матнни тушуниш учун ишончимизни енгиб ўтиши, ҳиссий туйғуларимизни чеклаб, матнни англашга қаратиш лозимлигини таъкидлаган. Шлейермахер герменевтик доира ғоясини илгари сурган. Булардан анча илгари 1318-1389 йилларда яшаган нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳам матнни тушунишга доир ўзига хос тавсиялар берган. Матнни тушуниш деганда Баҳоуддин Нақшбанд уни ҳар томонлама ўрганиш, “матн”га яхлит, тизимли ёндашишни зарур деб, махсус қоидаларни ишлаб чиққан. Уларга амал қилиб, тушунган ва англаган нарсаларга мукаммал билим деб таъриф берган.

“Сиз мукаммал билим билан тўлиб, уни эгаллашга интилмоқдасиз, лекин тўғри билим билан тўлиш учун, аввало бўшалмоқ керак”,<sup>200</sup> дейди Баҳоуддин. Инсон билимларни тўла эгаллайман, деб иш бошлашидан аввал унинг жисми ва руҳиятига маълум озуқа сифатида кирган бор билимларидан холи бўлиши ва сўнгра янги билимни олиши керак. Баҳоуддин Нақшбанд фикрича, матнни тушуниш жараёнига инсон холис, пок бўлиб кириши лозим. Бу ғоялар Гадамернинг матнни ўрганишдан олдин ҳосил бўлган матн тўғрисидаги тушунчани инобатга олиб, “Ҳамма дастлабки фикрлар олиб ташланиши зарур, бу энг умумий талабдир”,<sup>201</sup> деган фикрига мосдир.

<sup>199</sup> Қаранг: Жабборов Шукур. Шарқ фалсафий герменевтикаси. //Фалсафа ва ҳуқуқ. 2004 1-сон. 27-29 - бет.

<sup>200</sup> Идрис Шах. Мыслители Востока. Санкт-Петербург: “Лориэн”, 1994. 181-бет.

<sup>201</sup> Гадамер Г. Истина и метод. М., 1980. С.328. Иқтибос. Янги ва Энг янги давр Европа фалсафаси. (XVII-XX асрлар). Т.: Шарқ, 2002. 317 – бетдан олинди.

Баҳоуддин Нақшбанд буни амалга ошириш учун қуйидаги тавсияларга амал қилиш лозим, деган фикрни билдиради:

1. “Ҳеч қачон, қанчалик ўрганмоқ, ўқимоқ истаги кучли бўлмасин шиддатига берилманг. Ўқиш, ўрганиш шиддат ҳолатида сезилмайдиган йўл-йўриқдир”<sup>202</sup>.

2. “Ҳеч қачон сиз ички тажриба деб номлайдиганларингизга таянманг. Қачонки сиз унинг чегарасидан чиқсангиз, шунда тушуна биласиз, билимни оласиз. Улар (ички кечинмалар) фақатгина бу ерда сизни адаштириши учундир”.

3. “Агар сизни юборган бўлмасалар билимни излаш учун ҳеч қачон саёҳат қилманг. Билиш учун саёҳат иташ – синовдир, йўл-йўриқ эмас”.

4. “Маълум инсон ёки жамият энг олий деб ўзингизни ишонтирманг, чунки бу ҳиссиёт эътиқоддир, аммо факт эмас. Эътиқод чегарасидан чиқиб фактга томон боринг”.

5. “Сизнинг фикрингизча, устозингиз томонидан сизни танқид этилганда ҳеч қачон руҳий тушкунликка тушманг. Шунингдек, сизни мақтаганда хурсанд бўлишдан ҳам ўзингизни сақланг. Бу ҳиссиётлар йўл кўрсатгичлар эмас, балки тўсиқлардир”.

6. “Юввош, итоаткор, тақдирга тан берган, шу билан бирга моддий нарсаларга хасис бўлган кишини ҳеч қачон қўлламанг ва изидан борманг, чунки бундай одам моддий нарсалардан қониқади, қаноат ҳосил қилади, мамнун бўлади. Агар сиз хасис бўлсангиз, яхши фазилат бўлганлиги учун эмас, тузатувчи машқ сифатида сахийликни тажриба қилинг”.

7. “Сизни ўраб олган муҳит таъсирида вужудга келган барча ишонч ва эътиқодлар, қачондир сиз учун муҳим ва аҳамиятли бўлган бўлсалар-да, лекин аҳамиятсиз арзимас, арзимайдиган бўлиши мумкинлигини англашга тайёр бўлинг. Улар фойдасиз бўлиб қолиши ва аслида сиз учун тузоқ эканлиги билиниб қолиши, маълум бўлиши, сезилиши мумкин”.

8. “Сизнинг баъзи ишонч ва эътиқодларингиз тўғри, лекин сафарингиз даражаларига мос равишда уларнинг аҳамияти ва мазмуни ўзгариши ва бу йўлда бўлмаганлар учун қарама-қаршидай туюлиши кўриниб қолиши, билиниб қолиши, намоён бўлиши мумкинлигига тайёр турунг”.

---

<sup>202</sup> Идрис Шах. Мыслители Востока. Санкт-Петербург: “Лориэн”, 1994. 181 - бет. Кейинги маслаҳат ва тавсиялар ҳам шу асарнинг 181-184 – бетларидан олинган.

9. “Эсда тутинги, билимларни ўзлаштириш, ўзига қабул қилиш ва кашф бошда шундай характерга эга бўлмайдики, сиз “Бу қабуллаш” ёки “Бу кашф” деб айта олсангиз”.

10. “Бир вақтда барча нарса ва ҳодисаларга бир хил усул, йўл, тариқа, тарз, йўсинда баҳо беришга ҳеч қачон ўзингизга ижозат, руҳсат, изн берманг, қўйманг. Бири иккинчисидан олдин, илгари бўлиши лозим, керак”.

11. “Агар сиз жуда кўп одамлар ҳақида ўйласангиз, меъеридан ортиқ фаолият ҳақида ўйлайдиган бўласиз. Агар сиз жуда кўп ўзингиз ҳақида ўйласангиз, сиз одамлар ҳақида хато ўйлайдиган бўласиз. Ва агар сиз жуда кўп китоблар ҳақида ўйласангиз, бошқа нарсалар ҳақида тўғри ўйламайдиган бўласиз. Биртасини бошқасини тузатиши учун восита сифатида фойдаланинг”.

12. “Сизга китоблар керак ва машқлар керак эмас, деб ўйлаганингизда, ўзингизнинг шахсий фикрингизга асосланманг, таянманг. Сиз машқларга муҳтожсиз-у, китобларга эмас деган ишончу эътиқодингизга камроқ таянинг”.

13. “Шубҳани ҳайдаш учун сизнинг қувватингиз етмайди, ожизлик қиласиз. Шубҳа ва эътиқодларингизни ўрганиш даражасига мос шубҳа кетади. Агар сиз бу йўлни қолдирсангиз, яъни ундан кетсангиз, бу шунинг учунки сиз ундан эътиқодни олишга умид қилган эдингиз. Сиз ўз-ўзингизни билишни эмас, эътиқодни излайсиз”.

14. “Ҳеч қачон т а р б и я в а қ о б и л и я т н и аралаштирманг. Одамлар “яхши”, “ўзини тўтиб олган”, “нафси тийиқ”, “ўз нафсини тийган”, “сабр қаноатли” деб айтадигандай бўлиш ҳолатига эришмасангиз, сиз қамишга ўхшайсизким, ҳаракат қилдирганда ёзмасдан тура олмайсиз”.

15. “Ҳақиқат соҳасидаги тушуниш ва билиш уларнинг ижтимоий соҳадаги ҳақиқатдан тубдан фарқ қилади. Йўл ҳақида нимаики оддий тарзда сиз тушунасиз, бу тушуниш эмас, балки онгсиз, англамаган иммитатор-тақлидчилар ўртасида тарқалган бу йўл ҳақидаги ташқи тахминдир, аммо йўлни тушуниши эмас”.

“Матн”ни тушунишга оид Баҳоуддин Нақшбанднинг бу маслаҳат ва тавсиялари уни бу масалага нақадар жиддий ёндашаганлигидан далолат беради.

“Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан сўрайдилар: “Сайру сулукдан мақсад нима?”. Айтадилар: “То маърифати ижмойи

(қисқа билим) тафсилий (тўлиқ)га айлансин учун, яъни солиқ, хабарчидан қисқагина қабул қилинган нарсани тафсил (тўлиқлик) йўли орқали таниб олсин ва далилу ҳужжат мартабаси орқали аёнлик мартабасига ета олсин”<sup>203</sup>.

Демак, Баҳоуддин Нақшбанд инсоннинг асосий мақсади маърифатли бўлиши, яъни тушуниш деб бу жараёни икки даражада бўлиб таҳлил қилмоқдалар. Булар:

3. Ижмой – қисқа, мухтасар, далилу ҳужжат мартабаси.

4. Тафсилий – мукаммал, тўлиқ аёнлик мартабаси.

Демак, Баҳоуддин Нақшбанд тафсилий билим ижмой билишдан бошланади деб биладилар. Йўл юрвчисига мухтасар тарзида маълум бўлган ишонч-ижмой маърифат бўлиб, йўл юриш даврида, покланиш жараёнида аста – секин далилу ҳужжатлар мартабасига етади ва ижмой маърифатнинг тафсилини билиб бориб, аста-секин кашф ва аёнлик мартабасига етади. Яъни шу моҳият унга тўла намоён бўлади. Демак, тушуниш учун ҳиссий ва ақлий билиш зарур экан. Тушуниш дастлаб, қуйи ва зарурий босқич бўлган ҳиссий ва ақлий билишдан бошланиб, охири ва юқори босқичи иррационал билиш орқали натижага эришади, деб ҳисоблайди Баҳоуддин.

Баҳоуддин Нақшбанд устозлари Ҳазрат Азизон номи билан машҳур Хўжа Али Ромитаний беҳудага айтмаганларки, Хўжа Абдулхолиқ Ғиждувоний шогирдларидан бирортаси бўлганида Мансур Ҳаллож асло дорга осилмас эди. Бу иқтибос хожагон – нақшбандия таълимотида матнни тушуниш, маъносини англаш, моҳиятига етиш жуда яхши йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради.

Маърифатли бўлиш жараёнида “матн”ни тушуниш сайру сафар даражасига мос равишда ўзгариб бориб, биринчи моҳият 2, 3, ... то асл, абсолют моҳиятга томон боради. Нисбий ҳақиқатдан аста-секин абсолют ҳақиқатни англайдилар.

Тушуниш учун Баҳоуддин ва тасаввуф аҳли фано босқичининг аҳамиятини кўрсатганлар. Фано вақтида 70 минг ҳижоб кўтарилади деганлар Баҳоуддин. “Ҳар бир фано босқичи солиқ олдида янги бир уфқ очади ва бу уфқлар даражаси фано даражасига боғлиқдир. Биринчи босқич – (даража) фано, иккинчи босқич – фано-и фано, учинчи босқич фано-и фано-и

<sup>203</sup> Абул Мусин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али Баҳоуддин Балогардон. Т.: Ёзувчи, 1993. 84-бет.

фанодир. Шу ҳолда ҳар янги уфқ очилганда бир фано сўзи аввалгиларга қўшилади. Ҳар бир фано босқичи ўзидан кейинги босқичнинг сояси ва қобиғидир, у эскириши билан ечилиб, янгиси кийилади. Бу ҳолни йиқилган уй ўрнига янгисини қуриш ёки эскириб тўзиб кетган кийимни бошқаси билан алмаштиришдек хаёл қилиш мумкин. Баъзан эса солиқ бундай босқичларни устма-уст оша олади. Кўпинча у бу даражаларнинг бирида турибоқ мақсадга етганини тахмин қилади. Лекин мазкур босқич фақатгина бир соядир, унинг юқориси ва янада юқориси бордир. Аммо фано-и фано демак – шуурнинг йўқ бўлиши демак эмас. Шуурнинг йўқ бўлиши сарҳушлик ҳолидир”.<sup>204</sup> Гадамер ҳам тушуниш бу уфқларнинг қўшилишидир деган ғояни илгари сурган.

Моҳиятни тушуниш учун Нақшбанд мушоҳада, муроқаб ва яқинни ҳосил бўлишига махсус эътибор берган.

М у р о қ а б а - орифларнинг руҳий камолот йўлларида биринчисидир. "Билгинким, муроқаб муштоқ бўлишдир. Муроқаб тараққаб-интизор бўлмоқ сўзидан олинган. Бунда солиқ-Ҳақ йўлидан бораётган киши ўзига хос ҳайъат билан ўтириб ва Оллоҳдан келадиган файзга интизор бўлади. Шунинг учун уни муроқаб деб атайдилар"<sup>205</sup>. Демак, муроқаб-муштоқлик, интизорлик бўлиб, Оллоҳдан келадиган файзга мунтазир бўлиб туришга айтилар экан. Нақшбанд муроқаб ҳақида яна шундай деган: "Муроқаб Ҳақ йўлидан бораётган кишининг доимо аҳадият яккаю ягона Оллоҳ жамолининг нозир бўлиши, ундан ўзга нарсаларни унутиши, йўқ деб ҳис этиши ва фано ҳолатида бўлишидир"<sup>206</sup>. Бошқача қилиб, тагин у таъкидлайди:- "Яратувчига доимий назар қилиш билан одамларни унутиш-муроқабдир", "ёки айтамин давому-л-назари ила-л холиқи би-нисийни руъяти-л махлуқи"-яралганларни кўришни унутиш билан яратувчига доимий назар қилиш, яъни бу йўлда юривчи доимо Тангри жамолига нозир (назар қилувчи) бўлиши керак. Унутиш, йўқлик ва фано рақамини барча махлуқотларнинг пешонасига битиши лозим. Нақшбанд

<sup>204</sup> Ғавсул Аъзам Эрвосий ҳикматларидан //Нақшбандия шайхларининг муқаддас сўзлари

// Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. Тошкент. Ўзбекистон, 1994. 325 – бет.

<sup>205</sup> Абдурахим Нақшбанди. Шажарайи таййибайи машойихи нақшбандия – муҷаддидия. 71-бет.

<sup>206</sup> Муҳаммад Боқир. Мақомоти Хожа. Баҳоуддин Нақшбанд. Тошбосма 66-бет, Салоҳиддин ибн Муборак Анис ат-толибин ва уддат ул - толибин. 78-бет.

таъкидлайдилар: "Мууроқабанинг давомийлиги нодир ҳолдир. Биз бунинг ҳосилини топганмизки, бу нафсга қаршилиқдир"<sup>207</sup>.

Орифлар руҳий камолот йўлларида иккинчиси деб ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд м у ш о ҳ а д а ни кўрсатган. М у-ш о ҳ а д а ҳақида у шундай дейди: - "Мушоҳада – воридоти ғайбия дурки қалбга нузул этур"<sup>208</sup>. Бу таърифнинг мазмунини тушуниш учун "Воридоти ғайбия"ни тушуниш керак. "Воридоти ғайбия"-ғайб оламидан кирувчи ҳолатдир. "Нузул" юқоридан тушиш маъносини англатади. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд м у ш о ҳ а д а га берган таърифни шундай изоҳлаш мумкинки, бу бизга кўринмас оламда бўлган ҳолат-(ёмон - ё яхши) нинг қалб га тушиши<sup>209</sup>.

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: "Соликнинг барча ишлари яқин (ишонч) асосига қурилган бўлиши зарурки, то натижа яқин (ишонч) орқали зухурга келсин" "Маърифати тафсилий" (тўлиқ билим) солиҳ ва толиблар мақсадининг сўнги поғонаси бўлиб, бу поғона мазкур сифат орқали ҳосил бўлади. Толибда аҳлуллоҳ (авлиёлар) ҳақиқатига нисбатан бўлган ҳусни ақида (чиройли эътиқод) яқин (ишонч) сиз ҳосил бўлмайди, эътиқод эса арзимаган нарса билан ўзгаришга учрайди"<sup>210</sup>. Лекин яқинни ҳосил бўлиши учун ҳижоб, пардаларни йўқотиш лозим. Бу ҳақида Баҳоуддин Нақшбанд шундай айтганлар:

Гарчи ҳижоби ту берун аз ҳад аст,  
Ҳеч ҳижобат чун пиндор нест.<sup>211</sup>

Мазмуни:

Сенинг ҳижобинг (яъни ҳақиқатни тўсиб турган пардалар) жуда кўп бўлсада,  
Лекин гумон, шубҳа энг ёмон ҳижобдир.

Бошқа жойда айтганлар:

"Тааллуқ ҳижоб асту, беҳосили".<sup>212</sup>

Мазмуни:

---

<sup>207</sup>Мақомот. 66-бет.

<sup>208</sup>Мақомот. 66-бет, Анис ат-толибин. -В. 79-бет.

<sup>209</sup> Қаранг: Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: Фан, 2005 153-184 – бетлар.

<sup>210</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. Т.: Ёзувчи, 1993. 84-бет.

<sup>211</sup> Баҳоуддин Балогардон. 95-бет.

<sup>212</sup> Баҳоуддин Балогардон. 73-бет.

Тушунишга энг катта тўсиқ боғланишлардир ва сен ҳосилсизсан.

Демак, инсон учун бутун боғланишлар – моддий, маънавий, касбий ва ҳ.к. матнни тушуниш учун тўсиқ бўлиб, ундан узилгандагина киши эркин фикрлай олади ва тафаккур қуллигидан қутулади.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал Бухорий Нақшбанднинг «Аврод» асарига ёзилган шарҳлар ҳам Шарқ герменевтикасининг тараққиётида муҳим рол ўйнайди. «Аврод»га ёзилган биринчи шарҳ XV асрда яшаган йирик мушорих Али бин Аҳмад ал Ғурийнинг «Канз ал ибод фи шарҳ ал Аврод» («Аврод шарҳи — ибодат аҳли учун хазина») сидир. Ғурий ўз даврининг машҳур шарҳловчи олими бўлган. У Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод»и билан бирга суҳравардия тариқатининг асосчиси Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар ас Суҳравардий (ваф.632/1234)нинг «Аврод»ига ҳам шарҳ ёзган. Унинг «Канз ал ибод фи шарҳ ал Авроди» икки асарга ёзилган шарҳдан иборат. Бу асарнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари мавжуд.

Али бин Аҳмад ал Ғурийнинг «Аврод» асарига ёзилган шарҳининг қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти хазинасида 2944/1 шифри остида сақланмоқда. Бу нусха 18 зулқаъда 864 ҳижрий (4 сентябрь 1460 милодий) йилда, яъни Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан 71 йил ўтгач, Абулкабир ибн Носир ... ибн Абу Бакир Рофеъи томонидан кўчирилган. Демак, шарҳнинг асли ҳийла олдин ёзилган. Шарҳ 389 варақдан иборат.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд «Аврод»ига берилган шарҳлардан яна бири «Ал ижобатул раббония ли шарҳи ва манофиъ ул Вирди Нақшбанди ли Шайх ал-Акбар Саййид Муҳаммад Баҳоуддин ал-Ҳусайний ал-Ҳасаний ал- Увайсий ал Бухорий ан Нақшбанд» («Шайхи Акбар Саййид Муҳаммад Баҳоуддин Ҳусайний Ҳасаний Увайсий Бухорий Нақшбанднинг «Вирди Нақшбанд»и фойдалари ва шарҳига Парвардигорнинг ижобати») деб номланади. Рисоланинг 4-бетидан 19-бетигача Баҳоуддин Нақшбанднинг «Вирд»и ёзилган бўлиб, у ҳақида ва асосий тушунчалар шарҳи фозил аллома, ҳақиқатда комиллик даражасига етган, қудватул орифийн, муршидус соликийин,

суннат осорларини яқин нурлари билан тирилтирувчи Мавлоно Шайх Муҳаммад Амин Курди Ирбилий (вафоти ҳижрий 1332 йилнинг 12 раббулавал ойи) томонидан ёзилган. Бу шарҳ Қоҳирада ҳижрий 1332 йилдан кейин «Саодат» матбаасида чоп этилгандир, чунки муаллиф ҳақида «марҳум» деган ибора қўлланилган.

Рисоланинг биринчи «Фасл ли фазоили дуо»сида, Муҳаммад Амин бу шарҳни ёзишдан мақсадларини билдирган. У буни Мисрдаги нақшбандия тариқати учун ёзганини айтади ва таъкид этади: «Сақловчиларнинг аъзами бўлган, маърифатнинг банду баста, шариф ҳасаб насабнинг соҳиби Саййид Шайх Муҳаммад Баҳоуддин муридлар учун вирдлар таълиф (таъкид бизники-Г.Н.) қилдилар»<sup>213</sup>. Бу сўздан маълум бўладики, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд муридлар учун бир эмас, балки кўп вирдлар ёзган экан. Таълиф этган деб айтилиши, вирдларнинг муаллифи Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзи эканлигини кўрсатади.

Биринчи фаслда Баҳоуддин Нақшбанднинг бу вирдларни ёзишдан мақсади қуйидагича кўрсатилган: «Бу вирдларни муридларга шунинг учун ёздиларки, то уларнинг қалблари Оллоҳга жазм бўлсин, то уларни бошқа ишлар билан машғул бўлишдан сақласинлар»<sup>214</sup>. Демак, мақсад муридлар қалбини Тангридан ўзга барча машғулликлардан сақлаб, фақатгина унга жазм этишдир. Муҳаммад Амин ёзадики, Баҳоуддин Нақшбанд «таълиф этганларнинг энг яхшиси бу «Вирди Кабир» бўлиб, уни «Вирди Нақшбандия деб номлаганлар»<sup>215</sup>. Демак, Мисрдан келган манбада келтирилган «Вирди Нақшбанд»—«Вирди Кабир» бўлиб, у Баҳоуддин Нақшбанд ёзган барча вирдларнинг энг яхшиси сифатида таърифланган.

«Вирди Кабир» «Аллоҳумма анта Маликул Ҳайюл Қайюмул Ҳақул Мубин» деб бошланади. Мушорих «Малик»—ҳамма нарсани Оллоҳнинг тасарруфида эканлигини англатишини кўрсатади, деб ёзади. «Ҳай» Оллоҳнинг абадий ҳаёт билан сифатланганини кўрсатади ва Оллоҳнинг фано

<sup>213</sup>Ирбили Шайх Муҳаммад Амин Курди. Ал-ижобатил-раббония ли шарҳ ва манофеъ Вирди Нақшбанди Шайхил Акбарил Саййид Муҳаммад Баҳо-уд-дин ал-Ҳусайни ал Ҳасани ал-Увайси ал-Бухори Нақшбанд. Қоҳира, 1322. 3-бет.

<sup>214</sup>Ирбили Шайх Муҳаммад Амин Курди. Ал-ижобатил-раббония ли шарҳ ва манофеъ Вирди Нақшбанди Шайхил Акбарил Саййид Муҳаммад Баҳо-уд-дин ал-Ҳусайни ал Ҳасани ал-Увайси ал-Бухори Нақшбанд. - Қоҳира, 1322. 3-бет.

<sup>215</sup>Уша асар. 4-бет.



бўлмайдиган, ўлмайдиган зот эканлигини англатади. «Қайюм» – Оллоҳнинг ўзи-ўзига қоим эканлиги, ниманики истаса, ўзи ижро этишини билдиришини ёзади. «Хаққ – Оллоҳнинг собитлиги бўлса, «Мубин – унинг шундай зотлигини кўрсатадики, ҳидоят қилишни истаган шахсларга тўғри йўлни ёритади.

Шарҳлар «Вирди Кабир»нинг ҳар бир саҳифаси пастида берилгандир. Жами 188 сўз ва сўзлар бирикмасига шарҳлар ёзилган. Шарҳлар аниқ, қисқа тарзда берилган<sup>216</sup>. Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” асари ҳам Баҳоуддин Нақшбанднинг сўзлари ва уларга берилган шарҳу тафсирлардан иборат.

Демак, биринчидан, Баҳоуддиннинг “матн”ни тушуниши ва талқин учун зарур деган қуйидаги ғоялари, бизнинг фикримизча аҳамиятлидир:

1. Тушуниш аста – секин, тадрижий юзага келадиган жараён.
2. Тушуниш учун эътиқод эмас, далил муҳимдир.
3. Тушуниш холис жараёндир, унда риё бўлмаслиги лозим.
4. Билиш жараёнида тор доирадаги боғланишлар асосида вужудга келадиган эътиқодлар тўсиқдир. Тушуниш учун олам миқёсида кенг тасаввур ва тафаккур этиш лозим.
5. Тушуниш жараёни ижмой (мухтасар)ликдан тафсилийга томон боради. У далил ва ҳужжатлар босқичидан аёнлик даражасигача юксалади.
6. Тушуниш жараёни ҳис-туйғу, ақл-идрок билан бошланиб, фаҳму фаросат, интуиция, илҳом ва кашф орқали натижага эришади. Тушуниш ҳиссий, ақлий билишдан иррационал билишгача бўлган жараённи ўз ичига олади.
7. Тушуниш учун билишнинг бирор услуб ва шаклини абсолютлаштириш мумкин эмас.
8. Тушунишнинг мезони яқиннинг (аниқ ишончни) ҳосил бўлишидир.
9. Тушуниш учун зарур бўлган яқин ҳосил бўлишда мушоҳада, муроқабанинг алоҳида ўрни бор.

Иккинчидан, Баҳоуддин “Аврод” асарига ёзилган шарҳлар ва Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” асари Нақшбанд

---

<sup>216</sup> Қаранг: Наврўзова Г. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: Фан, 2005. 63-83 – бетлар.

таълимотининг ўз даври учун қай даражада аҳамиятли эканлигидан далолат беради.

Учинчидан, Ғарбда фалсафий герменевтика вужудга келмасдан олдин XIV асрларда Баҳоуддин Нақшбанд асл моҳиятини тушуниш услуб ва воситаларини яратиш билан Шарқ фалсафий герменевтикасининг ривожига муносиб ҳисса қўшган. Тушуниш ва талқин этиш фалсафаси бўлган герменевтикани Баҳоуддин тасаввуфий маънодаги Ҳақиқатга етиш, асл маъно-моҳият оламига кириб бориш ва маънони қидириш жараёни сифатида таҳлил этган.

Тўртинчидан, Нақшбанд фикрича, тушуниш жараёнида инсон ўз-ўзини англайди ва ҳақиқатга етади. Баҳоуддин тушунишга яхлит, тизимли жараён сифатида қарайди. Чунки бутун олам ягона илоҳий моҳиятга эга бўлиб, унинг қисмларида тажаллий этади. Бу жараён нисбий ҳақиқатларни тушуниш ва ундан абсолют, асл ҳақиқатга етишга томон боради.

Бешинчидан, тушунишда ҳиссий ва ақлий жараён ролини инкор этмайди, лекин унга тўла етишда иррационал асосни зарурий деб баҳо беради. Демак, Баҳоуддин Нақшбанднинг тушуниш ғояси иррационал таълимотдир.

## 4.2. НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ ВА ЭКЗИСТЕНЦИАЛИЗМ

Дунёда бевосита инсон моҳиятини ёритишга қаратилган таълимотлар кўпдир. Уларнинг сафига тасаввуф ва экзистенциализмни киритиш мумкин. Тасаввуфнинг Абдулхолиқ Ғиждувоний асослаган ва XII асрда вужудга келган Хожагон ва уни ривожлантирган нақшбандия таълимотлари ва XX асрнинг бошларида Карл Ясперс, Мартин Хайдеггер, Жан-Поль Сартр асослаган экзистенциализмнинг инсон тўғрисидаги ғоялари катта қизиқиш уйғотган.

Бу икки таълимотнинг ҳам асосий тамойилларидан бири - **инсон борлиғини ўрганиш орқали оламни билиш ғоясидир. Яъни уларнинг фалсафий таълимоти оламнинг ҳақиқий манзарасини билмоқ учун аввало инсоннинг моҳиятини билмоқ даркордир.** Бундай ғояни Абдулхолиқ Ғиждувоний "Маслак ал-орифин", Ориф Ревгарий "Орифнома" Баҳоуддин

Нақшбанднинг “Аврод” асарларида асослаган бўлсалар, экзистенциализм асосчиларидан Мартин Хайдеггер 1927 йилда ёзган “Борлиқ ва замон” асарида илгари сурган.

Нақшбандия таълимоти инсонни бутун борлиқда энг мукаммал мавжудот деб қараб, **“Худшуноси худшуноси аст”**, яъни **“Ўз-ўзини билмоқ, англамоқ Оллоҳни билиш”** асл моҳиятни англашдир, дейди.

Хайдеггернинг фикрича, экзистенциал онтологияни билишнинг асоси - инсон борлиғидир. Ушбу борлиқ шаклининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у нафақат борлиқнинг бошқа кўринишларини, балки ўз-ўзини билишга ҳам қодир. Шунингдек, инсон борлиқнинг бошқа шакллари билан турли муносабатлар ўрнатиш қобилиятига ҳам эга. Худди шунинг учун ҳам инсон – борлиқ сифатида, яъни экзистенция - билишнинг пойдевори бўлмоғи даркор<sup>217</sup>. Дарҳақиқат, инсондан бошқа тирик мавжудот ўзининг оламдаги ўрни ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас.

Жан-Поль Сартр “Борлиқ ва ҳеч нима” асарида Карл Ясперс ва Мартин Хайдеггернинг инсон ҳақидаги қарашларини янги далиллар билан бойитди. Бу таълимотга кўра инсон экзистенциясининг моҳиятини аниқлаш натижасида унинг нималарга қодир эканлигини аниқлаш мумкин. Инсон ўз моҳиятини билмаса, у борлиғини унутади. Бу эса, яъни ўзлигини унутиш табиат ва инсонни аслида яхлит нарса эканлигини унутишга ва натижада табиатга нотўғри муносабатда бўлишга олиб келади. Инсон олий қадрият эканлигини унутиш, ундан восита сифатида фойдаланиш каби жинойтга олиб келади.

Нақшбандия тариқатида ҳам ўз-ўзини англаш инсонни ўзини бошқариш, меъёрда сақлашига ва бутун борлиққа нисбатан **Муҳаббат** билан **Уйғун** ва **Гўзал** муносабатга киришишга ёрдам беради деган ғояни илгари суради.

Кўриниб турибдики, нақшбандлар ва экзистенциалистлар илгари сурган инсон борлиғининг моҳиятини билиш ҳозирги замон инсоншунослигининг энг долзарб муаммоларидан биридир. Айниқса, илмий-техникавий тараққиёт жадаллашиб бораётган бугунги шароитда дунёдаги барча муаммолар

---

<sup>217</sup> Қаранг: Скирбекк Гуннар, Гилье Нилс. Фалсафа тарихи - Т.: Шарқ, 2002; Чориев А. Билишнинг пойдевори// “Тафаккур” - 2003 – 1-сон. 40-45-бетлар.

инсонни ўз-ўзини қанчалик билиш, унинг дунёқараши билан боғлиқ экани маълум бўлмоқда. Шунинг учун нақшбандия ва экзистенциализм таълимотлари таъкидлаганидек фалсафа бутун эътиборини инсон борлиғини ҳар томонлама ўрганишга қаратмоғи лозим. Чунки инсон ўз борлиғини билиш орқали олами англаш сари борар экан, оламга янгича маъно-мазмун бағишлайди. Чунки у олам билан уйғунлашиб ҳаракат қилади.

Нақшбандия таълимотида комил инсон ғояси асосий бўлиб, инсон ўз нафсига қарши бориб, ўз-ўзини англаб шу даражага етади. Экзистенциализмда ҳам инсоннинг Инсон даражасига кўтарилиши ва Инсон бўлиб шаклланишида, аввало унинг ўзи масъул эканига эътибор қаратилган.

Нақшбандия ва экзистенциализм олға сурган энг муҳим концептуал ғоялардан бири-инсоннинг ноёб мавжудот эканлиги ҳақидаги фикрдир. Шунинг учун бу икки таълимот инсонга ёрдам бериш, уни тўғри йўлни топишига кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб олган. Бунинг учун инсонни бегоналашувдан халос этиш, унинг индивидуал эркинлигини мустаҳкамлаш, аҳоқий камолотини такомиллаштиришни зарур деб ҳисоблайдилар.

Нақшбандия ва экзистенциализм фалсафасида олға сурилган энг муҳим концептуал ғоялардан бири - ўлим ва ҳаёт масаласидир. нақшбандларда "Ўлимдан олдин ўлмоқ" деган ғоя бўлиб, "Робитаи мавт" - "ўлим билан алоқа" амали орқали ўлим ҳақ, лекин берилган ҳаётнинг ҳар лаҳзасини эзгулик билан ўтказиш зарурлигини хос кишиларга сингдирадилар. Экзистенциализм фалсафаси ҳам инсон ҳаёти абадий эмаслиги ва ўлимнинг муқаррарлиги ҳақида фикр юритади. Жумладан, Жан-Поль Сартр "Борлиқ ва йўқлик" асарида инсон тириклигини - "ўлимга олиб борувчи борлиқ" деб изоҳ беради.

Замонавий фалсафада ҳам инсон ҳаёти - ўлим арафасидаги борлиқ деган хулосага келади. Нақшбандлар инсонни доимо камолот сари интилиш руҳида тарбияласалар, экзистенциализм инсоннинг моҳиятини белгилайдиган тараққиёт ғояси овруполик ва америкаликлардаги ашаддий хавф-хатар туйғусини сўндириб қўяди деб фикр қилади.

Демак, нақшбандия ва экзистенциализм таълимоти билишнинг пойдевори деб инсон борлиғини билганлар.

### 4.3. НАҚШБАНДИЯ ВА СИНЕРГЕТИКА

XX асрда янги назарий ва амалий фанлар: нисбийлик назарияси, квант механикаси, молекуляр генетика, атом ва термоядро энергетикаси, реактив авиация, космонавтика, микро-мегафизика, резонанс кимё, сунъий синтетик материаллар кимёси, кибернетика-информатика, информацион технологиялар, синергетика кашф этилди. Уларнинг энг ёши синергетикадир. Синергетикани XX асрнинг тўртинчи чорагида Нобель мукофоти лауреати, бельгиялик физик-кимёгар Илья Пригожин асослади. Синергетика тушунчасини фанга Г.Хакен киритган.

Синергетика қадимги грекча *synergeia* сўзидан олинган бўлиб, биргалик, бирлашган ҳолда, ҳамкорлик маъносини англатади. Синергетика ўз-ўзидан ташкилланиш илмидир. Синергетиканинг моҳияти шундан иборат.

Система тизимни икки тоифага ажратади: бири – ёпиқ система, иккинчиси – очиқ система. Оламдаги жонсиз системалар ёпиқ, жонли системалар очиқ деб ҳисобланади. Ўз-ўзидан ташкил топиш, ташкилланиш, асосан, очиқ системага тааллуқлидир. Синергетикада бу масалалар тартиблилик ва тартибсизлик, чизиқлилиқ ва чизиқсизлик, барқарорлик ва беқарорлик, вақтнинг орқага қайтмаслиги ва қайтиши, бифуркация ва флуктуация, энергия ва энтропия, сабабият ва оқибат, қонуният ва тасодиф, табиат ва жамият муносабатлари мисолларида баён этилади. Синергетиканинг мазмуни шу масалалардан иборат.

Мустақиллик туфайли эркин тафаккур қилиш имконияти яратилди. Баркамол авлодни тарбиялаш асослари фикр қуллигидан озод этишга, мустақил тафаккур қила оладиган кишиларни тарбиялашга қаратилгандир. Бу сиёсат тарбия жараёнига ҳам кириб келди ва ўқитишни авторитар усулидан шахсга қаратилган усулига ўтиб, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш жараёни бошланди. Шахсга қаратилган тарбия услуги фалсафадаги ҳозирги даврдаги янги методларга асосланади. Шулардан бири синергетикадир<sup>218</sup>.

<sup>218</sup> Қаранг: Bozorov Dilmurod. Sinergetika umumiy metod sifatida. Falsafa va huquq. 2004 yil 1-son 84-85 bet, Горелов А.А. Концепции современного естествознания. – М., 1999. С. 111-119, Климонтович Н.Ю. Без формул о синергетике. – М., 1964; Концепция самоорганизации: становление нового образа научного мышления. – М. 1994, Основы философии. / под.ред. Ахмедовой М.Н. Хана В.С. – Ташкент, 1998. С.215-219,

Синергетика ҳар бир нарсани тизим деб қарайди. Ўз-ўзидан ташкил топиш очиқ тизимга тааллуқли деб ҳисоблайди. Авторитар ўқитиш жараёнида тизим ёпиқ эди, шахсга қаратилган, фаол-инновацион услублар асосида ўқитиш жараёни очиқ жонли тизимдир. Унда ҳар бир шахснинг барча имкониятлари очилади ва жамоанинг камолотига хизмат қилади.

Синергетика таълимотида тизим бир неча бир хил ёки ҳар хил бўлақлардан ташкил топишидан қатъи назар ўзаро боғланишда, таъсирда, ҳамкорликда бўлади. Тадқиқотлар кўрсатадики, ҳар бир инсоннинг ахборотни қабул қилиш ва ўрганиши ўзига хосдир. Бу қуйидагиларда намоён бўлади: Ахборотни одамларнинг: 83% кўриш орқали; 11% эшитиш орқали; 3.5% ҳидлаш орқали; 1.5% пайпаслаш орқали; 1% эса татиб кўриш орқали яхши қабул қиладилар.<sup>219</sup> “Қулоқ солувчилар” – тинглаб, саволларга жавоб бериб, луқма ташлаб ўрганадилар ва эшитган нарсаларини жуда яхши эслаб қоладилар. “Қўрувчилар” – ёзилган ахборотларни, расмлар ва жадваллар, фильмлар ва слайдларни яхшироқ идрок этадилар. “Амалиётчилар” (кинестетиклар) – кўрган ва эшитганларини амалда ишлатиб ва ҳис этиш органларидан фойдаланиб, ўрганадилар. Бундай одамлар қуйидаги миқдорни ташкил этадилар: 75% - кўряпман, 12% - ҳис этяпман, 13% - эшитяпман деювчилар.

Мустақиллик давригача инсонлар орасидаги муносабат мажбур қилишга асосланган эди. Синергетика услуги фикрлаш тарзини ўзгартиришга олиб келмоқда. Бу таълимот ривожланиш йўлига мажбурлаш мумкин эмас деб таъкидлайди. Ривожланишга, ўз-ўзини ривожланишига имкон яратиш, рағбатлантириш керак деб синергетика уқтиради. Бу таълимот бутун ва бўлакка нисбатан анъанавий қарашни ҳам ўзгартириб, бутун бўлақлари бир хил ёки ҳар хил бўлишидан қатъи назар ўзаро алоқада, таъсирда, муносабатда бўладилар. Бўлақлар йиғиндиси асосида сифатий бошқа тизим вужудга келади. Бу

---

Пригожин И., Стенгерс И. Время, хаос, квант. – М., 1994; Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. – М., 1959; Рахимов И., Ўтамуродов А. Фанларнинг фалсафий масалалари (Фан фалсафаси). – Тошкент, 2005. 41-46, 81-89 бетлар; Рахимов И. Фалсафа. Т., 1998. 98-103 - бетлар; Рахимов И. Муросо фалсафаси // Тафаккур. 1998. 2-сон; Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. – Тошкент, 2006. – 71-84 - бетлар, Хакен Г. Синергетика. – М., 1980; Шермухаммедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. Тошкент, 2005. 181-194 - бетлар.

<sup>219</sup> Чэн Чжан. Муваффақиятга элтувчи муомала санъати. Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. 3 – бет.

жамиятдаги ҳар бир кишининг имконияти очилиши, фаол қатнашиш янгича фикр ва тараққиётга олиб келади.

Анъанавий, авторитар бошқарув услубида раҳбар қанча кўп куч сарфласа, шунча яхши натижа олади дейилар ва синергетикада мураккаб тизимни ташкил этишда энг муҳими куч эмас, балки тўғри модел, архитектураси, ташкил қилиш андозасидир. Шундай ҳолатда кичик, бироқ тўғри ташкил этилган резонанслар, оддий фаол услублар, компьютер дастури ҳам мураккаб тизимга таъсир этиб, кучли самара бериши мумкин. Демак, фақат раҳбар куч-қуввати эмас, балки ҳар бир жамоа аъзосини фаоллаштирадиган услуб ва усуллар тўғри танлаш асосий йўл экан.

Синергетика фанини мураса фалсафаси деб айтиш мумкин. Лекин мураса ҳақидаги таълимот Шарқда анча илгари вужудга келган. Эрамиздан илгариги VI-V асрларда яшаб ўтган буюк хитой донишманди Лао Цзи ўзининг машҳур "Дао де цзин" китобида "Табиат тартиботини ўзгартиришга қаратилган ҳар қандай ўриниш ҳалокатли бўлиб, унинг қонуниятлари ҳукмидан чекиниш ёвузлик манбаидир" деб ёзади. Қадимги юнон файласуфи Гераклит эса шундай хулосага келган: "Тангрида ҳамма нарса гўзал, яхши ва адолатлидир, фақат одамлар уларнинг бирини адолатли ва иккинчисини адолатсиз деб ҳисоблайдилар".

Қуръони каримда бундай оят бор: "Уларга: "Ер юзида бузғунчилик қилманглар" дейилса, "Биз ислоҳ қилувчилармиз" дейдилар. Огоҳ бўлингизким, улар албатта бузғунчилардир, лекин ўзлари буни сезмайдилар". ("Бақара" сураси, 11-12-оятлар). Ҳар қандай табиат ё жамиятга тегишли инқилоб ҳалокат билан тугайди ва зўравонлик билан ёндашиш ёмон оқибатларга олиб келади.

Қитъа:

"Бу дунёда адолат йўқ" дея оҳ урмагил, зеро,  
Адолатсизлик остинда – адолат ёшурун эрмиш.  
Ўроқнинг қаддини гар рост этар бўлсанг рақм айлаб,  
"Бошинг тандин жудо қилгум, чун энди мен қилич!"  
дермиш.

Тасаввуф оғзаки адабиётида эса шундай ғоя бор: ўрта асрлар Бағдод халифалиги академиясида таҳсилни

тугатган шогирдига муаллим шундай дебди: "Сен барча илмларни аъло даражада хатм этдинг. Аммо бир фан қолдики, шуни ўзлаштирмай туриб илмий-ирфоний балоғатга етганинг тўғрисидаги гувоҳномани бера олмайман. Унинг номи "Муроса фани" деб аталади. Афсуски, бу фан бизда йўқ, уни ўрганиш мумкин бўлган ягона манзил Бухоройи Шариф". Тасаввуф таълимоти муроса фалсафасига таянади. Бу, айниқса нақшбандия таълимотида яққол сезилади.

Нақшбандия XIV аср иккинчи ярмида вужудга келган тасаввуфий таълимот ва тариқатдир. Уни Баҳоуддин Нақшбанд номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ал-Бухорий (1318-1389) асослаган. Бу таълимот ўзидан олдин ўтган ва инсон камолотига хизмат қилган барча ғоялар, хусусан хожагон ва яссавия ғояларига асосланган ва уларни ривожлантириб такомиллаштирган.

Тасаввуфнинг нақшбандия таълимотида зикр, фикр, шукур асосий тушунчалардир. Аввал зикр-яратувчини ҳар нафасда эслаб туриш, иккинчиси фикр-Онгли ибодат Мутлақ ҳақиқат моҳиятини фикрлаб, идрок этиш, учинчиси шукур-шу эсланган, фикран иқроор бўлинган ҳақиқатларни тан олишдир. Фикрда тафаккурнинг яхлит, бир бутунлиги йўлини танламоғимиз лозим.

Нақшбандия таълимотидаги ваҳдати вужуд муроса фалсафасининг асосидир. Унингча "Муросаи дунё"нинг биринчи маъноси: Дунё – муроса асосида қурилган, башарти биз бир-биримиз, мавжуд ижтимоий аҳвол, атроф – борлиқ билан муроса қилмасак – дунёга путур етади, яхлит "иморат" бузилади. Бу "иморат"нинг ягона қурувчиси Аллоҳ таолодир. Бу "иморат" мутлақ адолат, ғоят бир мувозий "лойиҳа" асосида қурилганки, бир ғиштни ҳам ўзгартириш мумкин эмас. Фақат у билан келишмоқ, муросаи мадора қилмоқ керак.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиш миллий истиқлол мафкурасининг бош ғоясидир. Конфуцийнинг: «Фаровонлик-мақсад, ислоҳотлар унга эришиш йўли, барқарорлик эса шарт-шароитдир», - деб айтган фикри тўғри. Барқарорлик, осойишталик, тинчлик, бирлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик бўлган мамлакатда фаровонлик, кут-барака бўлади. Ғарб олими Т.Парсонс «ижтимоий тузумнинг



барқарорлиги қоидалари»ни ишлаб чиқишга ҳаракат қилиб, ҳар қандай **барқарор жамиятнинг** ижтимоий тузилишини ташкил этадиган элементлар фаолияти **ўзаро уйғун** бўлиши шарт. Ана шу **уйғунлик** доимий барқарорлик омилидир»<sup>220</sup> деган. Жамиятимизда тараққиёт ва барқарорлик гарови муроса фалсафасидир.

Муроса – хилма-хил ва ранг-барангликни қабул этиш ва уларга Умумий Гўзалликнинг бир жабҳаси сифатида қараб, эъзозлаб, улар билан уйғун бўлиб яшашдир. Тасаввуф аҳли муросани жуда кенг маънода тушунган ва уни инсоннинг инсоний моҳияти сифатида қадрлаган. Уларнинг асарлари асосида муросани қаерларда намоён бўлишига қараб қуйидаги кўринишларида гуруҳлаш мумкин:

1. **Инсоннинг борлиқ билан муносабатдаги муроса** – инсоннинг бутун борлиққа муҳаббати ва уйғун ҳаракати.

2. **Оила аҳли муросаси** - оила эшигининг ва оила аҳли қалбининг очиқлиги.

3. **Маҳаллий одамлар орасидаги муроса** - қон-қариндош, қўни-қўшни, турли дин ва миллат вакилларининг ҳамжамият ва ҳамкорликда ва ўзаро ёрдам қўлини чўзиб яшаши.

4. **Ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик** - мамлакат аҳлининг бир-бирининг урф-одат, эътиқод, ғояларни тан олиб, ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши.

5. **Халқлар ва давлатлараро муроса** - миллати, ирқи, жинси даражаси, яшаш жойидан қатъи назар бирлик ва дўстликда яшашдир.

**Тасаввуф аҳли таълимотидаги муросани қуйидаги йўналишларга тавсиф этиш мумкин:**

1. **Этно – психологик** – ҳар бир халқ, қабиланинг урф-одат, қадрият руҳий ўзига хослигини тан олиш, қадрлаш, ҳурмат этиш, қабул қилиш.

2. **Миллий** – турли миллатларнинг ёнма-ён тенг ва дўст яшаши.

3. **Ирқий** – турли ирқларнинг тенг ҳуқуқлигини тан олиб, улар билан баҳамжиҳат яшаш.

4. **Жинсий** - жинслар ўртасидаги тенгликни тан олиш, аёлларни эъзозлаш, қадрлаш.

---

<sup>220</sup> Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар, (қисқа изоҳли тажрибавий луғат). –Т.: Янги аср авлоди, 2002. 14-бет.

5. **Диний** - хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир манзили маконда эзгу ниятлар билан ҳамкор ва муросада яшаши.

6. **Иқтисодий** - иқтисодий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, тенг муносабатга асосланган ҳамкорлик.

7. **Ижтимоий-сиёсий** - жамиятдаги мол-мулки, нуфузи сиёсий қарашларига қарамай тенг сифатида тан олиш ва шунга мос амал қилиш.

8. **Умуминсоний** – барча инсонларни эъзозлаш, қадрлаш ва тенг муносабатда бўлиш.

9. **Умумбашарий** – табиатдаги барча мавжудотларни қадрлаш.

Бу ғояларни амалга ошириш ирқ, элат, миллат, аҳоли қатлами, динлар, жинслардан қатъи назар барча ҳимоясизларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик сиёсатини қоралайди ва Оллоҳ сифатларини олиб, баравар эзгу муносабатда бўлишга чақиради. Бутун яратилганларга тенглик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат билан қараш, бир-бирини қадрлаш, имконият ва салоҳиятларини униб-ўсишига имкон бериш, эъзозлаш, севиш, меҳр-муҳаббатли бўлишга чорлайди.

Тасаввуф аҳли мураса фалсафаси мағзида **қалб поклиги** ва **илоҳий ишқ** тушунчалари ётади.

Нақшбандия таълимотидаги мураса фалсафаси тор-доирада фикр ва амал қилувчи ақидапараст, атеист ёки теист, кўр-кўрона тақлид, мурасасиз бўлиш, анархист бошқалар манфаатини ва қадриятини ўйламаслик ва улар билан ҳисоблашмаслик, зўравонлик, тартибсизлик, манманлик, фундаментализм, экстремизм, терроризм, тажовузкорлик, шовинизм, ирқчилик, фашизмга қарама-қарши турадиган инсонларни бутун борлиқ билан ҳамжиҳат, ҳамкор, бир-бирини тушуниб, мураса-мадорада яшашга чорловчи – Гўзаллик, Муҳаббат, Уйғунлик таълимотидир. **Мураса асосида илоҳий ишқ** турса, унга қарши хислатлар асосида **нафси аммора туриши** ва шу нафс инсонни тор ўйловга чорлашини уқтирилади. Мураса - ҳурлик ва эркинлик йўли бўлиб, мажбурлаш, камситиш, зўрлаш, шахсиятига аралашишга қарама-қарши туради.

Бу таълимотда ўзга қараш ва ранг-баранглик табиий деб қабул этилади, тан олинади, уларга бефарқ муносабатда

бўлмасдан, ундаги Гўзалликлардан баҳра олинади, эътиборли бўлади. Шу билан бирга Илоҳий моҳиятни кўриб, **ўзлигини сақлаш**, ўз урф-одат ва эътиқодида қолиш ҳам тавсия этилади. Чунки ҳар бир мавжудотнинг ўз ўрни ва ўз вазифаси борлиги таъкидланади.

Тасаввуф таълимотидаги мураса фалсафаси мамлакатимиз ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорлик бўлишига ёрдам берувчи кучли **иммун тизимидир**. Ундаги кенг маънодаги мураса миллатчилик, маҳаллийчилик, уруф-аймоғчилик, ирқчилик, аёлларни хўрлаш ва зўравонлик, фашизм, иқтисодий экспансия, геноцид, вандализм, гегемонизм, мутлақлаштириш, волюнтеризм, ақидапарастлик, экстремизм ва терроризмга қарама-қарши турувчи ғоядир.

Мураса фалсафаси ижтимоий ҳимояни тақозо этади. Бу саҳоватпешалик каби хислат билан безанишини Абдулхолиқ Ғиждувоний шундай таъкидлаганлар:

Он кас, ки зи асбоби жаҳон фард бувад,  
Бо ҳамияти ў рўи замин гард бувад.  
Ҳар чанд, ки Ҳақ диҳад, ато созад Холиқ,  
Он кас, ки кунад базл, жавонмард бувад<sup>221</sup>.

#### **Мазмуни:**

Жаҳоний боғланишлардан фард бўлган киши,  
Ҳимматидан ер юзи зарра кабидир.  
Ҳақ қанча берса, Холиқ ато этса-да,  
Эҳсон, бахшиш қиладиган жавонмард кабидир.

Бу мисралар орқали Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳимматли киши учун бутун дунё қалбига жо эканлиги, муҳтож, етим, бева-бечораларга эҳсон, ҳадя, хайр, бахшиш қилиш ва шунинг учун **жавонмард** эканлиги таъкидланмоқда. Жавонмард футувват аҳлига нисбатан қўлланган ва Оллоҳ севган **эр** киши деган маънони англатади. Ғиждувоний ёзади:

Гар бар дилат аз касе шикоят бошад,  
Дарди дили ту аз ў бағоят бошад.

---

<sup>221</sup> Абдулхолиқ Ғиждувоний. Маслак ал-орифин. Бухоро; Ибн Сино номидаги вилоят кутубхонаси. Қўлёзма – В – 20а.

Зинҳор ба интиқом машғул машав,  
Бадро бади хеш кифоят бошад<sup>222</sup>.

**Мазмуни:**

Юрагингда бировдан шикоят бўлса,  
Қалбингда кўп ундан дард бўлса.  
Зинҳор интиқом билан машғул бўлма,  
Ёмонлигининг ўзи унга кифоядир.

Бу мисралар кечиримли бўлиш, ёмонга нисбатан эзгу йўл тутиш каби мурасага чорлайди. Чунки яхши киши Оллоҳдан шундай яралганига шукур этиши, ёмондан юксакроқда туриб, оламга кенг назар билан қараши, қувватларини эзгу ишларга сафарбар этиши лозим. Шунингдек, ҳаётдаги ҳар бир воқеа – ҳодисани таҳлил этиб, уни моҳиятини англаш керак.

Озор бермаслик мураса фалсафасининг асосидир. Бу ҳақда Хожаи Жаҳон шундай таъкидлаганлар:

Чун мегузарад умр камозори беҳ,  
Чун медиҳадад даст, накўкори беҳ.  
Чун киштаи худ ба дасти худ медарави,  
Тухме, ки накўтар аст, агар кори беҳ<sup>223</sup>.

**Мазмуни:**

Умр ўтар экан, озор бермаслик яхшидир,  
Қўлдан келар экан, эзгу иш яхшидир.  
Ўзинг эқканингни қўлинг билан ўраркансан,  
Яхши уруғликни эқмоқ яхшидир.

Яхши уруғ – меҳрибонлик, раҳмлилик, озор бермаслик, ёрдам қўлини чўзиш, оғир дамда ҳамдам бўлиш кабиларни тарғиб этиб, Ғиждувоний қалбни поклашга чақиради. Ғиждувоний муросали бўлишга чақириб яна шундай ёзади:

Аз хислати бад агар муаззаб боши,  
Бо халқи жаҳон жумла муаддат боши.  
Бо неку бади жаҳон ба раҳмат мебош,  
То назди худо абди муқарраб боши<sup>224</sup>.

---

<sup>222</sup> Тарихи Муллозода. – Техрон. 1360 й. 46-бет.

<sup>223</sup> Ўша жойда.

<sup>224</sup> Абдухолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. Ўз ФАШИ. Қўлёзма. №3644

**Мазмуни:**

Ёмон хислатдан покланган бўлсанг,  
Жаҳон халқи билан одоб билан муомалада бўлсанг.  
Яхши ёмон билан раҳматда бўл,  
Шунда худо олдида энг яқин банда бўласан.

Ғиждувонийнинг диний мураса ғояси қуйидаги самоъ, яъни доира, най-садолари остида рақс билан зикр этишга муносабатидан намоён бўлади:

Инкор макун самоъ ва мақбул мадор,  
Илло зи касе, ки зиндадил бошад ёр.  
Гар нафси ту мурда нест аз шуҳрату оз,  
Бо савму салот бошу дигари бигзор<sup>225</sup>.

**Мазмуни:**

Кимнинг қалби тирик бўлса гар,  
У самоъни инкор этмасин ва мақбул деб ҳам билмасин.  
Лекин шуҳрат ва кибрдан нафси ўлмаган бўлса,  
Рўза ва намозда бўлиб, бошқасини қилмасин.

Ғиждувоний ғояларини давом эттирган Амир Кулол шундай деган:

Маёзор мўру, маёзор кас,  
Раҳи росткори ҳамин асту бас.

**Мазмуни:**

Бирор ҳашаротга ҳам, кишига ҳам озор берма,  
Тўғри, ҳақ йўл шудир.

Сўфийлик тариқатларидан бири бўлган нақшбандия таълимотида ҳам мураса ғояси асосий бўлиб ҳисобланади. "Мақомот"да келтириладигани, Баҳоуддин Нақшбанд ёнларида кунлардан бир кун овоз чиқариб, мусиқа садолари остида зикр қиладиганларни олиб келадилар. Нақшбанд ўтириб тинглайдилар ва айтадилар "Мо ин кор намекунем ва инкор намекунем". Яъни "Биз бу ишни қилмасмиз, лекин уни инкор ҳам қилмаймиз". Баҳоуддин бу билан ҳар бир киши ўзига хос йўл билан Оллоҳга боришини

<sup>225</sup> Абдуҳолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. Ўз ФАШИ. Қўлёзма. №3644.

кўрсатган ва мураса билан тасаввуфнинг бошқа тариқатларига муносабатда бўлган.

Манбаларда ёзиладики, Баҳоуддин Нақшбанд ўз шогирдларига қуйидаги байтни айтиб юриш ва унга амал қилишни буюрганлар:

Некувонро дўст дорад ҳар ки бошад дар жаҳон,  
Гар баданро дўст дори, гўй бурди аз миён<sup>226</sup>.

**Мазмуни:**

Яхшиларни жаҳондаги ҳамма кишилар эъзозлайди,  
Лекин сен ёмонларни ҳам яхши кўрсанг, ғалаба қиласан.

Бу мисралар мураса фалсафаси ғоясини моҳиятини очади. Кўпинча бошқа дин, ирқ, миллат, урф-одат ҳаракатларини тушунмай, уни инкор этиш ва унга қарши туриш ҳолатлари бўлади. Бу мисралар дунёдаги ҳар бир кишини тушунишини ва унга эзгу ният билан муомала қилишга чақиради ва кечиримли бўлишни тарғиб этади.

Баҳоуддин Нақшбанддан: "Дарвешлик нима?"-деб сўраганларида, айтар эдилар: "Дарвешлик ташқаридан беранг ва ичдан бежанг бўлишдир".

То дар ин ҳирқаем, аз ҳеч кас мо,  
Ҳам наранжему, ҳам наранжонем.<sup>227</sup>

**Мазмуни:**

То дарвешлик либосида эканмиз биз,  
Ҳеч кимни ранжитмасмиз ва ҳеч кимдан ранжимаймиз.

Бу мисралар мураса фалсафаси қирраларини очади. Дарвеш ичдан беранг дегани - уни ичида нафрат, ҳасад, ғазаб, кина каби иллатлар йўқ, уни ичи илоҳий сифатлар билан безанган. Натижада унинг ташқи томонидан ҳам фақат эзгу ҳаракатлар амалга ошади, у барча дин номояндаларини ҳолатини тушунади ва улардан ранжимайди ва уларни ранжитмайди.

<sup>226</sup> Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон. Тошкент: Ёзувчи, 1993. 62-бет.

<sup>227</sup> Ўша асар. 97 – бет.

У учун инсонлар орасида диний, миллий, ирқий, жинсий, мулкый тафовут йўқ. Ҳамма Оллоҳ яратган хилқат, шунинг учун уларга эзгу муносабат тақозо этилади.

Манбаларда яна Баҳоуддинни шундай сўзлари борки, Тангри яратган барча нарсалар кераклидир. Масалан, дарахтнинг меваси бўлмаса-да, лекин унинг соясида одамлар ҳордиқ чиқарадилар, баҳра оладилар, шох - шабадаларини уй қуришда, ўтин сифатида фойдаланадилар. Шунинг учун барча яралган нарсаларни асраш, авайлаш, улуғлаш лозим.

Баҳоуддин Нақшбанднинг мураса ғояси асосида "вуқуфи адади" тамойили туради. Вуқуфи адади - вуқуф – огоҳлик ва адад - сон сўзларидан олинган бўлиб, сондан огоҳлик маъносини билдиради. Бу талабнинг моҳияти оламнинг асли ягона Оллоҳ эканини англаш, тавҳид моҳиятига етишдир.

Модомики бутун олам-борлиқ ягона илоҳий асосга эга эканлиги, бор нарсалар унинг тажаллиёти, кўринишлари, зоҳир бўлиши экан, ҳар бир нарсага қараганда унинг илоҳий аслини кўриш лозим ва у билан мураса қилиш лозим.

Баҳоуддиннинг юқорида зикр этган ғоялари бутун борлиқнинг асоси бир эканлигини исботлайдилар. Бу ғоялар Саъдий Шерозийнинг қуйидаги мисралари билан ҳамоҳангдир:

Бани одам аъзои яқдигаранд,  
Ки дар офариниш зи як гавҳаранд.  
Агар узверо ба дард оварад рўзгор,  
Дигар узвҳоро намонад қарор.

#### **Мазмуни:**

Бутун одамлар ягона аъзо кабидир,  
Чунки яратилмиш асослари бир гавҳардир.  
Агар бир узвни оғритса рўзгор,  
Бошқа узвларида ҳам қолмас қарор.

Нақшбандия таълимоти инсонни ўз-ўзини нисбатан тана ва руҳи, ақл ва ҳиссиёти нисбатан ҳам мурасали муносабатни тақозо этади. Нақшбандия хушёрлик йўли бўлиб, улар Боязид Бастомийнинг сукр-мастлик йўлини инкор этадилар. Уларнинг руҳий сайру сулуки: Оллоҳга сайрдан бошланиб, Оллоҳда, Оллоҳ билан ва Оллоҳдан сайр бўлади. Улар фано ҳолатдан бақога ўтиб, доим огоҳ ва хушёр бўладилар. шунинг учун бу

тариқатда " Ҳуш дар дам", "Назар бар қадам", "Сафар дар ватан", "Хилват дар анжуман" асосий ҳаётбахш рашҳалардир.

Нақшбандия тариқатида бутун тасаввуф аҳли каби "Худшуноси худошуноси аст", яъни "ўзингни, ўз нафсингни танисанг Роббинани, парвардигорингни танийсан" дейилади. Шунинг учун буларда нафси амморани йўқотиб, лаввома, мулҳима, мутмаина, розия, марзия ва сафия даражасига юксалтирадилар. Яъни солиқ ўзининг жисмоний, нафсоний, ақлий қувватлари билан руҳий қувватларини уйғун этиб, Ҳақ ризолиги йўлига равона этади. Улар "Худоё мақсуди ман туи ва ризогии ту", яъни "Оллоҳим, менинг мақсадим сенсан ва сенинг ризолигингни тилайман" деб, доимо зикр, фикр ва шукур амалларини бажарадилар. Ҳар бир ишларини назорат этиб, гуноҳ бўлса тавба қилиб, мақбул бўлса шукур қилиб, ўзларини мувозанатда сақлайдилар.

Нақшбандия тариқатининг яна бир афзаллигига "Сафар дар ватан" - рашҳаси илоҳий сифатларни олишга эътибор беради ва беҳуда сафар, ҳижратни инкор этади. Бу ҳам уларни жамият манфаати йўлида меҳнат қилишга имкон беради.

Шунингдек, нақшбандияда хуфий зикр, ихлос ва сидқ асос бўлганидан уларда "Зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ" билан деб қалб поклиги учун риёзат чекканлар. Лекин ташқи томондан бошқа мусулмон ва инсонлардан фарқ қилмаганлар. Шунинг учун уларда махсус кийимлар бўлмаган.

Нақшбандия йўлининг афзаллиги шундаки, у камолотга етказишда инсоннинг руҳий ҳурлигига асосланади. Ҳурлик муроса фалсафасининг асосий тушунчасидир. Тариқатларни тадқиқ этган англиз олими Дж.С.Трименгэм уларни шахсга таъсирига қараб учга бўлган:

1. Хонақоҳ – Оллоҳга бўйсунуш.
2. Тариқа – қоидаларга бўйсунуш.
3. Тоифа – шахсга бўйсунуш.<sup>228</sup>

Лекин Тримингэм тоифа босқичи даврида ҳар учала кўриниши амал қилганини қайд этган. Хонақоҳ – Оллоҳга бўйсунуш босқичини у тариқатларнинг тараққиётида олтин давр деб атаган, чунки шахс фақат Оллоҳга бўйсунган ва унинг

---

<sup>228</sup> Қаранг: Тримингэм Дж.С. – Суфийские ордене в исламе Перевод, б. англ. А.А.Ставиской – М.: Наука, 1979 – С. 90-91.



ризолиги учун ҳаракат қилган ва ҳақиқий ҳур бўлган. Иккинчиси – тариқада шахс маълум жамоанинг қонун-қоидаларига бўйсунган. Бу эса шахс эркинлигини доирасини қисқартиртирган. Учинчи – тоифада шахс пири, шайхига тўла қарам бўлган ва бу эса тўла руҳий қулликка олиб келган. Бу ҳолат тариқатларни таназулга юз тутишига олиб келган. Чунки учинчи даврда тариқат табиий тараққий этадиган жараён хусусиятини йўқота бошлаган ва уларнинг фақат шакли сакланиб, улардан мазмуни сиқиб чиқарилган. Тадқиқотлар кўрсатадики, нақшбандия тариқатида шахс доим руҳан эркин бўлиб, фақат Оллоҳга бўйсунган. Шунинг учун бу тариқат жаҳон миқёсида кенг тарқалган ва ҳозирги кунгача сақланмоқда. Нақшбандия ҳақиқий комиллик йўли бўлган ва шакли мазмунига мос келган. Тариқатдаги увайсийлик ва робита бунга имкон берган.

Турк олими Усмон Турар “мумтоз” тариқатлардан бири деб<sup>229</sup> таърифлаган. Ислом қомусида нақшбандия бошқа тасаввуфий таълимот ва тариқатларга ўхшаш бўлсада “уни увайсийлик ва робита каби мўъжиза билан бойитди”,<sup>230</sup> деб қайд этилган.

Нақшбандия тариқатида руҳий эркинлик мавжудлигини иккита далил кўрсатади:

1. Нақшбандия тариқатида фақат бир шайхгагина бўйсунуш шарт бўлмаган. Масалан, Баҳоуддинга Амир Кулол ўзидаги бор билимларини берганидан кейин унга руҳсат беради ва айтадики, сиз руҳий камол учун туркми ёки тожикми ким бўлсада устоз топинг. Баҳоуддин Ориф Деггаронийдан 7 йил, Қусам Шайхдан 5 ой таълим олганлар. Демак, бу тариқатда шогирд руҳий камолотида шайх танлаш ва уларга боғланишда эркин бўлган.

2. Нақшбандия тариқатида шайх ва жамоадаги қоидаларга шогирд тўла бўйсунуши шарт бўлмаган. У Оллоҳгагина бўйсунган. Масалан: “Баҳоуддин Нақшбандга Абдулхолик Ғиждувоний яширин, хуфия зикр талқинини буюрганлар. Нақшбанд Амир Кулолга мурид бўлиб, халифалари даражасига етган. Лекин Амир Кулол жамоасида жаҳрия зикр бўлган. Шунинг учун зикр вақтида Баҳоуддин ажралиб, алоҳида хуфия

---

<sup>229</sup> Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999, 107-108-бетлар.

<sup>230</sup> Ислом энциклопедияси. 9-том. Истамбул; 1954. 54-бет.

зикрларини бажарган. Шунга қарамай, Амир Кулол ўлимдан олдин шогирдларига Нақшбанд изидан боришга ва у билан боғланишга васият қилганлар. Шогирдлари Амир Кулолга Баҳоуддин зикрда сизга бўйсунмади деганларида, Нақшбанддаги барча ҳаракатлар Оллоҳ иродаси билан бўлганлигини тушунтирганлар. Демак, нақшбандия йўлида руҳий камолот талабида бўлган шахс эркин бўлган.

Нақшбандия комилликка этувчи йўлларнинг энг яқин ва мукамалларидан бўлганлиги ва инсонга нисбатан муроса фалсафаси нуқтаи назарида турганлигига қуйидагилар далилдир:

1. Нақшбандия йўлини танлаган шахс жисмонан эркин бўлган ва камол топа олган. Чунки ҳалол луқма, овқатланиш, ухлаш ва гапиришда меъёрни сақлаш талаби инсондаги жисмоний, таний қувватлардаги барча имкониятларни очилишига ва эзгулик йўлига хизмат қилишига имкон берган.

2. Бу йўл таълимоти ва амалиёти натижасида инсондаги нафсоний қувватлар – камол учун хизмат қилади. Аммора нафс талабларини йўқотиб, лаввома, мулҳима, мутмаина, розия ва марзиядан сафия даражасигача камолга етказилади. Инсон нафсоний қувватлари эзгуликка хизмат қиладиган бўлади ва ўсимлик, ҳайвонот ва бутун табиат билан уйғун ҳаракат вужудга келади.

3. Бу йўл инсон ақлини камолига йўл очган. Чунки, бу ҳушёрлик йўли мастлик, жазабага асосланмаган йўлдир. Бу йўл ақл, идрок, зеҳн, хотирага зулм қилмасликка асосланади. У фано ҳолатидан бақога олиб келади ва Ҳақа етган ҳар бир кишини яна халқ учун керакли қилади, инсонни доимо ўз-ўзини назорат қилишга, мушоҳада қилишга асосланади. Инсон доимо фикр жараёнида бўлади.

4. Бу йўл инсон қалбини тўла очади ва руҳий камолга имкон беради. Чунки бу йўл чин ихлосга асосланади. Хуфия зикр ва ҳалол луқма, меҳнат билан кун кўриш инсонни риёдан поклайди. Инсон қалби сокин бўлади, ҳасад, кибр, таъма каби иллатларни вужудга келишига имкон бўлмайди. Қалб барча дунёвий ва охират боғланишлардан мусаффо бўлиб, Оллоҳгагина боғланади.

5. Нақшбандия тариқатини танлаган солиқ моддий жиҳатдан мустақил бўлган. Чунки унинг ўз ҳунари бўлиб, унинг орқасидан

ўзини, оиласини таъминлай олган ва ўзгаларга ҳам зарурий вақтда ёрдам бериб билган. Тариқатдаги “Даст ба кору, дил ба Ёр” яъни “Қўл ишдаю, қалб Оллоҳда” шиори, “хилват дар анжуман” рашҳаси бунга имкон берган.

6. Бу йўлдан бораётганлар жамиятда эркин бўлганлар. Чунки улар ўз ота-она, оила, қон-қариндош ва жамоаси олдидаги бурчларини, ҳақларини тўла адо эта олган. Уларнинг зикри хуфия бўлганлиги учун ва хилвати анжуманда бўлганлиги, чилла ва ўз-ўзини тарк этгани, самоъ ва жаҳрия зикрни инкор этганлари учун, зоҳиран халқ билан ва ботинан Ҳақ билан гўзал йўлни йўлчиси сифатида жамиятнинг ҳурматиغا сазовор бўлганлар.

7. Бу йўлдагилар ҳар бир нафасини эҳтиёт қилганлари туфайли вақтини бухуда сарфламаганлар. Бу эса моддий ва маънавий меҳнатларини самарали қилган. Бу йўлдагиларнинг урф-одатлари жамиятга мақбул бўлган. Натижада улар кўпни ҳурматиغا сазовор бўлганлар. Шайхи, пири устозидан илоҳий қувватлардан файз олишни, Оллоҳга таважжуҳ қилиш, яъни тўла юзланишини, хуфия зикр сирларини ўрганади ва мустақил ҳолатда жамоада меҳнат жараёнида фақат Оллоҳга бўйсуниб, унинг ризолиги учун, холис амал қилиб яшайди. Бу тариқатда инсон фақат Оллоҳга бўйсунанади.

Демак, нақшбандия таълимоти инсонни комилликка етказадиган энг яқин ва энг яхши йўлдир. Зеро, комиллик мукамаллик, мақсадга мувофиқлик, уйғунлик йўлидир. Бу йўл инсондаги бутун таний, жисмоний, моддий, нафсоний, ақлий, руҳий қувватлари мақсадга мувофиқ, бутун борлиқ манфаатларига мос сарфланишига йўл кўрсатади. Бу таълимот инсонни кенг бутун борлиқ тизимида уйғун ҳаракатга бошлайди. Шунинг учун нақшбандия таълимоти ғояларини ёшлар қалби ва руҳиятига сингдириш зарур.

Хулоса қилиб шундай ғояларни илгари суриш мумкин:

- Шарқда мураса фалсафаси – ҳамжиҳатлик, ҳамфикрлик ғоялари қадимдан вужудга келган.
- Тасаввуф таълимоти мураса фалсафасига асосланган.
- Нақшбандия таълимоти мураса фалсафасидир.
- Синергетика ғоялари билан нақшбандийлик таълимотини қиёсий ўрганишни давр тақозо этади.

Нақшбандия таълимотини мураса фалсафаси эканлигига қуйидагилар асос бўла олади:

- Нақшбандия таълимоти асосида ваҳдати вужуд туради. Ваҳдати вужуд борлиққа оид қарашлар тизими бўлганлигидан бутун оламдаги воқеа – ҳодисалар уйғун, мос, мувофиқ яратилганлиги ва шу сифат ва хусусият билан мавжудлиги тан олинади.
- Бутун борлиқ илоҳий моҳиятга эга эканлиги, ягона моҳиятни тажаллий этиши сабабли, уни севиш, ардоқлаш, эъзозлаш ва муҳаббат билан муносабатда бўлишни тақозо этади.
- Инсонга берилган ҳар бир узвнинг ҳикмати борлиги назарга олиниб, уни фаолликка ундайди. Оила, маҳалла, жамият учун наф келтирувчи шахс тарбияланади.
- Нақшбандия бутун борлиқ, жамият ва инсонларга мурасали муносабатни тақозо этади. Бу таълимот уйғунлик, мувофиқлик йўлидир.

## ХУЛОСА

Нақшбандия XIV аср иккинчи ярмида вужудга келган тасаввуфий таълимот ва тариқатдир. Уни Баҳоуддин Нақшбанд номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий (1318-1389) асослаган. Бу таълимот ўзидан олдин ўтган ва инсон камолотига хизмат қилган барча ғоялар, хусусан хожагон ва яссавия ғояларига асосланган ва уларни ривожлантириб такомиллаштирган. Бу тариқатнинг бошқа сўфийлик йўллари билан умумий томонлари билан биргаликда қуйидаги **ўзига хос хусусиятлари борлиги** маълум бўлади:

**1. Нақшбандия – “мумтоз” тариқатларнинг охиргиси.** Турк олими Усмон Турар уни “мумтоз” тариқатлардан бири<sup>231</sup> деб туърифлаган. Нажмиддин Комилов нақшбандияни тариқатларнинг охиргиси деган ва шундай изоҳ берадилар: “Нақшбандиядан кейин тасаввуф тарихида бошқа силсила вужудга келган эмас. Эрон ва Ҳиндистонда айрим янги тариқатлар шаклланган, лекин улар шахобчалар бўлиб, тасаввуф учун янги назарий ва амалий йўналиш бермаган. Умуман XV асрдан кейин тасаввуфнинг назарий – фалсафий жиҳати сўна бошлаган”<sup>232</sup>. Шунинг учун нақшбандияни тариқатларнинг зубда ва хулосаси<sup>233</sup> деганлар.

**2. Мазмуни шакли мос бўлган, моҳияти инсон камолотига ёрдам берадиган тариқат.** Тадқиқотлар кўрсатадики, нақшбандия тариқатида шахс доим руҳан эркин бўлиб, фақат Оллоҳга бўйсунган. Шунинг учун бу тариқат жаҳон миқёсида кенг тарқалган ва ҳозирги кунгача сақланмоқда. Нақшбандия ҳақиқий комиллик йўли бўлган ва шакли мазмунига мос келган. Тариқатдаги увайсийлик ва робита бунга имкон берган. Шунинг учун “Исломи қомуси”да нақшбандия бошқа тасаввуфий таълимот ва тариқатларга ўхшаш бўлсада, уни увайсийлик ва робита каби мўъжиза билан бойитди,<sup>234</sup> деб қайд этилган.

<sup>231</sup> Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. Тошкент: Истиқлол, 1999. 107-108-бетлар.

<sup>232</sup> Комилов Н. Комиллик тариқати // Тафаккур. 1998 – Ш. 61-бет.

<sup>233</sup> Қаранг: Жалол Хиравий. Рисолаи раҳнамои уқдакушои. //Моле М. Нақшбандиёт. 285-243-бетлар.

<sup>234</sup> -Таҳсин. Ёзувчи. Нақшбанд // Исломи энциклопедияси. 2-том. Истанбул, 1954. 54-бет.

**3. Меъёрдаги камолот йўли.** Тариқат аҳли шариатга, касб-ҳунарга, меҳнатга, инсоннинг жисми, руҳи талабларига меъёрида муносабатда бўлганлар. Нақшбандия йўлини танлаган шахс жисмонан эркин бўлган ва камол топа олган. Чунки ҳалол луқма, овқатланиш, ухлаш ва гапириш меъёрни сақлаш талаби инсондаги жисмоний, таний қувватлардаги барча имкониятларни очилишига ва эзгулик йўлига хизмат қилишига имкон берган.

**4. Ҳушёрлик йўли.** Нақшбандия мастлик, жазабага асосланмаган йўлдир. Бу йўл ақл, идрок, зеҳн, хотирага зулм қилмасликка асосланади. У фано ҳолатидан бақога олиб келади ва Ҳақа етган ҳар бир кишини яна халқ учун керакли қилади. Инсонни доимо ўз-ўзини назорат қилишга, мушоҳада қилишга асосланади. Инсон доимо зикр жараёнида бўлади.

**5. Ҳурлик ва эркинлик йўли.** Бу йўлдан бораётганлар жамиятда эркин бўлганлар. Чунки улар ўз ота-она, оила, қон-қариндош, ва жамоаси олдидаги бурчларини, ҳақларини тўла адо эта олган. Уларнинг зикри хуфия ва хилвати анжуманда бўлганлиги, чилла ва узлатни тарк этгани, самоъ ва жаҳрия зикрни инкор этганлари учун, зоҳиран халқ билан ва ботинан Ҳақ билан бўлган гўзал йўлни йўлчиси сифатида жамиятнинг ҳурматига сазовор бўлганлар. Нақшбандия йўлидаги инсон руҳан ҳур бўлади. Чунки у шайхи, пири устозидан илоҳий қувватлардан файз олишни. Оллоҳга таважжуҳ қилиш, яъни тўла юзланишни, хуфия зикр сирларини ўрганади ва мустақил ҳолатда жамоада меҳнат жараёнида фақат Оллоҳга бўйсуниб, унинг ризолиги учун, холис амал қилиб яшайди.

**6. Хуфия зикрга асосланган йўл.** Нақшбандия аҳли суннат эътиқодига амал қилувчи тариқат бўлиб, хафий зикрга асосланган. Зоҳирда кўзга ташланадиган хатти-ҳаракатлар бу тариқат аҳли учун асосий бўлмай, суҳбат ва робитага эътибор беради. Бу тариқатда ҳар бир киши алоҳида хуфия зикр этади ва маълум кунларда биргаликда суҳбатга йиғилади. Кўпчилик билан қилинадиган нақшбандия зикрига “Хатми хожагон” дейилади. Хатми Хожагон нақшбандия тариқатида ижро этиладиган зикр. Бу шайхнинг ишораси билан 5 ё 15 марта истиғфор айтиб

бошланади. Юмуқ кўзлар билан робита қилиб, қалбга назар солинади. Ўнгдан етти киши “Фотиҳа” сурасини ўқийди. Кейин юз марта “Салавоти шариф”, етмиш тўққиз марта “Иншироҳ”, минг бир марта “Ихлос” сураси ўқилади. Шундан кейин чапдан етти киши “Фотиҳа” ўқийди. Кейин юз марта салавот келтириб, охири Қуръон тиловат этилади ва шайх қилган дуога барча омин деб зикр ниҳоясига етади. Хатм асносида “вуқуфи қалбий”га эътибор берилганидек, силсиласининг ва улуғ машойихнинг ҳам руҳан бу мажлисда ўтирганларини ўйлаб одоб сақланади.<sup>235</sup>

**7. Жамият иқтисодий ва маънавий тараққиётига ёрдам берувчи йўл.** Нақшбандия тариқатини танлаган солиқ моддий жиҳатдан мустақил бўлган. Чунки унинг ўз хунари бўлиб, унинг орқасидан ўзини, оиласини таъминлай олган ва ўзгаларга ҳам зарурий вақтда ёрдам бериб билган. Тариқатдаги “Даст ба кору, дил ба Ёр” яъни “Қўл ишдаю, қалб Оллоҳда” шиори, “хилват дар анжуман” – рашҳаси бунга имкон берган.

**8. Зиёратгоҳлари жаҳонга машҳур бўлган тариқат.** Нақшбандлар яшаши ва таълим олиши учун махсус хонақоҳлар вужудга келди. Шайхлар қабрлари атрофи обод этилиб, улар зиёратгоҳларга айлантирилди. Бухорода Абдулхолиқ Ғиждувоний, Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобойи Самосий, Амир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд, Чор Бакр, Самарқандда Хўжа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзам ва бошқа зиёратгоҳлар обод этилди ва бутун ислом олаmidан ҳозирги кўнгача келиб уларни тавоф этадилар.

**9. Нақшбандия тушуниш ва тушунтириш йўлидир.** Мукаммал билим олиш сирлари ва услублари бу тариқат пири Баҳоуддин Нақшбанд ўғит ва қудсий каломларида қайд этилган.

**10. Нақшбандия инсонга ўз моҳиятини англашига ёрдам берувчи йўлдир.** Бу тариқат инсонни ўз-ўзини билиш ва бутун қувватларини бошқара олиш сирларини ўргатади.

**11. Нақшбандия мураса фалсафасидир.** Бу таълимот бутун борлиқ бани башар, жамият ва ўз-ўзи билан мураса, уйғунлик билан, мувофиқ бўлиб яшаш услуб ва йўлларини ўргатади.

---

<sup>235</sup> Гундуз И. Кумушхонавий Аҳмад Зиёвуддин. Истанбул, 1984. 274-бет.

Нақшбандия тариқати ижобий хусусиятлари борлиги учун жаҳонга кенг ёйилган ва қуйидаги номлар билан сақланган:

1. Баҳоуддин Нақшбанддан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга қадар нақшбандия;

2. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрордан Имом Раббонийга қадар нақшбандияйи – аҳрория;

3. Имом Раббонийдан Шамсиддин Мазҳарга қадар нақшбандия – мужаддидия;

4. Шамсиддин Мазҳардан Мавлоно Холиди Бағдодийга қадар нақшбандияйи – мазҳария;

5. Холиди Бағдодийдан кейин эса нақшбандияйи – холидия.<sup>236</sup>

Нақшбандия тариқати қуйидаги тўрт асос устига қурилган:

1. Шариат билан зоҳирни поклаш.

2. Тариқат билан ботинни поклаш.

3. Ҳақиқат билан қурби илоҳийга эришмоқ.

4. Маърифат ила Аллоҳга эришмоқ.

Шу билан бирга нақшбандия тариқатида 11 та асосий тамойиллар ҳам бор.

Нақшбандия ўзига хос йўли натижаси қуйидагиларда кўринади:

- Бошқа тариқатларда топиб охирига етадиган огоҳлик даражасига нақшбандия таълимоти ва амалиёти дастлабки қадамда етказган. Яъни у огоҳ,хушёр инсонни тарбиялашнинг энг мукамал йўлидир.

- Бу тариқат аҳли огоҳликни муҳофаза этиш орқали ҳар бир нафас ва, ҳатто нафаслар орасидаги вақтни ҳам эҳтиёт қиладилар. Нақшбандия таълимоти вақтни, умрнинг ҳар бир нафасини эҳтиёт қилишни ўргатади.

- Бу тариқатда “сафар” ва “ватан” тушунчалари ўзига хос уйғунлаштирилиб, руҳий камолот учун ватан бўлган вужуд бўйлаб сафар этиш, ундаги ёмон фазилатларни йўқотиб, камол топиш йўли орқали ҳақиқатга етишнинг энг яқин йўли кўрсатилган. Асосий мақсад эзгу хулқ-атвор бўлиб, унга ўз-ўзини англаш, тарбиялаш орқали етиш йўллари кўрсатилган.

-Руҳий камолотдаги “хилват” ва “анжуман” тушунчалари ўртасидаги муаммони ҳал этиб, холис, эзгу ният ила меҳнат билан баркамол бўлиш йўлини кўрсатиши орқали, тариқат

<sup>236</sup> Усмон Турар. Тасаввуф тарихи – Т.: Истиқлол, 1999. 108-109-бетлар.



аҳлининг жамият учун мукаммал меҳнат, яъни ҳам руҳий, ҳам жисмоний ҳаракат қилиб фойдали кишилар бўлишига олиб келган.

Демак, нақшбандия таълимоти инсонни комилликка етказадиган энг яқин ва энг яхши йўлдир. Зеро, комиллик мукаммаллик, мақсадга мувофиқлик, уйғунлик йўлидир. Бу йўл инсондаги бутун таний, жисмоний, моддий, нафсоний, ақлий, руҳий қувватлар мақсадга мувофиқ, бутун борлиқ манфаатларига мос сарфланишига йўл кўрсатади. Инсонни кенг бутун борлиқ тизимида уйғун ҳаракатга бошлайди.

Президентимиз томонидан 2007 йилни ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши таҳсинга сазовор иш бўлди. Ижтимоий ҳимояни тўғри ташкил этиш учун бу тизимни илмий жиҳатдан таҳлил этиб, уни амалга оширишнинг энг мақбул, энг унумдор услубларини топиш керак. Бу ишда ижтимоий ҳимоя тизимини тарихини ўрганиш, илғор тажрибалардан фойдаланиш яхши натижа беради ва бу йилнинг самарали бўлишга олиб келади. Ижтимоий ҳимоя узоқ тарих давомида шаклланган ва тадрижийлик хусусиятига эга бўлган тизимдир. Унинг турли кўриниши ва шакллари бор. Уруғ-қабилавий даврдан, жамоа бўлиб яшаш вақтидан ҳашар каби илғор тажрибалар мавжуд. Шундай бунёдкор тажрибалардан бири тасаввуф ва унинг тариқатларида мавжуд бўлган ҳимоя тизимидир.

Тасаввуф диний-фалсафий хусусиятга эга бўлган таълимот бўлиб, инсонни мувозанатда сақлаш, уйғун бўлиш, камолотга етишга ёрдам беради. Диннинг ўзи инсонни ижтимоий ҳимоясига мўлжалланган кучли бир тизимдир. Ислом динидаги хайрли иш, садақа, ҳадя, рўза фитри, закот, қурбонлик, ҳайитлик, савоб каби тушунчалар бева-бечора, ночор, муҳтож, қари, ногирон кабиларга меҳр-мурувват кўрсатиш, ёрдам бериш, уларни ҳимоя этишга мўлжалланган. Барча диний ташкилотлар ўз аъзоларини ҳимоя этадилар. Диннинг тўлдирувчилик, тасалли берувчилик, компенсаторлик, бирлаштирувчилик-интеграторлик, тартибга солиш, назорат қилиш, регуляторлик, алоқа боғловчилик функциялари шунга қаратилган.

Тасаввуф учун асосий қадрият инсон қалби ва унинг ботиний оламидир. Ислом дини аҳлининг турли оқим, мазҳаб, фирқаларга бўлинишлари, ибодатнинг зоҳирий томонларига эътибор бериш натижасида турли низо ва жанжалларни вужудга

келтириб, жамиятда парокандалик, бўлиниш, беқарорликни вужудга келтирди. Бу инсонлар ҳаёти учун хавф туғдирди. Миллати, дини, мазҳаби, жинси, ижтимоий ҳолатидан қатъи назар Оллоҳнинг яратган бандаси, деб ҳар бир инсонни эъзозлаш ва ҳимоя этиш тасаввуфга хос эди ва натижада аҳолининг ақлли, доно, зукко-хос қисми бу жамоа, тариқатлар билан боғланиб, тинч-сокин яшай бошладилар.

Тасаввуф тариқатларининг тажрибаларини таҳлил этиш натижасида уларда ижтимоий ҳимоянинг қуйидагича кўринишлари борлигини аниқладик:

**1. Иқтисодий ҳимоя.** Нақшбандия таълимотига кириш учун, аввало кишининг ҳунари бўлиши ва кейин таълимотни ўрганиши мумкинлиги талабининг ўзи, “Даст ба кору, дил ба Ёр” шиори иқтисодий ҳимоянинг муҳим белгиси эди. Чунки нақшбандия тариқатига кирмоқчи бўлган одам ўзи меҳнат қилиб, ҳалол луқма истеъмол этилиши талаб қилинар эди. Қодирия таълимотидаги “Машғуллик ила фориғлик” ҳам шундай мазмунга эга эди. Натижада бу тариқатдаги сўфийлар ўз динини сотмас, оиласи, қон-қариндош ва жамоасини ўз меҳнати билан қўллаб-қувватлар эди. Бу аҳолининг муҳтож қисмини шариатдаги закоту, фитри рўза, садақа ва хайру эҳсонга умид боғлаб туришдан минг карра кўпроқ ҳимоя қиларди ва фаол ҳаёт тарзига ундарди. Шунингдек, Хўжа Аҳрор каби шайхлар аҳолини солиқларини тўлаб, уларга ёрдам берган. Ҳозирги кунда ҳам Бухородаги Нақшбандлар ўз ҳунармандчилик кичик корхоналарни очиб аҳолининг маълум қисмини иш билан таъминламоқдалар. Бунга Олимжон Фозиловнинг кичик корхонаси мисол бўлади.

**2. Сиёсий ҳимоя.** Тариқат шайхлари подшо, хон, амирлар олдида жуда обрўли бўлганлар. Шунинг учун улар мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсир этиб билганлар. Бунга Хўжа Аҳрор, Маҳдуми Аъзам ҳаётлари мисол бўла олади. Уларнинг сиёсатга аралашувлари натижасида урушлар тўхтаган, халқ маълум солиқлардан озод бўлган.

**3. Маънавий-руҳий, психологик ҳимоя.** Барча тариқатларнинг ўз хонақоси, теке, махсус ибодат жойлари бўлган. Масалан, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд, Файзобод, Нодир Девонбеги хонақоҳлари. Бу ерда тариқат аҳли учрашиб, қалбдан суҳбат қурганлар, зикр қилганлар, болалари таълим

олган, тариқат сирларини ўрганганлар. Булар ҳаммаси бепул, холисона амалга оширилган.

**4. Тиббий ҳимоя.** Тасаввуф таълимоти ва амалиёти инсонни камолотга етаклайди. Натижада инсон руҳан соғлом бўлади. Устоздан таълим олиш таъсири билан тариқат аъзоси қалбидаги ҳасад, кина, ғазаб, нафрат, кибру ҳаво йўқолади, натижада улар орқали вужудга келадиган касаллар ҳам нест бўлади. Шунинг учун тасаввуф илмини руҳий, ботиний табобат деб ҳам айтадилар. Шайхлардан Баҳоуддинни Балогардон, Абдулқодир Гилонийни Ғавсул Аъзам, Пири Дастгир деб ном беришга сабаб улар ёрдамида касаллар соғайган, бефарзандлар фарзандли, ўғил ёки қиз истовчилар муродига етган. Бу ёрдамлар холис амалга оширилган. Шунингдек, тасаввуф огоҳликни чақириб маст бўлиш, гиёҳвандликни инкор этиш билан ҳам соғлом турмуш тарзини ҳимоя этади.

**5. Шайх ҳимояси.** Тариқат шайхлари ўз муридларини ҳимоя қилган. Масалан, Хўжа Аҳрор вақф ерларга эмас ўзининг шахсий мулкига таянгани учун эркин эди ва ўз муридларини ҳимоя қила оларди. Бу кўрсатадики, ҳақиқий ижтимоий ҳимоя бўлиши учун шахсий мулк ва мулкдорлар синфи ўсиши керак. Хўжа Аҳрор Нашбандия шайхлар ичида биринчи бўлиб, марказ очиб, шогирдларининг маънавий билим олгунларигача ўша ерга яшашларига имкон берди. Бу Хўжа Аҳрор қабрлари атрофидаги Нодир Девонбеги Мадрасасидир. Бу ҳақда немис олими Юрген Паул ўзининг Хўжа Аҳрорнинг ҳимоят тизими ҳақида ёзган мақоласида баён этган. Баҳоуддин Нақшбанд муридлари бир иш қилишдан олдин Оллоҳга мурожаат этиб, “Ё пирим”, “Ё ҳазрат Баҳоуддин” деб унинг руҳига мурожаат этганлар. Улуғ шайхлар зиёратгоҳларига ҳозирги кунгача аҳоли маънавий ҳимоя мақсадида бориб тавоф қилиши бу масалани чуқур мулоҳаза этишга ундайди.

Қодирия тариқатининг асосчиси Абдулқодир Гилонийнинг шогирдлари ҳалигача “Хатми ёздаҳ” ўтказиб,

Агар тўфон бигирад гирди олам,

Чи ғам дорад муриди Ғавсул Аъзам.

Мазмуни:

Агар бутун оламини тўфон эгалласа ҳам,

Ғавсул Аъзамнинг муридлари ғам емайдилар,

– деб ўқийдилар ва ўзларини Шайхнинг ҳимоясида деб ҳисоблайдилар.

**6. Диний ақидапарастликдан ҳимоя.** Зоҳирпарастлик, шаклпарастлик ақидапарастликка олиб боровчи йўлдир. Тасаввуф тариқатлари ботинга, мазмун-моҳиятга эътибор бериш, ҳушёр ва огоҳ бўлишга, ғафлатдан уйғонишга чақирганлар. Масалан: Баҳоуддин Нақшбанд “Ба зоҳир ба халқ, ба ботин бо Ҳақ” яъни “Зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ” билан бўлишга таклиф этиш орқали ташқи томонни асосий эмаслигини уқтиради. Шунингдек, унинг шундай мисраларини ҳам айтади:

Аз дарун шав ошнову, аз берун бегонаваш,  
Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.

Мазмуни:

Ичдан ошно бўлу, ташқаридан бегонадай тур,  
Бундай гўзал равиш, жаҳонда оз топиладур.

Демак, тасаввуф риёдан ҳам, ақидапарастликдан ҳам, ҳижобга берилиш ва экстремистик гуруҳларга тушишдан ҳам сақлайдиган кучли иммун тизим бўлиб, инсонни ботиний ва руҳий эркин бўлишига олиб келади. Яъни бу йўл ғоявий қуллик, тафаккур қарамлигидан озод этади.

**7. Мафкуравий, ғоявий, информация хуружлардан ҳимоя.**

Бу хуружлардан ҳимоянинг асосий воситаси инсоннинг онгли, ҳушёр, огоҳ бўлишидир. Инсонни нафсга берилишдан, ғафлатдан асрайдиган кучли тарбия мактаби тариқатлардир. Масалан: Баҳоуддин Нақшбанднинг “Ҳуш дар дам” ўғитини ўзи бир оламдир.

Баҳоуддин Нақшбанднинг шундай назмий ўғитлари бор:

Эй монда зи баҳри илм дар соҳил айн,  
Дар баҳр фароғат асту, дар соҳил шайн.  
Бардор сафи назар зи мавжи кавнайн,  
Огоҳ зи баҳр бош байнул нафасайн.

Мазмуни:

Эй, илм оламан деб денгиз соҳилида кўзи очиқ турган киши!  
Денгизда фароғатдир, соҳилда ёмонлик.

Сен қарашингни икки олам мавжларидан кўтаргин,

Нафасларинг орасидаги вақтда ҳам денгиздан огоҳ бўл.

Бу мисралар ҳар он, ҳар дамда огоҳ бўлишга, ҳушёр бўлишга ундайди. Тариқатдаги инсон ҳар бир ишорани ҳам мулоҳаза,

мушоҳада этиш, мушоҳаба қилиб, моҳиятини англаши лозим бўлган. Тариқатдаги илми ишора ахборот хуружидан ҳимоя этувчи кучли воситалардан биридир. Тариқат илми инсонни ўз қалбига қулоқ солишга, ички товушни эшитишга ўргатади. Бу ғоявий хуружлардан ҳимоя учун муҳимдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тасаввуф ўз жамоа аъзоларини иқтисодий, сиёсий, маънавий-руҳий, тиббий ҳимоя этиб, уларни диний ақидапарастлар қўлига тушиб қолишдан, мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлардан асраган ва комил инсон бўлишига ёрдам берган. Шунинг учун унинг ижобий руҳдаги тажрибаларидан бугунги кунда фойдаланиш зарур. Бу тажриба асосида ижтимоий ҳимоянинг энг самарали услубларини топиб ёшларни, ватанпарвар, садоқатли этиб тарбиялаш, халқимизни эркин ва фаровон яшаши учун имкон яратиши мумкин.

Тариқатлардаги ижтимоий ҳимояга оид тажрибалар таҳлили асосида бугунги кун учун қуйидаги сабоқларни олиш мумкин:

- Ижтимоий ҳимоя тор маънодаги фақат иқтисодий кўмак деб тушунишдан воз кечиш керак.
- Иқтисодий ҳимоя аҳолига иш жойлари очиш, уларни иш билан банд этиш, касб-ҳунар, илм олишларига кўмаклашиб ўз-ўзини иқтисодий таъминлай олиш учун имкон яратиши лозим. Бу соҳада “Меҳр нури”нинг таълим грантлари соҳасидаги иши мақбулдир.
- Ижтимоий ҳимоя кенг тушунча бўлиб, у жамият аъзоси ҳаётига хавф солувчи барча иллатлар: очлик муаммосидан бошлаб сиёсий беқарорлик, тиббий носоғлом муҳит, ақидапараст, террористлар қўлига тушиш, мафкуравий, ғоявий ва ахборот хуружидан ҳимоя эта оладиган барча усул ва йўллари ўз ичига олувчи тизимдир.
- Ижтимоий ҳимоя тизими кучли ва ишчан бўлиши учун шахсий мулк институти ва мулкдорлар синфи ўсиши учун жамиятда барча имкониятлар яратилиши лозим. Шунда ижтимоий ҳимоя мажбурлаш асосида эмас, балки эркин, ўз-ўзини тишқиллаш йўли билан вужудга келади ва жамиятнинг ҳаёт тарзига айланади.

# ИЛОВА

## РИСОЛАИ ҲАЗРАТ АЗИЗОН

Ҳазрат Азизон, яъни Хожа Али Ромитаний рисоласининг ибтидоси.

### БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

Бутун оламлар Оллоҳига ҳамду санолар бўлсин. Расулимиз Муҳаммад, оилалари ва жамии ҳамсуҳбатларига дуо ва саломлар бўлсин. Эй Оллоҳнинг дўсти! Билгилким, Оллоҳ сидқ-чин ростлик, тўғрилиқ, ҳақиқат, яқин-аниқ, муқаррарлик, давлат, иқбол, иззат ва жалолдир. Бу йўлдан борувчи учун риоя этиши зарур бўлган ўнта шарт бор.

**Аввал** улдирким, **таҳоратли** бўлсин, яъни поклансин, пок ва тоза бўлсин.

**Таҳорат** тўрт хил бўлади:

1. **Зоҳирий** таҳорат,
2. **Ботиний** таҳорат,
3. **Дил** таҳорати,
4. **Бош** таҳорати.

1. **Зоҳирий** таҳорат — яъни кўриниб турган, ташқи, юзадаги нарсаларнинг покланиши. У хос ва ном учун маълумдир. Лекин сувнинг пок ва ҳалоллигига имкони борича эҳтиёт бўлиш керак, жомаларнинг поклигини ҳам кўп асарлари бор.

2. **Ботиний** таҳорат — ички томонни поклаш — ҳаром луқма ва ҳаром ичимликлардан сақланишдир. Ҳадисда келтирилганким, кимки бир ҳаром луқма еса қирқ кун унинг фарз, нафл ва дуолари қабул бўлмайди.

3. **Дил** таҳорати — номақбул сифатлар — ғулув-ғалва, қий-чув, тўполон, ҳаддан ошиш, ғаш-алдаш, хиёнат, кина, ҳасад, макр, буғз, адоват, дунё муҳаббатидан покланиш.

Агар зоҳирий ташқи томонларини поклаб, халқга манзур бўлмаса, унинг намоз ва тоатлари қабул бўлмайди. Холиқнинг назарига мақбул бўлган (ботин томон) поклангандан сўнг Илоҳий муҳаббат ва ишқ давлатга мушарраф бўлади.

**4. Бош** таҳорати - Ҳақ Субҳонаҳдан ғайрига таважжух қилиш - юзланиш, қарашдан покланиш.

**Иккинчи шарт** - ношоиста сўзлардан тилнинг **хомушлиги** ва уни Қуръон қироати, амри маъруф, наҳйи мункар, одамларни эзгуликка чорлаш, илм олиш ва илм ўргатиш билан машғул этиш. Қиёмат куни одамларнинг кўпи тилидан чиққан сўзлари сабабли оловга тушгайлар.

### **РУБОИЙ**

Эзид чу бино кард ба ҳикмат тану жон,  
Дар ҳар узве маслиҳате кард ниҳон.  
Гар муфседате надида буди зи забон,  
Маҳбус намекард ба зиндони даҳон.

Мазмуни:

Оллоҳ ҳикмат ила тану жонни яратди,  
Ҳар бир узвда бир маслаҳатни яширди.  
Тилдан бирор ёмонликни кўрмаганида эди,  
Уни оғизнинг зиндонига маҳбус қилмасди.

Марям хомушликни танлагани учун Оллоҳ Таоло Исо (а.с.) ни тифллик чоғида тилга киритган. Кимки Марям каби хомушликни танласа, қалби Исо каби яратиб, уни тилга киритса ундан зўр ажиб ва ғариблик бўлмас.

### **БАЙТ**

То Марям тани ғурфаи қудси нагузинад,  
Бо нафҳаи эҳё чу Масиҳо натавон буд.

Мазмуни:

Марям танасини поклик ошёнига кўтармаганда,  
Масиҳо каби нафаси ҳаёт бағишлайдиган вужудга келмас эди.

**Учунчи шарт** - халқдан **хилват** ва **узлатда** бўлиш, то кўз номаҳрам аёлларга қарамасин. Расул (с.а.в.) айтганларким, номаҳрамга назар заҳарли ўқдир ва у ҳалокатдан ўзга нарсани келтирмас.

Зи тири макри шайотини бад бипўш ду чашм,  
Ҳалок гардй, агар тири коргар ёбй.

Мазмуни:

\*

Ёмон шайтон макри ўқидан кўзингни юмгин,  
Ҳалок бўласан агар унинг ҳаракатдаги ўқини топсанг.

Номаҳрам аёлларга қараш қандай ҳаром бўлса, хушсурат эркакларга қараш ҳам ҳаромдир, мумкин эмас. Нақл борким, расул (с.а.в.) дарвишга нон беришда чиққан Ойишаи сиддиқага айтганларким, «Нега нон чиқардинг, у ахир эркак». Ойиша айтдилар: «Бу дарвишнинг кўзи кўрмайди». Пайғамбар (с.а.в.) айтдилар: «Агар у нобино бўлса, сен биносан. Ким номаҳрамга қарашни жоиз кўрса унда куфрни хавфи бор».

Узлатнинг яна фойдаси қўлни ношоиста нарсаларни олишдан сақлаш, ўринсиз жойга боришдан оёқни сақлаш, қулоқни эшитмаслиги, ва нафсни сақлашдирким, у душманларнинг душманидур. Яна ғайб - кўринмас, яширин олам эшикларининг қалб учун очилиши, қалб ойнасидан дунё нақшларининг ўчирилиб, охиратнинг нақшлари шуъла бера бошлашидир.

Тўла софликка эришгандан сўнг унда ваҳдоният - Оллоҳнинг якка ягоналигини акс этувчи нур порлар. У тажаллий аҳли бўлар, яъни оламнинг сир-асрорлари унда намоён бўлар ва фарёд чиқарар.

### РУБОИЙ

3-он май хўрам, ки руҳ хумхона ўст,  
Масте шудам, ки ақл паймонаи ўст.  
Дуде ба ман омад, оташе ба ман зад,  
3-он шамки, офтоб парвонаи ўст.

Мазмуни:

Руҳ хумхонаси бўлган майдан ичдим,  
Ақл унинг қадаҳи бўлган мастлик ҳолатига тушдим.  
Менга шундай шамдан тутун етди ва олов урилдиким,  
Унга куёш парвонадир.

**Тўртинчи шарт - рўзадир.** Рўзанинг фойдаси киши руҳияти билан бўлиб нафсига қарши чиқади. Унинг савоби бениҳоядир — шайтонни йўлини тўсиш, ўзига охират учун қалқон тайёрлаш, очларнинг юрак дардини билиш ва уларга бахшишлар бериш. Тананинг соғлиги учун рўзанинг аҳамияти бениҳоядир. Рўзанинг



табаррук айёмлар бўлган ражаб, зулқаъда, зулҳижжа ойларда хосияти кўпдир. Ҳадисда келтирилганким, «Икки қулоғим кар бўлсин агар мен фалон кишидан эшитмаган бўлсамки, расул (с.а.в.) айтган бўлсалар – ҳалол ойларда (юкорида номлари зикр этилган ойлар – Г.Н.) пайшанба, жума, шанба – 3 кун олинган рўзанинг савоби 700 йилга тенгдир».

**Бешинчи шарт – зикрдир.** Зикрларни айтишда энг фазилатлиси – бу **ЛО ИЛОҲА ИЛЛАЛЛОҲ** – Оллоҳдан ўзга илоҳ – маъбуд йўқ деб айтишдир.

Бар тахти вужуд ҳар ки шаҳаншоҳ аст,  
Ўро суи олами ҳақиқат роҳ аст,  
Ҳар нури яқин, ки дар диле огоҳ аст.  
Дасташ зи баду неки жаҳон кўтоҳ аст.  
3-ин пеш диле бувад ҳазор андеша,  
Акнун ҳама **ЛО ИЛОҲА ИЛЛАЛЛОҲ** аст.  
Эй хожа, туро ғами жамолу жо аст,  
Андешаи боғу, роғу, хирмангоҳ аст  
Мо сўхтағони олами тажриҳдем,  
Моро ғами **ЛО ИЛОҲА ИЛЛАЛЛОҲ** аст.

Мазмуни:

Кимки вужуди тахтида шаҳаншоҳ бўлса,  
У учун ҳақиқат олами томон йўл бор.  
Ҳар дилким, тўғри нурдан огоҳ бўлса,  
Унинг қўли жаҳоннинг яхшию ёмонидан тортилгандир.  
Ундан олдин дилда минглаб андишалар бор эди.  
Энди ҳаммаси **ЛО ИЛЛОҲА ИЛЛАЛЛОҲ**дир,  
Эй хожа, сенда жамол ва жойни ғами бор.  
Боғ, роғ ва хирмангоҳнинг ғами бор.  
Биз тажрид — ягоналик оламининг куйганлариданмиз,  
Бизда **ЛО ИЛЛОҲА ИЛЛАЛЛОҲ**нинг ғами бор.

Зикр қушининг икки қаноти бўлиши керак токим, уларни очиб парвоз этсин. Зикр қушининг қанотларидан бири **ҳузур** бошқаси **ихлос**дир. Билгинким, **ҳузур** - бу Оллоҳ Таолони баланд айтса ҳам, паст зикр этса ҳам билувчи, эшитувчи ва кўрувчи эканлигидан огоҳ бўлишдир. **Ихлос** - ўз ҳаракати ва сўзларида на дунёни истар, на ойни, на мол, на бу дунё ва охиратни истар. Зикр ўртасида айтар:

«Илоҳо мақсуди ман туй, аз ту туро меҳоҳам», яъни «Худойим менинг мақсадим сенсан, сендан фақат сени истайман».

Расул (с.а.в.) айтганлар: «Ким ЛО ИЛОҲА ИЛЛАЛЛОҲ деб айтса, унинг оғзидан қанотлари оқ ва мукамал, зар ва ёқутлардан бўлган кўк қуш чиқиб, кўкка парвоз этиб аршга етади ва арининг товушига ўхшаш овоз чиқаради. Фармон келадиким, «Сокин бўл!». Қуш айтади: «Мени айтган кишининг гуноҳидан ўтмагансан, мен қандай сокин бўлмай» Оллоҳ Таоло: «Сокин бўл сени айтган кишининг гуноҳидан ўтдим, гуноҳлари ёзилган ҳукмномаларни ўчирдим», деб фаришталарни гувоҳ қилади. «Бу қушни авф этиш сувига ботирадилар. Унга Оллоҳ Таоло 70 тил каромат қилади, токим у қиёмат куни соҳибини гуноҳларини покласин. Қиёмат кунида бу қуш келиб, уни айтган кишининг қўлидан олар ва биҳиштгача учар».

Лекин зикрни шундай кишидан таълим олиш лозимким, унга ижозат бўлса, худди ўқни султоннинг ўқдонидан олгани каби. Ўқи бўлмаса, ўқдонни олиш керак.

Хабарингиз борким, бир кунда мингдан минг карра нафас оласиз Ҳар бир- нафас учун савол берилади: «Нега нафас олдинг ва нега нафасни чиқардинг?».

## РУБОИЙ

Зи ҳар нафас ба қиёмат шумор хоҳад буд,  
Гунаҳ макун, ки гунаҳкор хоҳад буд.  
Басе савор, ки фардо пиёда хоҳад шуд,  
Басе пиёда, ки фардо савор хоҳад шуд.

Мазмуни:

Қиёмат кунида ҳар бир нафас санокда бўлади.  
Гуноҳ қилмагин, гунаҳкор бўласан.  
Кўпчилик суворийлар пиёда бўлар,  
Пиёдаларнинг кўпи эса сувориға айланар.

Демак, ғафлат билан ўтган нафасларни банда қазо қилиши лозим. Бу шундай сирдирким, то байъат соҳиби, яъни дўстлар қаторида кирган бўлмаса, уни айтиш мумкин эмас.

Сирре, ки бо ту дорам дар нома чун навиштам,  
Асрор фош гардад аз килки сар бурида.

Мазмуни:

Сен билан бўлган сирни мактубда ёздим.

Бу боши кесилган килк (қалам)дан сирлар фош бўлади.

**Олтинчи шарт— хотирани сақлашдир.**

**Хотира** тўрт қисмдир:

**1. Раҳмоний хотира.**

**2. Малакий хотира.**

**3. Шайтоний хотира.**

**4. Нафсоний хотира.**

1. Раҳмоний хотира— ғафлатга танбеҳдир.

2. Малакий хотира —тоатни тарғиботидир.

3. Шайтони хотира— гуноҳга тазйиқдир.

4. Нафсоний хотира — шаҳватнинг талабидир.

Зикр вақтида хотира пайдо бўлса, Ҳақ йўлдан юрвчи уни йўқотиши керак. Иш вақтида бўлса, уни рад қилиш керакми ёки қабул этиш керакми унга равшан бўлиши лозим. Агар ўзи тамиз — фаҳм қилиб билмаса айтсин: «Худовандо медони, ки намедонам, медонам, ки медони. Он чи хайри туст он каромат фармо» — яъни «Худовандо биласан мен билмайман. Мен биламан сен биласан. Нимаики сенинг хайринг бўлса, каромат қил» ва дуо ўқилиши керак...

**Еттинчи шарт—** Оллоҳ Таолонинг ҳукмига ризо бўлиш. Таваккул ва тафвиз— бутун ишларни Оллоҳга топшириш ҳам шулардандир. Сир, жаҳр, шиддат ва ризода **хавф** - қўрқинч ва **рижо** - умид бўлиши керак. Барча аҳволларда Оллоҳ Таолонинг каримлиги, раҳимлиги ва сатторлиги— айбларни ёпувчи эканлиги қараганда рижо — умид қувват олади. Унинг қаҳҳорлиги, қилган гуноҳлар учун қаттиқ жазолар беришига назар қилганда хавф - қўрқинч қувват олади. Тавфиқ— Оллоҳнинг ёрдами, мададига назар қилганда бандага ризо пайдо бўлади. Оллоҳ истаса тавфиқ беради, истамаса бермайди.

**Тавфиқ** азиз ба ҳар кас надихад,

Ин гавҳари носуфта ба ҳар хас надихад.

Мазмуни:

Тавфиқ азиздир у ҳар кимга берилмас,

Бу асл гавҳарни ҳар хасга бермас.

Ўз тақсир-нуқсон, гуноҳ камчиликларига қараганда хавф пайдо бўлар.

Банда ҳамон беҳ, ки ба тақсири хеш,  
Узр ба даргоҳи худо оварад.  
В-арна сазовори худовандияш,  
Кас натавонад, ки ба жо оварад.

Мазмуни:

Шундай банда яхшидирким, ўз нуқсонларини кўрса,  
Оллоҳ даргоҳидан мағфират сўраса.  
Шундай қилмаганида Оллоҳга муносиб бўлишликни  
Киши жойига келтира олмайди.

Бу дунёда хабар шудирким, жамики аҳволларда хавф ва рижо орасида бўлсин.

Эйман набошу, хожа, ноумед ҳам нашав,  
Ислом дар миёни хавфу рижо бувад.

Мазмуни:

Эй хожа, осуда ҳам бўмагину, ноумед ҳам бўлма,  
Ислом хавфу рижо орасидадир.

**Саккизинчи шарт** – соликлар суҳбатини ихтиёр этиш ва ёмонлардан узоқда бўлиш.

Азизоннинг сўзи будир:

Бо ҳар ки нишастию нашуд жамъ дилат,  
Аз ў нараמיד заҳмати обу гилат.  
Аз сўхбати ў агар табарро накунӣ,  
Ҳаргиз накунад руҳи Азизон беҳилат.

Мазмуни:

Ким билан ўтирсангу қалбинг осуда бўлмаса,  
Сендан суву гилнинг заҳмати кетмаса,  
Ундайларнинг суҳбатидан узоқроқда юрмасанг,  
Азизоннинг руҳи ҳаргиз кечирмайди.

**Тўккизинчи шарт - уйғоқлик.** Унинг фойдалари кўпдир.

Гуфтам: «Ба чи хизмат ба висолат бирасам?»

Гуфто: «Ба тааллуқи Халлоқ Оллоҳ!».

Мазмуни:

Айтдим: «Не хизмат билан сенга етаман?».

Айтди: «Ҳамма вақт Оллоҳ билан боғланишда бўлиш билан».

**Тун** ошиқларнинг хилватхонасидир, ўзгалар уларни ташвиш бермагани ҳолда улар роз ва пиёз ила бу бениёз бўлган ҳазратга (Оллоҳга) арз қиладилар.

Аз субҳи вужуд беҳабар буд адам,  
Он жо, ки ману ишқи ту будем ба ҳам.  
Дар рўз агар касе наёбад маҳрам,  
Шаб аст, ғамат аст маро пеш чи ғам.

Мазмуни:

Адам - йўқлик ҳолатида вужуд субҳидан беҳабар эди,  
Мен ва сен ишк ичра эдик.

Ким маҳрамни кундузи топа олмаса,  
Тун бор, сенинг ғаминг бор, менга не ғам.

Йўл соликлари ҳар қандай топган давлат ва саодатларини тунда топганлар.

Давлати шабгир хоҳй, хез, шабро зинда кун.  
Хуфта нобино бувад, давлат ба бедорон расад.

Мазмуни:

Тунда ҳам олиб билувчи давлатни истасанг, тунни  
тирилтиргин.

Ётган киши кўрдир, давлат эса уйғоқларгагина етар.

**Ўнинчи шарт - луқмани сақлаш.** Луқма ҳалолу пок бўлиши керак. Бу фарздир. Расул (с.а.в.) айтганларким, «Ибодат ўн қисмдан иборатдир. Унинг тўққуз қисми ҳалол рўзи талаб этиш. Қолган бир қисми барча ибодатлардир».

Ҳалол шундайким, машғул бўлган вақтида, яъни шу луқмани тотиш учун меҳнат қилиш вақтида у ОЛЛОҲ билан бўлсин, осий-гуноҳкор бўлмасин. **Тойиб** — пок шундай кишиким, ейишда нияти тоатнинг қуввати бўлсин. Луқма ҳалолу пок бўлгани учун уни исроф этмасин.

Луқмани егандан сўнг зикр билан бўлсин. Агар ғафлатда еса, “БИСМИЛЛОҲ” демасдан егандай бўлади. Ейишда ғофиллар билан ҳамтовоқ бўлмасин.

Маншин бо бадон, ки сўхбати бад,  
Гарчи поқй туро палид кунад.  
Офтоб бад ин бузургиаш,  
Парчаи абр нопадид кунад.  
Гавҳар аз ноқисони раҳ матлаб.  
З-он, ки ин моя комиле дорад.

Мазмуни:

Ёмонлар билан ўтирмагин, ёмон суҳбат,  
Сен пок бўлсанг-да сени палид қилар.  
Қуёш шунча бузург бўлсада, уни,  
Бир булут парчаси кўринмайдиган қилиб тўсади.  
Бу йўлда бўлган ноқислардан гавҳар тилама,  
Бу моя — моҳият, асл жавҳар комилларда бор.

Таомни пишираётган киши ҳам таҳоратда бўлсин. У зикрда бўлиши керак. Тоқим бошқаларнинг ғафлати ва хиралигига сабаб бўлмасин. Хожа ХИЗР бир таомни емабтилар ва айтибдилар «Ҳамир қорган киши таҳоратсиз бўлган, бундай луқма бизга лойиқ эмас». Омин.

**Форс -тожик тилидан Иброҳим ҚОСИМОВ ва  
Гулчеҳра НАВРЎЗОВА таржимаси.**

## РИСОЛАИ ҲАЗРАТ МАВЛАВИ ЖОМИЙ

### Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Сарриштаи давлат, эй бародар, ба даст ор,  
Ин умри гиروми ба хасорат магузор.  
Доим, ҳама жо, бо ҳама кас, дар ҳама ҳол,  
Медор нухуфта чашми дил жониби ёр.

Мазмуни:

Эй бародар, давлатнинг боши (асли, асосини) қўлга киритгин,

Бу қимматли умрингни зиёнга (беҳудага) ўтказма.

Доим, ҳар ерда, ҳар ким билан, ҳамма ҳолда,  
Қалб кўзингни Ёр томон (Оллоҳга қаратиб), пинҳон сақлаган.

Хожаи Бузург (Баҳоуддин Нақшбанд – Г.Н.) ва у кишининг хулафолари тариқатининг ҳосили (Ҳақиқат йўлининг натижаси) эътиқодни тўғрилаш деганлар. Бу ишни амалга оширишда пайғамбар (Муҳаммад с.а.в.) авлодлари, суҳбатдош ва издошлари айтган йўлдан бориб, солих амаллар билан суннатга издош бўлиш, ман қилинган, ҳаром дейилган нарса ва ишлардан парҳез қилиш ва ҳузур (Оллоҳдан доимо огоҳ бўлиш) нинг давомийлигига эришмоқ, шунингдек, бу сифат солиқ (ҳақиқат йўлидан бораётган шахс) нинг малакасига айланмоғи ила ҳосил бўлгай.

**Дину давлатга эришишнинг уч хил йўли бор.**

**Биринчи** - тариқат йўлининг аввали зикрдир. Бунда қалбнинг Оллоҳдан огоҳ бўлиши ҳолатида пок калима Ло Илоҳа Иллаллоҳ (Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқ) ни такрорлашдир.

Барча ҳодисотларга адам (йўқлик) ва фано ҳолати билан қараб, мутолаа этиш ва уларни инкор этиш. Оллоҳни азалий ва абадий вужуд назари билан мушоҳада этиб, уни исбот этиш лозим.

Калимани такрорлаш вақти қалбни Ҳақа юзлатиб бутун куч билан айтсинки, унинг асари юрагига бориб етсину, зоҳирда билинмасин. Зикр айтувчининг ёнида бирор киши бўлса, унинг ҳолатидан хабардор бўлмаслиги керак. Бутун вақтларини шундай зикрга фарқ ҳолатида ўтказсин ва бирор иш билан машғуллик уни бу ишдан сақламасин. Юраётганда,

сўзлаётганида ва тинглаётганда, ётганда ва уйғонганида нима билан машғул бўлса, унинг қалб кўзи очиқ бўлиши ва ҳеч вақт ғофил бўлмаслиги керак.

Тонгдан олдин бу калимани такрорлашга кўпроқ ҳаракат қилса, умид борки, унинг баракоти кечгача етади ва бунга шак-шубҳа йўқ.

Бу калимани такрорлашга аҳамият берганида баъзи вақтда унда ўзидан кетиш ва шуурсизлик ҳолати бўлади. Бу ҳолат жузба (илоҳий тортиш)нинг муқаддимасидир. Ўзини шу кайфиятда сақлаш керак. Қанча муддатда имкон етса, шу ҳолатда туриш даркор. Бу кайфиятда нуқсон юз берса, қайтадан калимани такрорлашни давом эттириш керак, унда малака ҳосил бўлиб, бу кайфиятга озгина таважжух (юзланиш) билан етишиш мумкин бўлади.

Нафасини сақлаб, бир нафасда 1,3,5,7... қанча қила олса калимани такрорлаб, хотирани йўқ қилиш лозим. Бу кайфият жуда азим ҳаловат эканлигини билиб қўй.

**Иккинчи** - таважжух (Оллоҳга юзланиш) ва муроқаб (Оллоҳга яқинлашиш)дир, яъни Оллоҳдан ўзгани мулоҳаза этмаслик. Бутун қувват ва мадорларни қалбга юзланишга сарфлаб, шу маънида ҳаракатни давом эттириш ва шу ҳолатни сақлаш лозимдир, токим ўртадан кулфат кетсун. Бутун мавжудотларга басират кўзи билан қараб, қувват ва мадорлари билан қалбга юзлансин, токим ўртадан орадаги барча суратлар кетсин.

**Учинчи** – робита. Пир – устоз, муршидга тобеъ бўлиш керак, лекин бу пир мушоҳада мақомига етган бўлиши, Оллоҳ зотини тажаллийси ҳақиқатини англаган бўлиб, унинг дийдори зикр фойдасини бериши керак. Бу пир суҳбатидан дийдор давлатига муяссар бўлиб, бунинг асарини имкони борича ўзида сақласин. Агар шу ишда путур етса, унинг суҳбатига яна муурожаат этсин ва шу кайфият унинг малакаси бўлиб қолиши керак.

Шу даражага етиш лозимки, агар у азиз бўлмаса унинг суратини хаёлга олиб бутун зоҳирий ва ботиний қувватларни йиғиб, қалбга юзлансин ва барча хотираларни йўқотсин. Бу ишда то ғайбат (руҳий олам сирлари намоён бўлиш даражаси), то бохудлик кайфияти юз бергунча ҳаракат қилиш ва бу муомалани такрорлаб малака ҳосил қилиш керак.



Кўпинча ҳаракат қилиш керакки, муридда шундай қобилияти бўлсинки, пир унга соҳибихтиёр бўлиб, суҳбатнинг аввалида уни мушоҳада мартабасига етиштирсин.

Бу уч тариқ – Ҳақга бориш йўлидан маълум бўладиги, (бу тариқат нақшбандийдиқда) қалбга юзланиш бу тоифа (амалиёти ва таълимотининг) асосида бор экан. Бу (таълимот ва амалиётни) вуқуфи қалби (қалбдан огоҳлик) деб атайдилар.

Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд вуқуфи қалбийни барча вақтда зарурий деб ҳисоблаган.

Монанде мурғе бош, ки он бар байзаи дил посбон,  
К-аз байзаи дил зоядат мастии завқу қаҳ-қаҳа.

Мазмуни:

Шундай қуш каби бўлсинки, у қалб байзаси (тухми) қўриқчисидир,  
Чунки шу қалб байзасидан завқ, қаҳ-қаҳанинг мастлиги туғилади.

Яна:

Рў бар дари дил биншин, ки он дилбари хиргоҳи,  
Вақти саҳари ояд, ё ба ним шаби бошад.

Мазмуни:

Қалбинг эшигига юзланиб ўтиргин, чунки у дилбар,  
Ё саҳар вақти келади, ё ярим тунда намоён бўлади.

Вуқуфи замоний – замондан огоҳлик бу вақт муҳофазасидир. Вақтни назорат қилиш лозимки, у Оллоҳ билан бирга ўтдим, ё ундан ажралган ҳолда ўтдим.

Вуқуфи адади – сондан огоҳлик – зикрдан ададнинг мулоҳазасини у натижа беридими ё йўқми.

Агар шу уч (калимаи қудсия)га риоя вақтида туш кўрса, тушга эмас, балким асосий мақсадга юзланса, Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд айтадиларки, туш кўриш тоатни қабул қилиш аломатидир. Аммо тушда ҳосил йўқдир.

Байт:

Чун ғуломи офтобам, ҳама зи офтоб гўям,  
На шабам не шабпарастамки, ҳадиси хоб гўям.

Мазмуни: Мен қуёшнинг қулиман (бу ерда барча нурларнинг манбаи назарда тутилмоқда), ҳамма нарсани қуёшдан дейман. Мен кечаси ҳам эмасман ва уни эъзозлаб асрайдиган ҳам эмасманки, тушнинг ҳадисини айтсам.

Кимга Ҳақ Таоло бу йўл (тариқ) билан машғул бўлишни давлат қилиб ато этса, ўзни машхур этмасин, ошкор қилмасдан имкони борича унинг хуфия – яширин бўлишига ҳаракат қилсин. Бу йўлни маҳрам ва номаҳрамдан пинҳон этсин.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан сўрадилар:

- Сизнинг тариқатингизнинг баноси (асоси) нимада?

Ҳазрат айтдилар:

- Анжуманда хилват. Зоҳирда (ошкора) халқ билан, ботинан (аслида, ичидан, қалбдан) Ҳақ субҳонаҳу билан.

Аз дарун шав ошнову аз берун бегонаваш,  
Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.

Мазмани:

Ичдан ошно, лекин ташқаридан бегонадай бўл,  
Бундай зебо равиш жаҳонда, кам бўлади.

Бу тоифадан баъзилар айтганлар: - бу тариқатнинг энг латиф ҳижоби (ўзгалардан пинҳон асровчи тўсиғи) ифода ва истифода этиш суратидир. Бу илмнинг намояндалари ўзгалар суҳбатидан парҳез айлаши керак. Имон нуридан узоқ, табиати зулматига масрур ва даъвогарларнинг суҳбатидан узоқ бўлсин.

Бу силсила хулафоларидан бирида шул рубоий бор (бу рубоий Хожа Али Ромитаний – Ҳазрат Азизонга мансуб – Г.Н.).

Бо ҳар ки нишастию нашуд жамъ дилат,  
В-аз ў нараמיד заҳмати обу гилат.  
Зинҳор зи сўҳбаташ гурезон мебош,  
Варна накунад руҳи Азизон беҳилат.

Мазмуни:

Ким билан ўтирдингу қалбингдир ноҷам,  
Кетмади суву гилнинг заҳмати ҳам.  
Улар суҳбатидан узоқда бўлмасанг,  
Азизоннинг руҳи кечирмас ҳеч ҳам.

Бу тариқа (нақшбандия) сўзларини айтган ва ёзган бу фақир (Абдурахмон Жомий) улардан ихлос ва завқ олди ва шу маънига келди:

Рубоий:

Бо ин ҳама беҳосилию ҳеч каси,  
Дурмондаю норасоию булҳаваси.

Додем туро зи ганжи мақсуд нишон,  
Мо гар нарасидем, ту шояд бираси.

Мазмуни:

Бу ҳосилсизлик ва ҳеч ким бўлишимиз билан,  
Сендан узоқда, етишолмайдиган бир булҳаваслик билан.  
Сенга мақсад ганжини кўрсатдик,  
Биз етишолмасак, мабодо сен етсанг.

Ҳақ Субҳонаҳу барча кераксиз нарсалардан ўзи асрасин,  
бўлиши керак бўлмаган ҳодисалардан паноҳ берсин.

Жомий рисоласи тугади.

Форс-тожик тилидан **Гулчеҳра Наврўзова** таржимаси

## Мундарижа

КИРИШ .....	3
1. НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ ГЕНЕЗИСИ .....	12
1.1. БУДДА ВА НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ .....	12
1.2. СУҚРОТ ВА НАҚШБАНД ТАЪЛИМОТИ .....	15
1.3. ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ ТАЪЛИМОТИ .....	17
1.4. ҚОДИРИЯ ВА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ: УМУМИЙЛИК ВА ХУСУСИЙЛИК. ....	35
1.5. НАЖМИДДИН КУБРО ВА КУБРАВИА ТАРИҚАТИ .....	38
1.6. АҲМАД ЯССАВИЙ ҒОЯЛАРИ .....	42
1.7. АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ВА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД .....	44
1.8. ХОЖАГОН ТАЪЛИМОТИДА "ВАҚТ" ТУШУНЧАСИ .....	47
1.9. АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙНИНГ "ВАСИЯТНОМА" АСАРИ ХУСУСИДА .....	49
1.10. ХОЖА АЛИ РОМИТАНИЙ ТАЪЛИМОТИ .....	52
1.11. ОРИФ ДЕГГАРОНИЙ – БАҲОУДДИН НАҚШБАНД УСТОЗИ .....	75
2. БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ БИЛИШГА ОИД ҚАРАШЛАРИ .....	82
3. НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ ТАДРИЖИЙ ТАРАҚҚИЁТИ <sup>117</sup>	
3.1. ЖОМИЙ ВА НАҚШБАНДИЯ .....	117
3.2. “РИСОЛАИ ҲАЗРАТ МАВЛАВИ ЖОМИЙ” – нақшбандийликнинг муҳим манбаи .....	128
4. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФАЛСАФИЙ ОҚИМЛАР ВА НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ .....	135
4.1. ШАРҚ ГЕРМЕНЕВТИКАСИ ТАРАҚҚИЁТИДА БАҲОУДДИН НАҚШБАНДНИНГ ЎРНИ .....	135
4.2. НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИ ВА ЭКЗИСТЕНЦИАЛИЗМ. .....	146
4.3. НАҚШБАНДИЯ ВА СИНЕРГЕТИКА .....	149
ХУЛОСА .....	165
ИЛОВА .....	174
РИСОЛАИ ҲАЗРАТ АЗИЗОН .....	174
РИСОЛАИ ҲАЗРАТ МАВЛАВИ ЖОМИЙ .....	183

Г.Н.Наврўзова

## НАҚШБАНДИЯ – КАМОЛОТ ЙЎЛИ

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти  
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган

Муҳаррирлар: М.Содиқова, М.Болтаев

Компьютерчи: Р.Жумаев

Мусахҳих: Р.Жумаев

Нашриёт рақами: М-634. Босишга рухсат этилди 05.06.07.  
Қоғоз бичими 84/108 Офсет босма. Офсет қоғоз. Ҳисоб нашриёт  
т.10,0. Шартли босма т.10,0. Буюртма 245. 500 нусхада.  
Келишилган нархда.

ЎзРФА “Фан” нашриёти: 100047, Тошкент, академик Яҳё  
Ғуломов кўчаси, 70.

Босмахона манзили: Бухоро шаҳар “Матбаа”  
босмахонасида чоп этилди.  
Бухоро шаҳри, С.Муродов кўчаси – 265.





ISBN 978-9943-09-273-0



9789943092730